

O‘zbekiston Respublikasi

Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta’lim

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

2(83)/ 2022

**Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Xorijiy filologiya: til, adabiyot, ta'lim.

№2 (83), 2022.

Uch oyda bir marta chiqadigan ilmiy-uslubiy jurnal

Muassis: Samarqand davlat chet tillar
instituti

Tahrir hay'ati:

TUXTASINOV Ilhomjon (rais)
SAFAROV Shahriyor (bosh muharrir)
ASHUROVA Dilorom
ASHUROV Shahobiddin
TURNIYOZOV Ne'mat
RIZAYEV Bahodir
(muharrir o'rinbosari)
MIRSANOV G'aybulla
NASRULLAYEVA Nafisa
ISMOILOV Salohiddin
KISELYOV Dmitriy
YAXSHIYEV Ashur (mas'ul kotib)

Jamoatchilik kengashi:

MIRZAYEV Ibodullo
USMONOV O'rol
RAHIMOV G'anisher
KARASIK Vladimir (Rossiya)
FRUHAUF Manfred (Germaniya)
AUSTERMUEL Frank (Buyuk Britaniya)
JIANG Feng (Xitoy)
SERGE Bellini (Fransiya)
PEDACE Magda (Italiya)
CHIHARU Tsurutani (Avsraliya)

Jurnal Oliy Attestatsiya komissiyasining filologiya fanlari bo'yicha ekspert kengashi (2014 yil 10 martdagi 2-sonli bayonnoma) tavsiyasi bilan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Tahririyat manzili:

Samarqand sh., Bo'stonsaroy ko'chasi, 93, SamDCHTI.

Telefonlar: (998-91) 538-68-85;

Faks: (998-662) 210-00-18.

Email: ssifl_info@mail.ru

Jurnal Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan № 09-12 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN: 2181-743X; Indeks 1266.

Jurnal 2001 yildan chiqa boshlagan.

© Samarqand davlat chet tillar instituti,
2022 yil.

Foreign Philology: Language, Literature, Education.

№2 (83), 2022.

Scientific-methodical journal

Founder: Samarkand State Institute of Foreign
Languages

Editorial Board:

TUKHTASINOV Ilhomjon (chairman)
SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)
ASHUROVA Dilorom
ASHUROV Shahobiddin
TURNIYOZOV Nemat
RIZAYEV Bakhodir
(vice editor)
MIRSANOV Gaibulla
NASRULLAEVA Nafisa
ISMAILOV Salohiddin
KISELYOV Dmitriy
YAKHSHIEV Ashur (executive secretary)

Public Council:

MIRZAEV Ibodullo
USMONOV Ural
RAKHIMOV Ganisher
KARASIK Vladimir (Russia)
FRUHAUF Manfred (Germaniya)
AUSTERMUEL Frank (Great Britain)
JIANG Feng (China)
SERGE Bellini (France)
PEDACE Magda (Italy)
CHIHARU Tsurutani (Australia)

The journal is included in the list of required publications according to the recommendation of the expert council in filological sciences of Higher Attestation Committee (Proceeding #2 from March 10, 2014).

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.

Phone: (998-91) 538-68-85;

Fax: (998-662) 210-00-18

Email: ssifl_info@mail.ru

The journal is registered under No 09-12 by Samarkand Regional Department of press and information.

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

The journal has been published since 2001.

© Samarkand State Institute of Foreign Languages,
2022



MUNDARIJA

MAQOLALAR

Сафаров Ш. Тажовузли нутқий ҳаракатнинг лисоний воқеланиши	5
Ruziqulov F., Raxmonova A. Zamonaviy o‘zbek va ingliz badiiy asarlarida “Tabassum (Smile)” leksemasining o‘ziga xos stilistik xususiyatlari	11
Пардаева З. Интеграционные филологические методы исследования	20
Хайруллаев Х. Сўз таркибида морфемалар муносабатига доир айрим мулоҳазалар.....	25
Умурова Г. Адабий жараёнда ижтимоий лирика	29
Одилов Б. “Хиёнат” тушунчасининг маданиятлараро мезонлари	33
Попов Д. Она тилининг нутқдаги ифода имкониятлари	37
Xalova M. Lirikada kechinmalar ramziyligi	44
Сайфуллаева Р., Нурманова Д. Сўз ўртасида (инлаутда) ундошлар зидланишининг мўътадиллашуви	48
Бузрукова М. Инглиз тилида прескрептив (буйрук) нутқий актининг прагмалингвистик таҳлили (У. Якобснинг ҳикоялар тўплами асосида).....	55

ILMIY AXBOROTLAR

李晨旭 (Li Chenxu). Методика преподавания китайской иероглифики при обучении иностранных студентов	60
Турдиева Н. Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати	64
Назарова Н. Эртак матни жанр хусусиятлари	69
Xoliqova L. Filologik yo‘nalish talabalarining tadqiqot qobiliyatini ingliz tili o‘qitish orqali rivojlantirish	73
Саттаров У. Замонавий ўқув адабиётларни яратиш асослари	78
Джураев Б. Итератив ходисаларнинг лингвокогнитив асослари	83
Shukurova R., Xayrullayeva A. Zoonim komponentli frazeologik birliklarda inson tashqi qiyofasining ifodalanishi (fransuz tili materialida)	90
Баёнханова И. Муомала маданиятида нутқий мулоқот одобини ифодаловчи мақолларнинг хусусиятлари (ўзбек ва корейс тиллари мисолида)	96
Nasimova D. Fransuz tilida bir bo‘g‘inli so‘zlarning fono-semantik tahliliga doir.....	101
Юсупова М. Категории пространства и времени когнитивного сценария в художественном тексте	109
Мусаев А. Каузатив маъноларнинг концептуал тадқиқи хусусида	116
Бердиева Г. Темпораллик ва замоннинг назарий талқини	125
Ҳақбердиева Г. Гендер тилшунослиги ривожининг асосий босқичлари	132
Ахмедова Д. X аср тожик шеърлятида қитъа жанрининг бадиияти	138



CONTENTS

REPORTS

Safarov Sh. Verbalization of the aggressive speech acts.....	5
Ruziqulov F., Raxmonova A. Stylistic features of the lexeme “smile (tabassum)” in modern Uzbek and English novels.	11
Pardayeva Z. Integration philological research methods	20
Hayrullaev H. Some remarks on the correlation of morphemes in words.	25
Umurova G. The social lyricism in creative process.	29
Odilov B. Intercultural criteria of the concept of "betrayal"	33
Popov D. Possibilities of expressing the native language in speech.	37
Khalova M. The symbolism of experiences in lyricism.	44
Sayfullayeva R., Nurmanova D. Moderation of the opposition of consonants in the middle of the word (inlaut) in the Uzbek language.....	48
Buzrukova M. Pragmalinguistic analysis (based on a collection of stories by W.Jackobs)	55

SCIENTIFIC INFORMATIONS

Li Chenxu. Methods of teaching Chinese hieroglyphics in teaching foreign students.....	60
Turdiyeva N. The interaction of language and culture.	64
Nazarova N. Genre peculiarities of the fairy tale text	69
Holikova L. Developing Students Research Skills Through Project Based Learning.	73
Sattarov U. Basics of creating modern educational literatures.....	78
Djurayev B. Linguocognitive basis of iterative issues.....	83
Shukurova R., Xayrullayeva A. Expression of human appearance in phraseological units with a zoonym component.	90
Bayonkhanova I. Speech in communication culture (on the example of Uzbek and Korean languages).	96
Nasimova D. On the phonosemantic analysis of monosyllabic words in the French language.	101
Yusupova M. Categories of space and time of a cognitive scriptin a fiction text.	109
Musayev A. On the conceptual study of cauzative meanings.....	116
Berdiyeva G. Temporality and interpretation of time.....	125
Khakberdiyeva G. The main stages of development of gender linguistics.	132
Akhmedova D. Use of artistic means in the genre of kit'a in Tajik poetry in the 10th century	138



ТАЖОВУЗЛИ НУТҚИЙ ҲАРАКАТНИНГ ЛИСОНИЙ ВОҚЕЛАНИШИ

*Сафаров Шахриёр Сафарович,
СамДЧТИ профессори, филология фанлари доктори*

Калит сўзлар: тажовуз, дискурс, нутқий мулоқот, лисоний воқеланиши, нутқий акт.

Шахслараро мулоқот турли вазият, шароит, контекстларда кечиши билан биргаликда маълум мақсадни кўзлаган ҳолда бажарилади. Шу кўрсаткичларга биноан мулоқот турлари фаркланади. Ажратилаётган турларниёнг қарийб барчасида ахбор алмашинуви билан боғлиқ ҳаракатлар бажарилади. Аммо, нутқий мулоқотни фақат ахборот алмашинувини таъминловчи семиотик ҳодиса сифатида қарамасдан, балки руҳий жараён ҳам эканлигини унутмаслик лозим. Ушбу жараён, ўз навбатида, когнитив моҳиятга (идрок этиш, тафаккур юритиш, тасаввур қилиш) эга бўлиш билан бир қаторда, эмоционал хусусиятдан ҳам холи эмас. Оқибатда нутқий ҳаракатнинг баъзан тажовузкорона кечиши кузатилади.

Нутқий тажовуз инсонга хос тажовузкорона хатти-ҳаракатнинг лисоний воситалар орқали воқеланишидир. Д.В.Жмуровнинг таърифича, тажовузнинг воқеланиши тажовузкорона эмоциянинг инсон томонидан лисоний ифодаланишидир (Жмуров 2005). Бундай турдаги нутқий ҳаракатдан суҳбатдошга босим ўтказиш ва ўзининг устуворлигини намойиш қилиш мақсади кўзланади.

Умуман, тажовузли нутқий мулоқот деструктив (бузувчанлик) хусусиятига эга бўлган мулоқот туридир. Бузғунчилик характери намоён бўладиган ушбу турдаги мулоқотда “суҳбатдошга онгли равишда жисмоний ва руҳий зарар етказиш мўлжалланади ва сўзловчи ўзининг ҳақлигига ишонади” (Волкова 2012).

Руҳшунослар тажовуз (арессия)нинг таснифий белгиларини ажратиш ва гуруҳлашни маъқул кўрадилар. Америкалик олим А.Басс ўз пайтида

тажовузкорона ҳаракатнинг саккизта турини фарқлаган эди (Buss 1961):

1) жисмоний тажовуз (хужум қилиш) – бошқа кишига нисбатан куч ишлатиш;

2) лисоний (нутқий) тажовуз – салбий муносабатни лисоний бирликлар воситасида билдириш;

3) билвосита тажовуз – бошқа кишига нисбатан муносабатнинг орқаворотдан билдирилиши (ғийбат, ҳазил кабилар);

4) негативизм – раҳбарлар ёки бошқа шахсларга нисбатан салбий муносабат;

5) асабланишга мойиллик – салбий эмоциянинг намоён бўлиши;

6) хафа бўлиш – бирон нарсдан қоникмаслик натижасида юзага келадиган хатти-ҳаракатлар;

7) хавфсираш, гумон қилиш – бошқаларга ишонмасликка мойиллик;

8) айбни ҳис этиш (аутогрессия) – ёмон одам эканлиги, ҳаракати нотўғри эканлигига ўзини ишонтириш (виждон қийналиши).

Таснифдан равшанки, психологлар, лисоний тажовузни алоҳида тур сифатида қараш ва уни салбий ҳиссиётнинг нутқий воқеланиши кўламида тавсифлаш тарафдоридирлар. Дарҳақиқат, лисоний шаклдаги тажовуз нутқий мулоқотнинг кенг тарқалган турларидан биридир. Энг асосийси – нутқий тажовуз жисмонийга нисбатан кўпроқ таъсирчан ҳамда адресат руҳий ҳолатини тамоман “вайронага айлантириш” имкониятига эга бўлиши мумкин (Brandt, Pierce 2000& 7).

Нутқий тажовуз ҳодисаси таҳлили билан шуғулланувчи тадқиқотчилар ушбу ҳодисани “мулоқотнинг бир текис кечишига тўсқинлик қилиш”, “тажовузли



жисмоний ҳаракатни алмаштирувчи нутқий акт”, “ножўя ҳодиса”, “коммуникатив номутаносибликни юзага келтириш усули” каби изоҳлар орқали тавсифлайдилар (Потапова, Комалова 2015; Жирова, Ларионова 2016). Ушбу тавсифий белгиларга асосланган ҳолда тажовузли нутқий ҳаракатларнинг лисоний манбаларини аниқлаш мумкин. Мазкур манба хизматини тил тизимининг барча сатҳларига оид бирликлар ўташга қодир эканлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Бундан, албатта, фонетик сатҳ ҳам истисно эмас. Жумладан, “t” товуши ириллаш, бўкиришдан хабар беради: goar, cry, scream, ring, rigid; “бақирмоқ”, “қичқирмоқ”, “ирриламоқ”, “йиртмоқ” кабилар. Шунингдек, “z” товуши кўпгина ҳолатларда жисмоний ва ҳиссий ғазабдан дарак беради: zap, zipper, razor, fizz, sizzle; занғимоқ, зарар, зарда, захар–заққум, зил, золим, зўрламоқ кабилар. Инглиз тилида таҳдид қилиш ва кўрқитиш мазмунларини ифодалашда “s” ва “o” товушларидан ҳам фойдаланилади: his, spit, spinous, threat, theft, thievishly, thorn, etc.

Сўзловчиларнинг тажовузли ҳис–ҳаяжонини ифодалашда луғавий бирликларнинг роли алоҳида. Луғавий бирликлар воситасида ҳосил бўлаётган нутқий актларда тажовуз, таҳдид асосан ошқора ифода топади. Ушбу мақсадни рўёбга чиқаришга мойил луғавий бирликлар турли гуруҳларга оид бўлади:

- салбий маъно бўёғига эга экспрессив сўзлар (узиб ташламоқ, портлатмоқ, тарсаки туширмоқ, ҳаддидан ошмоқ, эсанкирамоқ, аянчли кабилар). Шу гуруҳга алдаш ва ўлим маъноларига эга бирликлар ҳам киради.

- баҳо муносабатини ифодаловчи неологизмлар. Мазкур гуруҳдаги сўзлар одатда турли салбий маънога эга сўз ясовчи кўшимчалар ёрдамида ясалади:

- турли кўринишдаги ўхшатиш ва метафоралар;

- алоҳида шахсларнинг салбий хусусиятларига ишора қилувчи кўпол маънодаги сўзлар (аҳмоқ, ноодам, фашист, фоҳиша кабилар);

- маълум бир этник гуруҳни атовчи ёки диний оқимларга тегишлиликни белгиловчи лексемалар (лўли, негр, сарт, ваҳобист, шаҳид кабилар);

- ҳақоратли (инвектив) сўзлар ва дисфемизмлар (хайвон, чўчка, эшак.....);

- арго, жаргонизм, диалектизмлардан маълум вазиятларда фойдаланиш;

- нутқий акт перлокутив самарасини кучайтирувчи равиш ва олмош туркумларидаги сўзлар.

Эслатиш жоизки, санаб ўтилган луғавий воситалар миллий–маданий кўрсаткичларга эга бўлиб, уларнинг тажовузкорона дискурса фаоллашуви лисоний маданиятлараро фарқ қилади.

Грамматика сатҳида ҳам нутқий тажовузнинг кўрсаткичлари бир нечта кўринишларга эга:

- буйруқ майли шаклидаги феъл тузилмалари;

- перформативнинг кўлланиши (“Сенга айтаяпман: қачон жим бўласан?”);

- сўзлар маъносига камситиш, ҳақоратлаш маъносини киритувчи суффикслардан фойдаланиш;

- турли хил грамматик кўчимлардан фойдаланиш.

Тажовузли ҳаракатнинг лисоний воқеланишини таъминловчи синтактик–стилистик воситаларнинг кўлами анча кенг. Бундай воситалардан баъзиларини эслатамиз:

- метафора, метонимия, эпитет, ўхшатиш ҳамда киноя, сарказм каби концептуал ҳосилалар;

- услубий бўёққа эга лексик шакллар (масалан, кичрайтириш маъносидаги суффикслар ёрдамида ясалган диминутивлар);

- тўлиқсиз, йиғиқ гапларни кўллаш;

- синтактик такрор ва параллель конструкциялардан сўзловчининг салбий муносабати ва таҳдидни кучайтириш мақсадида фойдаланиш;

- тескари сўз тартибига эга гаплар ва эллипсис тузилмаларидан фойдаланиш.

Тажовузли нутқий ҳаракатларнинг дискурса фаоллашувида маълум турдаги прагматик кўрсаткичлар намоён бўлади:



- суҳбатдошнинг ёки тавсифланаётган объектнинг мақомини пасайтириш (шахснинг обрўсини тушириш);

- суҳбатдошга ишонмаслик, унинг фикрига гумон билдириш;

- адресатдан узоқ туриш, унга бегонадек муносабат билдириш;

- сўз ўйини услубидан фойдаланиш;

- бир–биридан узоқ, турли тартиботли ҳодисаларни яқинлаштириш йўли билан мантиқий боғлиқликни инкор этиш.

Бундан ташқари, ёзма матнда тажовузли нутқий ҳаракатни ифодалашда график воситалардан ҳам фойдаланилади. Масалан: ундов, савол белгиларига тез–тез мурожаат қилиш, кўп нуқта қўйиш, қўштирноққа олиш кабилар кўрсатилаётган нутқий тажовуздан хабар бериши мумкин.

Ҳар қандай нутқий ҳаракат каби тажовузли нутқий ҳаракатда маълум коммуникатив–прагматик мақсад бажарилади. Прагматик мазмун ифодасига кўра турли кўринишдаги нутқий актлар гуруҳлари ажратилади. Тажовузли нутқий актлар қаторига ҳақорат, таҳдид, қаршилик кўрсатиш, қарғаш, мазах қилиш, айблаш хафалигини намойиш қилиш, заҳархандалик кўрсатиш, кўпол равишда буюриш каби прагматик мазмунни вокелантиришга йўналтирилган ҳаракатлар кирази.

Ҳақорат мазмунига эга нутқий акт тажовузнинг ўта кўпол кўринишда вокеланишига мисол бўла олади. Ушбу нутқий акт инсон шахсияти, қадр–қимматига қаттиқ таъсир кўрсатади. Шу боис, ҳақорат ҳуқуқий тилшунослик доирасида таҳлил қилинади ва ундан фойдаланган сўзловчи айбдорликка тортилиши мумкин (Галишина 2003).

Е.В.Романованинг кузатишича, ҳақорат лисоний ифода шаклига биноан эмас, балки таъсир кучига нисбатан аниқланади. Зеро, ҳар қандай маънодаги сўз ҳам маълум бир вазиятда керакли оҳангда қўлланишида ҳақорат мазмунида қабул қилиниши мумкин (Романова 2006: 66).

Тилшунослар баъзан “инвектива” деб атайдиган ушбу жанрдаги нутқий акт одатда баҳс–тортишув жанжалнинг юқори босқичида вокеланади ва турли хил ҳақоратомуз сўзларнинг фаоллашуви кузатилади (Масалан: “Сен ўта кетган ҳайвонсан, ақли йўқ эшаксан!”)

Равшанки, ҳақорат нутқий актининг прагматик мўлжали тингловчи руҳий зарар етказишдан ва шу йўсинда адресатни зиддиятли тўқнашувга чақиритишдан иборат. И.В.Стерниннинг қайдича, нутқий ҳақорат маълум шахсга нисбатан кўпол луғавий бирликларнинг қўлланишидир (Стернин 2010: 17). Бунда қўлланилаётган лексема кўпол, ҳақоратли маънога эга бўлиши билан биргаликда, маълум шахсга йўналтирилиши ва бошқа шахслар гувоҳлигида айтилиши шарт. Зотан, кўпол лексик бирликнинг бундай адресли ва мулоқот маданияти меъёрига хилоф равишда нутқий фаоллаш адресатнинг ижтимоий мавқесини бошқалар олдида ерга уришга сабаб туғдиради.

Мазкур мазмундаги луғавий бирликларнинг адресатсиз ёки ҳеч кимга эшиттирмасдан айтилиши сўзловчининг ҳиссиётидан хабар берса-да, лекин, ҳақорат нутқий акти вазифасини бажаравермайди (қиёсланг: Бриннев 2010).

Мулоқот иштирокчиси баъзан тажовуз кўрсатиш ниятида фаол бўлса-да, бироқ, ўз фикрини тўғридан–тўғри ифодаламасдан, балки бошқалар орқасида яширинган ҳолда, уларнинг салоҳиятидан фойдаланиб, изҳор қилади. Бунда бевосита тажовуз кўпинча ноаниқ, умумлаштирилган манбаларга ишора шаклида вокеланади. Бундай турдаги нутқий жанр иғво кўринишига эга.

Таҳдид нутқий акти суҳбатдошларнинг ўзаро муносабати кескинлашаётган вазиятларда фаоллашадиган ҳаракатлардан биридир. Масалан, “Овозингни ўчирмасанг, тилингни кесиб ташлайман!” гапининг нутқий фаоллашувида сўзловчининг тингловчига нисбатан таҳдиди намоён бўлади.

Таҳдид нутқий акти бевосита ва билвосита кўринишларга эга бўлади.



Таҳдид бевосита ифодаланишида нутқий тузилманинг грамматик шакли асосий кўрсаткич бўлса, яширин таҳдид тузилмаси эса ўзига хос оҳангда талаффуз қилинади (“Гапни туш–инг–динг–ми?”) Риторик сўроқ ҳам таҳдидни билвосита ифодалаш воситаси бўла олади.

Қатъий талаб ёки буйруқ ҳамда унга нисбатан билдириладиган инкор жавобини ҳам тажовузли нутқий актлар қаторига киритиш мумкин. Аммо ушбу турдаги нутқий актлар тажовузнинг юмшоқ шаклда ифодаланиши намунасидир. Ю.В. Щербинанинг фикрича, талаб ва инкор тажовузли қабул қилиниши учун нутқий вазият маълум кўрсаткичларга эга бўлиши зарур (Щербинина 2013) – кўпол шаклдан фойдаланиш, хурмат категорияси коидаларига амал қилмаслик (“Қани жойни бўшатиб қўйингчи!”);

- кўпол оҳангга мурожаат қилиш;
- сўзловчининг мақоми ва ёши

бундай ҳатти–ҳаракатга мос келмаслиги.

Ушбу тузилишдаги нутқий вазиятда буйруқ, талаб бевосита ифодаланади, хурмат шаклларида фойдаланилмайди, этикет меъёрига мос келмайдиган буйруқ оҳанги етакчилик қилади.

Баъзи нутқий вазиятларда прохибитив нутқий акти ҳам тажовузли эшитилиши кузатилади. Жумладан, инглиз тилидаги Don't be a fool “Ахмоқ бўлма”, Don't be an ass “Эшаклик қилма” каби тузилмаларнинг прагматик вариантлашув доирасида “Сен–ахмоқсан!”, “Сен–эшаксан!” мазмунларини ифодалаш кузатилади (Сафаров 2018: 264). Демак, адресат бажаришни истаётган ҳаракатни таъқиқлаётган сўзловчининг эркинлигини чегаралайди, унга нисбатан тажовузли муносабатда бўлади.

Адресатга танбеҳ бериш мақсадида бажариладиган коммуникатив ҳаракат кўпинча айблаш нутқий акти орқали воқеланади. Сухбатдошнинг бирон–бир ҳатти–ҳаракатидан қониқмаслик уни айблашга сабаб туғдиради ва ушбу айблов бевосита (“Сен ёмон онасан”) ёки тағмаъноли ифодаланади. Е.Ю.Щербинина, бундан ташқари, айбловнинг бошқа шахсларга ишора

қилиш (“Бошқа эрлар эрдек, Сиз эса...”) ва салбий эмоция ифодаси (“Сўкинмасликнинг иложи йўқ”) орқали маълум қилинишини эслатади (Щербинина 2013: 231). Бунда кўпинча риторик савол, ундов тузилмалари ҳамда юкламалардан фойдаланилади. Айблов нутқий актига яқин турадиган нутқий ҳодисалардан бири таънадир. Таънанинг айбловдан фарқи, унда адресатнинг хатоси, камчилигини тўғридан–тўғри кўрсатиш прагматик мўлжали воқеланишида намоён бўлади. Масалан: “Сен ҳар қачон вазифани бажаришни унутасан”.

“Таъна, - деб ёзади Е.В.Романова, - адресатни у ёки бу қондани бузишда айблаш, унинг маълум бир соҳадаги қобилиятсизлигига бевосита ишора қилиш ҳаракатидир” (Романова 2006: 68). Айнан адресатнинг ноўрин ҳатти–ҳаракати, ўз ҳиссиётларини назорат қила олмаслиги, ташқи кўринишидаги камчиликлари, ахлоқсизлиги, ноуддабуронлиги кабилар унга нисбатан айблов қўйилишига сабаб бўлади. Баъзан айблаш ҳаракати кинояли мактов воситасида амалга оширилади, чунки бундай ҳаракат орқали сухбатдошга бўлган танқидий муносабат маълум қилинади.

Тажовузли муносабатни изҳор қилишнинг юмшоқ шакллари ҳам мавжуд. Булар қаторида огоҳлантириш, норозилик билдириш, нафратланиш кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Психоллингвистларнинг талқинича, қарғаш нутқий акти негизда сеҳр, жодунинг қадимги шакллари туради ва ушбу тузилма кундалик мулоқот шароитида фаоллашади (Седов 2007: 268). Қарғиш баъзи жиҳатлари билан ҳақоратни эслатади. Масалан: “Бу нима қилганинг? Қайси жойинг билан ўйлаяпсан? Илоҳим қўлинг синсин!”.

Тажовуз мазмунига эга бўлган нутқий актлар айрим ҳолларда билвосита ифодаланиши юқорида эслатилди. Шулар жумласига мазах қилиш ҳаракати ҳам киради. Ушбу ҳаракат воситасида сухбатдошга бўлган салбий муносабат, унинг ҳатти–ҳаракатлари, қобилияти, ўзини тутишини сўзловчига маъқул



келмаётгани тағмаъноли, яширин кўринишда маълум қилинади.

Киноя прагматик мазмун ва перлокутив самараси жихатидан мазах қилишга жуда яқин турадиган нутқий актдир. Киноя тажовуз, нафратни билвосита, имплицит ифодалаш усулидир. Тадқиқотчиларнинг қайдича, киноя тил захирасидан фойдаланишнинг мураккаб усули бўлиб, унинг воқеланишида семантик референция ва сўзловчи референцияси мос келмайди (Кудоярова 2008: 54). Кинояга мурожаат қилишдан мақсад тескари перлокутив самарага эришишдир. Кинояли нутқ ҳақоратдан ҳаракатдан фарқли равишда, юмордан холи эмас ва худди шу ҳолат салбий эмоция ҳамда муносабатнинг юзага чиқишига имкон беради. Шу аснода, суҳбатдошнинг устидан қулиш, камситиш каби амаллар бажарилади. Ушбу амаллар каторидан ғазабланиш, нафратланиш, менсимаслик, кўролмаслик кабилар ўрин олганида эса киноя захархандалик мазмунини олади. Бундай мазмундаги нутқий акт ўта кескин муносабат вазиятида фаоллашади.

Бундан ташқари, тажовузли нутқий актларнинг лисоний таҳқирлаш (коммуникатив садизм) ва лисоний экстремизм турлари ҳам ажратилади. Буни, айниқса, оммавий ахборот воситаларида диний экстремизм, миллатчилик ғояларининг тарғиб қилинишида кузатиш мумкин (Галяшина 2006). Шунингдек, кейинги пайтларда интернет тизимида коммуникатив таъқиб (троллинг) ҳаракати кучаймоқда. Троллингдан кўзланадиган мақсад суҳбатдошни зиддиятга ундаш ва оқибатда коммуникатив муносабатни тўхтатишдир (Шмаков 2014).

Шундай қилиб, тажовузли нутқий ҳаракат шахслараро муносабат доирасида юзага келадиган ҳодиса бўлиб, унинг лисоний воқеланиши фонетик, лексик, семантик, грамматик, синтактик сатҳларда бир хилда кузатилади. Прагматик қийматга эга бўлган ушбу ҳодиса табиати дискурс таркибида намоён бўлади. Тажовуз мазмунига эга нутқий актлар таснифий белгиларини ажратувчи мезонлар мажмуасини янада аниқлаштириш борасидаги изланишлар давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жмуров Д.В. Насилие (агрессия) и литература. – Иркутск: АС Прин, 2005. – 252 с.
2. Волкова Я.А. Коммуникативная личность в ценностных параметрах неэкологического общения // известия Волгоградского гос. пед. у-та. Серия “Филологические науки”. – Волгоград, 2012. № 8 (72). – с. 4-7.
3. Buss A.H. Psychology of Agression. – New York: Willy, 1961.
4. Brandt D., Pierce K. When a Verbal Abuse is serious? The Impact of Relationship Variables on Perceptions of Servery. 2000. <http://murphylibrary.uwlaw.edu/digital/jur2000/brandt-piece.pdf>.
5. Потапова Р.К., Комалова Л.Р. Вербальная структура коммуникативного акта агрессии: тематический толковый словарь. Вып. 1. – М.: ИНИОН РАН, 2015. – 146 с.
6. Закоян Л.М. Выражение агрессии в современном русском и английском языках: на материале американского национального варианта. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М.: 2010.
7. Жирова И.Г., Ларионова А.С. Семантика агрессии. – М.: ИИУ МГОУ, 2016. – 162 с.
8. Галишина Е.И. Основа судебного речеведения. – М.: СТЭНСИ, 2003. – 236 с.
9. Романова Е.В. Речевые ситуации с семантикой невежливости (на материале немецкого языка) // Научный Вестник Воронежского у-та. Серия “Современные лингвистические методико-дидактические исследования”. – Воронеж, 2006. № 6. С. 64-78.
10. Стернин И.А. О понятии “неприличная форма высказывания” в лингвистической экспертиза // Воронежский адвокат, 2010. № 1 (79). – С. 16-21.



11. Бринев К.И. Экспертиза фонограммы с потенциальными угрозами: [http: Siberia expert.com/index/dolg k I brineb/0-78](http://Siberiaexpert.com/index/dolg_k_Ibrineb/0-78).
12. Щербинина Ю.В. Речевая агрессия: Территория вражды. – М.: Форум, 2013. – 272.
13. Сафаров Ш. Лингвистика дискурса. – Челябинск: ЧГИК, 2018. – 315 с.
14. Дубровская Т.В. Речевые жанры «осуждение» и «обвинение» в русской и английской лингвокультурах. – Пенза: Изд-во ПГУ, 2014. – 272 с.
15. Седов К.Ф. Ссора // Антология речевых жанров: повседневная коммуникация. – М.: Лабиринт, 2007. – С. 259-269.
16. Кудоярова О.В. Емоційні тактики у конфліктному професійному спілкуванні медиків // Вістник СумДУ, 2008. № 1. – С.51-56.
17. Галяшина Е.И. Лингвистика и экстремизм: в помощь судьям. – М.: Юридический мир, 2006. – 96 с.
18. Шмаков А.А. Специфика бытия текста в девиантной коммуникации в диалогических форматах интернет – коммуникации // Филология и человек. – Барнаул, 2014. № 2. – С. 161-173.

Сафаров Ш. Вербальная реализация агрессивного речевого акта. В статье рассматриваются экстра-и интралингвистические факторы способствующие лингвистической репрезентации агрессии в процессе речевой и письменной коммуникации.

В системе каждого языка выделяются определенные группы языковых единиц, которые участвуют в реализации прагматического значения агрессии. Агрессивные речевые акты выявляются на основе их прагматико-дискурсивных признаках.

Safarov Sh. Verbalization of the aggressive speech acts. This article is devoted to the study of representation aggression on extra – and verbal levels of speech communication and written texts. Aggression is as an explicit action is the result of simultaneously operating internal and external factors provoking an individual to choose aggression as a productive schema of the action in a particular situation. Analysis and classification of aggressive speech acts demands cooperation of pragmalinguistic and sociopsychological directions.



ZAMONAVIY O‘ZBEK VA INGLIZ BADIY ASARLARIDA “TABASSUM (SMILE)” LEKSEMASINING O‘ZIGA XOS STILISTIK XUSUSIYATLARI

Ruziqulov Fazliddin Shukurovich,
SamDChTI dotsenti, filologiya fanlari nomzodu
Raxmonova Amira Ulfatovna,
SamDChTI katta o‘qituvchisi, mustaqil tadqiqotchi

Kalit so‘zlar: *tabassum, kulgi, stilistika, stilistik vositalar, epitet, o‘xshatish, metafora, metonimiya, “smile”, “laugh”.*

Tilimiz stilistik vositalarga nihoyatda boy va rang-barang bo‘lib, bir tushunchani turli so‘zlar vositasida ifodalash bilan birga, unda kishilarning har xil munosabatini ham kuzatish mumkin. Masalan: jilmaymoq, miyig‘ida kulmoq, kulmoq, tabassum qilmoq, xaxolamoq, qah-qah otmoq, tirjaymoq, ishshaymoq kabi o‘ndan ortiq so‘zlar orqali kulish holatini ifodalash va shu bilan birga kulayotgan shaxsga nisbatan kishining ijobiy yoki salbiy bahosi berilishi mumkin.

Binobarin, hayotda yoshu qarining barchasi kuladi. Haqiqiy, sog‘lom kulgi har qanday xarakterdagi kishining ham chehrasini ochib yuboradi, dilini yoritadi. Ma‘lumki, kulgi sotsial mohiyatga ega bo‘lib, u kishilik jamiyatidan tashqarida paydo bo‘lishi, yashashi mumkin emas. U xalq ichida, omma orasida vujudga keladi, aniq maqsadga yo‘naltirilgan, ma‘lum funksiyani bajarishga qaratilgan bo‘ladi. Haqiqiy kulgi inson uchun, jamiyat uchun xizmat qiladi. Shuning uchun ham uni sotsial mohiyatisiz, xalqchil rolisiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Har bir zamon va davrning o‘ziga xos kulgisi bo‘ladi. Kulgining xarakterini belgilashda davrning ijtimoiy-tarixiy rivojlanish qonuniyatidan, o‘ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqishimiz talab qilinadi. Zamonning rivojlanishi, jamiyatning taraqqiy etishi bilan birga insonlar ham ma‘nan o‘sadi, ularning xarakteri ham takomillasha boradi. Kulgi predmeti o‘zgaradi va rivojlanadi. Bu o‘sislar natijasida kulgi yangi xarakterga ega bo‘ladi, yangicha mazmun kasb etadi. Har bir kulgining, u qanday darajada bo‘lishidan qat‘iy nazar, zaminida fikr, ma‘no bo‘lishi kerak.

Har bir millat madaniyatining ajralmas bo‘lagi – bu adabiyotdir. Badiiy adabiyotda

ham personajning ichki, asosan ijobiy, ayrim vaziyatlarda esa salbiy kechinmalarini namoyon etishda “kulgi (kulgu)” bilan bog‘liq bo‘lgan leksik-stilistik vositalar keng uchraydi. Tanlangan zamonaviy o‘zbek va ingliz asarlarida bu kabi misollar maromida ishlatilgan bo‘lib, bu ikki tilni qiyoslash va tadqiq qilish muhim ahamiyatga ega.

Darvoqe, tabassum va kulgining paydo bo‘lishi Charlz Darvin tomonidan “Inson va hayvonlardagi his-tuyg‘ularning ifodalanishi haqida”gi asarida izchil bayon etilgan. Charlz Darvinning fikrlash mantig‘i quyidagicha: tabassum “kulgi rivojlanishidagi ilk qadam” sifatida paydo bo‘ladi” [Дарвин Ч, 2001. С. 194]. Bunday izoh tasodifiy emas: kulgidan farqli o‘laroq, tabassum bilan hissiyot paydo bo‘lib faqat yuzning mushaklari harakati bilan belgilanadi va tovushlar kulgi bilan ifodalanadi. Bundan kelib chiqadiki, tabassum kulgiga aylanishi mumkin. E‘tibor berilsa, baland ovozda kulgi, mo‘tadillikka aylanib, o‘z navbatida, tabassum bilan ham yakunlanishi mumkin. Charlz Darvinning tadqiqotiga ko‘ra, hissiyotlar paydo bo‘lishining barcha qarama-qarshiligiga qaramay, kulgidan kelib chiqadigan tabassum haqida gapirish mumkin. Binobarin, ko‘rib chiqilayotgan hodisalarning kuzatilishi mumkin bo‘lgan muntazamligi ikki hodisa o‘rtasidagi yaqin bog‘liqlikni ko‘rsatadi.

Demak, tabassumni dastlab himoya reaksiyalarining natijasi deb aytish mumkin – grimas, qo‘rquv va yarashishni ifodalash yoki tajovuzkor niyatlarning yo‘qligini namoyon etadi. Shuningdek, qo‘rquv holatida tishlarning ko‘rsatilishi mimik harakatlar bilan bog‘liq bo‘lib, biroz agressivlik holati tufayli kulgi yuzaga keladi, degan fikr mavjud



[Крейдлин Г.Е., 2002. С. 347]. S. G. Ter-Minasova ta'kidlaganidek, tabassum G'arb dunyosida (xususan, ingliz tilida so'zlashadigan davlatlarda) madaniyatning muhim belgisidir. Bu odat tusiga kirib qolgan, degan xulosaga kelish mumkin [Ter-Minasova С.Г. 2000. С. 241].

Kulgiga muayyan hissiy reaksiya sifatida qaraydigan bo'lsak, dastlab kulgi quvonch yoki xursandchilikni ifodalaydi, degan fikrni aytish mumkin. Lekin, A. V. Karasevning so'zlariga ko'ra, kulgi bu ajoyib va ehtimolki, yagona "ko'p jihatdan bizning aqliy harakatlarimizni keltirib chiqaradigan sababga zid keladi" [Карасев Л.В., 1996. С. 17]. Demak, kugi aksariyat hollarda atrofimizda ro'y berayotgan voqea-hodisalarga bizning hissiy javobimizdir.

Hissiy tushunchalarni o'rganish so'zlar semantikasining hissiy tarkibiy qismini tahlil qilishni o'z ichiga oladi. O'rganilayotgan emotsional tushunchalarning etimologiyasiga murojaat qilish o'rinli ko'rinadi. Bu esa leksemalarning kelib chiqishini – asosiy nominallarni yoritib bera oladi hamda o'zgarishlar dinamikasini kuzatishga imkon beradi. Vaholangki, buni so'zning paydo bo'lishi vaqtini emas, balki so'z shakllari, ularning bir tildan boshqa tilga kirib kelishi, fonetik tafovutlar va o'zgarishlarni, shuningdek, tillar o'rtasidagi qardoshlik munosabatlarini ham hisobga olish kerak [Durkin Ph., 2009. P. 3].

Odatda, his-tuyg'ular baholashning ayrim shakllarini, insonning atrof-muhitga munosabatini aks ettiradi, ma'lum bir xalqning milliy tajribasini umumlashtiradi. Yuqorida ta'kidlanganidek, "tabassum" va "kulgi" tushunchalari hissiyotlarga bog'liq. Hissiy tushuncha konseptual asos va tushunchadan tashqari, baho, obraz va madaniy qadriyatni o'z ichiga olgan obraz sifatida tushuniladi. Ma'lumki, tushunchalarning qiymat komponenti ularni maxsus murakkab aqliy birliklar sifatida belgilaydi.

Ko'p kulish – qalbni o'ldiradi, deyдилar. "Qobusnoma"da mehmon bo'lguvchi behuda kulavermasligi, ko'p kulish – devonalikning bir nishonasi ekanligi aytilgan: "...kam kulish bir nav siyosat va sabr-matonatdir. Shunday

deganlarki, behuda va bevaqt kulgi g'am va tashvish paytida voqe bo'ladi". Hayotdan qoniqib yashash va kulgi bir-biri bilan chambarchas bog'liqdir [19].

Inson kulgili voqea ta'sirida emas, balki shu voqea munosabat izhori o'laroq kuladi. Umri davomida deyarli kulmaydigan, hatto jilmayib qo'ymaydigan shaxslar ham uchraydi. Ularni hech qanday komediya, latifa, hangoma, masxaraboz kuldira olmaydi. "Kulmagan kunlarimiz — yashamagan kunlarimizdir", degan xulosada jon borday. Atoqli adib Said Ahmad yozganidek, umr davomida sira kulmaslik – uylanmay o'tish bilan teng, desa ham bo'ladi!

Haqiqatan, G'. G'ulomning ham ta'kidlashicha, "xalqda kulgichilikka moyillik zo'r". Sof, haqiqiy, chin kulgi mehnatkashlarning doim sodiq yo'ldoshi bo'lib kelgan. Kulgi xonadonlarga kirib borgan, o'tirishlarni bezagan, bayramlarga husn va xush kayfiyat baxsh etgan. Ustoz Said Ahmad aytganidek, kulgisi kelgan odamning bo'yniga atom bombasini osib qo'ysangiz ham, kulaveradi [20].

Kulgi tilsimini ochishga ruhshunoslar ham urinib ko'rishgan. Ularning fikricha, kulgi – ijtimoiy jarayon. Masalan, uyda yolg'iz kishi har qancha kulgili komediya tomosha qilsa-da, qah-qah otib kulishi gumon. Ammo do'stlar davrasidagi oddiy hazil ham gulduros qahqahaga aylanadi. Samimiy kulgi ko'ngillarni bir-biriga bog'laydi. O'rinsiz kulgida buning aksi yuz berishi mumkin. Mayin jilmayish qiz bolaga qanchalik yarashsa, o'rinsiz sharaqlab kulish uni shunchalik xunuk ko'rsatishi ham rost.

Kishilar kulgi orqali hayotdan, jamiyatdan, voqelikdagi katta o'zgarishlardan zavq oladi, turmushga muhabbatini orttiradi, jirkanch narsalarni esa fosh qiladi. Chunki har bir davrdagi sof **kulgi** xalqning ulkan qalbini, boy, rang-barang ilg'or an'analarini ma'lum darajada o'zida ifoda eta oladi.

Tabassum jismoniy va ruhiy reaksiya sifatida og'zaki bo'lmagan signal sifatida umuminsoniy ramz bo'lib, milliy xarakterga ega. G'arb madaniyatida tabassum, odatda xushmuomalalik, ezgulik, xayrixohlikni ifoda etadigan ma'lum bir xususiyat, muhim tushunchadir [Ter-Minasova С.Г., 2000. В.



241]. Tabassum va kulgi barcha madaniyat vakillari uchun universal bo'lgan reflekslar va instinktlarga asoslangan bo'lib, insonning asosiy his-tuyg'ularini ifoda etishga xizmat qiladi. Aristotel kulish qobiliyatini kishi madaniyatining eng muhim belgisi deb atagan [Токарева М. А., 2005. С. 95].

Ingliz tilida "smile" (tabassum) leksemasi juda aniq leksik valentlikka ega bo'lib, qator sifatli birikmalar (sifat+ot) (masalan, *a broad smile, a cheerful smile, a radiant smile, a happy smile, a warm smile, a wry smile, a reassuring smile*) va fe'lli iboralari (*to crack a smile, to give a smile, to have a smile, to bring a smile, to put on a smile, to repress a smile, to manage a smile, to be all smiles*), shuningdek, tabassum belgisi fe'l bilan ifodalangan og'zaki iboralar (*to smile from ear to ear, to smile broadly, to smile sweetly*) va frazeologik birliklar (*to smile back, to smile at somebody, to smile to oneself*) orqali uchrashini kuzatish mumkin.

Shuni ta'kidlash joizki, "smile" leksemasi bilan bir qatorda "laugh" leksemasini ham ko'plab birikmali misollar orqali kuzatish mumkin: "a loud laugh, to have a laugh, a nervous laugh, a great laugh, a big laugh, good for a laugh, to raise a laugh, to have the last laugh, to laugh like a drain, to laugh till one cries, to laugh on the other side of one's face/mouth" kabi.

Mavjud inglizcha lug'atlar, "smile, laugh" tushunchalari bilan bog'liq so'zlardan frazeologizmlargacha bo'lgan barcha darajalarda leksik tavsiflash uchun uning yadrosi va periferiyasini ajratish imkonini beradi. "Smile" va "laugh" fe'llarining kognitiv va emotsional shakllari parametrik tushunchalar sifatida universal xarakterga ega bo'lishi mumkin [Карасик В.И., 2009. С. 30].

O'zbek va ingliz tillarida ham kulgi holatini ifodalovchi bir qancha atamalar mavjud. O'zbek tilidagi kulgi so'zi bilan bog'liq bo'lgan so'zlarning ta'rifi izohli lug'atlarda quyidagicha berilgan:

Hiringlamoq – "Hiring-hiring" ovoz chiqarmoq, shunday tovush chiqarib kulmoq [Begmatov E. va boshq., V jild. 2008, B. 532].

Iljaymoq – ovoz chiqarmay, lab va yuz-ko'z harakati bilan kulgi ifoda qilmoq, miyig'ida kulmoq, kulgiga o'xshash holat ifoda qilmoq [Begmatov E. va boshq., II jild. 2006, B. 191].

Irshaymoq – ovoz chiqarmay, lablarini yopib, ko'rimsiz kulumsiramoq; irjaymoq, tirjaymoq [Begmatov E. va boshq., II jild. 2006, B. 226].

Jilmaymoq – kulimsiramoq, tabassum qilmoq [Begmatov E. va boshq., II jild. 2006, B. 86].

Kulgi – 1. xursandchilik, vaqtichog'lik va zavqlanishni ifodalovchi, bo'linib-bo'linib chiqadigan tovushlar, ovozlar; 2. Mazax yoki kalaka qilinadigan narsa, kalaka, mazax ifodasi; masxara [Begmatov E. va boshq., II jild. 2006, B. 425].

Kulmoq – 1. yuz, yuz harakatlari yoki turlicha tovush (tovushlar) bilan xursandligini, zavq-shavqini ifodalamoq, kulgi ifodalamoq; 2. Kulgi bilan masxaralamoq, mazax qilmoq [Begmatov E. va boshq., II jild. 2006, B. 426].

Kulumsiramoq – miyig'ida kulmoq, iljaymoq, jilmaymoq [Begmatov E. va boshq., II jild. 2006, B. 425].

Qah-qah urmoq (otmoq, solmoq) – xaxolab kulmoq, qattiq kulmoq [Begmatov E. va boshq., V jild. 2008, B. 273].

Tabassum – jilmayish, iljayish. Yuz, ko'z va lablar bilan kulumsirash holati, shunday holat ifodasi, jilmayish [Begmatov E. va boshq., III jild. 2006, B. 625].

Tabassum qilmoq – kulimsiramoq, jilmaymoq [Begmatov E. va boshq., III jild. 2006, B. 625].

Tirjaymoq – ovoz chiqarmay, ko'z, lab, luj harakati bilan kulgi ifodalamoq, miyig'ida kulmoq [Begmatov E. va boshq., III jild. 2006, B. 109].

Xandon – xandon otmoq, xandon tashlab (otib, urib) kulmoq; qattiq kulmoq, qahqaha otmoq [Begmatov E. va boshq., V jild. 2008, B. 383].

Xaxolamoq – qattiq ovoz chiqarib kulmoq [Begmatov E. va boshq., V jild. 2006, B. 392].

Yuqorida keltirilgan tabassum va unga sinonim bo'lgan bir qator atamalarni ma'no va qo'llanishini kengroq talqin qiladigan



bo'lsak, **jilmaymoq** va **iljaymoq** so'zlari stilistik jihatdan neytral hisoblanadi. **Irjaymoq**, **tirjaymoq**, **ishshaymoq**, **irshaymoq** so'zlari salbiy bo'yoqqa ega. Bu salbiy bo'yoq **irjaymoq** so'ziga nisbatan **tirjaymoq** so'zida, **tirjaymoq** so'ziga nisbatan **ishshaymoq** so'zida, **ishshaymoq** so'ziga nisbatan **irshaymoq** so'zida kuchliroq.

His-tuyg'ularni ifoda etish bilan bog'liq konsepsiyalarning mazmun-mohiyatini tahlil qilishda ularning, muayyan emotsional belgilari yordamida og'zaki ifoda etilgan ingliz xalq madaniyatining muhim tarkibiy qismini hisobga olish kerak. Bundan tashqari, hissiyotni ifodalashda so'zlovchining bahosi har doim aniq bo'ladi, chunki hissiyot yordamida insonning hodisaga bo'lgan munosabati namoyon bo'ladi.

Ingliz tilida tabassum "smile" leksemasi juda aniq leksik valentlikka ega ekanligi kishi e'tiborini tortadi: tanlangan badiiy asarlarda juda ko'p sifatli leksemalarni kuzatishimiz mumkin. Masalan, *a huge smile, a wide smile, a wide smile, a nasty smile, a small smile, an ingratiating smile, a rare smile, a weak smile, an odd smile, a happy smile, a brief smile, a cool smile, a hiding smile, a twisted smile, a warm smile, a wry smile, a false smile, a conspiratorial smile*. Mazkur sifatli leksemalarni jumlalarda kuzatamiz:

(1) *But excitement is bubbling away in my stomach, and a huge smile keeps licking over my face [Kinsella S. 2011. P. 125].*

(2) *Paul's eyes alight on me and he gives me an ingratiating smile [Kinsella S. 2011.P. 66].*

(3) *'Well.' Kerry gives a false-modest smile. 'Like this.' She pushes her chair back and wipes her mouth with her napkin [Kinsella S. 2011. P. 66].*

(4) *Along the bar, I can see the air hostess' hiding smile, and I feel myself flush. Great. Now the whole world knows [Kinsella S. 2011. P. 9].*

(5) *As I finish speaking I plant the can firmly in the middle of the desk, reach for the ring pull and, with a cool smile, snap it back [Kinsella S. 2011. P. 7].*

(6) *On the contrary, his face split into a wide smile and he said in a squeaky voice that*

made passers-by stare: 'Don't be sorry, my dear sir, for nothing could upset me today! Rejoice, for You-Know-Who has gone at last! [Rowling J. K. 1999. P. 9].

(7) *Hagrid leant across the table. Behind the wild beard and eyebrows he wore a very kind smile [Rowling J. K. 1999. P. 66].*

(8) *'Have a good term,' said Uncle Vernon with an even nastier smile [Rowling J. K. 1999. P. 69].*

(9) *Harry stared as Dumbledore sidled back into the picture on his card and gave him a small smile [Rowling J. K. 1999. P. 77].*

Yuqoridagi sifatli birikmalardan badiiy personajlarning boshdan kechirayotgan hissiyotlarining yorqin ifodasini ilg'ash mumkin. Aksariyat hollarda bu hissiyotlar ijobiy bo'yoqdorlikga ega. Ayrim hollarda esa, (3 va 8 misollarda) salbiy hissiyot ifodasi kuzatiladi. Ba'zan, ingliz xalqi madaniyati sababli oddiy muloqot jarayonida personajlarning neytral hissiyotlarini ifodalash hollatlari (5 va 9 misollarda) ham uchraydi. To'rtinchi misolda esa, biror boshqa bir kishining ustidan kulish jarayoni tasvirlanadi. Bunda ma'lum bir badiiy personajning o'zini yaxshi his qilmayotgani keyingi jumlada "I feel myself flush" shaklida o'z ifodasini topadi.

O'zbek tilida ham *tabassum* leksemasi aniq leksik valentligiga ega ko'plab sifatli leksemalarni o'z ichiga oladi: "soxta *tabassum*, quvnoq, *tabassum*, shirin *tabassum*, yoqimli *tabassum*, g'alati *tabassum*, yashirin *tabassum*, baxtli *tabassum*, iliq *tabassum*, yolg'on *tabassum*, sho'x *tabassum*, quv *tabassum*, kinoyali *tabassum*, nim *tabassum*, mayin *tabassum*, istehzoli *tabassum*. Masalan:

(1) *Ko'zlarida quvnoq tabassum aralash mehr bor edi [Hoshimov O'. 2012. B. 168].*

(2) *Shoiraning ko'zlarida sho'x tabassum o'ynadi [Hoshimov O'. 1977. B. 12].*

(3) *Uning ko'kish kulrang ko'zlari quv tabassum aralash ehtiyotkorlik bilan boqardi [Hoshimov O'. 1977. B. 32].*



U *kinoyali tabassum bilan Qilich Valiyevga qarab qoʻydi* [Hoshimov Oʻ. 1977. B. 46].

(4)U “*shef*” degan soʻzni *nim tabassum bilan* aytdi. [Hoshimov Oʻ. 1977. B. 69].

(5)Boya “*shef*”ni koʻrganda qanday jilmaygan boʻlsa, hozir ham yuzida shunday, *mayin tabassum* paydo boʻldi [Hoshimov Oʻ. 1977. B. 76].

(6)Koʻzlarida *hayrat* aralash *tabassum* jilva qildi [Hoshimov Oʻ. 1977. B. 89].

(7)Zuhraning tiniq chehrasi, ingichka qayrilgan qoshlari, *jozibali tabassumi* Sherzodning koʻz oʻngidan nari ketmas, u hadeb pichirlardi: “Qiziq, odam ham bir-biriga shunaqa oʻxshaydimi? Xuddi oʻzi!” [Hoshimov Oʻ. 1977. B. 89].

(8)Shunda Azimjon akaning yakkayu yagona koʻzida allaqanday shuʻla porlab ketar, bu — *quvonchli tabassumidi*, koʻz yoshimi — tushunish qiyin edi [Hoshimov Oʻ. 1977. B. 111].

(9)Koʻzlarida *istehzoli tabassum* yondi [Hoshimov Oʻ. 1977. B. 222].

Keltirilgan misollarni tahlil qilar ekanmiz, deyarli har bir vaziyatda sifatli birikmalar yordamida badiiy personajlarning boshdan kechirayotgan hissiyotlarining yorqin ifodasini koʻrishimiz mumkin. Aksariyat hollarda (1,2,3,6,8,9-misollar), bu hissiyotlar ijobiy boʻyoqdorlikga ega. Ayrim hollarda esa, (4 va 10 misollarda) biroq salbiy hissiyot ifodasi kuzatiladi. Baʼzan, personaj kechinmalarini tashqi tomondan tasvirlanganligi sababli aniq ochib berilmaydigan holatlar (5 va 7 misollarda) ham mavjud.

Tabassum bilan bogʻliq boʻlgan feʼlli birikmalar, ravishli leksemalar tanlangan ingliz va oʻzbek asarlarida ham koʻplab uchraydi. Jumladan, ingliz tilida feʼlli birikmalar quyidagilardan iborat: to wear a smile, to have a smile, to flash a smile, to give a smile, to return a smile, to bring a smile, to hide a smile, to manage a smile, to repress a smile, to suppress a smile, to smile a joyless/happy... smile, to put a smile on smbʼs face.

Oʻzbek tilida tabassum feʼlli birikmalar: *tabassum qilmoq, tabassum hadya qilmoq, tabassumni yashirmoq, tabassum bilan*

boqmoq, muloyim tabassum qilmoq, tabassum qilishga harakat qilmoq, beozor tabassum qilmoq.

Ingliz tilida “smile” leksemasi oʻzbek tilidagi tabassum leksemasiga nisbatan koʻproq shakllarda ifodalanadi. Oʻzbek tilida “tabassum” koʻpgina hollarda ot shaklida qoʻllaniladi. Feʼl shaklida esa “kulmoq”, “kulimsiramoq” leksemalari ayrim vaziyatlarda “tabassum”ga ekvivalent sifatida qoʻllaniladi. Yaʼni ular “laugh” emas, balki “smile” maʼnosini anglatadi. Misol uchun, *oʻxshatib kulmoq, kulimsiramoq, sharaqlab kulmoq, kulib yubormoq, qiqirlab kulmoq va hokazolar.*

Ingliz tilida uchraydigan ravishli leksemalar: *to smile broadly, to smile charmingly, to smile dazzlingly, to smile gently, to smile happily, to smile radiantly, to smile sweetly, to smile triumphantly, to smile warmly, to smile widely, to smile winningly, to smile benignly, to smile encouragingly, to smile indulgently, to smile reassuringly, to smile kindly, to smile faintly, to smile politely, to smile slightly, to smile thinly, to smile wanly, to smile weakly, to smile grimly, to smile humourlessly, to smile mirthlessly, to smile ruefully, to smile sadly, to smile sheepishly, to smile shyly, to smile apologetically, to smile wryly, to smile conspiratorially, to smile crookedly, to smile lopsidedly*, kabilardir.

Oʻzbek tilida uchraydigan ravishli leksemalar quyidagilardir: *baxtli tabassum qilmoq, dalda beruvchi tabassum, egri tabassum, fitnali tabassum, iliq tabassum qilmoq, keng tabassum, koʻzni qamashtiruvchi tabassum, muloyim tabassum, qaygʻuli tabassum, aybli tabassum, tantanali tabassum, uyatchan tabassum, yoqimli tabassum, yorqin tabassum, yumshoq tabassum, zaif tabassum.*

Ingliz tilida uchraydigan idiomalarga *to be all smiles, to be wreathed in smiles, to wipe the smile off sbʼs face, a smile of fortune, to smile on (the gods smiled on us, the fortune smiled on us), to smile from ear to ear, to smile a welcome/a greeting, to smile with somebody (slang), to keep smiling, to come up smiling, to smile oneʼs consent/appreciation, to smile in somebodyʼs face (or in face of*











adversity), *to smile like a brewer's horse (slang)*, *to smile with admiration*, *to smile out of good humour*, *to smile into a good mood*, *smile when you say that (informal)*, *smiling faces*, *grin from ear to ear* kabilarni kiritish mumkin.



O‘zbek tilida uchraydigan idiomalar tarkibiga *og‘zi qulog‘iga yetmoq*, *og‘zining tanobi qochmoq*, *terisiga sig‘may ishshaymoq*, *kulgiga to‘lmoq*, *og‘zi qulog‘ida*,

chehrasini ochmoq va hok. kabilarni kiritish mumkin.











Badiiy adabiyotda “smile” (tabassum) leksemasi bilan bir qatorda uning sinonimlari keng ko‘lamda uchraydi. Quyidagi jadvalda tabassum “smile” leksemasining sinonimik qatori – ingliz va o‘zbek tillarida, ularga ingliz tilida berilgan izohlari va suratli kulgichlar keltirilgan:

“Tabassum (smile)” so‘zining sinonimik qatori –(ingliz va o‘zbek tillarida)	Ingliz tilida berilgan izohlari	Rasmi kulgichlar
smile (jilmaymoq, tabassum qilmoq, kulimsiramoq)	form one’s features into a pleased, kind, or amused expression, typically with the corners of the mouth turned up and the front teeth exposed.	
grin (iljaymoq, jilmaymoq)	to smile broadly	
beam (quvnoq tabassum)	a wide and happy smile	
smirk (tirjaymoq, ishshaymoq)	to smile in a silly or unpleasant way that shows that you are pleased with yourself, know something that other people do not know, etc.	
smile friendly (iliq tabassum)	showing that somebody is kind; making you feel relaxed and as though you are among friends	
sneer (hiringlamoq, masxarali kulmoq)	smile or speak in a contemptuous or mocking manner.	
leer (ayyorona tabassum)	to look or smile at somebody in an unpleasant way that shows an evil interest in them	
simper (axmoqona tabassum)	a silly and annoying smile	

Navbatdagi jadvalda kulgi “laugh” so‘zining sinonimik qatori – ingliz va o‘zbek tillarida, ularga ingliz tilida berilgan izohlari va rasmi kulgichlar keltirilgan:

“Kulgi (laugh)” so‘zining sinonimik qatori – ingliz va o‘zbek tillarida	Ingliz tilida berilgan izohlari	Rasmi kulgichlar
laugh (xaxolamoq, qah-qah otmoq, kulmoq)	to make the sounds and movements of your face that show you think something is funny or silly	
chuckle (sokin kulgi, piqillab kulmoq)	an act of laughing quietly	



cackle (qah-qah otib kulmoq)	to laugh in a loud unpleasant way	
guffaw (xaxolamoq kulmoq)	to laugh noisily	
giggle (ahmoqona kulmoq)	to laugh in a silly way because you are embarrassed or nervous or you think that something is funny	
titter (asabiy, ovozsiz kulgi)	a quiet laugh, especially a nervous or embarrassed one	
fleer (masxarali kulmoq)	to grin or laugh coarsely or mockingly.	
snigger (yoqimsiz qiqirlamoq)	to laugh in a quiet unpleasant way, especially at something rude or at somebody's problems or mistakes	
mock (masxarali kulmoq)	to laugh at somebody/something in an unkind way, especially by copying what they say or do	
laugh inside (ichida kulmoq, pinhona kulmoq)	to laugh inside while making no sounds and hiding happiness	
jeer (jerkib kulmoq)	to laugh at somebody or shout rude remarks at them to show that you do not respect them	
crack up (sharaqlab kulmoq)	to start laughing a lot	

Sinonimik qator deganda semantik jihatdan bir-biriga yaqin soʻz birikmalari tushuniladi. Biz “smile” (tabassum qilmoq) va “laugh” (kulmoq) feʼllari yaqin munosabatda keladi, chunki ular bir sinfga taalluqli sinonimlardir.

Bulardan tashqari, “smile” (tabassum qilmoq) feʼli qatnashgan bir qator stilistik vositalar ham mavjud va boʻyoqdorlikni ham ifodalashi mumkin, masalan:

(1) *He gives me a tiny, almost imperceptible smile, and I feel my heart lift* [Kinsella S. 2011. P. 179].

(2) *Along the bar, I can see the air hostess' hiding smile, and I feel myself flush. Great. Now the whole world knows* [Kinsella S. 2011. P. 9].

(3) *She puts her hand on mine, and gives me a twinkly smile. 'I don't know what we'd do without you, Emma!'* [Kinsella S. 2011. P. 68].

(4) *Something about the smile lurking on Malfoy's face during the next week made Harry, Ron and Hermione very nervous* [Rowling. J. K. 1999. P. 172].

(5) *“Without any supper?” said Snape, a triumphant smile flickering across his gaunt face. “I didn't think ghosts provided food fit for living people at their parties”* [Rowling. J. K. 1998. P. 143].

(6) *Mr. Lucius Malfoy strode into Hagrid's hut, swathed in a long black traveling cloak, smiling a cold and satisfied smile* [Rowling. J. K. 1998. P. 262].

Keltirilgan misollardan shu narsa aniq koʻrinadiki, ingliz tilidagi badiiy asarlarda badiiy personajlarning ichki hissiyotlarini namoyon qilishda tabassum “smile” leksemalari qatnashgan metafora, epitet stilistik vositalari koʻplab qoʻllaniladi. Yuqorida keltirilgan, (1, 2, 4) misollarda metafora faol ishlatilgan boʻlib, kishi tabssumining boshqa bir kishiga taʼsiri oʻzaro muloqot jarayonida ichidan oʻtayotgan kechinmalarning yorqin namoyishini bildiradi. Keyingi, (3, 5, 6) misollarda epitet stilistik vositasi personajlarning hissiyotlarini ochib berishda va kitobxon yozuvchi koʻzi bilan voqealar rivojini tasavvur qila boshlashiga yordam beradi.



Quyida o'zbek tilidagi badiiy asarlardan olingan misollarni ham ko'rib chiqamiz:

(1) *Robiya «voy, sodda oyim-a», degandek kulimsiradi* [Hoshimov O'. 2012. B. 45].

(2) *Ko'zlari muloyim kulib turibdi* [Hoshimov O'. 2012. B. 90].

(3) *Undan oftob hidi, yer isi, keyin... odamning yuragini o'ynatib yuboradigan allaqanday yoqimli bo'y taralar, ko'zlari ma'yus kulib turardi* [Hoshimov O'. 2012. B. 102].

(4) *Ko'zi kulib turibdi-yu, lablari titraydi* [Hoshimov O'. 2012. B.109].

(5) — *Kim chizdi buni? — xuddi rahmat aytmoqchidek kulimsirab so'radim* [To'xtaboyev X. 2010. B. 216].

(6) *Otajon Azizovich o'rnidan turib, avval xiyol kulimsiradi. keyin qovog'ini solib hammaga bir-bir ko'z tashlab chiqdi* [To'xtaboyev X. 2010. B. 217].

Tanlangan asarlarni kuzatib shu narsa ayon bo'ldiki, o'zbek adabiyoti stilistik vositalarga juda boy. Stilistik vositalar yozuvchiga chuqurroq ma'noni yetkazishga imkon beradigan o'ziga xos xususiyatga ega. Bunday vositalar personajlarning hissiyotlaridan tashqari ularning atrofida sodir bo'layotgan voqealarga, kishilarga bo'lgan munosabatini ham aks ettiradi. O'xshatish stilistik vositasi (1, 5) misollarda uchraydi va personajning tashqi tomondan tabassumi orqali ichki holatini ifodalaydi. Metonimiya

vositasi (2, 3, 4) misollarida qo'llanilgan bo'lib, har bir personaj tabassumining o'ziga xosligini ko'rsatadi. So'nggi misolda esa, personajning ijobiy hissiyotining salbiyga o'zgarishi mohirona ifodalangan.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki, tabassum dastlab atrof-muhitga bo'lgan tashqi reaksiya sifatida paydo bo'lgan degan fikr asosli, nazarimizda. Bugungi kunga kelib esa, kulgi jamiyatda madaniyatning ajralmas bir bo'lagiga aylangan. "Tabassum (smile)" leksemasining leksik valentligi tadqiqi, jumladan ularning ot, sifat, fe'lli bilan ifodalanishining talqini qardosh bo'lmagan ingliz va o'zbek tillarida tahlil etilishi o'z dolzarbligini yo'qotgani yo'q. Shuningdek, ingliz tilidagi "smile" leksemasiga oid idiomalar o'zbek tilida uchraydigan "tabassum" leksemasi bilan qo'llaniladigan idiomalarning qiyoslanishi ham muhim ahamiyatga ega. Taqqoslanayotgan tillarda "tabassum" leksemasining sinonimik qatorlarini tadqiq etish orqali har ikki tildagi o'xshash va noo'xshash jihatlarini atroflicha talqin etilishiga erishildi. "Tabassum (smile)" leksemasiga oid sinonimlar stilistik jihatdan turli uslublarga doir bo'lib, ayrim hollarda o'zaro bir-birining o'rnida qo'llash mumkin bo'lmashligi o'zbek va ingliz badiiy asarlaridan olingan misollar fikrimiz isboti bo'la oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Begmatov E, Madvaliyev A, Mahkamov N, Mirzayev T, To'xliyev N, Umarov E, Xudoyberganova D, Hojiyev A. O'zbek tilining izohli lug'ati. II jild – Toshkent: Yangi O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2006. – 672 b.
2. Begmatov E, Madvaliyev A, Mahkamov N, Mirzayev T, To'xliyev N, Umarov E, Xudoyberganova D, Hojiyev A. O'zbek tilining izohli lug'ati. III jild – Toshkent: Yangi O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2008. – 688 b.
3. Begmatov E, Madvaliyev A, Mahkamov N, Mirzayev T, To'xliyev N, Umarov E, Xudoyberganova D, Hojiyev A. O'zbek tilining izohli lug'ati. V jild – Toshkent: Yangi O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2008. – 592 b.
4. Durkin Ph. The Oxford guide to etymology. Oxford University Press, 2009. – 360 p.
5. Дарвин Ч. О выражении эмоций у человека и животных. СПб: Питер, 20 01. –320 с.
6. Карасев Л.В. Философия смеха. -М.: Рос.гуманит.ун-т, 1996. – 224 с.
7. Карасик В.И. Языковые ключи. – М.: Гнозис, 2009. – 406 с.
8. Крейдлин Г.Е. Невербальная семиотика: Язык тела и естественный язык. – М.: Новой литературное обозрение, 2002. – 581 с.



9. Сафаров Ш.С. Лингвистика дискурса. – Челябинск: Челябинский гос. ин-т культуры, 2018. – 315 с.
10. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. Москва: 2000. – 241 с.
11. Токарева М. А. Традиции смеха и улыбки в русской и западной культурах// Вестн. Моск. ун-та. Сер. 19. Лингвистика и межкультурная коммуникация. 2005. №3. с.95

Badiiy adabiyotlar ro‘yxati

12. Hoshimov O‘. Ikki eshik orasi. – Toshkent: Sharq, 2012. – 215 b.
13. Hoshimov O‘. Nur borki soya bor – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti – 1977. – 240 b.
14. Kinsella S. Can you keep a secret? – London: Published Dell Publishing Company, 2011. – 368 p.
15. Rowling. J. K. Harry Potter and the Chamber of Secrets. – New York: Scholastic press, 1999. – 342 p.
16. Rowling. J. K. Harry Potter and the Philosopher’s Stone. – New York: Scholastic press, 1999. – 251 p.
17. To‘xtaboyev X. Sariq devni minib. – Toshkent: Yangi asr avlodi. 2010. – 236 b.

Internet resurslar

18. <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/smile/>
19. <https://poznayka.org/s81250t2.html>.
20. <https://uzas.uz/articles/3525/>

Ruziqulov F., Raxmonova A. Stylistic features of the lexeme “smile (tabassum)” in modern Uzbek and English novels. This article examines the linguistic features of lexemes “smile (tabassum)” in Uzbek and English languages. Along with the investigation of the synonyms of these lexemes in both languages, the study also covers and analyzes various examples from the modern English and Uzbek novels.

Рузикулов Ф., Рахмонова А. Стилистические особенности лексемы “smile (tabassum)” в современных узбекских и английских романах. Данная статья посвящена лингвистическим особенностям лексемы “smile (tabassum)” в узбекском и английском языках. Наряду с исследованием синонимов этих лексем в обоих языках, в исследовании также рассматриваются и анализируются различные примеры из современных английских и узбекских романов.



ИНТЕГРАЦИОННЫЕ ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ

Пардаева Зульфия Жураевна,

доктор филологических наук, профессор

Джизакский государственный педагогический институт

Ключевые слова: лингвопоэтический анализ, цветовая деталь, романтическое мировоззрение, лирика, словесные образы.

Создавая словесные образы, писатели отбирают материал из различных лексических групп. При анализе языка художественного произведения недостаточно просто указать на присутствие той или иной категории лексики. Необходимо обязательно выяснить их роль в реальном контексте. Значение слова проявляется в его сочетании с другими словами. Некоторые слова могут употребляться только в одном значении; другие – в нескольких значениях. «Смысл слова в художественном произведении никогда не ограничен его прямым номинативно-предметным значением. Буквальное значение слова в тексте «обрастает новыми, иными смыслами», - отмечал В.В. Виноградов.

В современной филологии текст воспринимается по-разному. Прежде всего, это вопрос о том, с какой позиции будет рассматриваться текст. Как объект филологического анализа и или как объект, влияющий на читательскую рецепцию. В обоих случаях требуется работа с текстом, т.е. языком художественной литературы.

Язык художественной литературы – основной компонент воплощения идеи автора, художественных образов в произведении, он служит выражению языковых возможностей и художественного

мышления автора в произведении.

В современных научных исследованиях по филологии применяются в основном интегрированные методы исследования, то есть лингвистические и литературоведческие. Среди мировых научных тенденций, характеризующих

современную гуманитарную сферу, ведущую роль играет проблема альтернативных форм в методике и методологии филологического исследования.

Компаративистика является важным направлением в филологии наряду с литературоведением и лингвистикой. Как метод исследования она начала формироваться в середине XIX в. и была отмечена такими именами, как И.Г. Гердер (1744-1803), Дж. Бенфей (1809-1881), Ф. Буслаев (1818-1897), А. Веселовский (1872-1919) и т.д. Во второй половине XIX в. исследования становятся все более разнообразными, глубокими и сравнительное литературоведение выдвигается как самостоятельная отрасль. Этому способствуют труды ученых литературоведов Х. Познетта (1882-1901), М. Коха (1855-1931), Ф. Брюнетьера (1848-1907), Ж. Текста (1865-1900) и др. Литературоведческая компаративистика, как и лингвистическая, является важным направлением в филологии наряду с историей литературы, теорией и критикой. Она начала формироваться в середине XIX в. и была отмечена такими именами, как И.Г. Гердер (1744-1803), Дж. Бенфей (1809-1881), Ф. Буслаев (1818-1897), А. Веселовский (1872-1919) и т.д. Во второй половине XIX в. исследования становятся все более разнообразными, глубокими и сравнительное литературоведение выдвигается как самостоятельная отрасль. Этому способствуют труды ученых литературоведов Х. Познетта (1882-1901), М. Коха (1855-1931), Ф. Брюнетьера (1848-1907), Ж. Текста (1865-1900) и др.



Дальнейшему развитию компаративистике способствовало обновление методов историко-литературных исследований трудами: Ф. Бальдансперже (1871-1958), П. Азара (1878-1944), П. ван Тигема (1871-1948). Они делили литературы на «влияющую» и «воспринимающую» и сводили сравнительный анализ литературных явлений к выяснению «иноземных влияний». Позже ученые осознают необходимость расширения объектов сравнительного анализа путем вовлечения в него литературных явлений, не объединенных между собой непосредственными контактными или генетическими связями. Этому способствовали работы американца Р. Уэллека (1903-1995) и француза Р. Этьямбля (1909-2002).

В Европе и России наряду с контактными связями начинают изучать и типологические связи, обусловленные сходными процессами исторического развития. Например, декадентское мироощущение в творчестве зарубежных и русских писателей: Ш. Бодлера, О. Уайльда, с одной стороны, и З. Гиппиус, Ф. Сологуба - с другой. В творчестве этих художников слова отмечается общность мотивов, эстетических и поэтических принципов.

В России сравнительно-историческая отрасль филологии как самостоятельная отрасль сложилась на рубеже XIX-XX веков. Большую роль в осмыслении сыграл А. Веселовский. Он же предложил терминологию «сравнительно-историческая поэтика», «сравнительно-историческое литературоведение».

Если в XIX веке теорию русской компаративистики представили в России А. Веселовский, Ф. Буслаев, то в XX веке активизация сравнительного изучения художественных текстов начинается в 70-е гг. XX в. трудами таких ученых, как В. Жирмунский (1891-1971), Н. Конрад (1891-1970), И. Неупокоева (1917-1977), М. Храпченко (1904-1986), Н. Кравцов (1906-1934) и др. Очевидно новым в трудах наших ученых было то, что они

предложили сравнивать литературы не только схожих исторических общностей, но и литературы во многих смыслах далеко отстоящие друг от друга. Этот новый аспект изучения отразится впоследствии в современной классификации компаративистики.

Развитие филологической науки в XXI веке является тождественным художественной литературе изучаемого периода. Так как, в произведениях искусства слова наблюдаются интеграционные художественные методы и стили. Особый интерес представляют такие стили, как транскulturация, синкретизм, синтез и другие методы, которые отличаются от традиционных методов воспроизведения действительности и художественных образов. Нетрадиционные жанры требуют нетрадиционных методов анализа. Такое феноменальное художественное явление способствовало формированию и развитию альтернативного литературоведения и альтернативной лингвистики, которых можно формулировать под общим названием альтернативные методы исследования.

Следует упомянуть учебное пособие Зинченко В.Г., Зусман В.Г., Кирнозе З.И. «Литература и методы ее изучения. Системно-синергетический подход» [Зинченко, Зусман, Кирнозе 2017: 7], которое является методологической основой современных исследований. Системно-синергетическая парадигма, рассматривая художественный текст, выявляет тождественные ему своеобразие.

Процесс работы над научными исследованиями показывают, что многие исследователи, применяя интеграционные методы исследования, сумеют достичь эффективных результатов. Наибольшую теоретическую и методологическую значимость при определении и построении научно-теоретической основы интеграционных методов составляет диссертационная работа Ш. Бердиевой на тему: «Специфика нон-фикшн в современной литературе (на примере русской, узбекской и белорусской



прозы)» имели труды М.Бахтина, [Бахтин 1986: 1] Л.Гинзбург, [Гинзбург 1970: 3] Д.Дюришина [Дюришин 1979: 5] и других, в которых определены классические и нетрадиционные пути анализа литературного текста в целом и в сравнительном плане в частности.

В этом отношении особый интерес представляет учебное пособие Н.А.Беловой «Филологический анализ художественного текста: реализация интеграции лингвистического и литературоведческого подходов в школе». [Белова 2008:2] В учебном пособии рассмотрены основы филологического анализа художественного текста в аспекте интеграции лингвистического и литературоведческого подходов в школьном образовании. Это учебное пособие относится к поколению новейших литератур и является очень эффективным при филологическом анализе художественного текста.

Если обратим наше внимание на высказывание С.С.Аверинцева «Определение филологии (греч. philologia, буквально - любовь к слову) как «содружества гуманитарных дисциплин - лингвистической, литературоведческой, исторической и др., изучающих историю и выясняющих сущность духовной культуры человечества через языковой и стилистический анализ письменных текстов», [Белова 2008: 2] то убедимся в том, что при филологическом анализе применяется интеграция не только лингвистических и литературоведческих методов анализа, но и другие методы исследования.

Организация языковой среды, развитие речи учащихся, формирование компетентной профессиональной речи - один из актуальных вопросов преподавания гуманитарных дисциплин в средней школе. Работа по художественному тексту имеет большое значение при развитии речи учащихся. Научные изыскания современных филологов и методистов о значении работы над художественным текстом в

процессе обучения русской литературе, позволяют сделать вывод о том, что филологический анализ текста - это неотъемлемая часть общей работы по совершенствованию лингвистических и литературоведческих знаний, развитию речи и мышления учащихся.

Особенно интересно работать с учениками над языковыми и литературными средствами, которые создают в тексте образные выражения. До данного вида работы учащиеся должны быть ознакомлены с таким понятием, как троп, который обозначает общее название слов, представляющие переносное значение. К словам, которые употребляются не в прямом, а в переносном значении относятся: эпитет, оксюморон, сравнение, метафора, олицетворение, метонимия, синекдоха, гипербола, литота, аллегория, символ, перифраза, ирония.

В первую очередь следует применять лингвопоэтический анализ текста. По мнению В.В. Виноградова, задача лингвопоэтического исследования получится в том, чтобы освоить эстетическую функцию языковых единиц в произведении словесно-художественного творчества. Таким образом, в результате сближения двух подходов к стыке лингвистической и литературоведческой стилистики возник новый раздел филологии - лингвопоэтика, следствием которого является «совокупность использованных в художественном произведении языковых средств, при обнаружении требуемого эстетического случая, необходимого для воплощения его идейно-художественного замысла». [Зинченко, Зусман, Кирнозе 2017: 7]

Одно из проявлений языковых возможностей в художественном тексте - словесное воспроизведение цветовой детали. На примере анализа цветовой детали можем определить функции слов в поэтическом тексте. Цветовая деталь - способ отражения романтического мировосприятия и художественного мышления поэта, которая помогает определить своё отношение к миру.



Отражение с помощью цветовой детали действительности как торжества чуда. Еще в древности было замечено, что цвет воздействует на эмоциональный настрой человека, и что каждый цвет имеет свой смысл. Вся жизнь человека наполнена цветом. Цвет – это знак, отношение к которому формируется под влиянием множества факторов, и важнейший из них – фактор культурный.

С давних времен у того или иного народа начала складываться символика цветов. Национальные цвета исторически объяснимы и традиционны, они соответствуют характеру и темпераменту народа, окружающей его природе.

Цветовая символика играет важнейшую роль в творчестве поэтов Серебряного века - Марины Цветаевой, Анны Ахматовой, Зинаиды Гиппиус, Николая Гумилева и других. В поэтическом мире каждого автора цвет ассоциировался с мировосприятием поэта, у каждого цвет выражал его внутреннее состояние, его отношение к происходящему.

Проанализируем цветовую символику в стихах Марины Цветаевой. [Цветаева 1990: 10] Учёные-литературоведы не раз обращали внимание на то, что наиболее упоминаемыми цветами у поэтессы являются красный, чёрный, белый, однако, цветовая гамма в её стихах гораздо шире и разнообразней.

Самое раннее упоминание цвета встречается в стихотворении 1908 года «Книги в красном переплёте». Не случайно она называет красный цвет два раза: «Не изменившие друзья в потёртом красном переплёте», «О, почему среди красных книг...». По оценке психологов, красный цвет вызывает сильный эмоциональный, в основном позитивный, отклик в душе. Поэтому красный цвет «красивый», «прекрасный». Красный у молодой Цветаевой - детские книги Марка Твена из большой семейной библиотеки, цвет детства, цвет родной и любимой Москвы.

Марина Цветаева родилась в Москве, она всегда любила этот город. Московская тема появляется уже в ранних стихах. В

1916 году Поэтесса пишет цикл «Стихи о Москве», который можно назвать величавой песней Москве. Часто в «Стихах о Москве» встречается такой оттенок красного, как червонный: червонные купола, червонный день, червонное сердце. Червонный (устаревшее и высокое) – красный, алый. Червонное золото – золото высшей пробы с красноватым оттенком. Таким образом, Цветаева придавала особое значение Москве, в этом городе всё для неё было высшей пробы.

Начиналось всё с того, что красный – цвет Москвы, родины, детства, а пришла поэтесса в своих стихах к тому, что красный – цвет крови, революции, стихии. Известный поэт Серебряного века Андрей Белый сказал: «Красный цвет был эмблемой России губившего Хаоса».

В стихотворении «Памяти Г.Гейне» 1921 года можно выделить несколько оттенков красного: красный, огненный, рыжий.

Красная юбка? - Как бы не так!
Огненный парус! - Красный маяк!
Бубен в руке!
Дьявол в крови!
Красная юбка
В черных сердцах!

Красный становится не просто знаком крови, убийства и хаоса, а знаком дьявола.

Одним из излюбленных цветов Цветаевой является золотой цвет. В стихотворении «Ах, золотые деньки...» поэтесса, таким образом, описывает свои воспоминания о счастливом детстве в Тарусе.

Очень часто золотой – цвет волос: «Вьются кудри золотистой гривой...» или «Золото моих волос...». Золотой – цвет чего-то высшей пробы, высшего качества, как в цикле «Ахматовой»:

Златоустой Анне-всёя Руси
Искупительному глаголу!

Также золотой – цвет чего-то родного, цвет Москвы (церковки златоголовые) в «Стихах о Москве». Цвет вербного воскресения, церковный цвет в



стихотворении «Между воскресеньем и субботой...» 1919 года.

Серебро мое - суббота!

Воскресенье - золото!

Как видим, в разные периоды жизни Марины Цветаевой сменился не только цвет и его смысловая насыщенность, сменился пейзаж и интерьер ее стихов. Лирическая героиня Цветаевой ощущает себя свободной от условностей и обязательств прежней жизни, преступает границы общепринятого: веры, семьи,

привычного быта. Нечто тайное и недозволенное открылось ей и увлекло.

Исходя из возможностей одной статьи, анализируя значение цветовой детали в лирике М.Цветаевой, мы пришли к следующему выводу: при лингвопоэтическом анализе цветовой детали можно эффективно использовать разные методы исследования художественного текста - описание, анализ, интерпретация, которые перекликаются и литературоведческими методами анализа художественного текста.

Список используемой литературы:

1. Бахтин М. Эстетика словесного творчества. – М., 1986. – 445 с.
2. Белова Н.А. «Филологический анализ художественного текста: реализация интеграции лингвистического и литературоведческого подходов в школе». Учебно-методическое пособие / Н. А. Белова / Мордов. гос. ун-т. – 2-е изд., перераб. и доп. - Саранск, 2008. – 205 с. https://pseudology.org/Literature/Belovana_Filologicheskyy_Analiz_Hud_Texta2.pdf
3. Гинзбург Л.Я. О документальной литературе и принципах построения характера // Вопросы литературы, 1970 – №7. – С. 62-91
4. Гузина О.С. Лингвистический анализ текста. – М., 2003. -496 с.
5. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979. - 318 с.
6. Задорнова В.Я. Словесно-художественное произведение на разных уровнях становится предметом лингвопоэтического исследования. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. М.,1992. С. 19; 49с.
7. Зинченко В.Г., Зусман В.Г., Кирнозе З.И. «Литература и методы ее изучения. Системно-синергетический подход. Флинта. 2017.
8. Лотман Ю.М. Структура художественного текста // Лотман Ю.М. Об искусстве. – СПб.: «Искусство – СПб», 1998. -704 с.
9. Серебряный век русской поэзии/Сост., вступ. ст., примеч. Н.В. Банникова. – М.:Просвещение, 1993. -144 с.
10. Цветаева М.И. Осыпались листья над вашей могилой: Стихотворения, поэмы. – Казань: Татарское кн. изд-во, 1990. -542 с.

Пардаева З. Интеграция филологик тадқиқот усуллари. Ушбу мақолада бадий матн филологик таҳлилида тадқиқотнинг интеграцион методлари қўлланилиши тадқиқ этилади. Ранг тасвирининг сўз орқали ифодаланилиши - бадий матн тил имкониятларини юзага чиқаради. Ранг-тасвир – оламни романтик талқин этиши усули бўлиб шоирга оламга бўлган муносабатини ифодалашга ёрдам беради. Лингвопоэтик таҳлил методлари ёрдамида Марина Цветаева лирикасида ранг аҳамияти талқин этилади.

Pardayeva Z. Integration philological research methods. The article explores the integration of research methods in the philological analysis of a literary text. One of the manifestations of linguistic possibilities in a literary text is the verbal reproduction of a color detail. Color detail - a way of reflecting the romantic worldview, helps the poet to determine his attitude to the world. Using the methods of linguo-poetic analysis, the meaning of color in the lyrics of Marina Tsvetaeva is interpreted.



СЎЗ ТАРКИБИДА МОРФЕМАЛАР МУНОСАБАТИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

*Хайруллаев Хушиджон Зайниевич,
СамДЧТИ профессори, филология фанлари доктори*

Калит сўзлар: морфема, бирлик, белги, матн, микроматн, макро-матн, матн компонентлари, лингвистик бирлик, тил, нутқ, тил ва нутқ бирликлари, тил ва нутқ сатҳлари, фонема, морфема ва сўз.

Морфема ҳам, сўз ҳам тилнинг маъно англатувчи бирликлари (белгилари) саналади. Морфеманинг сўз сатҳида реал қўлланилиши ва грамматик функция бажариши изоҳ талаб қилмайди, албатта. Бу жараёнда шу нарса характерлики, морфема нафақат ўзининг функционал фаоллигини таъминлаш учун, балки сўзнинг шаклланиши ва функционал қимматга эга бўлиши учун ҳам хизмат қилади. Сўз тилнинг маъно англатувчи ана шу кичик бирлигидан ташкил топади ва бунинг натижасида морфемадан тубдан фарқ қилувчи янги бирлик вужудга келади. Морфема билан сўз ўртасидаги поғоналилик ҳам айнан ана шу нарсага асосланади. Айни пайтда сўз ўзининг мустақил тил бирлиги эканлиги билан номустақил тил бирликлари фонема ва морфемаларга қарама-қарши қўйилади. Равшанки, фонема мустақил маъно англата олмайди ва у сўзнинг ёхуд морфеманинг товуш қобиғини ташкил этади. Морфема эса маълум бир маъно ифодасига эга эканлиги билан сўзга яқинроқ туради. Бир қарашда, ўзак морфема ўз ифода планига кўра реал воқеликни акс эттиргандек кўринади. Бироқ, грамматик жиҳатдан тўлақонли эмаслиги уни реал воқелик ифодасини беришига монелик қилади, зотан, грамматик жиҳатдан тўлиқ шаклланган тил унсуригини лексема мақомида дея оламиз [К.А. Левковская 1962: 80-81]. Шу боис сўзнинг асосини ташкил этувчи ўзак морфемаларни, гарчи улар аниқ маъно ифодасини берса ҳам, лексема билан қиёслаб бўлмайди. Бу ўринда ҳам морфема билан сўз ўртасида мавжуд бўлган қарама-қаршиликка дуч келамиз. Агар таъбир жоиз бўлса, мазкур

ходисани тил қонуниятларидан бири ва асосийси деб аташ мумкин. Бунга Ф.де Соссюр ҳам ишора қилган эди: «...в языке нет ничего, кроме различий» [Ф.де. Соссюр 1977:152].

Тил унсурларининг қарама-қаршилиги унинг системасини ташкил этувчи бирликларда ҳам, бирликларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатларида ҳам, иерархик боғланишда ҳам аниқ кўзга ташланади. Айни пайтда морфема билан сўз ўртасида содир бўлувчи иерархик муносабат жараёнида тилнинг кичик бирлиги билан катта бирлиги, мустақил қўллана олмайдиган бирлик билан мустақил қўллана оладиган бирлиги, тилнинг маъноли қисмларга бўлинадиган ва бўлинмайдиган бирликлари ҳамда унинг катта сатҳи билан кичик сатҳи ўртасидаги поғонали муносабатларида қарама-қаршилиқ (оппозиция) ҳосил бўлади.

Дарҳақиқат, морфема морфологиянинг энг кичик бирлигидир. Р.Якобсон қарашларига кўра, морфема грамматиканинг минимал бирлиги саналади [Л.Новак 1967:210]. Морфема морфологиянинг минимал бирлиги бўлиши билан бирга, мавҳум характерлидир. Ана шу жиҳатига кўра морфема ўзининг иштирокида ташкил топаётган онтологик маъно англатувчи сўздан кескин фарқ қилади. Морфеманинг мавҳум маъносини сўз ифодалаётган аниқ маъно билан қиёслаб бўлмайди. Бироқ, сўз маъносини ва структурасини морфемалар муносабатини эътиборга олмасдан тасаввур этиш қийин. Америкалик тилшунос Ю.Найда бу хусусда мулоҳаза юритганида, тилнинг бирор ходисасини



хам бошқаларининг иштирокисиз тавсифлаш қийинлигини, бу эса, ўз навбатида, фонематик, морфологик ва синтактик ходисаларнинг ҳар бирини иккинчисининг иштирокисиз ўрганиб бўлмаслигини таъкидлайди. Тил бири иккинчисидан ажратилган структураларни тақозо этмайди. У функционал яхлитликдан ташкил топгандир [E.Nida 1949: 2-3].

Ю.Найданинг мазкур мулоҳазалари билан қўшилиш мумкин. Чунки тил яхлит қолипдаги системани ташкил этади. Системадаги ҳар бир деталнинг мавжудлиги иккинчи унсур билан бевосита боғланади. Ана шундан келиб чиқиб, дескриптив тилшуносликда тилнинг ҳар бир сатҳининг воқелиги ўзидан олдинги сатҳ бирликларига боғлиқ эканлиги масаласига жиддий эътибор қаратилади. Унга кўра, морфематик сатҳ фонематик сатҳ терминлари орқали, сўз сатҳи эса морфематик сатҳ терминлари воситасида талқин этилиши кераклиги алоҳида қайд этилади [B.Bloch, G.Trager 1942: 53].

Кўринадикки, тил материалининг бундай таҳлили куйи сатҳдан юқори сатҳга қараб ўсувчи мураккабликни тақозо этади. Шу боис дескриптивистларнинг тил материали таҳлилига бундай ёндашуви сатҳлар структураларини ташкил этувчи тил бирликлари поғонали муносабатини ёритишда анча қулайликларга эга. Бироқ, баъзи тилшунослар мазкур таҳлил усулида бир томонликка йўл қўйилганлигини ва шу боис у тўлақонли эмаслигини айтадилар. Бизнингча, бу ўринда тил материали таҳлили фақат чапдан ўнгга (фонематик – морфематик – сўз сатҳлари) қараб эмас, балки зарурат бўлганда ўнгдан чапга қараб ҳам йўналтирилиши мумкин. Масалан, сўз сатҳи таҳлилида морфемаларга, морфематик сатҳ таҳлилида фонематик сатҳ ва фонематик сатҳ таҳлилида меризмаларга мурожаат этамиз. Бироқ, тил унсурларининг поғонали муносабатини тадқиқ этишда синтагматик қатор бўйлаб чапдан ўнгга қараб ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки иерархик муносабат кичик тил бирликларининг

катта бирликлар сатҳига киришини тақозо этади.

Инглиз тилшунослари У.С. Аллен, С. Байзелл, Р.Ф. Пальмер, М. Халлидийлар эса ҳар бир сатҳ материали таҳлили ўзича автоном характерда бўлиши кераклигини таъкидлайдилар. Шу боис улар грамматика билан фонология ўртасида бевосита алоқа йўқ, деган ғояни олға сурадилар [Г.А. Климов 1967: 65].

Бизнингча, мазкур ғоя билан қўшилиш қийин. Агар бунга амал қилинадиган бўлса, тил системасининг яхлитлиги масаласига қарши борган бўламиз. Тўғри, фонология билан грамматика муштарак ходисалар талқини билан шуғулланади дейиш, ҳақиқатдан йироқдир. Лекин шуни ҳам назарда тутмоғимиз керакки, фонологик унсурлар тилнинг ҳар бир сатҳи, ҳатто нутқий сатҳлар материали доирасида ҳам яшайди. Л.Блумфилднинг тил доимий равишда такрорланиб турувчи товушлар мажмуасини тақозо этиши ҳақидаги фикри билан ишимизнинг олдинги саҳифаларида танишган эдик. Албатта, тил сатҳларининг автоном характерини инкор этиш қийин. Лекин буни нисбий тушунмоқ керак. Чунки улар ўртасидаги иерархик муносабат ҳар бир бирликнинг иккинчиси билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. М.Халлидий морфеманинг фонемалар мажмуасидан ёки фонологик материалдан ташкил топиши унинг лингвистик таҳлили учун асос бўла олмаслигини ва умуман, фонология билан грамматика ўртасида боғланиш мавжудлигини инкор этади [Halliday 1961:281]. Мазкур мулоҳазани маъқуллаган Г.А.Климов эса куйидаги хулосага келади: «Муайян лингвистик сатҳ бирлиги табиатини иккинчи сатҳ бирлиги терминлари воситасида талқин этиш мақсадга номувофиқдир» [Г.А.Климов 1967:107]. Г.А.Климов ўз фикри далилини В.В.Иванов томонидан бу ҳақда айтилган мулоҳазалар билан мустаҳкамламоқчи бўлади. Ваҳоланки, В.В.Иванов тил сатҳлари муносабати хусусида бошқачароқ фикр билдирганини кўрамиз: «Морфологик коднинг ҳар бир бирлиги (яъни ҳар бир морфема) ё фонологик код



(яъни фонема) бирликлари мажмуаси тарзида ёки график коднинг бирликлари (графемалар) кетма-кет келиши тарзида талқин этилиши мумкин» [Г.А.Климов 1967:80].

Юқоридагилардан ташқари, Г.А.Климов ўз мулоҳазалари исботини Г.С.Кличков, Н.Д.Арутюнова ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ҳам кўриш мумкинлигини эслатиб ўтади. Шу боис кўйида Г.С.Кличков ҳамда Н.Д.Арутюноваларнинг тил сатҳлари бирликлари ва уларнинг поғонали муносабати хусусида билдирилган мулоҳазаларига мурожаат этамиз.

Г.С.Кличковнинг бу ҳақдаги фикри кўйидагича: «Табий фанларда ўзаро боғлиқ бўлган системалар элементлари бири иккинчисидан ташкил топиши ҳақида тушунча мавжуд: тўқималар молекулалардан, молекулалар атомлардан, атомлар элементар бирликлардан ташкил топади. Бу эса поғоналилик муайян система унсури иккинчи бир система унсурлари боғланишидан вужудга келади, деган тушунчани асослайди.

Ўзаро поғонали муносабатда бўлган системалар сатҳлар деб юритилади. Бироқ, бундай тушунчани тилшуносликда қўллаб бўлмайди. Фонемалар муносабатидан биз фақат морфемаларни, морфемалар муносабатидан фақат сўзшаклни (сўзни эмас) ҳосил қилишимиз мумкин. ...Тил сатҳлар поғонасини тақозо этмайди. Сатҳлар бири иккинчиси билан спирал тарзида узвий боғлангандир» [Г.С. Кличков 1967: 77].

Г.С.Кличковнинг поғонали муносабат ҳақида билдирган мулоҳазаларида ўзига хослик мавжудлиги кузатилади, албатта. Бу ўринда олим фонемалар муносабатидан морфемалар, морфемалар муносабатидан сўзшакл ҳосил бўлиши хусусида гапирганида масала моҳиятига нутқ нуқтаи назаридан ёндашганини кўрамиз. Бошқача айтганда, морф морфеманинг, сўзшакл сўзнинг нутқдаги реал ифодасини тақозо этади. Ва ниҳоят, тилнинг сатҳлар поғонасидан иборат эмаслиги ҳақидаги фикр ҳам ғализ кўринмайди. Чунки тил сатҳлари бири иккинчиси билан узвий

боғлиқлиги туфайли уларни биз мутлақо автоном ҳолатдаги сатҳлар деб талқин эта олмаймиз. Бу эса тил ўзаро спирал ҳолатда боғлиқ бўлган, бирини иккинчисисиз тасаввур этиш қийин бўлган сатҳларнинг поғонали муносабатини тақозо этади, деган хулосага келишимиз учун имкон беради.

Н.Д.Арутюнова дескриптивистлар томонидан истемолга киритилган морф(а) тушунчасига ижобий баҳо бермайди ва бу ҳақда кўйидагиларни таъкидлайди: «Морфанинг аниқ бирлик, морфеманинг эса мавҳум бирлик эканлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлмоқда. Буни тарғиб қилиш ифода плани ифодаловчи планига нисбатан мавҳумдир, деган хулосага олиб келади. ...Вариативлик муносабати фақат бир туркумга хос элементлар, уларнинг ифодаланувчи ёки ифодаловчи планларининг қайси бирига тегишли эканидан қатъи назар, ўртасида рўй беради. Демак, «фонема: фон, морфема: «морфа» ларнинг пропорцияси нотўғридир» [Н.Д.Арутюнова 1968: 71;99].

Н.Д.Арутюнованинг мазкур фикри, бизнингча, изоҳталабдир. Зотан, бугунги тилшуносликда фонема: фон, морфема: морф тушунчалари кенг тарқалганлиги боис улардан воз кечиш анча қийин. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, Н.Д.Арутюнова мазкур фикрини К.Бейзел мулоҳазаларига қўшилган ҳолда баён этади.

Юқоридагилардан ташқари, Н.Д.Арутюнова морфеманинг фонемалардан ташкил топиши ҳақида тилшуносликда айтилаётган фикрга ҳам қарши чиқади. Унинг таъкидлашига кўра, фонематик сатҳ морфематик сатҳдан тилнинг горизонтал моделидан олдин кела олмайди. Амалдаги «...дан ташкил топади» тушунчаси ана шу боис фонема билан морфеманинг муносабатини характерлай олмайди [Н.Д.Арутюнова 1968: 88].

Бизнингча, бу ўринда Н.Д.Арутюнова морфеманинг тилнинг горизонтал моделида ўрни борлигини, бошқача айтганда, морфема шаклланиши синтагматик қатор билан узвий боғлиқлигидан келиб чиқиб, бу билан



фонеманинг боғланишига салбий муносабат билдирмоқда. Тўғри, фонема тилнинг вертикал моделида мавжуддир. Бирок, унинг реал қўлланиши горизонтал қатор билан алоқадор эканлигини ҳам эътиборга олишимиз керак кўринади. Умуман олганда, морфеманинг фонемалар билан боғланиши масаласи тилшуносликда анча мунозаралидир. Шу боис фонема ўрнига «товуш қобиғи» тушунчасидан ҳам фойдаланилмоқда. Аслида морфема фонемалардан эмас, балки уларнинг товуш қобиғидан ташкил топади, деганимизда ҳам масала моҳияти ўзгариб қолмайди. Ёки сўзшакл морфлар муносабатидан вужудга келади дейиш билан ҳам морфема ва сўзнинг поғонали муносабати доирасида ўзгариш ясаб бўлмайди.

Юкоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтиш керакки, кўп пайтларда (айниқса, туркий тилларда) сўз ва ўзак морфема шаклан бир хил бўлиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда морфема билан сўз ўртасида содир бўлувчи поғонали муносабат мавҳумлашганга ўхшаб кўринади. Бирок масала моҳиятига жиддийроқ ёндашганимизда, морфема билан сўз ўртасида айна пайтда ҳам тўлақонли поғонали муносабат шаклланаётганини кузатамиз.

Шундай қилиб, морфема билан сўз ўртасидаги поғонали муносабатни сўз доирасида белгилай оламиз. Бунда сўз сатҳига кираётган ҳар бир морфеманинг шу объектда тугган ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bloch B. and Trager G. Outline of linguistic analysis. –Baltimore, 1942.-P.53.
2. Halliday M.A.K. Categories of the Theory of Grammar. “Word”, v. 17, 1961, №3.-P.281.
3. Nida E. Morphology: the descriptive analysis of words.2 ed. AnnArbor, 1949.-P.2-3.
4. Арутюнова Н.Д. О значимых единицах языка // Исследования по общей теории грамматики.–М.: 1968. (58-116). 291с.
5. Климов Г.А. Фонема и морфема. –М.: Наука, 1967.- 127 с.
6. Клычков Г.С. К понятию иерархии единиц и определению уровня языка // Уровни языка и их взаимодействие. Тезисы научной конференции.–М.: 1967.-С.77.
7. Левковская К.А. Теория слова, принципы её построения и аспекты изучения лексического материала. –М.: Высшая школа, 1962.- 294 с.
8. Новак Л. Основная единица грамматической системы и типологии языка//Пражский лингвистический кружок. –М.:Прогресс, 1967, (210-225), 559 с.
9. Соссюр Ф.де. Избранные труды по языкознанию. –М.:Прогресс, 1977.- 695 с.

Хайруллаев Х. Некоторые замечания о соотношении морфем в словах. Известно, что слово имеет особое значение среди объектов изменения в науке о языкознании. Исходя из этого, в статье были предприняты некоторые попытки пролить свет на морфемные отношения и их иерархическую закономерность.

Hayrullaev H. Some remarks on the correlation of morphemes in words. It is known that the word has a special meaning among the objects of change in the science of linguistics. Based on this, some attempts were made in the article to shed light on morphemic relations and their hierarchical regularity.



АДАБИЙ ЖАРАЁНДА ИЖТИМОЙ ЛИРИКА

*Умурова Гўзал Ҳотамовна,
СамДЧТИ профессори, филология фанлари доктори*

Калит сўзлар: лирика, бадий олам, лирик кечинма, қахрамон табиати, мотив, лиризм, хотира, эстетик дунёқараиш.

Мамлакатимиз бўйлаб мустақиллик насимлари эса бошлагач, Зулфия ижодида янги босқич бошланди. Унинг ўзбек халқининг, айниқса, ўзбек аёлларининг поэтик акс садосига айланган овози расмий доираларнинг ўнлаб йилларга чўзилган тақиқларини ёриб ўтиб, истиқлолгача етиб келди. Шундай бўлса-да, у ўзига ачингани йўқ, бошқаларнинг дарди билан куйиб-ёнди:

Хуррият, келдинг-ей, ал-омон келдинг,

Сени қалбим, кўзим, сўзларим қучар.

Вақт етса шу халқда қолар дафтарим,

Вақт етса, бу ёқда қолар дардларим...

[1, 218].

Зулфия табиатига маънавий-руҳий жиҳатдан она-диёр билан яктанликни, ўз интилишларининг халқ дили ва орзуси билан туташлигини англаш, замона нафасини ҳис қилиш, киши хоҳишига бўйсунмайдиган тарихийлик, келажакни кўра олиш қобилияти каби хусусиятлар хос. Унинг эллигинчи-тўқсонинчи йиллар шеъриятининг узлуксиз ривожли лиризмни сақлаган ҳолда эпик мазмунни кенгайтиришида намоён бўлди. Ижодкор шахсида қайта тикланган тарихий хотира шоира лирикасининг бош концептуал образига айланди. Шоира ифода воситаларини янгилаш зарурлигини ҳис қилди. Зулфиянинг 90-йиллар ижодий тизими унинг илк лирикаси билан солиштириганда, эстетик дунёқараининг бутунлай бошқа-бошқа ҳодисаси эканлиги аёнлашади.

Ижтимоий мавзу ва муаммолар Зулфия шеъриятига кириб келар экан, биринчи навбатда муаллиф ижодининг энг таъсирчан ва ҳаракатчан компоненти – услуб қиёфасини ўзгартирди. Бир томондан, шоира услуби ўзига оғзаки

нутқ, жумладан сўзлашув тилини кенг қамраган ҳолда, демократлашишда давом этади. Фольклордан фойдаланиш: мотивлар, образлар, вазн имкониятлари кенгайди. Иккинчи томондан, Зулфия услуби китобий руҳда архаиклаша борди, оҳангдорлик жиҳатдан нотикликка хос тантанаворлик эшитила бошлади. Унинг шеърларида жаҳон адабиётининг шоҳ асарлари билан, қадимий китоблар билан боғлиқ мифологемаларни кўллаш ортди (“Уни Фарҳод дер эдилар...”), эпиграфлар, кўчирма келтиришлар кўпайди: “Сўфи Оллоёрми, девона Машраб / Баёзларин ўпиб кўлга олардик. / Юмушми, ўйинми – барини ташлаб, / Сеҳрли оламга кириб борардик”. Адабийлик, китобийлик унинг шеъриятида сўзлашув услуби билан, кўтаринки маишийлик билан, ҳаётда орттирилган донишмандлик билан бойиб борди.

Лирик кечинма у хоҳ ижтимоий бўлсин, хоҳ шахсий бўлсин, субъектив тушунчаларни ифодалайди. Бунда ижодий қараш шоира қисмати билан чамбарчас боғланиб кетади. Мазкур жиҳатлар шоира Зулфия лирикасининг асосини ташкил этади десак, муболаға бўлмайди. Чунки шоиранинг ҳар бир шеърида муаззам ўзбек аёлининг нурли чехраси, миллий қадриятлар қиёфаси ёрқин намоён бўлиб туради. Адабиётда шахснинг бетакрорлиги унинг ҳаётга бўлган муносабатида янада тиниқроқ гавдаланади.

Зулфия шеъриятида жанрий шаклларни яхлитлашга мойиллик кузатилди. Эпик мазмундорликка эга шеърлар туркумлашди (“Азиз туйғулар”); шеърий парчаларда лирик дoston жанрига хос хусусиятлар устунлик қила бошлади (“Қуёшли қалам”, “Яратиш дарди”); лирик дostonлар шеърий роман даражасига



кўтарилди (“Қишлоқ врач”, “Водил юлдузлари”).

Унинг сўнгги йиллар шеърларида ямбли туруқларнинг учрашини ижодида фуқаролик ҳис-туйғусининг орта бориши билан изохлаш мумкин. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, икки бўлакли вазнларни уч бўлаклилари билан бирлаштириш хусусияти уни тарк этмади. Бу унинг шеърларининг интонацион жиҳатдан эластиклигини таъминлаб келди. Шоира бир маромдаги силлабо-тоник шеърдан устун келган ритмик урғули шеърнинг ўзига хос тури, узун мисрालи (шеър мисралари ичида такрорланиб келувчи паузанинг алоҳида тури – цезурага асосланган) шеърлар ёзишда давом этди:

Мен Сизга, ўқувчим,

На айтиб,

На-да кўрсатиб

Улгура олмадим Юртимни.

Асрлар гардини қалбим-ла сидириб

Узриму,

Ўзлимиз, кўркимни,

Қадимнинг чакнатиб ўтини

Бу куннинг нурига тутмадим [1, 208].

Ҳаммасидан ҳам кўра Зулфия ўзининг “Хотирам синиқлари” достонига энг кўп куч сарфлади. Одатда кўзгу синиғида воқелик унсурлари алоқ-чалок акс этади. Достон лирик қаҳрамонининг хотира синиқларида эса, аксинча. Унда ўзбек халқи ўтган асрда бошдан кечирган талотумли ҳаёт ўзининг поэтик талқинини топган.

Достонда тасвир туркумларга ажралган; асосий сюжет чизигининг ривожини тарихий жиҳатдан шахсий ёндашув ҳаракатга келтиради. Лиро-эпик воситалар орқали шоира мамлакат ва лирик қаҳрамон бошдан кечирган кунларнинг бадиий солномасини яратади:

“Янги ҳаёт” дебмиз ўша кунларни,

Беталаб, бенолиш яшабмиз кўп йил.

Бир ўйлаб кўрмабмиз бу юрт ҳокимин

Лаби кулиб, нечун ранг-рўйи захил?! [1,167].

Адабиётшунос Ш.Ҳасанов достон сюжетини тадқиқ қилар экан, шундай тўхтамга келади: “Хотирам синиқлари”да

мухташам эпик қамров мавжуд. Бутун бир халқнинг бир аср давомидаги орзу аъмолини, психологиясини, турмуш тарзини, тарихини шоира 193 сатрдан иборат ихчамгина достонига жо этган. Достон ташқи воқеа-ҳодисалар тасвири биланмас, ички поэтик фаолият билан суғорилган. Шоира тақдири халқ тақдири билан вобаста... Мустабид тузумнинг қатли кушлари, қатагонлари, сургунлари, етмиш йилдан зиёд давом этган нобоп сиёсати ва бунинг натижасида тарихи топталса-да, удумлари таъқиқларга учраса-да, бироқ, иродаси букилмаган, ўзлигини англаб бораётган халқнинг ғамангиз сиймоси шоира ўйларида туғилган оғриқларнинг, хотира синиқларининг коллизиясини белгилайди” [7,146]. Дарҳақиқат, ушбу достонда Зулфия поэтикаси яхлит тугаллик касб этган.

Поэтик ифоданинг равшанлиги Зулфиянинг барча шеърларига хос. Аммо, “Хотирам синиқлари” устида ишлар экан, шоира ўзбек адабиётида символистлар поэтикаси эришган ютуқларга ҳам мурожаат қилади. Асарда кўплаб ўринлар рамзийларча шифрланган. Достон композицияси асосида нарсаларни симфоник жойлаштиришнинг рамзий тамойили ётади. Бу тамойил шунда кўринадики, такрорланиб келадиган бош мотивлар ажралиб туради ва кейинчалик бу мотивлар тўқнашувлар ва чатишиб кетишлар орқали ёнма-ён жаранглай бошлайди, вақти-вақти билан шеъринг матн мусикага ёзилган либреттони эслатиб юборади:

“Ватанпарвар” дебмиз ўз-ўзимизни,

Денгизлар қурибди, чирибди балиқ,

“Инсонсан, бошингни кўтар”,
демабди,

Кўнглинг қолганмиди бизлардан,
холиқ? [1,167].

Муаллифнинг (шу пайтгача ўзига бегона бўлган) мажозийлаштириш усуллари асарга сирли тағмаънони олиб кирган. Муаллиф поэтик оламида ўнг ва туш, иллюзия ва воқелик элементлари бир-бирига туташиб кетади. Сирли кўзгу синиқларида ғира-шира кўринган ҳаёлий образлар аста-секин ёрқин қиёфа касб эта



боради. Поэтик сўз сеҳри кўзгу синикларида ювилиб бораётган поэтик маънодан қувват олади. Муаллиф хронологи замон ва маконнинг абадийлиги қаърига чўмади. Ёшлик йилларида четлаб ўтилган символизм қариган чоғи ёзилган кўламдор дostonда янгидан бўй кўрсатади. Айни пайтда, бу масала турли-туман эстетик декларацияларни четлаган ҳолда, ижодий йўл билан табиий ҳал қилинади.

Зулфия эстетикаси бир пайтлар ўзбек сўз санъатини бойитган символизм (Ойбек лирикаси мисолида) тажрибаларини ўзига олган ҳолда реализмни модернизм билан мустаҳкам боғлади. Поэтик шакллар алмашувчанлиги, уларнинг моҳирона бирикуви эндиликда ҳеч қандай чекловларсиз шеърият хизматига камарбасталик қиладиган бўлди.

Сўз санъаткорларидан бирор-тасининг поэтик оламини тавсифлар эканмиз, биз унинг барча матнлари асосида ётган энг умумий ва теран семантик қийматларни (мавзуларни) ички қайта тиклаш ҳамда ўша мавзулар билан асардаги мотивларнинг мослигини аниқлаш вазифасини кўзда тутамиз. Вариантдош мотив ва мавзуларни кидиришнинг асосий усули мазмун, сюжет-ҳолат, лексик ва бошқа жиҳатлардан умумий қирраларни топиш мақсадида битта муаллифга тегишли турли матнларни таққослашдир.

Муаллиф асарларининг барчасини синчиклаб ёки секин ўқиш мобайнида бу ўхшашликлар оддий китобхон нигоҳига кўринганидан кўра, кўп сонли ва тармоқланган эканлиги маълум бўлади. Бундай ёндашувнинг тўғрилигини рус шоираси А.Ахматованинг қуйидаги сўзлари тасдиқлайди: “Туб моҳиятни англаш учун шоир шеърларида доимий тарзда такрорланиб келаётган образлар уясини ўрганиш зарур – айнан уларда муаллиф шахсияти ва поэзиясининг руҳи яширинган бўлади” [4,223].

Бу тавсияни Зулфия ижодини ўрганишга татбиқ этиш, фикримизча, айни муддаодир. Шоира шеър ёзиш манерасининг бошқа муаллифлар билан ўхшаш жиҳатлари, ҳатто матнда параллель келган ўхшаш жиҳатлар тадқиқотчилар томонидан қайд этилган. Аммо, Зулфия ижодида бошқа муаллифлардан яширин парчалар топиш учун топқирлик, қатъийлик ва билимдонлик кўрсатган илмий тафаккур шоиранинг ўзида учрайдиган у ёки бу даражадаги кўплаб ярим ошкор автотакрорлар ва автовариацияларга безътибор қолганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Ахир бир ижодкор асарларида такрорланиб келадиган образлар, мотивлар, ғоялар “муаллиф шахси”нинг сирини очиш ва барча матнлари орқали унинг айнан нимани айтишга интилаётганини аниқлашнинг аҳамияти ҳам кам эмас-ку. Қолаверса, бу ҳодисани ўрганиш бошқаларидан кўра кўпроқ натижа келтириши мумкин.

Хуллас, Зулфия шеърларини мутолаа қилар эканмиз, шоирани ҳаяжонга солган туғёнлар, қувонч ва ташвишлар бизнинг қувонч ва ташвишларимизга айланиб бораётганлигини ҳис қиламиз. Унинг қаламидан тўкилган мисралар қалбимиз қаъридан қуйилиб келаётгандек туюлади. Тўпламларининг сўнгги саҳифаларини ёпар эканмиз, мунис, ишонувчан, самимий юрагини тўкиб солаётган яқин одамимиз билан юзма-юз суҳбат қургандек бўламиз. Унинг шеъриятига ошно бўлган ҳар қандай одам борки, қалбига саҳий, меҳрибон, покиза инсон бўлишни тугиб қўйишига ишонамиз. Ёзилиши керак бўлган шеърнинг тугал мазмунга эга мухтасар шакл касб этароқ дунёга келаётганлигини англаиб турган бу иқроромуз фикрлар Зулфия поэтик оламининг нақадар бетакрор, ўзига хос эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зулфия. Тонг билан шом аро. Сайланма. – Тошкент: “Шарқ”, 2006. – Б. 218.



2. Зулфия. Асарлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
3. Раҳмонов Б. Вафо қисмати. – Т.: “Муҳаррир”, 2011.
4. Топоров В.Н. Ахматова и Блок (к проблеме построения поэтического диалога: “блоковский” текст Ахматовой). – Berkeley, 1981. – P. 223.
5. Умуров Ҳ. Сайланма. 2-жилд. Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: “Фан”, 2007. – Б. 274.
6. Улуғова М. Муҳаббат саройида мангу қолганлар. Т.: – “Nihol” нашриёти, 2010. – Б.120.
7. Ҳасанов Ш. Достон таркиби ва табиати. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2011. – Б. 146.

Умурова Г. Социальная лирика в литературном процессе. В статье описывается возникновение социальной темы в лирике. Теоретические идеи основаны на мире искусства и поэзии поэтессы Зулфии. Анализируются и комментируются произведения поэтессы Зулфии на социальные темы.

Umurova G. In creative process the social lyricism. The article describes the occurrence of a social theme in lyricism. Theoretical ideas are based on the poet Zulfiya's world of art and poetry. It is the poet Zulfiya's works on social issues that have been analyzed and commented on.



“ХИЁНАТ” ТУШУНЧАСИНИНГ МАДАНИЯТЛАРАРО МЕЗОНЛАРИ

Одилов Баҳодир Бахтиёрович,

СамДЧТИ доценти, филология фанлари номзоди

Калит сўзлар: концептуал, концепция, хиёнат” тушунчаси.

Сўнги пайтларда тилшуносликда концептология масалаларига катта эътибор берилмоқда. XX асрнинг ўрталаригача илмий адабиётларда “концепция” тушунчаси атама ҳисобланмас эди. Бугунги кунга келиб, инсон омили тилшуносларнинг қизиқиш мавзусига айланди. Бу қизиқиш, дунё маданиятига эмас, балки инсоннинг тилдан фойдаланиш шартлари кўламини кенгайтиришга қаратилган эди. Концепция ҳар бир кишига ўз жамияти маданиятига киришга ва унга таъсир ўтказишга имкон беради. Шу сабабли, у тил ва маданият ўртасидаги кўшимча бўғин сифатида фаолият юритади.

Бугунги кунга келиб, бутун дунёда маданиятлараро зиддиятларга, турли халқлар маданиятини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Бироқ, С.Г.Терминасованинг фикрича, “бошқа халқлар маданиятига қизиқиши ортида эзгу мақсад ва манфаатлар эмас, балки уларнинг тажрибасини, ўзига хос жиҳатларини ўрганиб ўз маданияти уфқларини кенгайтириш истаги ётибди”, деб фикрлайди [6].

Ҳозирда дунё маданиятида глобал миқёсда содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар натижасида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Бу ҳолат халқларнинг кенг кўламли миграциясини юзага келтирди. Шу билан бирга маҳаллий аҳоли билан муқаррар тўқнашувларни келтириб чиқарди бу эса, албатта, маданиятлар зиддиятига олиб келади.

Фақат XX асрнинг охирларига келиб, тилшунослар ҳар бир индивид она тилида сўзлашувчи маълум концептуал тизимларнинг ташувчиси эканлигини тушунишди. Рус тилшунослигида дунёнинг концептуал тасвири назарияси

ўтган асрнинг 80-йиллари охиридан бошлаб фаол ривожлана бошлади. Унинг асосчилари Н.Д. Арутюнова, А.Г. Бабушкин, Т.Б. Булыгина, В.В. Колесов, Г.В. Колшанский, Д.С. Лихачев, В.И. Постовалова, Б.А. Серебренников, Ю.С. Степанов, И.А. Стернин, А.Д. Шмелев эдилар.

Замонавий лингвистик адабиётларда биз тушунчанинг кўплаб турли таърифларини учратамиз. Н.Д. Арутюнова концепцияни амалий (кундалик) фалсафа тушунчаси сифатида кўриб чиқади, бу ерда бир қатор омиллар бир-бири билан ўзаро таъсир қилади. Масалан, ҳаётий тажриба, дин, мафкура, халқ оғзаки ижоди, санъат образлари, хис-туйғулар ва қадриятлар тизими кабиллий анъаналар буларга таъсир этади. Шундай қилиб, тушунчалар “ўзига хос маданий қатламни ташкил қилади ва инсон ва дунё ўртасида воситачи” вазифасини бажаради [1].

Д.С. Лихачев инсонни миллий тилнинг концепция соҳасининг фаол курувчиси сифатида марказга чиқариб кўяди. Концепция соҳалари остида Лихачев шахснинг ва бутун тил луғат салоҳиятининг умумийлигини тушунади: Олимнинг фикрича, “Тушунча тўғридан-тўғри сўзнинг маъносидан келиб чиқмайди, балки сўзнинг луғат маъноси билан тўқнашуви натижасида содир бўлади. Концептуал назарияни ривожлантириш учун Д.С.Лихачевнинг қуйидаги хулосалари муҳим аҳамиятга эга:

1) тушунча сўзнинг контекстуал жиҳатдан аниқланган луғат маъноларидан бирини алмаштиради;

2) ҳар бир тушунча контекст ва маданий тажрибага, концепция ташувчисининг маданий ўзига хослигига қараб турлича талқин қилиниши мумкин;



3) рус тилининг тушунча соҳаси рус маданиятининг концепция соҳасидир [3].

Ушбу мақолада лингвомаданият ва когнитив тилшунослик масалалари ва муаммоларини ўрганишга, хусусан, рус ва ўзбек тилларида “Хиёнат” тушунчасини ўрганишга ҳаракат қилинади, унинг мазмун ва лисоний воситалари хусусиятларини очиқ беришга ҳаракат қилинади.

Машҳур рус олими, филолог, семиотик Ю.С. Степанов шундай ёзади: “Концепт, гўё инсон онгидаги маълум бир маданият парчасидир; у қайсидирмаданийшаклда инсоннинг ақлий оламига киради ёки унга таъсир ўтказади. Бошқа томондан, концепция - бу инсоннинг ўзига хос тушунчалари, фикрлари ва тажрибалар жамланмасидир” [5].

Тадқиқотда “Хиёнат” тушунчасини Ғарб ва Шарқ дунёқарашлари призмасидан кўриб чиқамиз. У рус ва ўзбек тилларидаги мақоллар, маталлар, афоризмлар ва турли бадиий матнлар билан ифодаланади. Шу муносабат билан биз бу масалани Шарқ ва Ғарб маданияти доирасида кўриб чиқиш ва шу билан бирга кўриб чиқилаётган муаммонинг диахроник жиҳатига эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Асрлар призмасидан кўриниб турибдики, “Ватанга хиёнат” тушунчасининг мезонлари ҳар бир давр дунё тил тасвири компонентини идрок этишининг ўзига хос меъёрлари ва мезонларини белгилайди.

“Хиёнат” жуда кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса бўлиб, инсоннинг дунёни идрок этишининг шахсий ва ақлий жиҳатларининг маданий жиҳатдан хилма-хиллигида намоён бўлади. У инсоннинг ўзи танлаган Ватанга содиқ қолиш заруриятига асосланадигана шахслараро ижтимоий муносабатларда, ҳаракатларда, сўзларда, фикрларда ифодаланади. Умуман олганда “хиёнат” деганда кимгадир у ёки бу нарсага содиқликни сақлаш мажбуриятларини бузиш тушунилади: зино, давлатга хиёнат, умумий ишга хиёнат, мамлакат манфаатларига хиёнат. Луғатларда бу

тушунчанинг жаргон маъносига ҳам тариф берилган: хушёрлик ва шубҳа, кўркув ҳисси.

Лингвокогнитив ёндашувда Е.Ю. Балашова концепцияни дунё тартиби ҳақидаги билимларга асосланган, тадрижий ҳодиса деб ҳисоблайдиган тадқиқотчиларга ишора қилади. Лингвомаданий ёндашув нуқтаи назаридан концепцияни ўрганишда кўпроқ унинг майдон модели, ядро ва периферия нуқтаи назарларига эътибор қаратилган. Бу ерда концепция воситачи бўлиб, инсон ва маданият ўртасидаги ўзаро таъсирни амалга оширади. Шунинг учун бу жараён турлича талқин қилинади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, тушунчаларни таҳлил қилишга бағишланган ишларда одатда бир вақтнинг ўзида юқоридаги усулларнинг бир нечтаси қўлланилади. Ўрганилаётган тушунчанинг мазмуни ва тузилишини тўлиқ кўрсатиш имконини берадиган амалий усулларнинг комбинацияси бу концептуал таҳлилдир. Тадқиқотимизда биз асосан ишда устун бўлган ва мақсади маданий аҳамиятга эга бўлган тушунчалар парадигмасини аниқлаш ва уларнинг концепция соҳасини тавсифлашда деб билдиква концептуал таҳлилнинг услублари ва усулларидан фойдаландик [2].

Инсон онгининг асл моҳиятини ташкил этувчи тушунчалар жаҳон тилшунослигида жуда батафсил ўрганилган. Масалан, “Гўзаллик”, “Алдаш”, “Пул”, “Оила” ва бошқалар каби тушунчалар. Бироқ, салбий маънога эга “Хиёнат” тушунчаси тилшунослар томонидан деярли кўриб чиқилмаган. У маълум бир халқнинг маданий қадриятлари, анъаналари таъсири остида шаклланади ва маълум бир тарихий даврда долзарблик касб этиб, тилда – сўзшаклларида ўз аксини топади.

“Хиёнат” тушунчаси ахлоқий тушунчалар туркумига киради. Турли мамлакатлар халқлари орасида хиёнатга муносабат турлича бўлиб, бу фарқлар шахснинг маълум бир ёш ва ижтимоий гуруҳга мансублигига, касбига, таълим



даражаси ва сифатига ва бошқа омилларига боғлиқ [4]. Шундай қилиб, концепцияни таҳлил қилиш халқнинг ички ҳаётини тушуниш ва очиш учун сўзлашувчига калит беради.

Ҳар қандай хиёнат, хоҳ у қироллик оила аъзоларидан бири бўлсин, хоҳ император ва бошқа нуфузли сиёсатчи, сахна вакиллари ёки руҳоний, машҳур актёрлар бўлсин улар билан боғлиқ шов-шувли ҳодиса ва ҳикоялар кенг тарқалади. Ушбу статистик маълумотларнинг орқасида нафақат молиявий муаммолар, балки умидсизлик, чалкашлик, қайғу, ташвиш, оғриқ, оғир стресс ва умидсизлик каби руҳий ҳис-туйғулар ва ҳолатлар ҳам яширинган бўлади.

Биз “хиёнат” тушунчасини шу нуқтаи назардан кўриб чиқа бошладик. Албатта, хиёнат кўп қиррали тушунча бўлиб, фалсафий, мантикий, дунёвий, психологик, ахлоқий, гендер, ҳуқуқий ва лингвистик жиҳатларга ҳам эга. Сиз Ватанни, дўстликни, динни ўзгартиришингиз мумкин, лекин кўпинча “хиёнат” сўзи севги ва севги муносабатлари билан боғлиқ жиҳатларини тўлалигича ўзгартириб юборишини инкор этолмайсиз. Шунинг учун биз кўриб чиқаётган концепциянинг ҳиссий компоненти жуда юқори.

Келинг, рус тилидаги “Хиёнат” тушунчасини тавсифловчи энг муҳим ва ёрқин лексемаларни батафсил кўриб чиқайлик.

Лексик-семантик соҳадан биринчи лексик бирлик хиёнатдир. Маълум бўлишича, бу лексема кўпчилик таниқли изоҳли луғатларда йўқ. Ушбу лексеманинг таърифи фақат замонавий рус адабий тилининг ўн етти жилдли луғатида топилган: “Вафосизлик, бировнинг мулкига хиёнат, кўзнинг хиёнати, ҳақиқатга қарши хатоёлғон, ёлғон” каби таърифлар берилган.

Масалан, “ҳар куни энг даҳшатли ваҳшийликлар содир бўлади: хиёнат, қоралаш, қийноқлар, қатл қилиш”.

Фалсафий луғатда хиёнат сўзига бироз бошқача таъриф берилган: “1) Хиёнат – инсоний муносабатларнинг

қадрига етмаслик; барча халқларда мавжуд бўлган тушунча бўлиб, капитализмдан олдинги даврда ўлим билан жазоланган. Ҳозирги вақтда бу одатда жиноий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. “Хиёнат” тушунчаси инсоннинг табиий ҳуқуқлари категориясини билдиради, яъни инсонга сотқиндек муносабатда бўлиш ёки унинг қилмишини олқишлаш ҳар бир инсоннинг виждон эркинлиги масаласидир, лекин, давлат учун эмас”. П. ҳар доим ахлоқий онг томонидан ваҳшийлик сифатида баҳоланган”.

В.И. Дал “Рус тили изоҳли луғати” дабир қатор таниқли фразеологик бирликларни беради:

1. Язык блудлив, что коза (что кошка).

2. Блудливая свекровь и невестке не верит.

3. Блудлив, что кошка, а труслив, что заяц.

1. Тили илондек заҳарли.

2. Зинокор қайнона келинига ҳам ишонмайди.

3. Мушук зинкор, лекин, куёндек кўрқоқ.

Ўзбек тилидаги “Ватанга хиёнат” тушунчасининг лексемаларни лексик-семантик гуруҳларга (ЛСГ) ажратдик ва “хиёнат” тушунчасини ифодаловчи бир нечта лексик бирликни аниқладик.

1. Ватанга хиёнат қилишни билдирувчи сўз ва иборалар: бевафо (хиёнат), адашган (хиёнат), кўрнамак (ношукурлик), зино (зино), зинкорлик. (зино қилиш), хиёнаткор (хиёнат), муртад (муртад), хоинлик (хиёнат), маслакфурушлик (муртад), диндан чиқиш (иймонга, эътиқодга хиёнат қилиш), тарки дунё қилиш (эътиқоддан воз кечиш), касамни бузиш (касамни бузиш), бадахлоқлик (ахлоқсизлик), фосиқлик (бузғунчилик), фиску-фасод (бузғунчилик, бузуклик, ахлоқсизлик), хунук қилиқлилик, макр (ҳийла).

Шундай қилиб, маданий тўсиқ лисоний тўсиқдан кўра анча ёқимсиз ва хавфли эканлиги аниқ бўлиб қолади ва бу тўсиққа нутқда дуч келмагунча



сезилмайди. Маданиятлараро мулоқотнинг хавфи, унинг лингвистик, маданий хатолар каби оғриқли жиҳатларида кўринади. Кўпинча инсоннинг бегона маданиятни билмаслигига, камситувчи муносабатда бўлишлигида кўринади. Маданий хатолар кўпинча жуда ёқимсиз таассурот колдиради.

Добрый друг лучше ста
родственников (рус.)

Яхши дўст юз қариндошдан афзал
(ўзбекча)

Человек без Родины - что соловей без
песни (рус.)

Ватансиз инсон - кафансиз
инсон (ўзбекча)

Кўйнида илонни сақламоқ (ўзбекча)

Змею на груди пригреть (рус.)

Хуллас, рус ва ўзбек тилларидаги
мақол, матал ва афоризмларни таҳлил
қилиб, ҳар икки халқ онгида “хиёнат”

тушунчасини тушуниш ва англаш деярли бир хил деган хулосага келдик. Рус тилидаги тематик гуруҳлар сони ўзбек тилига қараганда бир оз кўпроқ, аммо, бу микдорий кўрсаткич ҳал қилувчи роль ўйнамайди.

Баъзи тематик гуруҳлар бир хил компонентни ўз ичига олади ва тожик тилидан рус тилига таржима қилинганда улар бир хилда жаранглайди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, тил ва маданият нима эканлигини, улар бир-бири билан қандай муносабатга киришишини, уларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги роли қанчалик катта эканлигини охиригача аниқлаш жуда қийин. Биз ушбу мақолада фақат тил ва маданият ўртасидаги муносабатни тушуниш қанчалик муҳимлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1) Арутюнова Н.Д. Аномалии и язык [Электронный ресурс] // <http://gendocs.ru/v23187>.
- 2) Карасик В.И., Стернин И.А. (ред.) Антология концептов [Электронный ресурс] // <http://www.twirpx.com/file/412622/>
- 3) Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка [Электронный ресурс] // http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Literat/lihach/koncept.php
- 4) Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику. – М., 2008.
- 5) Степанов Ю.С. Константы: Словарь русской культуры / Ю.С. Степанов. - М.: Академический Проект, 2001. - 990с.
- 6) Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация / С.Г. ТерМинасова. - М.: Изд-во МГУ, 2004. - 352с.

Одилов Б. Межкультурные критерии понятия «предательство». В данной статье рассматриваются вопросы и проблемы лингвокультуры и когнитивной лингвистики, в частности, изучения понятие «измена» в русском и узбекском языках. В исследовании понятие «измена» рассматривалось с позиций западного и восточного мировоззрений и делается попытка выявить особенности языковых средств. Она выражена пословицами, поговорками, афоризмами и различными художественными текстами на русском и узбекском языках. В связи с этим рассматриваем данный вопрос в рамках восточной и западной культуры и в то же время считается целесообразным остановиться на диахроническом аспекте рассматриваемой проблемы.

Odilov B. Intercultural criteria of the concept of "betrayal". This article discusses the issues and problems of linguoculture and cognitive linguistics. Particularly, investigating of the concept of "treason" in the Russian and Uzbek languages. In the study, the concept of "treason" was considered from the standpoint of Western and Eastern worldviews and an attempt is made to identify the features of linguistic means. It is expressed by proverbs, sayings, aphorisms and various artistic texts in Russian and Uzbek. In this regard, we consider this issue within the framework of Eastern and Western culture and at the same time it is considered appropriate to dwell on the diachronic aspect of the problem under consideration.



ОНА ТИЛИНИНГ НУТҚДАГИ ИФОДА ИМКОНИАТЛАРИ

Попов Дмитрий Владимирович,

АнДУ доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Калит сўзлар: *она тили, нутқ, оламнинг лисоний манзараси, оламнинг миллий манзараси, тилнинг миллий ва ментал хусусиятлари, бадиий ижод.*

Ўзбек кишиси учун она тили бу ўзбек тилидир. Халқимиз тилга, хусусан, ўзининг она тилига мунтазам муҳаббат билан қараган, уни эъзозлаб ардоқлаган, ўзбек тилининг мукамаллиги ва бетакрор оҳангларида фахру ифтихор қилган. Ўзбек тилидаги таранг мантиқ ва гўзалликни ҳар сония инкишоф этишга иштиёқ сезган. Шунинг учун ҳам ўзбек ўйнаб гапирса ҳам, ўйлаб гапирди. Шунинг учун ҳам ўзбек қоғоз эмас, тоғиб гапирди [Маҳмудов 1998: 3]. Шунингдек, ўзбек тили ниҳоятда бой тил, унинг ифода имкониятлари ранг-баранг. Олим Н. Маҳмудов таъкидлаганидек, “Тилимизда муайян бир фикрни бир қанча шаклу шамойилларда ифодалаш имкониятлари мавжуд, айнан қайси шаклу шамойилни танлаш, мулоқот вазияти учун энг уйғун ифодани топа билиш нутқ эгасининг маҳорату малакаси, маърифату маънавиятига боғлиқ. Мулоқот вазиятини тугал ҳис этмасдан туриб танланган лисоний ифода, ҳар қанча гўзал бўлмасин, мақсад нишонига етиб бора олмайди” [Маҳмудов 1998: 6]. Кўринадики, тил воситаларидан ўринли ва мақсадли фойдаланиш тил соҳибининг билими, дунёқараши ва тафаккурига боғлиқ.

Ҳар бир тилнинг бойлиги, бетакрорлиги забардаст шоиру ёзувчилар, драматурглар ижодида яққол намоён бўлади. Чунки айнан “сўз усталари”, қуроли “сўз” бўлган зиёли вакиллар тилнинг ифода имкониятларини моҳирона намоён этадилар. Шунинг учун бадиий ижод намунасини қайси тилда ёзилган бўлса, ўша тилда ўқиш кишига бошқача таассурот қолдиради. Моҳир таржимон томонидан бошқа тилга ўгирилган бўлса-да, асарни дунёга келган тилида ўқиш ва тушуниш китобхонни ижодкорга, ўша

миллат вакилларига яқинлаштиради. Чунки тилда шундай ходисалар, бирликлар мавжудки, уни бошқа тилга айнан таржима қилиш мумкин эмас. Ўша лақуналарни таржима қилинаётган тилнинг имкониятлари асосида бериш эса китобхонга ижодкор айтмоқчи бўлган фикрнинг “юқишига” тўсқинлик қилиши мумкин.

Ўзбек адабиётининг шоҳ асарларидан бири бўлмиш “Ўткан кунлар” романининг бош қаҳрамони, ўзбек қизларининг прототиби Кумушнинг нутқида миллий ментал хусусиятлар – ҳаё, ибод, самимият, мулоимлик каби туйғулар намоён бўлади. Ўзбек тилининг жозибаси, кенг имкониятлари, сўз бойлиги бўй кўрсатади. Фикримизни асардан олинган парча орқали далиллаб, таҳлил қилсак:

– *Фузулий яхши китоб, – деди Кумуш, – мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сизамми?*

Бу олижаноб гўзалга нима дейишни билмас, қаердан сўз бошлашқа ҳайрон эди:

– *Ким йиғлатди сизни?*

– *Йиғлабманми?*

– *Кўзингиз, киракингиз...*

– *Ўзи шунақа...*

– *Йиғлатган мен эмасми?*

– *Китобни нега ёпдингиз? Очиб ўқунг, мен эшитай.*

– *Ота-она ризолигини бир томчи кўз ёшингизга арзитдимми?*

– *Мен рози, мен кўндим, – деди дафъатан Кумуш, бу сўзни нимадан дидир кўрқгандек шошиб айтди.*

– *Кўндингиз... нега, а?*

Отабек ҳайрат ва таажжуб ичида эди.

– *Негаки, – деди Кумуш, – мен сизга ишонаман...*



- Шунинг учун...
- Шунинг учун кўндим...
- Кўнглингиз фаршиталар кўнглидек.
- Сизнинг ҳам кўнглингиз...

Икки жон, икки юрак гўёки биттадек бир-бирисини онлар, бирисидан-бирисига ўтиб юрар эди шу вақт.

- Бўлмаса нега йиғладингиз?

Бу саволдан Кумуш бир мунча ўнғайсизланиб, уят аралаш бир табассум билан:

– Ўзим... – деди ва кейинидан ўзининг ҳамма тилак ва шартлари маъносини жамъи бўлган, – меним унутмайсизми? – деган сўроғини берди. Ул нима деб айтишга сўз тополмай қолди. Чунки юрак сирини ифода қиларлиқ жумла топши мумкин эмас эди. Жавоб бериш ўрнига ўзича сўзланди: “Ота-она орзуси...”

– Биладан, – деди овутқучи товуш билан Кумуш.

- Маним орзумни ҳам биласизми?

Кумуш Отабек яқинига сурилди ва тирсақлари билан унинг тиззасига ёнбошлаб эркаланди... [Абдулла Қодирий 2004: 151-152].

Ушбу парчада Отабек ва Кумуш диалоги келтирилган. Англашиладики, Отабек ота-онаси уни уйлантиришини Кумушга айтган ва унинг муносабатини кутяпти. Кумуш эса жуда оғир-босиқлик билан ўз ризолигини билдирыпти. Бу хабардан Кумушнинг юраги чил-парчин бўлган бўлса-да, лекин, ўзини йўқотмай, ёрига ҳатто сўзи билан ҳам озор бермаяпти. Эътибор берилса, Отабекнинг “Ким йиғлатди сизни?” деган саволига очиқ “Ҳа, йиғладим...” демай, сўроқ билан жавоб беради. Бу билан ёрига ростини айтиб, уни ҳам ранжитишни истамайди. Отабекнинг иккинчи турмушига рози бўлганининг сабабини ҳам ўзбекона лутф – “Сизга ишонаман” жумласи – билан етказди. Бу сўзнинг прагматикаси чуқур маънога эгаки, Отабек буни яхши англаяпти. “Иккинчи хотин олганингизда ҳам барибир мени дейсиз”, “Фақат мени севасиз” – деган гапларни тўғридан-тўғри айтмай, шу жумла орқали эвфемик тус берган.

Замонавий ошиқларнинг суҳбатини таҳлил этсак:

– Нодир ака, ота-онамиз нималар қилишяпти ўзи, ҳеч тушунмаяман! – куюниб гапирарди Нилуфар. – Сўрамасдан-нетмасдан, юзингда кўзинг борми, демасдан, орқаваротдан тақдирингни ҳал қилиб ташлайверишаркан-да!?

– Нилу, тўғриси айт, – деди қучоғида ёшли кўзлари билан ўзига тикилиб турган севгилисининг яноғига тушиб турган зулфини беозор ўйнар экан йигит, – фақат тўғриси айт, нима қилмоқчисан?

– Толибжонга тегмоқчиман! – дабдурустдан тўннини тескари кийиб, ёвқараши билан боқди қиз. Ва шу заҳотиёқ инжа белини қучиб турган бақувват билаларнинг бўшашиб кетганини сизди. Сизди-ю, ўзи ҳам айтилган гапнинг залворидан чўчиб тушди. – Жиннимисиз?! – деди шошиб, – мен...мен сизни дейман, ўлсам ҳам сизни дейман! – қиз уятдан “дув” қизарган юзларини йигитнинг кўкрагига босиб яширди ва шу ҳамано боягина бўшаган билаларнинг белида янада жипсроқ чирмалганини ҳис қилди...

– Хайрият... – қизнинг қулоғига шивирлади йигит. – Мен қўрққан эдим... мен жудаям қўрққан эдим... – овози титраб, нимадир бўғзига тикилди сўзларидан адашган Нодирнинг.

– Нимадан... нимадан қўрққан эдингиз? – бошини кўтарди ва йигитнинг кўзларига меҳри ийиб қаради қиз.

– Тақдир экан, нима ҳам қилардик, қўлимиздан нима ҳам келарди дейишингдан, ота-онамнинг, удумларимизнинг раъйига қарши боролмайман, кечиринг дейишингдан... энг ёмони... сени йўқотишдан... сенга бўлган севгим билан ёлғиз қолишдан...

– Йўқ, йўқ! – йигитнинг оғзини кафти билан тўсди қиз. – Бас қилинг!

– Нилу, шошма, гапимни охирига етказай, – йигит қизнинг қўлларидан тутиб ўпди. – Йўқса, кейин бир умр пушаймон қилишим мумкин, эшитяпсанми, бир умр!... [Улуғбек Ҳамдам 2011: 26-27].

У.Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” асаридан олинган икки севишган Нодир ва



Нилуфарнинг дардли суҳбати келтирилган. Нилуфарнинг отаси қизини каттаконнинг ўғлига унаштириб қўяди, аммо, қизидан ризолик олмайди. Қизи эса Нодирга кўнгили кўйган. Улар бирга ўқийди. Ўқишдан қишлоққа қайтишса, қизнинг уйида тўйга тайёргарлик авжида. Нилуфар эса Нодирдан бошқасига тегмаслигини тап тортмасдан ҳаммага айтади. Юқорида икки ошиқнинг мана шу вазиятдаги суҳбатидан парча келтирилган. Кумуш ва Отабек вазияти бу ёшлар ғавғосидан ҳам аянчли бўлса-да, Кумуш жуда юқори маданият билан ўз муносабатини билдиради. Нилу эса “юридик” йўналишда тахсил олаётган, замонавий бир қиз. У бошқа йигитга тегмаслигини қатъий айтади. *Сўрамасдан-нетмасдан, юзингда кўзинг борми, демасдан, орқаваротдан тақдирингни ҳал қилиб ташлайверишаркан-да!?* жумласи орқали қиз ўзининг ҳақ-ҳуқуқини, хоҳишини ҳамма нарсадан устун қўяётгани англашилади. Йигитга *Жиннимисиз?!* деб бемалол айта олади. Ваҳоланки, қиз боланинг ўз севганига бундай дейишга ҳадди сиғмайди.

Отабек ва Кумуш ҳамда Нодир ва Нилуфар диалогларида қуйидаги лингвистик ва нолингвистик тафовутлар намоён бўлади:

1. Отабек Кумушга “сиз”, Нодир Нилуфарга “сен” деб мурожаат қилади.

2. Кумуш тақдирга кўнади, шунинг учун “Мен розиман” дейди. Нилу эса ўлса ҳам Толибжонга тегмаслигини, ўз тақдирини ўзи белгилаши кераклигини уқтиради.

3. Кумуш муҳаббати имплицит (яширин) ифодаланган, Нилуфар эса очикчасига кўрсатган (*мен...мен сизни дейман, ўлсам ҳам сизни дейман!*).

4. Ошиқларнинг суҳбат жараёнидаги ўтиришлари, таъна аъзолар ҳаракати ҳам фарқ қилади. Отабек ва Кумуш ниҳоятда одоб билан (гарчи ўзларидан бошқа ҳеч ким бўлмаса-да), Нодир билан Нилуфар эса туйғуларига эрк бериб, бемалол (*инжа белини қучиб турган бақувват билаклар; юзларини йигитнинг кўкрагига босиб яширди ва шу ҳамона боягина бўшашиган билакларнинг белида янада жипсроқ*

чирмалганини ҳис қилди; йигит қизнинг қўлларидан тутиб ўпди).

Бу қаҳрамонларнинг ҳаммаси ўзбек, уларнинг она тили ҳам ўзбек тили. Лекин, воқеаларга муносабати, ёндашуви кескин фарқ қилади. Бу, биринчидан, давр билан боғлиқ масала. Давр мезони эса бир қанча сабаблар туфайли ўзгаради. Бу инсоннинг камолга етишида нафақат она тили, балки иккинчи тил ва унинг маданияти таъсирдир.

Она тили шахснинг олами англашига, тушунишига, қиёсий ўрганишига асос бўлиб хизмат қилади. Тил соҳиби нутқи орқали ўша миллатга тегишли бўлган кўп ахборотга эга бўлиши мумкин. Жумладан, қаҳрамонимиз Кумушнинг Отабекка ёзган мактубига эътибор қаратсак: *“Юсуф савдосида беқарор Зулайҳо исмидан, Мажнун ишқида йиғлаган Лайли отидан – сизга бошимдаги сочларимнинг тукларича беҳад салом. – Мендан – ҳадду-ҳисобсиз гуноҳ, сиздан – кечирши. Ўткан ишга салавот. Чунки шу икки йил ичида кечирган қора кунларни эска олиш маним учун ўша кунларни қайтадан бошдан кечиршилик сингари, ул кунларни сиз унутинг, унутманг, аммо мен унутдим. Шунинг учун сўзимни ўзимни охирги, ҳам чин бахт ислари ҳидлаган тарихимдан бошлайман. Сиз – қочоқсиз, нари-бери тил учидан менга бир нарса ёзгандек бўлиб қочқансиз, икки йил бўлди Маргилон келиб юришларингизни мен ўзимча ешдим, лекин топиб ешдим: сизнинг барча машаққатларингиз – душманларингиздан ўч олиш учун бўлганини онгладим. Йўқса, мени кўрар эдингиз, кўргингиз келмаганда ҳам бошқалар сизни кўрар эдилар, тўяр эдилар... Мен каби бахтсиз, мен каби зовгаси кўб сизни зериктириб, жондан тўйдирган бўлса ажаб эмаски, қоча бошлагансиз... Қочсангиз қочиб кўрингиз, аммо мен бу кундан бошлаб биравларни қувишқа бел боғладим: отам билан онам рафоқатларида хизматингизга – чўрилиқингизга эрта-индин юраман, суйганингиз кундошим олдида қадруқийматимнинг нима бўлишини ҳам биламан... Сиз олижанобсиз: эски*



қадрдонлиқ ҳурматига кўнгил учун кулиб боқарсиз... Лоақал шугина билан ҳам бахтсизни масъуда қиларсиз. Аммо... суйганингиз – кенжангизнинг жеркишларидан, қаргинишларидан беҳад қўрқаман, ўзимда йўқ қўрқаман. Шу яқин орадаги унинг билан бўладирган масъуд дақиқаларингизда худо йўлига ваъда олингиз – мени оғритмасин, рақибам келди деб ўйламасин. Ниҳоятти мақсадим икки дўстка бир чўрилиқ ва шу муносабат билан биравларини кўриб юриш... Хатим охирида шуни ҳам айтиб қўяй: ўч қайтиб, мен ҳам кўчадан ҳайдалмасам эди, деган хавф ҳамиша кўнглимда. Агар худо ярлақаб эшикингизда ўринлашиб олсам, уёгини ўзим билар эдим...

*Ерта-индин кўзимга йўл кўринур,
Йўл босишлиқ кўнглига бир умр
кўринур...*

3-инчи ҳамал, Маргилон, Кумушингиз ёзди” [Абдулла Қодирий 2004: 300-301].

Кумуш хатини ўзбек адабиётининг нодир дурдона асарларининг ошиқлари номини зикр этиш билан бошлаган. Бу билан нутқ эгасининг ўзбек миллатига мансублиги англанади. Жумладан, Юсуф, Зулайҳо, Мажнун, Лайли каби. Кумуш нутқида айрим олмошлар прагматик вазифа бажарган. У “мен” олмоши ўрнида “бошқа” сўзини (кўргингиз келмаганда ҳам **бошиқалар** сизни кўрар эдилар), “сиз” кишилиқ олмоши ўрнида “бирова” гумон олмошини (аммо мен бу кундан бошлаб **бировларни** қувишқа бел боғладим; ва шу муносабат билан **бировларини** кўриб юриш) қўллаган. Бундан мақсад уят, андиша, ўзини таъкидламасликдир.

Кумуш кимга турмушга чиқаётганини чимилдикда кўрмагунча билмайди. Ариқ бўйида Отабекка кўнгил берган бўлса-да, журъат топиб ҳеч кимга айтолмайди. Ҳатто тўйдан олдин бир оғиз бўлсин онасига ҳам норизолигини билдирмайди. Буни қуйидаги парча орқали англаш мумкин:

Офтоб ойим узоқ тин олиб эшикка қаради ва ярим товуш билан:

– Шу чоқда ичимга чароғ ёқсалар ҳам ёрмайдирда, эгачи, – деди ва кўзига жиқ ёш олди.

– Нега?

– Қизим тўғрисида...

– Қизингга нима бўлди?

– Унашилганига бу кун еттинчи кун, – деди Офтоб ойим, – шундан бери Кумушингиз тун ҳам йиғлайди, кун ҳам, сабабини сўрасам сира жавоб бермайдирда, дўлонадек кўз ёшисини оқиза берадир. Бу кун тагин йиғиси ошиб тушди. Ҳайтовур ялиниб, ялпоғлиниб аранг ҳаммомга юбордиқ [Абдулла Қодирий 2004: 51].

Аммо, “Сабо ва Самандар” асаридаги Нилуфар онасига норозилигини билдиради:

– Аяжон, нима қиляпсизлар ўзи? Мен... ахир, одамман!? – кўзларидан беихтиёр қуйилиб келган ёшларига тикилиб аранг деди Нилуфар. – Тўғри, сизлар туғиб катта қилдингиз, едириб-ичирдингиз, тонмайман, бунинг учун бир умр оқсоқдек хизматларингизни қилай, лекин менинг ҳам кўнглим бор, мен ҳам умид билан яшаяпман... Нима қилганингиз бу, аяжон!?

– Йиғламагин, жон қизим! Сен ҳали ёшсан, ҳаётнинг аччиқ-чучугини, баланд-пастини яхши билмайсан. Даданг икковимиз шу ишни сен учун, сенинг келажакинг учун қилдик. Куёв болани яхши танимасанг, тўйдан кейин билиб оласан. Ота-бобомиз замонидан бери шундай бўлиб келган ахир, куюнма. Дадангга тегаётганимда худди сенга ўхшаб йиғисиги қилганман, мана, энди дадангдан айириб кўр-чи! [Улуғбек Ҳамдам 2011: 23].

Замонавий қиз Нилу ҳатто отасига ҳам рўйи рост тўйга қарши эканлигини айтади: “Бошимга қилич келсаям сўзимдан қайтмайман”. Шунда ота ўйлайди: *Тавба, – дерди у ўз-ўзига хотини ва қизи билан бўлган кўнглисиз суҳбатларни мушоҳада қиларкан, – одамлар шунча ўзгариб кетдимми ё биз замондан орқада қолдикми? Ахир, илгарилари қиз бола деган “миқ” этмай тегиб кетаверар эди. Яна бахтли бўлганини айтмайсанми! Энди-чи?.. Йўқ-йўқ!.. – Камол раҳбар сапчиб ўрнидан туриб кетди, – бу тўй бўлади!*

Кўринадики, ота ҳам олдинги замон қизлари билан бугунги ёшларни ўзича



киёслайди, уларнинг муомаласини, ота-онага муносабатини солиштиради. Қизининг бундай беодоблигидан жаҳли чиқиб, тўйни тўхтатмасликни таъкидлайди.

Инсон тарбияси, муомаласи, дунёкараши она тили орқали шаклланади. “Кеча ва кундуз” романидаги Зеби ва унинг ўртоғи Салти (Салтанат) суҳбати орқали ёшларнинг соддалиги, беғуборлиги намоён бўлади: *Салти (Салтанат) эрта саҳарда мунақа ҳаллослаб келишининг сабабини ҳали айтгани йўқ эди, улар кўришган ҳамон, ёш қизларнинг ўз ораларида ўтатурган маҳрам гапларини гаплашиб, тикаётган кашталари, пилтага кирган дўппилари тўғрисида бир-бирларига калта-калта маълумот беришган эдилар.*

Салти энди гап очди:

– *Эрта саҳарлаб чопганим бекорга эмас...*

– *Мен ҳам сезганман... Юрагим бир қур сесканиб ҳам олди...*

– *Нимага, ўртоқжон?*

– *Ўзингиз билган совчилар балосида... Қиш ичи кети узилмади.*

– *Менам безганман, жоним қақа... шунинг учун бир қишлоққа чиқиб келсаммикан, деб эдим...*

– *Нимасини айтасиз... Ариқдаги сув ҳам музнинг тагидан чиқди-ку.*

Зебининг юзини, шу топда, бутун қиш ичи тўпланиб қолган ҳорғинликнинг асарлари эгаллаган эди...

– *Энахонни биласиз-а? Ёйилма сойдаги ўртоғим бор-ку?*

Зеби бошини кўтариб, ўртоғига қаради, шу қараш унинг нечикдир Энахонни эслолмай турганини кўрсатарди. Сўнгра Салти таъриф қилди:

– *Ўтган куз бизникига меҳмон бўлиб келишидику – келинбисиси билан бирга? Ўшанда неча марта киши юбориб чақиртирдим, бормадингиз, отангиз жавоб бермади...*

Зеби бош тебратди:

– *Ҳа, ҳа... билдим, билдим. Ўзини кўрганим йўқ-ку, эшитиб биламан.*

– *Ана ўша қиз ўша сафар келганида мени айтиб кетиб эди. Баҳорлашиб бир*

бориб келаман, деб юриб эдим. Яқинда яна айтиб юборибди. Шунга тенг-тўшларим билан бир бориб келмоқчиман. Сизни ҳам олиб бораман...

– *Қачон?*

Зебининг бу калта саволидан Салти кўп нарсани англади. Бу савол Зебининг иложи бўлса шу кун паранжисини қўлига олиб (ёпиниб ҳам ўтирмасдан!), шу ердан узоқлашмоқ учун талпинганини кўрсатарди. Шу учун Салти:

– *Мен сизни олиб кетгали келдим, айланай! – деди.*

Ва икки ёш бола ниҳоясиз қувончлар ичида яна бир-бирларига чирмашдилар... [Чўлпон 2011: 5-6].

Ушбу суҳбатда қўлланган *жоним қақа, айланай* каби бирликлар ўзбек тилининг эгаси бўлган шахс томонидан қўлланади ҳамда ушбу ифодалар сўзлашув услубининг элементи бўлиб, гендер жиҳатдан қиз/аёлларга хослангани билан ўзига хослик касб этади. Зеби тилидан айтилган “Ўзингиз билган совчилар балосида” жумласи ёки унга жавобан Салти томонидан айтилган “Менам безганман” ифодалари ўзбек қизлари тилидан ифодаланадиган гаплардир. Чунки ўзбек қизигина бу ходисага шунчаки қаролмайди. Бу икки дугона жуда ёш, ҳали болалик гаштини суриб улгурмагани учун оила қуришни хоҳлашмайди. Айнан тенгдош қизлар ўртасидаги мулоқот эканлиги тил бирликлари орқали ҳам реаллашган. Бўйи етган қизлар бу масалада фақат тенгдош ўртоғи билан дардлашиши мумкин.

Бу икки ўртоқнинг кейинги суҳбатини кузатсак:

Яна индамасдан ўтирган Зебига энди бу сафар Салти ялинди:

– *Ўртоқжон, бир нарса десангиз-чи. Ҳамма баравар ташина экан...*

Зеби ўртоғини астойдил койиб берди:

– *Сиздан келган гап шуми, ҳали? Отамнинг айтганларини ўз қулогингиз билан эшитиб эдингиз-ку! Эшитиб-нетиб қолса, нима бўлади? Билиб туриб...*

Салти ўртоғини тўхтатди:



– *Биламан, ўртоқжон, биламан! Отангизнинг гапларини бир эмас, икки қулогим билан эшитдим. Одамлар ичида, кўпчилик орасида қистасам, мендан хафа бўлинг. Бу ер дала жой бўлса, одам асари бўлмаса, кечаси – қоронги бўлса, бир-икки жуфт айтиб бермайсизми?*

– *Номаҳрамга эшитдириб-а?*

Зеби бу сўзни чин кўнгилдан чиқариб ва жеркиб туриб айтган бўлса ҳам, қизлар ҳаммаси бирдан кулишиб юбордилар. Яна ҳар хил овозлар кўтарилди.

– *Шу ҳам номаҳрам бўлибдими?*

– *Шу Ўлмасжон-а?*

– *Номаҳрам ўла қолсин...*

Зеби чинакам ранжиган эди. Йиғламсирашига яқин бир овоз билан Салтига:

– *Мунақа қилишингизни билсам, келмас эдим... – деди [Чўлпон 2011: 25].*

Ушбу суҳбатда қўлланган тил воситалари, яъни *Отаннинг айтганларини ўз қулогингиз билан эшитиб эдингиз-ку!*, *Эшитиб-нетиб қолса, нима бўлади?*, *Номаҳрамга эшитдириб-а?* жумлалари орқали Зебининг ўзбекона тарбияси, ҳаёибоси намоён бўлган. Дугоналарнинг уришишида ҳам самимийлик, беғуборлик сезилиб турибди. Бундай муносабат она тилининг руҳи, воситаси орқали юзага чиққан.

Зеби ва Салти нутқи ҳозирги ёшлар нутқи билан қиёсланганда анча тафовутлар кўзга ташланади. Бу кейинги даврда рус тилининг ўзбеклар учун иккинчи тилга айлангани билан изоҳланади. Чунки иккинчи тил ўзбеклар лисоний онгига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Жумладан:

– *Тезроқ таътилга чиқсак-ку, – Шаҳлонинг елкасига эснаганча бошини қўйди Назира.*

– *Сабо қани? Бугунам келмаса, зерикиб ўламиз иккаламиз... – дугонасининг бошига бошини аста уриб деди Шаҳло.*

– *Домласининг дарсига кетган бўлса керак-да. Ўтган ҳафта ҳам шунаққилувди, эсингдами? – маъруза ўқиётган муаллимнинг ўзига қараб-қараб қўяётганидан сергак тортиб, қаддимни кўтарди Назира.*

– *Ҳа-я, ким экан у домла, мунча қизиқмаса?..*

– *Адабиётдан киради. Келишгангина... – шундай дедию ўқитувчининг ҳадеб ўзларига кўз ташлаётганидан сергакланиб, лаб-лунжини тўғрилаганча, гўё маърузани эшитибу ёзиб бораётгандек дафтарига энгашиди Назира.*

– *Фу-уу, Сабонинг куни қаёқдаги бир домлага қолибди-да...*

– *Ўў-а, дарсига қизиқаётганди-ир... [Улуғбек Ҳамдам 2011: 9].*

Ушбу қисқа парчада икки дугона Шаҳло ва Назиранинг Сабо ҳақидаги суҳбатлари акс этган. Замонавий қизларнинг Зебилардан фарқи улар бири-бирини “сенлаб” гапиради. Ўзбек менталитетида ҳурмат категорияларидан бири сифатида “сиз” деб мурожаат қилиш одат. Ҳозирги ёшларнинг аксарияти эса бунга амал қилмайди. Чунки уларнинг лисоний онги иккинчи (учинчи) тил таъсирида ўзгарган. Фу-уу ифодаси ҳам менсимаслик маъносида қўлланиб, бугунги ёшларнинг муомала одобини кўрсатган.

Кўринадики, она тили инсоннинг когнитив-коммуникатив шаклланишида катта аҳамият касб этади. Ўз тили орқали халқ маданияти, тарбияси, муомаласи, маънавияти сингиб боради. Тафаккур тарзи она тилиси орқали шаклланиб, ривожланади. Биринчи президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир” [Каримов 2008: 49].

Она тили шу қадар соҳир ва илоҳий қудратки, унинг сийратига яширинган синоатларни батамом инкишоф этмоқ учун инсон аклининг синчилик салоҳияти ожизлик қилади [Маҳмудов 1998: 11]. Она тилининг бой луғат қатламидан, грамматик меъёрларидан қанча кўп фойдалансак ҳам, унинг жозибасини намоён этишга ҳаракат қилсак ҳам, барибир тилнинг очилмаган



кирралари, кашф этилмаган имкониятлари
мавжуд бўлиб қолаверади. Зеро, ҳар бир

миллатнинг она тили мўъжизадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Маҳмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – 42 б.
3. Улуғбек Ҳамдам. Сабо ва Самандар. – Тошкент: O‘zbekiston, 2011. – 352 б.
4. Чўлпон. Кеча ва Кундуз. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2011. – 332 б.
5. Abdulla Qodiriy. O‘tgan kunlar. – Toshkent: Sharq, 2004. – 384 б.

Попов Д. Возможности выражения родного языка в речи. Цель данной работы заключается в описании речевых возможностей родного языка. Основное содержание исследования составляет анализ речевых единиц, употребляемых в родном языке. В статье рассмотрены конкретные примеры употребления речевого богатства родного языка в произведениях художественной литературы и в разговорной речи. При проведении исследования применены методы наблюдения, обобщения и сравнительного анализа. Проведённый анализ показал, что язык, и прежде всего, естественно, родной язык, является средством общего интеллектуального и специального (лингвистического) развития человека. Богатство, оригинальность и неповторимость каждого языка ярко отражены в произведениях талантливых мастеров слова.

Popov D. Possibilities of expressing the native language in speech. The purpose of this work is to describe the speech capabilities of the native language. The main content of the study is the analysis of speech units used in the native language. The article considers specific examples of the use of the speech richness of the native language in works of fiction and in colloquial speech. During the study, methods of observation, generalization and comparative analysis were applied. The analysis showed that the language, and above all, naturally, the native language, is a means of general intellectual and special (linguistic) development of a person. The richness, originality and originality of each language are vividly reflected in the works of talented masters of the word.



LIRIKADA KECHINMALAR RAMZIYLIGI

Xalova Maftuna Abdusalomovna,

SamDChTI dotsenti, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Kalit so'zlar: lirika, obrazlar olami, razmiylik, milliy ruh, qalb dealiktikasi, ijodkor olami, tuyg'u, badiiy tafakkur, lirik qahramon, lirik kechinma, obrazlilik, ilhom, iste'dod.

Har bir davr adabiyotda o'z so'z san'akorlarining badiiy merosi, adabiy durdonalari bilan o'z nafasini qoldiradi. Isqtiqlol davri she'riyati o'zining ko'p ovoqli ijodkorlari bilan ijodiy jarayonda salmoqli o'rniga egadir. Bugunning shoir va shoiralari she'riy asar yaratishda butunlay yangicha ruh va kayfiyat bilan qalam tebratmoqdalar. Yaratilayotgan har bir yangi ijod mahsuli shaxs ruhiyati uning ichki kechinmalarining yorqin ifodachisi bo'ladi. Istiqlol davr she'riyatining boshqa davrlar she'riyatidan farqli jihati shundaki, bu davr she'riyatida milliy o'zlikni anglash, erkin fikrlash ruhi yetakchilik qiladi. Biz adabiyotimizning eng betakror janri bo'lgan lirik asarlar, bugungi kun she'riyatining o'ziga xos jihatlari haqida yirik adabiyotshunos olimlarning fikrlariga tayangan holda iste'dodli shoirlarimiz Halima Xudoyberdiyeva, Zebo Mirzo va Halima Ahmedovalarning ijod namunalari badiiy xususiyatlarini, lirik kechinma jarayonining o'ziga xos jihatlari tahlil qilamiz. Mustaqillik davri o'zbek she'riyatiga nazar solar ekanmiz, yangicha ruh, yangicha yondashuvlar, erkin va hur fikrlar oqimi, hayotdan zavqlanib yashash, Vatanga bo'lgan muhabbat, insoniy tuyg'ular tarannumi, muhabbat va sadoqat tuyg'ularining rangin satriklar ila qalamga olinganiga guvoh bo'lamiz.

Bugungi davr she'riyatida badiiy reallikdan ko'ra fikr - mulohaza, kechinma, tuyg'ularni ochiq tarzda tasvirlab berish kuchli. Har bir inson, shu jumladan, shoir-shoirlar o'z e'tiqodidan kelib chiqib, bu yorug' dunyoni ham o'z tushunchasidagi yaxshi odamni ham muayyan o'z ideali nuqtayi nazarida tasavvur qiladi. Bu davr o'zbek she'riyati gulshanida qalam tebratayotgan iste'dodli shoirlarimiz Halima Xudoyberdiyeva, Zebo Mirzo va Halima

Ahmedovalarning ijodi o'zining rangin bo'yoqdorligi, serqirraligi hamda badiiy konsepsion jihatdan nihoyatda puxtaligi bilan ajralib turadi. Endilikda ramzlar, timsollar, metaforalar asosida mushohada yuritish va badiiy umumlashmalarda falsafiy teranlikka intilish hozirgi davr she'riy madaniyatining galdagi ustuvor xususiyatlaridan hisoblanadi.

Shoira Halima Xudoyberdiyevaning ramzlarga boy quyidagi misralarida:

Kulgu berma, birovlardan kulmay qolay,

To'ldirmagil, dunyosidan to'lmay qolay.

Parvonaday o'lganimni bilmay qolay,

Bir chiroqqa oshiqlikni bersang bo'ldi.

Ovga chiqsam, chiqsam arslon ovim mening,

Bu - ko'nglima xudo slogan dovim mening.

Shivir-shivir, visir-visir yovim mening,

Qo'ng' roqqa oshiqlikni bersang bo'ldi [5, 287].

Bu misralarda shoira Halima Xudoyberdiyeva Yassaviyona uslubi orqali o'zining lirik "men"ini, qalb kechinmalarini razmlarda ifodalab bergan. Bu she'r mumtoz poetik uslubda sayqallanib takomiliga yetgan. Lirik qahramonning ko'p narsaga ehtiyoji yo'q, u faqat oshiqlikni istamoqda. Oshiq yurak bu – yetuklik razmzidir. Bu ramzlarni shoira "chiroqqa oshiqlik", "qo'ng' iroqqa oshiqlik" obrazlari bilan umumlashtiradi. Badiiy adabiyotda obraz asosiy maqsad, fikr va goyani ifoda etuvchi vosita. "Obraz - poeziyaning na vaqt, na poetik o'zgarishlar xavf sola oladigan eng ustuvor, balki yagona elementi" [1, 196] ekanli ilmiy-nazariy adabiyotlarda ko'rsatiladi.

Bu dunyoda men eskiman, kuzim yangi,



Siyosatlar yangi aytar soʻzim yangi,
Saronlar tishlaydigan muzim yangi
Ketar choqqa oshiqlikni bersang
boʻldi.

Qoʻllaganni hatto qaygʻ u – dod
qoʻllaydi,

Bir ishora bilan magʻlub, mot
qoʻllaydi,

Baʼzan ne-ne alp qoʻllamas, ot
qoʻllaydi,

Argʻ umoqqa oshiqlikni bersang boʻldi
[5, 287].

Badiiy umumlashtirilgan ramzli obrazlilik bu sheʼriyatning bosh fazilatiga aylandi. Sheʼrdagi lirik qahramon soʻrovlari oʻzgacha, uning tuygʻ ulari oʻzgacha. U faqat oshiqlik istamoqda. Oshiqligi ham sufiyona oshiqlik, koʻngil oshiqligi, qalb oshiqligi... Ijodkor badiiy tafakkuri Olloh inʼom etgan ilohiy moʻjiza – isteʼdod nuriga yoʻgʻrilgan boʻlsa, qanchadan qancha milliy boylklarni bunyod etadi. Bu haqda soʻz yuritgan I.Gʻ afurov: “Isteʼdod – milliy boylk. U necha yuzlab, minglab boylklarni bunyod etadi”, - deganida tamomila haq edi. Aynan ijodkor badiiy tafakkurining ilohiy va dunyoviy mazmunlari uygʻunligidan yuzaga keluvchi oʻziga xos uslubda ham shu ikki jihat koʻzga tashlanadi: isteʼdod – mahoratni yuzaga chiqaruvchi omil boʻlsa, uslub-ijodkor tafakkurining badiiy til orqali dunyoviy maʼno va mazmun kasb etishidir.

Darhaqiqat, koʻngildagi muzliklarni eritib, yuraklarga bahoriy iliqlik olib kirish – chin shoirning vazifasi. Asl shoir oʻzi uchun yozadi, ammo yozganlari qalbiga doir boʻlgani bois oʻzgalarga taʼsir qiladi, ularni bezovta etadi va oʻzgartiradi [6, 380]. Shuningdek, bu davr ijodiy jarayonida, Halima Ahmedova ijodiga nazar soladigan boʻlsak, uning sheʼrlaridagi bosh qahramon inson va uning koʻngli ruhoniyaatidir. Inson botini, siyratining sirlari, ruhoniyaat dunyosi evrilishlari tahlil qilinadi. Badiiy tadqiqotchilikning tabiati shundaki, qalbni oʻrganish – Haq ishqini bilishdan, haqiqatni anglashdan, tuygʻ ular tarixini akslantirishdan iborat. Shunisi muhimki, shoira sheʼrlarida Haq ishqiy ezgulik, adolat, goʻzallikning timsoli sifatida talqin qilinadi. Ular borlik va yoʻqlik oraligʻ idagi hayotning yorugʻ ligini,

koʻngillardagi nur-ziyoning poydorligini taʼminlab kelayotgan maʼnaviy-axloqiy qadriyatlar debochasidir. Va lekin lirik qahramon koʻnglini qaygʻ u kemiradi; dard-alam ogʻ ritadi. (“*Pardoz-andozi zoʻr yolgʻ on soʻzlarni, ikki dunyoda ham olmagayman tan. Kelisha olmasam nima qilayin, bedavo kapalak koʻngillar bilan*”). Dardkashlik ruhi shoira sheʼrlarida badiiyatning muhim xususiyatlaridan biri sifatida boʻy koʻrsatadi. Shoira ijodida badiiy ramzlarning namoyon boʻlishi Haq ishqiy adolatning beqiyos, benazir, buyuk timsoli sifatida poetik tadqiq etiladi. Lirik qahramon dilidagi haq ishqining cheksizligiga ishonadi. U oʻzini anglash orqali koʻnglining tub – tubida koʻkargan, gullayotgan ishonchning ramzini goʻzal timsollar bilan bera olgan. Bundan anglashiladiki, ishonch, mehr, eʼtiqod, ham yuksak maʼnaviy-axloqiy qadriyat sifatida ezgulik bilan egizak; ezgulik xizmatidadir. Banda haq ishqiga suyanib oʻzligini topmoqda. Botinidagi maʼnaviy tayanch kuchlarini yuzaga chiqarmoqda, namoyon etmoqda. Demak, insonning oʻz-oʻziga boʻlgan ishonchi ham ortmoqda. Insonparvarlik, dunyoga mehr, eʼtiqod, yurtsevarlik tuygʻ ularning ildizi insonning oʻzida, oʻzligidadir. Halima Ahmedovanning talqiniga koʻra inson komillikka muhtoj. Komillik insonni yuksaklikka yetaklovchi mayoqdur. Inson maʼnan yuksalishga hamisha tashna. Haq ishqiy inson tabiatidagi kemtiklar oʻrnida maʼnaviyat chechaklarini koʻkartiradi; ahloqiy qadriyatlar (*ishonch, mehr, muhabbat, oqibat, eʼtiqod, maʼnaviyat, yuksalish va h.k*) kabi kurtaklarni undiradi. Shoira lirik qahramoni doimo haqiqatni qidiradi. Haqiqatning buyukligini, ilohiyligini ruh erkinligi bilan tutash, bogʻ liq holda deya talqin etadi. Uning sheʼrlaridagi inson qalbining tovlanishlari, qalb ohangi, pokiza ruhiyat dunyosining jilvalanishi oʻz davri uchun katta maʼnaviy boylk boʻlib hisoblanadi. Shoira ijodida hamdardlik sheʼrlarida badiiyatning muhim xususiyatlaridan biri sifatida boʻy koʻrsatadi. (“*Yuragingni olib keldilar, Gunohlarning chaqmoq otida. Endi uni har kun ezaman, Koʻzlarimning saltanatida*”) [2, 23]. - deb yozadi lirik qahramon. Bu misralarda oʻz



“men”ini izlayotgan lirik qahramon tuyg‘ ulari mujassam. Halima Ahmedova lirikasida osmon, dov-daraxtlar, qushlar, maysa-o‘simliklar, tuproq, shabboda, tun, qahraton ramzi asarlari badiyaatining asosini tashkil etadi. Bu kabi razmiy obrazlar orqali lirik qahramon ruhiyati reallashadi:

Mendan olislarda tentiraydi baxt,
Mendan olislarda quvonch sargardon.
Ko‘nglimni quyoshga aylantirib ber,
Agar osmonliging rost bo‘lsa osmon.
Sezdim qahr bilan kelar qahraton
Derazam ko‘zida muzlaydi afsun,
Va borliq qalbida ko‘pirgan ishqni
Allaqayerlarga olib ketar kun.

Ushbu misralarning davomida qalb tug‘yonlari baralla kuylanadi. Insoniy kechinmalarni go‘zal satrlar jilosi ila tasvirlab berilgan. She’rda baxt, insonning bu hayotda nima uchun yashayotganligidan maqsadi, insoniy kechinmalar mohiyati, hayot mazmuni haqida gap boradi hamda nima qilsa o‘zidan yaxshi nom qoldira olishi haqida lirik qahramon mushohada qiladi:

Ammo, muzlayotgan bu men emasman,
Emasman, umiddan qochgan muhojir.
Va tuman ortida ufqsiz qolgan
Beshavqat tuyg‘ uga bo‘lmagan asir.
Hali yodimda bor quyosh nigohi
Va dilimni suygan nur qahqahasi.
Ishqning ohangiga solay umrimni,
To ko‘nglim quyoshga aylangunicha,
Asrayin jon degan tomchi nurimni.

Yuqorida keltirilgan she’rda shoiraning bu hayotga bo‘lgan umidi, ko‘ngil torlarida jilvalanayotgan hayotga, yashashga bo‘lgan muhabbati aks etgan.

She’rning so‘nggi satrlarida:
Mendan olislarda tentiraydi baxt,
Mendan olislarda quvonch sargardon.
Ko‘nglimni quyoshga aylantirib ber,
Agar osmonliging rost bo‘lsa osmon.

U osmonga murojaat qilib “ko‘nglimni quyoshga aylantirib ber” - deydi. Har bir inson bu hayotga kelar ekan, shunday yashashi kerakki, uning ko‘ngli huddi quyosh kabi iliq, beg‘ ubor, pok bo‘lishi kerak. Ammo, bu mashaqqatli hayot yo‘llarida doim ham inson qalbini pok saqlashi imkonsizdek tuyuladi. Qalb – Allohning uyi. U doimo yomonlikdan, qahrdan holi bo‘lmog‘ i

lozimligi, yaxshilik bilan limmo-lim bo‘lishi she’r tahlili jarayonida yaqqol ko‘zga tashlanadi. Lekin, hayot bir maromda davom etmaydi. Hayot kurashlardan, anduhlardan iborat. Shunday vaziyatlarga qaramasdan, inson o‘zligini, qalbinnig tub-tubida bir zarradek bo‘lsa ham yashirinib yotgan mehr-muhabbat tuyg‘ usini, Yaratganga bo‘lgan ishonchini, iymon hamda e‘tiqodini saqlab qolmog‘ i shart. Ana shundagina behudaga yashamayotgandek his etadi o‘zini. Ana shundagina komillik eshiklari ochilajak. Shoiraning bu satrlar orqali aytmoqchi bo‘lgani ham har qanday vaziyatda ham inson umidini saqlab qolishi kerakligi nazarda tutilgan.

Qarg‘ alar qarg‘ agan qishning,
Chillasida tinmay yog‘ ayotgan qor.
Chechakka aylanar. Bizlarni izlab,
Qaydandir keladi adashgan bahor [2, 23].

Shoira qishning qahratonini ham mening umidimni, hayotga bo‘lgan muhabbatimni, yashashga bo‘lgan umidimni muzlatolmaydi, deb yozadi. U doimo bahorga tashna. Inson shaxsiyatidagi komillik xususiyatlarining asosini belgilovchi ezgulik, e‘tiqod, adolat tuyg‘ ularini tarbiyalash va shakllantirishda har tomonlama barkamol shaxs nuqtayi - nazarni va badiiy tadqiqotchilik prinsiplarini ko‘rsatadi. Zero, har bir she’rning badiiy barkamolligi, qahramon psixologiyasi, voqeahodisaning ta’sirchan tarzda aks ettirilganligi bilan belgilanadi. Shoiraning she’rlarida har bir so‘z, har bir iboraga alohida diqqat qaratilgan. Shuningdek, ijodkor lirikasida vatanpavar qalb yashaydi:

Quyoshning ko‘zlari naqadar go‘zal,
Bardoshsiz ildizlar sizdan tonaman.
Vatanim samodir, unga intilib,
Bir kun Muqannaday yonaman [2, 56].

Halima Xudoyberdiyeva, Halima Axmedova she’riyati hissiy ta’sirchanligi, tuyg‘ ular rozining originalligi, mushohada va ifoda tarzining o‘ziga xosligi bilan betakroridir. Ularning har bir she’ri, har bir satri zamirida katta hayot falsafasi tasvirlanadi. Shu bois ularning she’rlari o‘quvchini ham hayotga teran tafakkur bilan ko‘ngil ko‘zi bilan qarashga undaydi.



Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Адабиёт назарияси. Икки жилдлик. 1-жилд.- Т.: 1987. 119-б.
2. Аҳмедова Ҳ. Тунги марварид гуллар. Шеърлар. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
3. Норматов У. Ижод сеҳри. -Т.: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007.- 352 б.
4. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. Т.: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007.- 336 б.
5. Худойбердиева Ҳ. Сайланма.- Т.: “Шарқ”, 2000. 287-б.
6. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.- 380 б.

Халова М. Символы переживания в лирике. В статье анализируются стихи поэтов независимости Халимы Худойбердиевой и Халимы Ахмедовой. Отличия поэзии периода независимости от поэзии других периодов выявляются посредством сравнительного анализа творческих стихотворений. Символические образы в их стихотворениях показывают их роль в выражении национального духа.

Khalova M. The symbolism of experiences in lyricism. The article analyzes the poems of independence poets Halima Khudoiberdiyeva and Halima Akhmedova. The differences between the poetry of the independence period and the poetry of other periods are highlighted through a comparative analysis of the creative poems. The symbolic images in his poems show their role in expressing the national spirit.



СЎЗ ЎРТАСИДА (ИНЛАУТДА) УНДОШЛАР ЗИДЛАНИШИНИНГ МЎЪТАДИЛЛАШУВИ

Сайфуллаева Раъно Рауфовна,

ЎзМУ профессори, филология фанлари доктори,

Нурманова Дилфуза Абдухамидовна,

АнДУ доценти, филология фанлари номзоди,

Калит сўзлар: фонологик зидланишлар, приватив зидланиши, мўътадиллашув, ассимиляция, диссимиляция, аккомодация, дивергенция, конвергенция, интервокал позиция, инлаут.

Икки реалликнинг муайян шароитда ўзаро фарқли белгиларининг кучсизланиши мўътадиллашув (нейтрализация) саналади. Масалан, *боғ*, *боқ* сўзлари икки реаллик саналиб, охириги товушлар жарангли-жарангсизлик белгисига кўра ўзаро фарқланади. Лекин, талаффузда *боғ* сўзидаги “г” жарангли ундоши сўзнинг охириги позициясида жаранглилик белгисини йўқотади. Натижада *боқ* билан талаффузда бир хил бўлиб қолади, мўътадиллашади. Мўътадиллашув (нейтрализация) тушунчаси тилшуносликка лисоний бирликларга функционал нуктаи назардан ёндашувчи функционал лингвистика тарафдорлари томонидан киритилди. У дастлаб фақат фонологик сатҳ бирликлари учун қўлланилди. Фонемалар ўртасидаги фарқли белгиларнинг йўқолиши мўътадиллашув дейилди. Фонологияда эътироф этилган бу тушунча кейинчалик тилнинг бошқа сатҳ бирликлари учун ҳам қўлланила бошланди [4,56].

Фонологик оппозициялар мўътадиллашуви масаласига Н.С.Трубецкой жуда катта эътибор берди. У мўътадиллашувни фонологиянинг тамал тоши деб баҳолади [6,115].

Мўътадиллашув ходисаси зиддият (оппозиция) тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Чунки мўътадиллашув жараёнининг юзага чиқишида лисоний бирликлар ўзаро зиддиятли муносабатда бўлиши шарт.

Лисоний бирлик мундарижаси таркибидаги белгиларнинг бир лисоний бирликни бошқа шунга ўхшаш лисоний

бирликка солиштириш, зидлаш асосида аниқланади. Бундай аниқлаш усули, айниқса, фонологияда кенг қўлланилади. Фонологик системадаги муайян фонеманинг мундарижасини ташкил этган белгилар бошқа бир фонеманинг мундарижасини ташкил этган белгилар билан солиштирилади. Ҳар икки фонеманинг мундарижасида мавжуд бўлиб, уларнинг бир-биридан фарқланиши учун хизмат қиладиган белгилар фонологик муҳим, қолган белгилар эса фонологик номуҳим белгилар ҳисобланади.

Англашиладики, лисоний бирликлар мундарижаси фарқловчи (дифференциал) ва фарқламайдиган (нодифференциал) белгилар мажмуасидан ташкил топади. Фарқловчи ва фарқламайдиган белгилар эса лисоний бирликларни ўзаро зидлаш асосида ажратилади. Шунинг учун ҳам тилшуносликда лисоний бирликлар зиддиятига (оппозициясига) катта эътибор қаратилади.

Н.С.Трубецкой зиддиятларни қуйидаги белгилар асосида тасниф этди:

1. Зиддиятлар системасига муносабатига кўра;
2. Зидланувчи аъзолар муносабатига кўра;
3. Фарқлаш кучига кўра.

Биринчи белгига кўра зиддиятлар бир ўлчовли ва кўп ўлчовли зиддиятларга, шунингдек, ажралган ва пропорционал зиддиятларга бўлинади [6,74]. Бир ўлчовли зиддиятларда зидланувчи аъзоларнинг зидланишлари учун асос бўлган, яъни ҳар икки аъзо учун умумий бўлган белги фақат



шу зиддият учунгина хос бўлиб, фонологик зиддиятлар системасининг бошқа аъзосида учрамайди. Масалан, ўзбек тилидаги *т-д* фонемаларининг зиддияти бир ўлчовли саналади. Чунки тил олдилик, портловчилик белгиси билан зидланиш фақат шу жуфтликдагина учрайди. *Т-П* фонемалари ўртасидаги зидланиш эса кўп ўлчовлидир. Негаки, бу жуфтликда зидланувчи аъзолар ўртасидаги умумий белги бўлган портловчилик ва жарангсизлик белгиси бошқа жуфтликларда ҳам мавжуддир. Масалан, *т-ч* фонемаларида.

Маълум бир зиддият аъзолари ўртасидаги фонологик муносабат фонологик системанинг бошқа бир зиддият аъзолари ўртасидаги муносабат билан бир хил бўлса, бундай зиддиятлар пропорционал зиддият ҳисобланади. Масалан, ўзбек тили фонологик системасидаги *к-г* фонемаларининг зиддияти пропорционалдир. Чунки бу зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабат, яъни жарангсизлик, портловчилик белгиси асосида умумийликни ҳосил қилиши фақат бу жуфтлик учунгина эмас, балки *п-б*, *т-д* каби жуфтликлар учун ҳам ҳосилдир. Маълум бир зиддият аъзолари ўртасидаги муносабат фонологик системанинг бошқа ҳеч қандай зиддият аъзолари ўртасида учрамаса, бундай зиддият ажралган зиддият ҳисобланади. Масалан, *б ва л* жуфтликлари ўртасидаги зидланиш. Чунки билабиаллик ва лабиоденталлик (ёнлик) белгилари ўртасидаги муносабат бошқа ҳеч бир жуфтликда такрорланмайди [5,137].

Зидланувчи аъзолар ўртасидаги муносабатга кўра зидланишлар приватив, градуал (босқичли) ва эквивалент (тенг ҳуқуқли) турларга бўлинади. Бундай зидланишлар бир ўлчовли, кўп ўлчовли, пропорционал ва ажралган зидланишлар билан тасниф асосига, фонологик система муносабатига кўра фарқ қилади. Зидланувчи аъзолардан бирида зиддият учун асос бўлган белгининг мавжудлиги, иккинчисида эса йўқлиги билан характерланувчи зиддият приватив зиддият ҳисобланади. Зидланувчиларнинг

белгига эга бўлган аъзоси кучли, эга бўлмаган аъзоси эса кучсиз аъзо дейилади. Масалан, *т-д*, *к-г* ундошлари зидланиши приватив саналиб, зидланувчи жуфтликларнинг ҳар бирида биринчи аъзо “овоз” (“жаранг”) белгисининг йўқлиги, иккинчиси эса борлиги билан характерланади [5,137].

Зидланувчи белгилар маълум бир белгининг турли даражаси билан характерланувчи зиддият даражали (градуал) ҳисобланади. Масалан, унлиларда оғиз очилиш белгисининг турли даражаси (*у-ў-о*; *и-э-а*) каби зидланувчилар даражаланишидаги бошланғич ва сўнгги аъзолар чегара ёки ташқи аъзолар, бу икки чегара аъзолар оралиғидаги аъзолар эса ички ёки оралиқ аъзолар саналади.

Зидланувчи аъзоларнинг ҳар иккиси мантиқан тенг ҳуқуқли бўлган, яъни белгининг икки даражасини ҳам, тасдиқ ёки инкорини ҳам билдирмайдиган зидланишлар тенг қийматли (эквивалент) зидланиш ҳисобланади [5,138].

Маъно фарқлаш кучига ёки турли шароитдаги қўлланилишига кўра доимий ва мўътадиллашган (нейтраллашган) зиддиятларга бўлинади.

Зиддиятларнинг бундай бўлинишини фонологик системанинг конкрет шароитда юзага чиқишига – функциялашувига асосланади. Фонологик системанинг функциялашуви деганда фонемаларнинг шу тил меъёрлари асосида бирикуви, шунингдек, айрим зиддиятларнинг амал қилиш шароити тушунилади [6,86].

Тил системасидаги зиддият аъзолари нутқ жараёнида бутун таркибида муайян синтагматик муносабатга киришганда ҳам зиддиятга асос бўлган белгиларини сақлаб қолса, доимий зиддият, аксинча, сақлаб қолмаса, мўътадиллашган зиддият, тўғрироғи, тил системасидаги зиддиятнинг мўътадиллашуви саналади. Н.С. Трубецкой доимий ва мўътадиллашган зиддият ўртасидаги фарқланиш фонологик система функциялашуви учун катта аҳамиятга эга эканлигини айтади [6,87].

Мўътадиллашувга олиб келадиган ҳолатни мўътадиллашув ҳолати, аксинча, зиддият қийматини сақлаб қолишга хизмат



киладиган ҳолат релевантлик ҳолати ёки шароити дейилади. Мўтадиллашув ҳолатида зидланувчи аъзоларнинг ўзига хос белгилари йўқолади, ҳар икки аъзо учун умумий бўлган бирлаштирувчи белгилар (зидланувчи аъзолар ўртасида киёс учуна сос бўлган, ҳар иккисида такрорланувчи белгилар) эса сақланиб қолади. Демак, ҳар қандай зиддият ҳам мўтадиллашавермайди. Мўтадиллашув учун энг берилувчан зиддият бир ўлчовли зиддият саналади.

В.К.Журавлёв тўғри таъкидлаганидек, диахроник фонологияни мўтадиллашув тушунчасисиз тасаввур қилиш мумкин эмас [3,36].

Ҳар қандай тил фонологик системасининг даврлар ўтиши билан маълум ўзгаришларга учрашида конвергенция (икки фонеманинг бир фонемага бирлашуви) ва дивергенция (бир фонемадан иккинчи фонеманинг ажралиб чиқиши) ҳодисалари марказий ўринни эгаллайди. Фонологик зидланишлар мўтадиллашувини ушбу ҳодисалардан фарқлаш лозим. Бу ҳодисалар бир-бирига ўхшайди. Уларнинг ўхшашлиги шундаки, ҳаммаси ҳам ўзаро зидланувчи икки бирлик муносабатига асосланади:

1) зидланаётган икки фонологик бирлик қимматининг йўқолиши мўтадиллашув;

2) зидланаётган икки фонетик бирликнинг маълум шароитда ва даврлар ўтиши билан фарқли томонининг йўқолиб, бир бирликка айланиб кетиши конвергенция;

3) зидланаётган икки фонетик бирликнинг маълум шароитда ва даврлар ўтиши билан фарқли томонларининг кучайиши ва икки мустақил фонемаларга ажралиб кетиши дивергенция ҳодисалари саналади.

Конвергенция ва дивергенция жараёнларининг рўй беришида мўтадиллашув ҳодисаси муҳим роль ўйнайди. Ҳар икки жараён, албатта, мўтадиллашув орқали юзага чиқади.

Кўринадики, мўтадиллашув ҳар қандай тил системасида чуқур ўрин эгаллайди. Фонологик мўтадиллашув

билан ассимиляция, диссимиляция, аккомодация сингари ҳодисаларни ҳам аралаштирмаслик керак. Чунки бу ҳодисалар бир-биридан фарқ қиладиган бошқа-бошқа ҳодисалардир. Ассимиляция (*лот. assimilatio – ўхшаб қолиш*) бирор товушнинг бошқа товуш таъсирида унга ўхшашлик (бир хиллик) томон ўзгариши: *ошши – ошни, туссиз-тузсиз* каби [8,18]. Диссимиляция (*лот. dissimilis – ноўхшаш*) сўздаги бир хил ёки бир-бирига қисман ўхшаш товушлардан бирининг артикуляцион жиҳатдан фарқ қиладиган бошқа товуш томон ўзгариши. Диссимиляция жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, асосан, сўзлашув нутқида юз беради: *транвай (трамвай ўрнига)* [8,36]. Аккомодация (*лот. accomodatio-мувофиқлашув*) ёнма-ён келган ундош ва унли товушлар артикуляциясининг бир-бирига уйғунлашувидир [8,11]. В.К.Журавлёв фонемалар мўтадиллашувини фонологик, ассимиляция, диссимиляция, аккомодацияни эса фонетик ҳодиса сифатида фарқлайди.

Бугунги кунда лисоний бирликлар зидланиши (оппозицияси) ва бу зидланишлар ўртасидаги зидланиш белгиларининг маълум шароитда йўқолиши, мўтадиллашувини (нейтрализацияси) тушунчалари тилшуносликда қатъий ўрин олди.

Мўтадиллашув ҳодисаси фақат фонологик сатҳагина эмас, балки тилнинг барча сатҳлари учун хос бўлиб, тил ва нутқда объектив мавжуддир. Н.С.Трубецкой ва В.К.Журавлёвлар мўтадиллашув ҳодисасини фақат тил сатҳида ўрганадилар. Нутқ сатҳидаги мўтадиллашув назардан четда қолди. Аслида икки фонема ўртасидаги фарқловчи белгининг муайян позицияда фарқловчилик хусусиятининг йўқолиши мўтадиллашувга олиб келар экан, бу ҳодиса, аввало, нутқий жараёнда рўй беради ва даврлар ўтиши билан тилга кўчади. Шунинг учун ҳам тил ва нутқ сатҳидаги фонологик мўтадиллашувни бир-биридан фарқлаш лозим бўлади. Масалан, *мақсад* сўзидаги ёндош келаётган икки товуш (*қ ва с*)нинг нутқ



жараёнида ўзаро таъсирлашуви натижасида, яъни “с” нинг сирғалувчилик хусусияти таъсирида қ ўзининг портловчилик белгисини йўқотади. Натижада ассимиляцияга асосланган мўътадиллашув юзага келади. Лекин, бу фақат нуткий ҳодиса саналиб, тил системасининг лексик сатҳидаги мақсад сўзининг фонологик структурасига таъсир этмайди. Умумтуркий бан сўзида эса лаб-лаб, портловчи, жарангли ундош тил олди сонор “н” ундошининг таъсирига берилиб, сонор ундошга айланади, яъни улар ўртасидаги зиддият мўътадиллашган бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида “мен” тарзида ўринлашган. Натижада нуткий жараёнда рўй берган ҳодиса даврлар ўтиши билан тилга кўчган.

Мўътадиллашув учун зиддият тушунчаси қанчалик муҳим бўлса, позиция тушунчаси ҳам шунчалик аҳамиятли ҳисобланади.

Бир белгиси асосида оппозицияга киришган фонемаларнинг шу белги учун кучсиз позицияда оппозициянинг йўқолиши, яъни икки фонеманинг бир вариантга мувофиқлашуви – нейтрализацияси ҳақидаги таълимотни илгари сурган. Москва фонологик мактабининг фонема талқинидаги ютуқларидан яна бири фонемаларнинг морфема таркибидаги позицияси масаласидир. Позиция тилнинг маълум сатҳ бирлигининг бошқа шундай бирликларга нисбатан жойлашган ўрни, куршовидир. Позициялар кучли ва кучсиз позицияларга тасниф этилади. Хусусан, фонологик сатҳда куршовдаги товушларнинг таъсирига кам берилган перцептив томондан максимал фарқловчи позиция фонемаларнинг кучли позицияси ҳисобланади. Рус тили унлилари учун бундай позиция урғу ости позицияси, ундошлар учун эса унли олди позицияси ҳисобланади. Ўзбек тили унлилари учун сўзнинг фақат бир унлидан ташкил топган биринчи бўғини позицияси, ундошлари учун эса интервокал позиция кучли позициядир.

Р.А.Аванесов фонемалар позициясини тасниф қилар экан, маълум бир

фонеманинг бир белгиси учун кучли позиция шу фонеманинг бошқа белгиси учун кучсиз позиция бўлиши мумкинлигини айтади. Позиция тушунчаси асосида МФМ фонема вариантлари ва вариацияларини ҳам ажратади. Жумладан, А.А.Реформатский кучсиз позицияларни иккига–перцептив кучсиз (билиш томонидан) ва сигнификатив кучсиз (фарқлаш томонидан) позицияларга ажратган ҳолда, биринчиси фонема вариацияларини, иккинчиси эса вариантларини ҳосил қилишини айтади[6,55]. Биринчисига «а» нинг турли оттенкалари: «*мат*», «*мать*», «*мят*», «*мять*»; иккинчисига сўзнинг охириги позицияси–*пруд* ва *прут* киритилади.

Ўзбек тилидаги ундошлар зидланишининг нутқ артикуляцияси сатҳидаги мўътадиллашуви ҳақида фикр юритилганда, сўзларнинг фонетик тузилишидаги сўнгги позиция ауслат билан сўз боши позицияси (анлаут) ҳамда сўзлар ўртаси позицияси (инлаут)ни фарқлаш лозим. Чунки бу позицияларда зидланувчи аъзоларнинг мўътадиллашиш даражаси бир хил эмас. Қуйида ундошларнинг сўз ўртаси позицияси ҳамда ушбу позицияда ундошлар зидланишининг мўътадиллашувини кўриб ўтамыз.

Сўз ўртаси (инлаут) позицияси деганда бир морфемадан иборат лексемалар назарда тутилади. *Учма-ушма, тузсиз-туссиз, сўзсиз-сўссиз* сўзларидаги *т-и, з-с* ундошлари ўртасидаги зидланишнинг мўътадиллашуви морфемалар оралиғида содир бўлганлиги туфайли бундай типдаги мўътадиллашувлар алоҳида турни ташкил этади.

Сўз ўртасида ундошлар зидланишининг мўътадиллашуви кўпроқ икки унли оралиғида интервокал ҳолат билан боғлиқ ҳолда рўй беради. Бундай ҳолатда ундошларнинг кўпроқ портловчилик-сирғалувчилик, жаранглилик-жарангсизлик белгиларига кўра зидланишларининг мўътадиллашуви кузатилади. Масалан, *қабоқ-қовоқ,*



табақа-тавақа (икки *табақали-икки тавақали*) каби сўзларда “*б*” ундоши унлилар таъсирида портловчилик белгисини йўқотиб, сирғалувчи “*в*” тарзида талаффуз қилиниши натижасида *б-в* мўътадиллашуви содир бўлади.

Г-й ундошлари жарангли-жарангсизлик белгисига кўра умумийликка эга бўлиб, пайдо бўлиш ўрни ва усулига кўра ўзаро фарқланади. Фонологик системадаги бу зидланиш нутқ жараёнида, синтагматикада мўътадиллашиши мумкин. Бундай вақтда бир хил фонетик шароитда бири ўрнида иккинчиси эркин алмашилиб, маънога таъсир этмайди. Бир маъноли бирликнинг икки вариантини вужудга келтиради. Масалан, *кейин-кегин, тугун-туйун* ва бошқалар.

Ғ-в ундошлари портловчилик-сирғалувчилик, жарангли-жарангсизлик белгиларига кўра умумий бўлиб, пайдо бўлиш ўрнига кўра фарқланади. Бу зидланиш бир қатор желовчи ўзбек шеваларида инлаутда интервокал ҳолатда мўътадиллашади. Масалан, *огиз-овуз, қовурма-қўғурма, қовурмоч-қўғурмоч* ва бошқалар.

Қизиғи шундаки, ҳар икки аъзо мўътадиллашувчи восита ҳамда мўътадиллашма бўлиши мумкин. Жумладан, биринчи мисолда *г-в* зидлиги ўртасидаги мўътадиллашув тил ўрталик белгисининг йўқолиши ва лаб ундошига ўтиш ҳисобига бўлса, кейинги мисолларда, аксинча, адабий тилда *в* ундоши желовчи шеваларда синтагматикада лабланиш хусусиятини йўқотиб, тил орқа сирғалувчи, жарангли ундошга айланади.

Б-в ундошлари портловчилик-сирғалувчилик белгисига кўра ўзаро зидланади. Жонли нутқда бу ундошлар зидланиши йўқолади. Мўътадиллашув кўпроқ сирғалувчи ундош ҳисобига бўлади. Масалан, *обод-овот, бобо-бува, табиб-товуп, юбор-ювор, кабоб-кавоп* каби.

П-б ундошлари жарангли-жарангсизлик белгисига кўра зидланади. Сўз ўртасида интервокал ҳолатда бу зидланувчилар ўртасида зидланиш

белгисининг йўқолиши, мўътадиллашуви мумкин. Бундай хусусият ўзбек тили диахрониясида кузатилади. Тарихий этимологик б ундоши п ундошига ва аксинча, п ундоши б ундошига ўтганлиги кузатилади. Масалан, *шўбон-чўпон, қапоқ-қабоқ-қовоқ* ва бошқалар.

Б-м ундошлари лаб ундошилиқ, портловчилик, жаранглилик белгилари бирлаштирувчилик, сонорлик-сонор эмаслик белгилари фарқловчилик вазифасини бажаради. Ўзбек тилининг тарихий тараққиёти натижасида бу ундошлар фарқланиши айрим жуфтликларда йўқолганлиги кузатилади. Масалан, *қабал (БН)-қамал* (ҳозирги ўзбек тили), *қабал (БН)-қамал* (ҳозирги ўзбек тили) каби. Бу ундошларнинг мўътадиллашуви ҳозирги желовчи шеваларда ҳам учрайди. Масалан, *сомон-сабан*. Бу эса диахрониядаги мўътадиллашувнинг ҳозирги ўзбек тилидаги реликтидир.

Инлаутда ундошлар зидланишлари ўртасида мўътадиллашув фақат интервокал ҳолат билангина чекланмайди. Кўпинча ундош олди позициясида ҳам зидланувчи ундошлар ўртасидаги зидланиш белгиси йўқолиши мумкин.

Г-й ундошлари ўртасидаги пайдо бўлиш ўрнига кўра зидланиш баъзи ўзбек шеваларида инлаутда сонор ундошлари олдида мўътадиллашуви кузатилади. Масалан, *игна-ийна*.

Ғ-в ундошлари ўртасидаги зидлик белгиси айрим ўзбек шеваларида сонор ундошларидан сўнг ёки тил олди ундошларидан олдин мўътадиллашуви мумкин. Масалан, *тарвуз-торғуз, бугдой-бугдай* каби.

Б-в ундошлари ўртасидаги портловчилик-сирғалувчилик белгисига кўра зидлик инлаутда сонор ундошларидан олдин йўқолиши кузатилади. Масалан, *жабр-жавр, сабр-савр*.

Ж-й ундошлари ўртасидаги портловчилик-сирғалувчилик, тил олдилик-тил ўрталик, шовқинлик-сонорлик белгиларига кўра зидланишнинг белгилари инлаутда сонор ундошлари



олдидан мўътадиллашуви кузатилади. Масалан, *мажлис-майлис*.

Ф-п ундошлари ўртасидаги портловчилик-сирғалувчилик белгиларига кўра зидланиш инлаутда сонор ундошларидан сўнг мўътадиллашуви мумкин. Масалан, *кулфат-кулпат, улфат-улпат* каби.

Ғ-й ундошлари ўртасидаги чуқур тил орқалик-тил ўрталик белгисига кўра зидланиш желовчи ўзбек шеваларида **д** ундошидан олдинги позицияда мўътадиллашади. Масалан, *бугдой-бийдай (желовчи шеваларда)*.

Р-д ундошлари ўртасидаги портловчилик-титроқлик, сонорлик-шовқинлилик белгиларига кўра зидланиш **д** ундошидан олдинги позицияда мўътадиллашади. Сонор ундош сонорлик, шовқинлилик белгиларини йўқотади. Масалан, *харидор-хардор-хаддор (Наманган)*.

Р-т ундошлари ўртасидаги жаранглилик-жарангсизлик белгисига кўра зидланишнинг тил олди, жарангсиз портловчи ундош олдидан мўътадиллашуви, сонор ундош сонорлик белгисини йўқотиши мумкин. Масалан, *марта-матта (Наманган, Андижон), кекиртак-кекиттэз (Наманган)* каби.

Р-н ундошлари титроқлик-портловчилик белгисига кўра зидланишнинг инлаутда **н** ундоши олдида мўътадиллашуви, титроқ зид аъзо титроқлик белгисини йўқотиши кузатилади. Масалан, *тирноқ-тинноқ, тирна-тинна* каби.

Н-д ундошлари ўртасидаги сонорлик-жаранглилик белгисига кўра зидланиш сонор ундошдан сўнг келган иккинчи сонор ундоши сонорлик белгисини йўқотиши ва тил олди, жарангли, портловчи ундош билан бир хил бўлиб қолиши мумкин. Масалан, *тирноқ-тиннақ-тиндақ* каби.

Х-в ундошлари ўртасидаги пайдо бўлиш ўрнига кўра бўғиз ундошилик-лаб ундошилик белгисига кўра зидланиш жарангли, лаблашган ундошлар ёки сонор ундошлар олдидан мўътадиллашиши мумкин. Масалан, *суҳбат-сувбат*

(желовчи), таҳлика-тавлика (желовчи) каби.

Х-й ундошлари ўртасидаги бўғиз ундошилик-тил ўрталик, сонорлик-сонор эмаслик белгиларига кўра зидланиш инлаутда **и** унлисидан сўнг мўътадиллашуви кузатилади. Бунда бўғиз ундоши ўз белгисини йўқотиб, зид аъзоси белгилари билан бир хиллашади. Масалан, *деҳқон-дийқон, зехн-зийн (желовчи), меҳр-мийр (желовчи), меҳнат-мийнат (желовчи), меҳмон-миймон (желовчи)* каби.

Т-д ундошлари ўртасида жарангсизлик-сонорлик, портловчилик-ёнлик белгиларига кўра зидланиш синтагматикада тил олди, сонор ён ундоши олдидан мўътадиллашади. Мўътадиллашув тил олди, жарангсиз, портловчи ундошнинг ўз фарқловчи белгиларини йўқотиб, **д** ундоши билан бир хил бўлиб қолиши сабабли рўй беради. Масалан, *атлас-аллас* каби.

Й-т ундошлари жарангли-жарангсизлик, тил ўрталик-тил олдлик, сирғалувчилик-портловчилик белгиларига кўра зидланади. Демак, улар максимал зидланишдаги аъзолар саналади. Шундай бўлишига қарамасдан, айрим ўзбек шеваларида бу ундошларнинг маънога таъсир этмаган ҳолда бири ўрнида иккинчиси алмадиниши ҳоллари кузатилади. Масалан, *кейин-кетин* каби.

Шундай қилиб инлаутда ундошлар ўртасидаги хилма-хил зидланишлар ҳам сигнификатив, ҳам перцептив жиҳатдан мўътадиллашуви мумкин. Мўътадиллашув интервокал ҳолатда, шунингдек, маълум ундошлар олдида ҳамда айрим унлилардан сўнг уларнинг таъсирида рўй беради.

Бир белги асосида зидланган ундошлар ўртасида мўътадиллашув кўпроқ, икки ва ундан ортиқ белги асосида зидланган ундошлар ўртасида эса мўътадиллашув унга нисбатан камроқ учрайди. Бунга сабаб зидланувчи аъзолар ўртасида зидланишнинг кучли ёки кучсизлиги саналади. Бир белги асосида зидланиш зидланувчиларни кўп белги асосида зидланишига нисбатан перцептив



жихатдан кучсизроқ фарқлайди. Шунинг учун мўътадиллашишга кўпроқ берилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бельдиян В.М. Звуковая система современного русского языка и вопросы нейтрализаций фонем. -М.: Дисс. ...канд.филол.наук. 1968. 169с.
2. Богораз-Бухман Л.И. Фонологическая нейтрализация на уровне дифферентов и фонем в русском языке. -М.: Дисс. ...канд.филол.наук.1964. 168 с.
3. Журавлев В.К. К проблеме нейтрализации фонологических оппозиций//Вопросы языкознания. 1972. №3. -С. 36-37-48.
4. Нурмонов А.Н. Нейтрализация оппозиций лингвистических единиц по признаку утвердительности-отрицательности//Советская тюркология, 1984. №3. -С. 56-62.
5. Нурмонов А. Танланган асарлар. II жилд.-Тошкент: Академнашр, 2012, 441б.
6. Трубецкой Н.С. Некоторые соображения относительно морфологии//Пражский лингвистический кружок. -М.: 1967. -С. 115-119.
7. Реформатский А.А. Из истории отечественной филологии. -М.: Просвещение, 1970. 342 с.
8. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002, -Б.164.

Сайфуллаева Р., Нурманова Д. Нейтрализация оппозиций согласных в инлауте в узбекском языке. В статье идет речь о фонологических оппозициях, в сущности оппозициях согласных в инлауте и их нейтрализации в узбекском языке.

Sayfullayeva R., Nurmanova D. Moderation of the opposition of consonants in the middle of the word (inlaut) in the Uzbek language. The article discusses phonological contradictions in the Uzbek language, in particular, the contradictions of consonants in medial positios in a word and their moderation.



ИНГЛИЗ ТИЛИДА ПРЕСКРЕПТИВ (БУЙРУҚ) НУТҚИЙ АКТИНИНГ
ПРАГМАЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ
(У. Якобснинг ҳикоялар тўплами асосида)

Бузрукова Махина Мухамадхоновна,

СамДУ катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Таянч сўзлар: *дискурс, локуция, иллокуция, перлокуция, нутқий акт.*

Бугунги кунда дунё тилшунослигида турли лисоний маданиятлар вакиллари нутқий мулоқот жараёнини тадқиқ қилиш илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Қатор етакчи илмий марказларда мулоқот тизими бирликлари ва ушбу бирликларнинг турли контекстларда ошкора ва тағмаёноли вокеланишига оид муаммолари борасида изланишлар олиб борилмоқда. Биз мазкур ишимизда инглиз тилида прескрептив (буйруқ)ни ифодалаш воситаларининг хусусиятларини У. Якобснинг “The white cat and other stories” ҳикоялар тўплами материали асосида ўрганиб чиқишни мақсад қилиб олдик.

Нутқий актлар назариясининг алоҳида таълимот сифатида шаклланишига Ч. Моррис, Ч. Пирс каби семиотикларнинг назарий қарашлари, Ҳ. Хумбольдт, Ш. Балли ва бошқаларнинг умумий тилшунослик соҳасига оид ишлари туртки берганини ҳеч ким инкор этолмайди, албатта. Аммо, мазкур назариянинг асосий манбаси инглиз мантиқшуноси Ж. Остиннинг «How to do things with words» («Сўзлар билан қандай муомалада бўлмоқ даркор») номли асаридир.

Нутқий актнинг тузилиши ва дискурсив фаоллашуви билан қизиққан Ж. Остин нутқий актларни локутив, иллокутив ва перлокутив босқичларига ажратиб ўрганишни таклиф қилади. Локуция ҳаракати «бирон бир гапни маълум бир мазмун ва референция билан боғлиқликда талаффуз қилишдан иборатдир» [Austin 1975: 109]. Жумладан, *The dangerous dog is in the garden* гапининг мазмуни алоҳида итга ишора қилиб, унинг хавфли эканлигини тасвирламоқда. Шунинг билан биргаликда, биз локуция

ҳаракатини бажараётиб, «бир пайтнинг ўзида хабар бериш, буюриш, огоҳлантириш каби иллокутив актни ҳам намойиш қиламиз» [Austin 1975: 109]. Демак, сўзловчининг у ёки бу маъно ва референтга эга гапни тузишдан мақсади мулоқот жараёнида маълум бир ҳаракат орқали иштирок этишдир. Масалан, юқорида келтирилган *The dangerous dog is in the garden* тузилмасининг талаффузи орқали сўзловчи бирон кишини боғга киришдан тўхтатиш ёки огоҳлантириш мақсадини кўзлайди. Бу ҳолатда огоҳлантириш нутқий тузилманинг иллокутив кучини белгилайди. Ниҳоят, сўзловчи тингловчини боғга киришдан тўхтата олса, перлокутив акт содир бўлади.

Айтиш жоизки, санаб ўтилган актлар (локутив, иллокутив, перлокутив) бир пайтнинг ўзида, бир макон ва замонда бажарилади. Уларнинг фарқлиниши формал характерга эга бўлиб, фақат ва фақат уларнинг яхлитлигида ҳақиқий дискурсив-коммуникатив бирлик, яъни нутқий акт ҳосил бўлади. Локутив актни бажараётган сўзловчи шу пайтнинг ўзидаёқ иллокутив акт ижрочисига айланади, яъни савол сўрайди ва унга жавоб беради, хабар беради, ишонтиради ёки огоҳлантиради; илтимос ёки талаб қилади, танқид қилади ёки мақтайди ва ҳ. Бундай ҳаракатлар бажарилишида перформатив феъл иллокуцияга ишора қилади.

Ж. Остиннинг шогирди Ж. Серль «иллокутив акт» тушунчаси билан бир қаторда «иллокутив вазифа» тушунчасини ҳам истеъмолга киритди.

Ж. Серль нутқий актларни бешта синфдан иборат деб таснифлайди:



1) Репрезентативлар (мақсад – сўзловчининг хабарнинг самимийлигига жавобгарлигини маълум қилиш);

2) Директивлар (мақсад – тингловчини сўралаётган ҳаракатни бажаришга ундаш);

3) Комиссивлар (мақсад – сўзловчи бирор бир ҳаракатни бажариш мажбуриятини олиши);

4) Экспрессивлар (мақсад – самимийлик билан шартланадиган руҳий ҳолатни ифодалаш);

5) Декларативлар (мақсад – ваколатли шахс томонидан объект мақомига ўзгартириш киритиш).

Ж.Сёрлнинг таснифи, камчиликлардан холи эмаслигига қарамасдан, нутқий актларнинг энг муҳим хусусиятларини умумлаштириш ва истиқболда тасниф меъёрларини аниқлаштириш имконини беради [Сафаров 2008: 84].

«Прагматингвистика» асарининг муаллифи Ш.Сафаровнинг қайдича, «Тилнинг мавжудлиги инсонларнинг сўзлаш ёки ёзиш ҳаракатларини бажариши билан боғлиқдир. Бу ҳаракатларнинг бажарилиши жараёнида лисоний бирликлар асл маъносидан ташқари, тасдиқлаш, буюриш, огоҳлантириш, ваъда бериш каби мазмунни ифодалаш имкониятини намоён қиладилар. Бу маънолар сўзловчи шахс томонидан бажарилаётган нутқий фаолият натижасидир. Демак, нутқий акт сўзловчининг маълум муҳитда, аниқ мақсадда тингловчига лисоний мурожаатидир» [Сафаров 2008: 71].

Директив нутқий актлари, одатда, уч гуруҳга тақсимланиб тавсифланади. Булар – прескриптивлар, яъни ҳаракатни бажаришга буйруқ бериш мазмунига эга тузилмалар, реквистивлар, яъни сўзловчи фойдасига бажарилиши сўралаётган ҳаракатлар (лекин, ушбу ҳаракат

бажарилиши мажбурият эмас). Ниҳоят, учинчи гуруҳни маслаҳат мазмунига эга бўлган суггестив нутқий актлари ташкил қилади.

Маданиятлараро мулоқот вазиятларида буйруқ (ундаш) директив нутқий актининг нотўғри талқин қилиниши адресат учун энг катта хавф туғдиради. Нотўғри талқин қилиш гап таркибида имплицит перформативларни қўллаш натижасида вужудга келиши мумкин. Ундаш тузилмаси мулоқот жараёнида нутқий таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлиб, тингловчи хатти-ҳаракатини бошқаради.

Мейнинг фикрига кўра, буйруқ нутқий акти адресант томонидан адресатни маълум иш-ҳаракатни бажаришга мажбурлаш, маълум мақсад сари йўналтириш учун қўлланилади. Сўзловчи тингловчидан буйруқни бажаришда ижобий натижани кутади, бунда тингловчига танлаш ҳуқуқи қолдирилмайди [Меу 2003: 164].

Демак, буйруқ – мажбурий бажарилиши талаб қилинадиган, мансабдор шахс, раҳбар ёки бирон бир ваколатли шахс томонидан йўналтирилган нутқий ҳаракатдир. Буйруқ бериш вазиятида адресант адресатга нисбатан авторитар ўринни эгаллайди ва ундан, шубҳасиз, талаб этилаётган ҳаракатнинг бажарилишини кутади.

Таҳлилга тортилган В. Якобснинг “The white cat and other stories” ҳикоялар тўплами тўққизта кичик ҳикоялардан иборат бўлиб унда ёзувчи билвосита нутқий актига нисбатан бевосита буйруқ нутқий актидан кенг фойдаланганини кузатамиз [W.Jacobs: 1969]. Ҳикоялар тўпламида мавжуд барча прескриптив нутқий актларни қуйида келтирилган жадвал қиёсида кўришимиз мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Бевосита ва билвосита буйруқ нутқий актларни ифодалашда қўлланилган лисоний воситалар

Ҳикоя номи	Билвосита буйруқ нутқий акти	Бевосита буйруқ нутқий акти
A question of habit.	“Mr. Jackson,” said the skipper, in a terrible voice. “What’s	“Repeat what he said”



	<p>this?"</p> <p>"What does this mean, Miss Mallow?" said the skipper.</p>	<p>"Go and do your work," roared the skipper.</p> <p>Stop the draught-playing and the card-playing and the poetry, said the mate</p> <p>"Very good," said the skipper. "But you are not to speak to this young lady again, Mr. Jackson".</p>
Sentence deffered.		<p>"All right, Bill," said the skipper, in a low voice. "Don't take any notice of me".</p> <p>"Shut up!" cried the skipper angrily. "Go and send the mate to me. And if anybody has noticed me come aboard and asks you who I am, say I'm a friend of yours."</p>
Mixed relations.	<p>"Quit right," said the skipper. "I allowed him to. He's going to take his meals here, too. Do you wish to say anything against it?"</p>	<p>"I told him to clean the galley, to make it ready for the next cook. And all the time he is telling me he is improving.... improving!"</p> <p>"That will do," said the skipper. "That will do! He's not so bad for a beginner."</p>
The white cat.	<p>"I'll give you two shillings instead of one, if I be sure that it is not poisoned."</p>	<p>"That youngest boy of yours was pulling my cat's tail this morning, and I want you to punish him for it."</p> <p>"I'll punish him, uncle, as soon as I get home," said Joe, who was very fond of his children.</p>
	<p>George Barstow took such care of it that he never let it go out of his sight and he paid a boy to taste its milk before it had it</p>	<p>"Go bring him here and punish him here," said the old man.</p>
	<p>By the afternoon George raised the sum to ten pounds, and people that were too old to walk stood at their cottage doors to catch the cat if it came by.</p>	<p>"The best thing you can do if you really want me to try and find that cat, is to give me fifteen pounds now, and I'll go and look for it at once."</p>
	<p>"George Barstow offers fifteen pounds for it," said Bob Pretty.</p> <p>"I'll give that or more when I come into the property," said Joe Clark.</p>	
	<p>"Joe will be glad to give them to you," he said, "won't you Joe?"</p>	
	<p>"You find me that cat, alive and well," said George, "and the money is yours."</p>	
His lordship.	<p>"If you would prefer father's room he would be very pleased to let you have it. Very pleased indeed!"</p>	<p>"Be as proud and unpleasant as you like to my daughter, but leave me alone. Remember that!"</p>
	<p>"It's too dull for you here, my lord," the farmer remarked one morning at breakfast. "You must</p>	



	be missing town.”	
Her uncle.	“Where’s the poor fellow’s supper?” he asked his niece.	“You mind your business, George Gale, and I’ll mind mine,” said Mr. Wragg angrily. “And don’t lean against my house, because I don’t want you to.”
		“Go and never come back,” said Mr. Wragg angrily.
		“Stand away, Joe,” he said, stepping forward. “I’ll take that in for you.”
		“Put it here,” said Mr. Wragg, throwing open a door. “Put it down at once, do you hear?”
		“You get out of my house,” shouted Mr. Wragg with his hand to his head. “Get out at once!”
		“Up you go!” said Mr. Harris, shortly. “We’ll tell her we carried you up. Now quick!”
		“Take off your clothes,” commanded Mr. Harris.
		“Take him away, take him away at once!” Mr. Wragg began to shout.
		“I can’t have him here at all,” shouted Mr. Wragg. “Let him go to his own bed.”
		“If he asks for food, tell him that he has just had food and he will be quite satisfied.”
Smoked skipper.		“You give me my clothes,” roared Mr. Gale, jumping out of bed.
		“Go and tell the crew to pretend they are pirates until we get to sea.”
		“Take him down below and show him his bunk.”
		“Go and help the cook to peel the potatoes,” ordered the skipper.
		“Go to bed now. You will have to get up very early tomorrow morning and help with the cargo.”

Матнни контент анализ қилиш натижасида 39 та буйруқ нутқий актига хос тузилмалар аниқланди, шулардан 12 таси билвосита, 27 таси эса бевосита ифодаланганини кузатамиз. Жадвалдан кўришиб турибдики, буйруқ нутқий акти, асосан, эгаси кўрсатилмаган императив тузилмалар, феълнинг 2 – шахс бирлик ёки кўплик формасида, буйруқ-истак ёки хабар майли орқали амалга оширилган. Келтирилган мисоллардан биттасини таҳлил қилсак:

“Go bring him here and punish him here,” said the old man. Ушбу мисол “The white cat” ҳикоясидан олинган бўлиб, Кларк Жонинг ўғли мушукни итариб юборгани сабабли, Жодан ўғлининг тазирини беришни талаб қилапти. Кларк ўз навбатида Жога нисбатан ёши катта ҳамда, Жо Кларкнинг ягона меросхўри саналгани сабабли амакисига итоат этишга мажбур. Матнда ажратиб кўрсатилган буйруқ актида нутқ эгаси, яъни Кларк суҳбатдошини ҳаракатни бажаришга



ундаши намоён бўлган. Кларк буйруқ актини ифода этиш орқали суҳбатдошига таъсир кўрсатишни ҳам мақсад қилган.

Баъзида буйруқ нутқий акти, жўналиш келишигидаги кишилиқ олмошидан кейин хоҳиш-истак, талаб, илтимос маъноларини англатувчи: *to want, to wish, to like, should (would) like, to request, to require, to demand, to command* каби феълларни қўшиш орқали ясалишини ҳам кузатамиз.

Тилда перлокуция нафақат буйруқ, балки сўроқ, хабар актлари орқали ҳам

ифодаланadi. Буни қуйидаги нутқ парчасида ҳам кузатиш мумкин:

"Where's the poor fellow's supper?" he asked his niece. Ушбу сўроқ гап шаклидаги синтактик структура бирламчи маъносидан ташқари иккиламчи иллокутив маънони англатгани сабабли билвосита буйруқ акти вазифасини бажармоқда. Ушбу тузилманинг директив вазифасини фарқлаш учун контекстга мурожаат қилишга тўғри келади. Нутқий актни билвосита ифода этиш нутқнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Остин Дж.Л. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 2. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1975. – С. 109.
2. Почепцов Г.Г. Предложение. В кн.: Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1981. – С. 164-281.
3. Сафаров Ш. Этнокультурные компоненты дискурсивной деятельности // Язык, дискурс и личность. – Тверь: Изд-во Тверск. ун-та, 1990. – С. 105-110.
4. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 286 б.
5. Серль Дж.Р. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С. 156-157.
6. Mey J.L. Context and (dis)ambiguity: a pragmatic view // Journal of Pragmatics. – Oxford: Oxford University Press, 2003. – № 35. – 328 p.
7. Jacobs W. The white cat and other stories. – М.: Высшая школа, 1969.

Бузрукова М. Прагмалингвистический анализ (на материале сборника рассказов В.Якобса). Данная статья посвящена прагмалингвистическому анализу прескриптивного речевого акта (приказ), использованного английским писателем Джейкобсом в сборнике рассказов «Белая кошка и другие рассказы». В результате контент-анализа текста проанализированы языковые средства послужившие для реализации речевого акта просьбы, а также, виды прескриптивного речевого акта употребляемых в английском языке.

Buzrukova M. Pragmalinguistic analysis (based on a collection of stories by W. Jackobs). The article is devoted to the pragmalinguistic analysis of the prescriptive speech act (order) used by the English writer Jacobs in the collection of short stories "The White Cat and Other Stories". As a result of the content analysis of the text, the language tools used to implement the speech act of the request, as well as the types of prescribing speech act used in English, were analyzed.



МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ КИТАЙСКОЙ ИЕРОГЛИФИКИ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ СТУДЕНТОВ

李晨旭 (Li Chenxu)

Директор института Конфуция при СамГИИЯ

Ключевые слова: китайские иероглифы, важность, преподавание китайского языка как иностранного, методика.

Важное значение обучения китайским иероглифам в преподавании китайского языка иностранцам

Обучение китайским иероглифам является важной частью преподавания китайского языка как иностранного и играет значительную роль в обучении китайскому языку. Уровень преподавания китайской иероглифики напрямую влияет на уровень подготовки изучающих китайский язык и их понимание китайской культуры, поэтому обучение китайским иероглифам имеет большое значение в процессе преподавания китайского языка как иностранного.

1. Это способствует улучшению навыков китайского языка у китайских учащихся.

Китайские иероглифы - это идеографические знаки, состоящие из трех элементов: формы, звука и значения. Из этих трех элементов первое, что воспринимается человеком, - это форма иероглифа, которая, в свою очередь, напрямую связана со смысловым значением иероглифа. Значение китайского односложного слова фактически является значением китайского иероглифа, используемого для его записи, в то время как значение китайского двухсложного слова часто представляет собой комбинированное значение используемых китайских иероглифов. Поэтому знание и понимание китайских иероглифов является очень важным и основополагающим в освоении китайского языка, что помогает повысить интерес учащихся к его усвоению. Перед студентами, изучающими китайский язык, ставятся две основные цели: первая -

овладение навыками говорения и понимания китайского языка; вторая - умение правильно и грамотно использовать китайские иероглифы. Однако, поскольку китайские иероглифы принципиально отличаются от своих аналогов на «пиньинь», а также из-за их большого количества, сложной структуры, состоящей из многочисленных составляющих элементов в восприятии студентов они представляют собой хаотичную картину из черт и точек, усложняя их понимание. Когда преподаватели помогают иностранным студентам преодолеть это препятствие при помощи научных методов обучения, они значительно стимулируют их интерес, мотивируя тем самым к изучению китайского языка, а, значит, улучшая их знания в этой области.

2. Это способствует лучшему пониманию китайской культуры китайскими учащимися.

Китайская письменность является значимым культурным наследием китайского народа, поэтому обучение китайской иероглифике может помочь обучающимся лучше понять китайскую культуру. Китайская письменность является не только отражением китайской культуры, но и имеет огромное значение в понимании менталитета китайского народа и его исторических корней. Структура самих иероглифов такова, что многие из них могут отражать жизнь и сознание древних предков, являясь важной частью китайской культуры. Кроме того, с появлением китайской иероглифики возникли и многие другие уникальные культурные явления, тесно связанные с



китайской письменностью, такие как каллиграфия, гравировка печатей и надписи на стелах, которые были созданы на основе китайских иероглифов. Эти культурные явления развивались и росли вместе с развитием китайских иероглифики и еще долго будут оставаться сокровищами китайской культуры, совершенствуясь и вливаясь в общую органическую историю мировой культуры китайского народа. Если обучающиеся китайскому языку осознают глубину культурного наследия и уникальную красоту китайской письменности, то это поможет им проникнуться магией китайской истории и культуры, что повысит интерес учащихся к обучению и улучшит эффективность изучения китайского языка как иностранного, обогатив и китайскую культуру.

3. Обучение китайской иероглифике является основой в преподавании китайского языка как иностранного.

Китайские иероглифы уникальны по сравнению с индоевропейскими языками, их непревзойденность и лежит в основе изучения китайских иероглифов в процессе обучения китайскому языку как иностранного. Эта уникальность проявляется в двух аспектах: во-первых, китайские иероглифы - это идеографическая письменность, которая выражает терминологические понятия при помощи формы, что означает, что каждое слово представлено только одним символом, поэтому запоминание китайских иероглифов зависит от запоминания их формы; во-вторых, китайские иероглифы образуют огромную систему китайской иероглифики словарный состав которой состоит из ограниченного количества символов, поэтому китайские иероглифы обладают мощной генеративной способностью. Таким образом, изучение китайского языка должно начинаться со знакомства с китайскими иероглифами, и только после изучения и понимания значения и различных вариантов их использования можно стать знатоком китайского языка.

Считается, что для начинающих изучать китайский язык овладения китайской иероглификой - это долгий и трудный процесс, и, если они смогут преодолеть барьер трудности изучения китайских иероглифов, учиться будет все легче и легче. Это доказывает, что изучение китайской иероглифики занимает одно из центральных мест в обучении китайскому языку как иностранного.

Изучение методики преподавания китайских иероглифов в обучении китайскому языку как иностранному

1. Особое внимание уделяется изучению часто встречающихся китайских иероглифов.

В отличие от западной системы письменности, основанной на алфавите, китайская система является иероглифической и потому имеет огромное количество знаков. Словарь «Чжунхуа цзыхай», созданный в 1994 году, содержит ошеломляющее количество иероглифов: 85 000 знаков. Для иностранных студентов было бы нереально освоить все китайские иероглифы. Но в Китае среднестатистическому ученику достаточно овладеть умением читать и писать, в основном двумя-тремя тысячами наиболее часто используемых китайских иероглифов. Например, «Современный китайский словарь общеупотребительных иероглифов», опубликованный в 1988 году, содержит в общей сложности 3500 общеупотребительных иероглифов, а весь его объем состоит из более чем двух миллионов иероглифов, что составляет 99,84% словарного запаса. Поэтому, рассказывая учащимся об этом послаблении и придавая ему большое значение и смысл в изучении общеупотребительных иероглифов, можно преодолеть страх перед изучением китайских иероглифов и тем самым повысить уверенность в изучении китайской иероглифики.

2. Преподавание с использованием «метода взаимосвязи».

Метод «взаимосвязи» китайских иероглифов - это метод обучения



китайским иероглифам путем соотнесения их собственных структур, основанный на ассоциациях. Для того чтобы хорошо выучить китайские иероглифы, важно понять связь между иероглифами, особенно между ключами и инициалами. Вот почему важно учащимся, осваивающим китайский язык иметь осознанную мотивацию. И здесь им поможет метод «взаимосвязи». Метод «взаимосвязи» предполагает обучение китайским иероглифам различными способами, такими как взаимосвязь форм и звуков. Китайские иероглифы всегда несут в себе смысловую информацию, которую можно проанализировать, поэтому, если вы знаете значение ключей иероглифов, можно догадаться о значении или части значения иероглифа на основе его структуры, например, ключ «木» (дерево) означает растения, ключ «月» (луна) - означает части тела и т.д. В китайской иероглифике существует множество иероглифов с несколькими вариантами произношения, омонимов, что может быть, как помехой, так и удобством для изучающих китайскую иероглифику. При прослушивании одного и того же звука мы можем написать много китайских иероглифов, и учащиеся могут связать эти омофоны с ассоциациями, чтобы хорошо запомнить их.

3. Интеграция китайской культуры в преподавание китайской иероглифики.

Иероглифическая письменность не только раскрывает природную суть и менталитет китайской нации, но и является воплощением истории и духа древнего китайского народа. Каждый китайский иероглиф содержит опыт древних

мудрецов, поэтому анализируя правописание китайских иероглифов, можно познакомиться как с традиционной китайской культурой, так и приобрести бесценные знания в области изучения китайской иероглифики. На начальных этапах обучения китайской письменности ожидается, что студенты усвоят основные методы и теории формирования китайских иероглифов, а через занимательные рассказы преподавателей они получат широкое представление об истории возникновения и развития китайских иероглифов; на средних этапах преподаватели, используя инновационный метод интерактивного обучения, создавая атмосферу культуры китайского народа при помощи приема аллюзий и костюмированных представлений с рассказами об обычаях, создают для студентов возможность для постепенного понимания китайской иероглифики через исторические и культурные процессы, лежащие в основе уникальной системы письменности. Рациональное применение традиций китайской культуры в преподавании китайских иероглифов может стимулировать интерес учащихся к учебе, преодолеть скрытые негативные эмоции в процессе обучения и тем самым облегчить усвоение китайского языка.

Китайская письменность - это культурное сокровище китайской нации и важная часть изучения китайского языка в понимании китайской культуры. Поэтому обучение китайской иероглифике должно быть приоритетным в изучении китайского языка как иностранного, и содержать в себе необходимость применения в данном процессе инновационные методы обучения.

Список используемой литературы:

1. Люй Бисун. Конспект по преподаванию китайского языка как иностранного [М]. Офис экзаменационной комиссии Государственной комиссии по образованию по квалификации преподавателей китайского языка как иностранного.
2. Лю Сюнь. Введение в педагогику китайского языка как иностранного [М]. Пекин: Издательство Лингвистического университета, 2011.



3. Лю Бинь. Краткое обсуждение преподавания китайских иероглифов в преподавании китайского языка как иностранного [D]. Юньнаньский нормальный университет. 2008.

Li Chenxu. Methods of teaching chinese characters for foreign students. Chinese characters have been invented and created by the Chinese people over a long period of time as a system for writing national characters. With the continuous development of teaching Chinese as a foreign language teaching the Chinese characters is becoming increasingly important. For a long period of time learning Chinese characters has been one of the most significant challenges in teaching Chinese to foreigners. In the process of learning Chinese as a foreign language learning Chinese characters is a very important part. Therefore, teaching Chinese characters should be strengthened, and should use the scientific and practical methods to solve problems and improve the effectiveness of teaching Chinese as a foreign language.

Li Chenxu. Xorijlik talabalarga xitoy iyerogliflarini o'rgatish metodikasi. Xitoy iyerogliflari davomida xitoy xalqi tomonidan milliy belgilar tizimi sifatida yaratilgan. Xitoy tilini chet tili sifatida o'rgatishning uzluksiz rivojlanishi ta'minlash maqsadida xitoy iyerogliflarini o'rgatish tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Hozirgi kundaxorijliklarga iyerogliflarni o'rganish xitoy tilini o'rgatishdagi eng asosiy muammolardan biri bo'lib kelmoqda. Xitoy tilini o'rganuvchilarga o'rgatish jarayonida quyidagi muammolarga duch kelamiz: iyeroglif tanish, talaffuz qilish va imlo. Xitoy tilini o'rganish tezligini oshirish uchun xitoy tilini chet tili sifatida o'rgatuvchi o'qituvchilar tinglash va gapirishga katta ahamiyat berishadi-yu, lekin xitoycha yozuv ko'nikmalarini o'rgatishni e'tiborsiz qoldiradilar. Shu sababli, xitoy tilini chet tili sifatida o'rganish jarayonida iyerogliflarni yozishni o'rganish juda muhim qism va katta ahamiyatga egadir. Shunday qilib, muammoli masalalarni hal qilish va xitoy tilini chet tili sifatida o'qitish samaradorligini oshirish uchun ilmiy va amaliy o'qitish usullaridan foydalangan holda iyerogliflarni o'rganish usullarini takomillashtirish kerak.



ТИЛ ВА МАДАНИЯТНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТИ

*Турдиева Нилуфар Ёкубовна,
СамДЧТИ доценти, филология фанлари номзоди*

Калит сўзлар: маданият, миллат, жамият, лингвомаданият, этнолингвистика, тил, диалог, концепция, дунёқараш, субъект, миллий характер, метод.

Тил – миллатнинг маънавий бойлиги, кифасининг бир бўлаги ва бирдамлиги тимсолидир. Ҳар бир миллат миллий ўзига хослиги ҳамда ўз маданияти билан бошқа миллатлардан ажралиб туради. Бунда, шубҳасиз, унинг тили ҳам маданиятининг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Дарҳақиқат, миллат маданиятининг юксалиши, унинг тарихий анъаналари, кадриятлари, хотирасини намоён этишда тилнинг аҳамияти бекиёс. Тил маданиятнинг аҳамиятли бир бўлаги сифатида мулоқот жараёнида миллий маданиятни акс эттиради. Маълумки, тил маданиятнинг таркибий қисми, унинг қуроли бўлиши мумкин, тил маданият руҳининг ифодаси ҳамда маданият мавжудлигининг ўзига хос усули ҳамдир. Миллат, маданият ва тил боғлиқлигини ўрганиш ва талқин қилиш фанлараро муаммо ҳисобланиб, бу масалани ечими билан нафақат лингвомаданият, балки фалсафа, маданиятшунослик, стилистика, тилшунослик, этнолингвистика ва социология каби фанлар ҳам шуғулланади.

Тил ва маданият бирлиги ҳақидаги қарашлар XVIII асрга бориб тақалса ҳам, бу йўналишдаги асосий изланишлар ўтган асрнинг охиридан бошланди. Ушбу тадқиқотлар декларатив кўринишда бўлиб, XX асрнинг 70-йиллари бошларида ҳам бу йўналишда чуқур ва қамровли ишлар йўқ эди. Тил ва маданият боғлиқлиги муаммосини таҳлил қилиш ҳаракатлари илк бор Гумбольдтнинг ишларида кузатилади [5].

Гумбольдт концепциясининг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

1. Моддий ва маънавий маданият тилда кўринади;

2. Ҳар қандай маданият миллийдир, унинг миллийлиги дунёқараш орқали тилда намоён бўлади;

3. Ҳар қандай халққа хос бўлган ички шакл тилда намоён бўлади;

4. Тилнинг ички шакли – бу “Халқ руҳининг” кўринишидир, яъни маданиятидир;

5. Тил бу шахс ва атрофдаги оламни боғловчи воситадир [5].

Маълумки, ҳатто бир тилда сўзлашувчи инсонлар ҳар доим ҳам бир-бирини яхши тушунишмайди, бунинг сабаби маданиятларнинг мос келмаслигидир. Тил бу шахслар ўртасидаги мулоқот воситасидир, маданият эса жамият ривожланишининг маълум бир даражаси. Тил ўзида маданиятни мужассам этади ва авлоддан-авлодга етказиб беради. Бу эса лингвомаданиятнинг асосий категориясидир.

XX асрнинг йирик олимлари П.А. Флоренский, Л. Витгенштейн, Н. Бор ва бошқалар ўз концепцияларида асосий эътиборни фақатгина тилга қаратишган. Ваҳоланки, олам нафақат тилда, балки уни ўзида намоён қилувчи маданиятда ҳам ўз аксини топади.

XX асрнинг бошларида Венада “Сўзлар ва нарсалар” номли илмий мактаб ўз фаолиятини “Тил ва маданият”ни ўрганишнинг асосий муаммолари йўналишида олиб боради. Ушбу мактаб ўз тадқиқотларида тил ва маданиятни асосий ташкил қилувчи элементларини ўрганиб чиқиб тилшуносликнинг кўп қирраларини маданиятшунослик нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши муҳим эканлигини тасдиқлаб берди.

Ушбу фикрдан келиб чиқиб, кўпгина олимлар ўз илмий изланишларини тил ва



маданият чамбарчаслиги боғлиқлиги нуқтаи назаридан тадқиқ этдилар. Улар маданиятни нафақат тилшуносликнинг аспекти сифатида, балки “инсон, тил ва матн” алоқаларининг боғлиқлигида деб қарашдилар.

Дарҳақиқат, лингвомаданият - бу тилшуносликнинг бир йўналиши бўлиб тилшунослик ва маданиятшунослик кесишмаларида пайдо бўлган, тилда шаклланган ва намоён бўладиган маданият кўринишларини тадқиқ қилади [3, 55].

Юқорида келтирилган изоҳлардан келиб чиққан ҳолда лингвомаданиятшуносликнинг тадқиқот предмети икки код, яъни тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатлари таъсирида шаклланивчи тил белгиларининг маданий семантикасини ўрганишдан иборатдир.

Инсон нутқи сўзларда шаклланади. Сўзлар мулоқот учун керак, уларсиз ҳам мулоқот мумкин, лекин, “қийин ва саёз кечади”. Сўзлар инсонларни боғлайди, мулоқот орқали инсонлар бир-бирлари билан алоқага киришадилар. Мулоқотсиз жамият мавжуд эмас, жамиятсиз ижтимоий, маданий ҳамда, онгли инсоният ҳам мавжуд эмас. Барча сўзлар тилда бирлашадилар. Тил бу халқнинг барча сўзлар бирлигидир ва у халқнинг фикрини етказиб берувчи воситадир [6, 752]. Тил бу белгиларнинг ҳар қандай тизимидир ва у шахслар ўртасида мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилади [8, 385].

Тил - инсонлар жамиятида стихияли равишда пайдо бўлиб, товуш белгиларида ривожланиб, мулоқот воситаси сифатида хизмат қилиб, ўзида инсониятни бутун билимлари ва кўникмалари бирлигини мужассам этадиган тизимдир [1, 22].

Тилнинг муҳим вазифаларидан бири - ўзида маданиятни сақлаб қолади ва уни авлоддан-авлодга етказиб беради. Айнан шунинг учун тил шахснинг, миллий характернинг, халқнинг, миллатнинг шаклланишида ҳал қилувчи вазифани бажаради. Маълумки, ҳар бир тилда маълум бир маданиятга тегишли бўлган объектларни билдирувчи терминлар мавжуд (масалан, овқат маҳсулотлари ёки

ичимликлар). Бундай терминларнинг мавжудлиги махсус урф-одатлар мавжудлиги билан, моддий қийматлар тизимининг ўзига хослиги билан, айнан шу маданият учун хос бўлганлиги билан боғлиқ.

XX асрнинг охирига келиб юқорида келтирилган фикрлар қаторига яна бир фикр қўшилди, яъни: маданий кодлар шаклланишининг омили сифатида тил маданият маҳсулидир, уни ташкил қилувчи муҳим қисм ва мавжудлигининг шартидир [9, 114].

Тил ва маданият бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, чунки “тил ва маданият” муаммоси антик даврдаёқ таърифланган эди ва у жаҳон фалсафий ҳамда лингвистик тафаккурида жуда узоқ ривожланишни бошдан кечирди. Тил маданиятни ифодалайди, тараққиётнинг мажбурий асоси ҳисобланади ва ниҳоят маълум бир даврда ва маълум бир жойда яшаган халқ маданиятининг энг муҳим қисмини ташкил қилади. Унда гапираётган халқ қандайдир ирққа, яъни ўзларининг ўзига хос хусусиятлари билан бошқа гуруҳлардан ажралиб турадиган инсониятнинг шундай бир гуруҳига тегишли бўлади.

Маълумки, инсонлар томонидан ўзаро мулоқот жараёнида ишлатиладиган символлар бу тил воситаларидир. Яъни маданият бу тарихан авлоддан-авлодга бериладиган тушунчалар модели бўлиб, улар тилда намоён бўлади. Тил маданиятнинг реал ҳаётда мавжудлигининг аниқ исботидир.

Тил ва маданиятнинг ўзаро мувозанати таҳлилини олиб борсак, уларнинг яқин алоқаси яққол намоён бўлади, яъни тил ва маданиятнинг ўхшаш жиҳатлари кўпдир:

1. Тил ва маданият – бу онгимизнинг шундай шаклидирки, у ўзида инсоннинг дунёқарашини акс эттиради;

2. Тил ва маданият ўзаро диалогда мавжуддир (яъни тил ва маданиятнинг субъекти сифатида шахс келиб чиқади, шахслараро мулоқот воситаси тилдир, тил эса, ўз навбатида, авлоддан-авлодга маданиятни етказиб берувчи воситадир,



тил ва маданият ўртасида маълумот алмашинуви шаклидаги диалог мавжуд);

3. Маданият ва тилнинг субъекти шахсдир;

4. Маданият ва тил умумий характерга эга - яъни нормативдир;

5. Тил ва маданиятнинг муҳим ўзига хослик жиҳати бу тарихийликдир.

Юқоридаги таҳлилларга таянган ҳолда ишонч билан айтиш мумкинки, тил ва маданият мулоқот жараёнларида, яъни инсоннинг нутқий қобилиятларини ҳамда жамиятдаги ўрнини белгилашда ўзаро боғлиқдир.

Тил ва маданиятнинг умумий хусусиятларидан ташқари фарқлари ҳам мавжуд:

1. Тил феномен сифатида жамоага, яъни кўпчиликка, умумийликка хосдир, маданиятда эса табақаланиш кузатилади. Масалан, тил мулоқот воситаси сифатида жамиятнинг турли қатламлари томонидан ишлатилади. Лекин, жамиятнинг юқори табақалари, яъни элитаси ўзига хос муҳим ижтимоий ва маданий функцияларни бажаради.

2. Маданият маълум бир белгили тизим бўлиб, у ўз ҳолича шакллана олмайди;

3. Тил ва маданият бу турли белгилар тизимидир.

Ушбуларни таҳлил қилган ҳолда шундай фикрга келиш мумкин:

Биринчи қараш файласуф олимлар С.А. Атановский, Г.А. Брутян, Е.И. Кукушкин, Э.С. Маркарян томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу қарашнинг асосий моҳияти шундадирки, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқалари бир томонлама ҳаракатдир. Чунки тил реал ҳаётни акс эттиради, маданият эса бу борлиқнинг ажралмас қисмидир, шунинг учун тил маданиятнинг оддий кўринишидир. Борлиқнинг ўзгаришлари тилдаги ўзгаришларга сабабчи бўлади.

Иккинчи қараш В. Гумбольдт томонидан илгари сурилган бўлиб, ушбу қарашнинг асосий моҳияти шундадирки: тил бу бизни ўраб турган олам, бу оламдан ташқарида ёки бу оламда иштирок этмай туриб биз ўзимизни тасаввур эта

олмаймиз. Шундай экан, тил бу биз яшаб турган оламдир, тил ҳам биздан ташқарида мавжуд бўла олмайди, у бизнинг ўзимизда, онгимизда, хотирамиздадир, тил фикрнинг ҳаракати билан, ҳар бир янги ижтимоий-маданий роль билан ўз шаклини ўзгартиради [5, 155].

В.Л. Маслова тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлигига доир яна бир қарашни билдиради. Маслованинг фикрича, тил маданиятнинг факти ҳисобланади, чунки у биз аждодларимиздан олган маданиятнинг асосий қисмидир. Тил биз маданиятни англашимизнинг асосий инструменти ҳисобланади. Тил маданият тартибининг асосий кўриниши ҳисобланади [9, 143].

Оламнинг тилда ўз аксини топиши – бу ушбу тилда сўзлашувчи халқнинг маданий ва миллий бойлиги ҳисобланади ва ҳар бир янги авлод ўз она тили билан бирга маданиятнинг тўлиқ комплектини олади ва ушбу маданиятда миллий характер, дунёқараш, ахлоқ-одоб ва ҳ.к.лар ўз аксини топади.

Юқоридагиларни таҳлил қилиш асносида шундай хулосага келиш мумкин. Тил бу белгилар тизимидир ва у инсоният жамиятида стихияли равишда пайдо бўлиб шахслараро мулоқот учун хизмат қилади. Маданият бу тарихан шаклланган тушунчалар моделидир ва авлоддан-авлодга берилади, маданият бу жамиятнинг ҳаёт тарзидир. Тил ва маданиятнинг субъекти шахс, яъни индивид ҳисобланади. Инсонлар маълумотни тил орқали бир-бирларига етказадилар. Шунинг учун тил ўзида маданиятни сақловчи ва авлоддан-авлодга етказиб берувчи восита ҳисобланади. Тил маданиятни яратувчи, ривожлантирувчи ва ўзида асровчи восита ҳисобланади. Шундай қилиб тил ва маданият ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Тил маданиятни яратувчи, ривожлантирувчи ва ўзида асровчи восита, деган ғоя асосида лингвوماданиятшунослик фани шаклланган. Дарҳақиқат, тилшунос олим Ш.Сафаров “ҳар бир шахснинг лисоний қобилияти ва мулоқот малакаси маълум маданият ҳудудида, маданий муҳитда шаклланади ва



фаоллашади. Шундай экан, инсоннинг тафаккур ва лисоний фаолияти жараёнида юзага келадиган бирликларнинг структуравий ва мазмуний сатҳларида маданий элементларнинг акс топиши табиийдир”, - деган фикрлари бу ўринда асослидир. Демак, лингвомаданиятшунослик инсон ҳақидаги фаннинг бир қисмидир, унинг ўзига жалб қилувчи маркази маданият феноменидир [10, 17].

Лингвомаданиятшунослик ўз ривожланиши даврида икки босқични ўз ичига олади. Биринчи босқич фаннинг ривожланишидаги илк қадамлари. Иккинчи босқич лингвомаданиятнинг мустақил тадқиқот йўналиши сифатида ривожланиши. Лекин, ушбу фан динамик тарзда ўз ривожланишини давом эттираётгани учун олимлар лингвомаданият ривожланишининг учинчи босқичи ҳам борлигини эътироф этиб биз учинчи босқич остонасида турганлигимиз, яъни бу босқичда лингвомаданият фундаментал фанлараро йўналиш сифатида ривожланиши айтиб ўтилган.

Бугунги кунда лингвомаданиятда бир неча йўналишлар шаклланган бўлиб улар қуйидагилардир:

1. Конкрет лингвомаданий вазиятни тадқиқ қилувчи алоҳида ижтимоий гуруҳ лингвомаданияти;
2. Диахроник лингвомаданият, маълум бир вақт оралиғида миллатнинг лингвомаданий ўзгаришларини ўрганади;
3. Қиёсий лингвомаданият, турли миллатларнинг лингвомаданий кўринишларини ўрганади;
4. Чоғиштирма лингвомаданият, тил ва маданият эгалари нуқтаи назаридан маълум бир миллат менталитетининг ўзаги хосликларини ўрганади;

5. Лингвомаданий лексикография, маданий ўлкашунослик луғатларининг қиёсий таҳлилини олиб боради.

Лингвомаданиятшуносликда қўлланиладиган методлар тил ва маданият ўзаро боғлиқлигини ўрганишда қўлланиладиган аналитик услублар ва жараёнларни ўзида мужассам этади. Илмий тадқиқотларда қўлланиладиган ҳар бир аниқ метод ўзининг қўлланилиш даражасига эга. Тил ва маданият шунчалик серқирраки, маълум бир метод орқали унинг табиатини, функцияларини, келиб чиқишини аниқлаш мушкул. Шунинг учун лингвомаданиятда ўзаро бир-бирини тўлдирувчи методлар қўлланилади. Масалан, психо-социо-маданий метод маълум бир миллатни тадқиқ қилиш жараёнида қўлланилиб, маданий фактор ҳисоблаган матнларни, яъни маълум бир халқ ҳаёт тарзини ўзида акс эттирувчи китобларни жалб қилиш орқали уларнинг оламига кириб борамиз ва ушбу олам орқали уларнинг маданияти, тили, тарихи ва ҳ.к.лар билан танишамиз.

Хуллас, тил маънавий ва моддий маданият билан ўзаро муносабатда бўлади ҳамда улар билан чамбарчас боғлиқ. Унда халқнинг ўзига хослиги, борлиқни миллий ҳис қилиш, миллий маданият мужассам бўлади. Лингвомаданиятшуносликнинг асосий ғоялари ва тушунчалари, тил бирликлари талқини жараёнида қўлланиладиган методлар билан яқиндан танишиб олиш инсоннинг ментал дунёсига, унинг ранг-баранг ҳиссиётларига ва хусусиятларига чуқур кириб бориш имконини беради. Шунингдек, олий ўқув юртларида таълим олаётган талаба ёшлар онгига миллий истиқлол ғояси ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган ғоялар сингдирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Арутюнова Н.Д. Истина: фон и коннотации // Логический анализ языка. Культурные концепты / Отв. ред. Н.Д. Арутюнова. – М.: Наука, 1991. – С. 21-30.
2. Большой энциклопедический словарь / гл. Ред. А.М.прохоров. – 2-е издание, -М.: Большая Российская энциклопедия, 2004. – 1456 с.
3. Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. - М.: Русские словари, 1996.- 344 с.



4. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. – М.: Рус. яз., 1990. – 247 с.
5. Гумбольдт В.Ф. Избранные труды по языкознанию Издательство: Прогресс.- 2000. - 394 с.
6. Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка. В 4т. Т.2. – СПб.: ТОО Диамант, 1996. – 784 с.
7. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М.: 2001. – 128 с.
8. Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. -М.: Изд-во иностранной литературы, 1960. – 436 с.
9. Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. – М.: Наследие, 1997. – 208 с.
10. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006.

***Турдиева Н. Взаимосвязь языка и культуры.** Данная статья посвящена изучению актуального направления современного языкознания лингвокультурологии, проводится анализ основных направлений лингвокультурологии и изучаются толкования языка и культуры.*

***Turdiyeva N. The interaction of language and culture.** This article is devoted to the study of the current direction of modern linguistics as linguoculture, the analysis of the main directions of linguoculture is carried out and the interpretation of language and culture is studied.*



ЭРТАК МАТНИ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

*Назарова Нуржаҳон Баҳодировна,
СамДЧТИ таянч докторанти*

Калит сўзлар: эртақ, кумулятив эртақ, маиший эртақ, афсона, жанр, матн, мўъжиза, ривоят.

Эртақнинг бошқа фольклор асарлари (айниқса, миф, ривоят, зарбулмасал кабилар) билан яқин алоқадалиги унинг жанр хусусиятларини тавсифлаш вазифасини қийинлаштиради. Эртақнинг тагилдизиди асосан афсона туриши кўпчилик олимлар томонидан қайд этилган (Борев 1997; Мелетинский 2000; Алимбеков 2005 ;Афзалов 1964).

Эртақ ва афсона жанрларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари турли нуқтаи назардан ёритилиб келинмоқда. Хорижлик олимлар кўпроқ рухшуносликда кенг тарқалган “рухий таҳлил” усулига мурожаат қилишни маъқул кўришади (Luthi 1976). Ўзбек адабиётшунослари мифологик жанр доирасига халқ оғзаки ижодининг энг қадим даврларида пайдо бўлган воқелик (олам) ҳақидаги тасаввурларни конкрет образлар воситасида акс эттирувчи ривоявий асарларни киритадилар (Қуронов ва бошқ.2013: 174). Эртақ, шунингдек, ривоят жанридаги асарлар билан мустаҳкам алоқага эга. Ушбу алоқа ҳар иккала жанрдаги матнлар композицион тузилишида умумийлик мавжудлигида ҳамда уларнинг насихатгўйлик хусусиятига ва оғзаки кўринишга эгаллигида намоён бўлади. Бундан ташқари ривоятларнинг келиб чиқиши кўпчилик ҳолатларда эртақларга бориб тақалади (Пропп 1998: 283).

Эртақларда баён қилинган сюжетларнинг ўзгариб туриши ва бошқа жанрларга кўчиши умумий ҳолдир. Эртақчилар одатда воқеалар тасвирини ҳақиқатга яқинлаштиришга интилиши натижасида эртақ фантастик кўриниш олади ва олам бадий манзарасини акс эттирувчи манбага айланади. Бундай матнда жамоа томонидан эътироф этилган

аксиологик –баҳоловчи қийматлар прагматик вазифани бажаради. Воқеаларнинг реал замон доирасидан ташқарида содир бўлиши эса хронотопнинг ноаниқ кўриниш олишига сабаб бўлади. Буни айнақса, *once upon a time, when pigs spoke rhyme, when monkeys chewed tobacco; бир бор экан, бир йўқ экан, бўри бақовул экан, тулки ясовул экан, қарга қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан* каби иборалар фаоллашувида кузатиш мумкин.

Тадқиқотчилар эртақ жанридаги асарларнинг характерли белгиси сифатида уларнинг эпик хусусиятга эга эканлигини қайд этадилар. Аммо, эртақ матнида муаллиф ва персонажлар нутқи ҳам акс топишини ҳисобга оладиган бўлсак, эпикликнинг нарратив тузилмадан холи эмаслигини эътироф этиш лозим бўлади (Rose 2007; Coe et al 2002).

Ҳар қандай турдаги эртақ матнига тингловчи (ўқувчи)да завқ ўйғотадиган эстетик мазмун хосдир. Бироқ, эртақ матнида воқеланадиган мўъжиза, ривоятларда ҳақиқат сифатида қабул қилинади. Шунингдек, ривоят ва бошқа жанрдаги фольклор матнларида мавжуд бўлмаган бадий тўқима усули эртақнинг ажралмас белгисидир (Усмонова 1999).

Турли жанрларга оид халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўзаро боғлиқ жиҳатлари уларнинг келиб чиқиши, сюжетлар мутаносиблиги, образлар тизими, бажарадиган вазифаларидаги ўхшашлиги кабиларда намоён бўлади. Бунинг оқибатида эса эртақ матнларида бошқа жанрларга хос хусусиятлар пайдо бўлиши мумкин. Жумладан, инглиз ва ўзбек эртақларида воқеалар содир бўлаётган макон аниқ кўрсатилиши эртақ



матнини ривоятга яқинлаштиради.
Қиёсланг:

More than a hundred years since, there lived somewhere near Lizard Point a man called Lutey, who farmed a few acres of ground in the parish of Cury, or Corantyn, as it was then called (Folk Tales of the British Isles, 1997);

Қадим замонда Жайхун дарёси бўйида хушманзара бир мамлакат бўлган экан. Бу мамлакатда Нодиршоҳ деган хукмронлик қилар экан. Ўша юртда ақлу фаросатда якка-ю ягона Зол деган донишманд ўтган экан (Паҳлавон Рустам).

Баъзи эртақларнинг якуний қисмида баён қилинган воқеаларнинг ҳақиқатлиги алоҳида изоҳланади ва бунинг билан матннинг қўнғил очиш қиймати пасайиб, мазмунан ривоятга яқинлашади. Масалан:

All the same, the Lutey family is still well known in Cornwall for their remarkable powers of healing; one still keeps the marrumaid's comb (which some people are unbelieving enough to say is only part of a shark jaw; but unbelieving people have no imagination (Folk Tales of the British Isles, 1997);

Қирон Ботир ҳали ҳам бор эмиш, минг йилдан бери одам боласига ёрдам кўрсатар эмиш, ёвузларнинг жазосини берар эмиш (Қирон Ботир эртагидан).

Бундан ташқари, эртақларда тўқима номлар билан бир қаторда баъзан реал шахс номлари ҳам учраб туради. Бунинг сабаби, албатта, эртақчининг баён қилинаётган воқеага муносабатини белгилаш ва асардаги асосий ва воқеалар кечимига ҳеч қандай таъсири бўлмаган ёрдамчи, иккинчи даражали персонажлар хатти-ҳаракатларини қиёслаш билан боғлиқдир.

Айтиш жоизки, эртақ жанридаги матнлар луғавий таркиб, синтактик-композицион ҳамда баён услуб жиҳатидан бир хил мақомга эга бўлавермайди. Шунингдек, эртақ матнлари мазмун-мундарижаси билан ўзаро фарқ қилади. Анималистик мундарижага эга, яъни ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда воқеалар мавзуси марказида турадиган персонажлар

йиртқич ҳайвонлардир (Жумаева 1996). Ушбу турдаги эртақларда табиат сирларидан хабардор бўлишга катта ўрин ажратилади. Уларда уддабуронлик, айёрлик, зийраклик, маҳорат каби хислатлар мавзу қийматини белгилайди.

Кумулятив эртақларда ҳам ҳайвонларга инсонларга хос хислатлар нисбат берилади. Антропоморф хусусиятларни олган персонажлар иштирок этадиган воқеалар баёнидан кўзланадиган асосий мақсад аҳмоқлик, калтафаҳмлиликнинг зарарли эканлигини намойиш қилишдир.

Сеҳрли эртақлар концептуал мундарижаси бошқаларникига қараганда анча кенг ва бой. Уларда ўз бахтини излаш, сеҳрли мамлакатларда содир бўладиган воқеалар, дев ва аждархо кабилар билан кураш, дахшатли мавжудотларнинг одамларга кўрсатган кўмаги, ташқи қиёфанинг ўзгариши, бойликка ва мансабга эга бўлиш қаторидаги мавзулар устунлик қилади. Мазкур турдаги эртақларда барчага нисбатан яхши муносабатда бўлиш, барча тўсиқларни енгиб ўтишга қодир муҳаббат қадрланади.

Маиший мазмундаги эртақлар, бошқа турдагиларга қараганда, ҳақиқий воқеликка жуда яқин туради. Ушбу турдаги эртақларда кўзланаётган мақсад мавжуд ижтимоий, ахлоқий анъаналарга ўзгартириш киритиш, янгиларини тавсия қилишдан иборат. Лекин, ижтимоий тизим тағмаъноли, имплицит тарзда танқид қилинади ва шу боис асосий қаҳрамонлар калтафаҳм, бефаросатлар бўлиб, улар кулги остига олинади.

Хулоса қилиб айтганда, миллий-маданий қадриятлар жамламаси бўлган эртақ матнлари жамоавий мулоқотнинг энг қадимий шаклларида бири эканлиги аниқ. Эртақ дискурсининг асосий субъекти бўлган муаллиф ёки эртақчи алоҳида лисоний шахс сифатида воқеалар баёни давомида нутқий ижодкорлик маҳоратини намоеён қилади. Унинг атрофдаги ҳодисаларга муносабати турли сатҳларга оид бирликларнинг маъновий-услубий



имкониятларидан фойдаланиш орқали
ифодаланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пропп В.Я. Поэтика фольклора.-М.: Лабиринт, 1998.-352 с.
2. Coe R.,Lingard L., Teslenko T.(eds.).The Rhetoric and Ideology of Genre :strategies for stability and change .-Cresskill, N.J:Hampton Press,2002 .
3. Rose D. Reading Genre: a new wave of analysis//Linguistics and the Human Science ,2007.-P.185-204.
4. Усмонова З. Ўзбек эртақ-новеллаларининг ўзига хос хусусияти ва бадиияти. Филол.фан.номз....дисс.автореферати.-Т.,1999.-27 б.
5. Жумаева С.Ч. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг генетик асослари ва спецификаси. Филол.фан.номзоди...дисс.автореферати-Т., 1996-24 б.
6. Пропп В.Я. Морфология волшебной сказки.-М.: Лабиринт, 2011.-128 с.
7. Жуманазаров У.Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик –Т.:Фан, 1991.-231б.
8. Кольцова И.Н. Социокультурные функции сказки .Дисс...канд.филол. наук. - Нижний Новгород, 2000. -203 с.
9. Bascom W. Four Functions of Folklore // The Study of Folklore. -Englewood Cliffs, New York: Prentice Hall,1965/-P. 279-298.
10. Holman H.,Harmon W. A Handbook of Literature.-New York : Macmillan Publishing Company,1992.615 p.
11. The Encyclopedia Americana .-Danbury:Grolier Inc.,1999. Vol.11.-857 p.
12. Тимофеев Л.И Тураев С.В. Словарь литературоведческих терминов –М.: Просвещения, 1974.-509 с.
13. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати.-Т.:Академ нашр, 2013.-408 б.
14. Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди.-Т.:Фан, 2010.
15. Becksom K.,Ganz A. Literary Terms: A dictionary –New York: The Noonday Press ,1994.-308 p.
16. Cuddon J. A dictionary of literary terms and literary theory. -Cambridge: Blackwell ,1993.-1051 p.
17. Longman Dictionary of English language and culture. -L. Longman Group UK,1992.-1528 p.
18. Hornby a.s. Oxford Advanced Learner’s Dictionary of current English. -Oxford: OUP, 1995.-1428 p.
19. Oxford Advanced Learner’s Encyclopedic Dictionary. -Oxford: OUP,1995- 1081 p.
20. Simpson J., Poud S. A dictionary of folklore. -Oxford: OUP,2003.-412p.
21. Алибеков А. Эртақлар ҳақида-Т.: Ўқитувчи, 2005.
22. Борев Ю.Б Эстетика смоленск-Русич, 1997.-640 с.
23. Мелетенский Е.М.Поэтика мифа.-М.: Восточная литература, 2000.-407 с.

Nazarova N. Peculiarities of the text of genre of the fairy tale. This article provides information about the aesthetic and pragmalinguistic value of the fairy tale genre, the plot of the fairy tale, the description of fairy tale events, the characteristics of fairy tale images and their role, while the features of the genre of fairy tales remain similar and dissimilar to other types of folklore genres. The main criteria in the classification of folklore genres are their publicity and the power of educational influence on the public. Researchers point out that the characteristic feature of works in the fairy tale genre is that they have an epic character.



Назарова Н. Особенности текста жанра сказки. В данной статье приведены сведения об эстетическом и прагматическом значении жанра сказки, сюжете сказки, описании сказочных событий, характеристике сказочных образов и их роли, при этом сохраняются особенности жанра сказки, сходные и непохожие на другие виды фольклорных жанров. Основными критериями при классификации фольклорных жанров являются их публичность и сила воспитательного воздействия на публику. Исследователи отмечают, что характерной чертой произведений в жанре сказки является их эпический характер.



FILOLOGIK YO'NALISH TALABALARNING TADQIQOT QOBILIYATINI INGLIZ TILI O'QITISH ORQALI RIVOJLANTIRISH

*Xoliqova Laylo Faxriddinovna,
SamDChTI mustaqil tadqiqotchisi (PhD),*

Kalit so'zlar: loyiha, filologik yo'nalish, talaba va jamiyat, tadqiqot metodlari.

O'zbekiston ta'lim tizimiga yangi konsept sifatida kirib kelgan metod "Project-based learning-(PBL)", boshqa ta'lim tizimi rivojlangan mamlakatlarda eng ommalashgan va keng miqyosda qo'llaniladigan metodlardan biri hisoblanadi. PBL, shuningdek, tadqiqot olib borishni o'qitishda samarali metod ekanligi har tomonlama isbotlangan bo'lib, turli tadqiqotchi olimlar tomonidan ushbu ko'plab ta'riflar va tasvirlar bilan ilm dunyosida qizg'in muhokama qilinmoqda. Barcha fanlar singari ingliz tili darslarida, tabiiy fanlarda, gumanitar fanlarda ham maxsus ta'lim yo'nalishlari, tadqiqot metodlari va terminologiyasi mavjud. Ma'lumki, chet tilini o'qitish tarixida metodika faniga ko'plab atamalar kirib kelgan va o'z o'rniga ega. Misol tariqasida "Loyiha" atamasini olamiz. Ushbu atama turli pedagogik lug'atlar va o'quv qo'llanmalarda turlicha talqin qilinadi. Bu bilan bir qatorda ushbu atama qator kombinatsiyalarda uchraydi: loyihaga asoslangan ta'lim, loyiha usuli, loyihaga asoslangan yondashuv, loyihaga asoslangan ta'lim. Loyiha asosida o'rganish ingliz tilidan olingan bo'lib "Project based-learning" va aksariyat hollarda PBL deb qisqartirib yuritiladi. Bir qarashda tushunarli tuyulgan ushbu atamaga chuqurroq nazar tashlasak, uning hali fanda oxirigacha o'rganilmagan va aniqlik kiritilmagan tomonlariga duch kelamiz. Ayniqsa, bizning vatanimizda talabalarning yozish, tadqiqot olib borish qobiliyatini shakllantirish dolzarb masala bo'lib qolmoqda. PBL pedagogik model hisoblanib, yaratuvchanlikni, muammoli vaziyatlarni ingliz tilida o'rganish, muhokamalar olib borish va tilni real hayot bilan bog'lab o'rganishdir. Zero, PBL loyihalar orqali talabalarning yaratuvchanlik, tadqiqot olib borish tajribasini shakllantirishga urg'u beradi. Loyiha asosida

o'rganish metodi ustida izlanish olib borayotgan olimlar ushbu metodni strategik jihatdan samarali ekanligi, o'quv jarayonini sarmahsul tashkil qilishni targ'ib qilishi, ushbu model samarali bo'lishi bilan birga talabalarni o'ziga xos tarzda tadqiqot olib borishga undashi va ularda tadqiqot jarayonida yuzaga keluvchi muammolarga mustaqil tarzda yechim topish ko'nikmalarini rivojlantirishi borasidagi fikrga yakdildir [1, 13].

Zamonaviy metodlarni targ'ib qiluvchi olimlarni ta'kidlashicha: "Ushbu metodning afzalligi shundaki, PBL talabalarni loyihalar tuzish, muammolarni hal qilish, mustaqil qaror qabul qilish, tadqiqot faoliyatiga jalb qiladigan murakkab savollar yoki muammolarga asoslangan murakkab vazifalar ustida ishlash; talabalarga uzoq vaqt davomida mustaqil ishlash imkoniyatini berish; va tabiiyki, real natijalar, yakuniy mahsulotlar yoki omma oldida o'tkaziladigan taqdimotlar bilan yakunlanadi hamda baholanadi [2, 23]. Shunday ekan ushbu metodni O'zbekiston ta'lim tizimida jadal ravishda ommalashtirish juda muhim. Agar biz ushbu jarayonni to'g'ri tashkillashtira olsak, shubhasiz, kelajakda yurtimiz tadqiqotchilar va islohatchilar makoniga aylanishi tayin".

PBL xorijiy tillarni o'qitishda ta'lim jarayonini real hayotga bo'g'lashi, tadqiqotlar o'tkazish uchun maxsus savolnomalar tayyorlashni o'rganishi, hayot faoliyati uchun muhim bo'lgan qobiliyatlarni egallashga undashi, jamoa bo'lib ishlashni taqozo qilishi bilan ajralib turadi. Ushbu strategiya oldindan belgilangan va kutilayotgan natijalar, ularga erishish uchun bajarilishi kerak bo'lgan vazifalarni rejalashtirish bilan boshlanadi. Shu asnoda talabalar mavjud muammoli vaziyatlarga bir nechta yechimlar izlash va



muvaffaqiyatli yakunga ega bo'lish strategiyalarini ishlab chiqish qobiliyatlarini rivojlantirish imkoniga ega bo'ladi. Bundan tashqari, o'qituvchi tomonidan loyihani amalga oshirish uchun vaqt me'yorlarining belgilanishi, mavzudan chekinish holatlarining oldini olish maqsadida mavzu chegaralarini o'rnatishi, oldindan vazifalarning aniqroq rejalashtirilishi muhim hisoblanadi [2, 28-30].

Xorijiy tillarni o'qitishda muayyan loyihalardan foydalanish talabalarni faqat amaliy mashg'ulotlar orqali o'z bilim va tushunchalarini shakllantirishga undab qolmasdan, talabalarining yangicha fikrlari, biznes-ideyalarini keng ommaga, OAVga taqdim etish imkoniyatini yaratadi. Bu bevosita filologik mutaxassisligini egallash uchun ta'lim olayotgan talabalar o'z sohasidagi izlanishlarini bevosita va bilvosita samarasini olish imkoniyatiga ega bo'ladi. Shu asnod ta'lim oluvchilar hali talabalik davridanoq vatani rivojiga hissa qo'sha olishi va o'zlarini jamiyatda muhim shaxs ekanliklarini his etishlariga xizmat qiladi, albatta.

PBL yondashuvi chet tillarni o'qitishda o'ziga xos yo'nalish bo'lib, xorijiy tillarni muvaffaqiyatli o'qitishda muhim ahamiyat kasb etishi bilan an'anaviy metodlardan tubdan farq qiladi. Shunday ekan, PBLni, ayniqsa, yurtimizdagi xorijiy filologik yo'nalishdagi talabalarni o'qitishda qo'llash maqsadga muvofiqdir.

Birinchidan, talabalar tomonidan o'quv jarayonida tayyorlanayotgan loyihalar har qanday o'quv dasturi markazida bo'lib, yakuniy mahsulot va mustaqil ta'limga asosiy urg'u beriladi. Bundan tashqari, PBL orqali oldin egallangan bilim mustahkamlanishi bilan bir qatorda PBL talabani tadqiqot olib borish va mustaqil o'rganishga yo'naltiradi [3, 18-22]. Ikkinchidan, PBL loyihalari orqali talabalar o'zlarining mustaqil izlanishlari uchun qo'llanma sifatida foydalanadigan savolnomalar yoki muammolarga asoslangan metod bo'lib, til o'rganayotgan talabalarni tez fikr yuritish va mustaqil qaror qabul qilish kabi hayot uchun muhim bo'lgan qobiliyatlarni egallashga qaratilgan [4, 10-22]. Hozirda PBLni yangi

ta'limot deb hisoblash unchalik to'g'ri bo'lmaydi. Vaholanki, ushbu metoddan 1960-yillarda tadbirkorlarni, ishlab chiqaruvchilarni, kashfiyotchilarni o'qitishda asosiy tamoyil sifatida foydalanilgan. Misol tariqasida shuni keltirish mumkinki, ushbu metoddan foydalanish jarayonida o'qituvchi o'zining to'g'ridan-to'g'ri vazifasiga qo'shimcha tarzda yana talabalarga yordamchi rolini ham bajaradi. Bunda talabalarni o'quv jarayonning markaziy obyektiga aylantiradi. Bundan asosiy maqsad, talabalar ovoz berish huquqiga, o'z tanloviga hamda fikriga ega bo'lishidir. O'z navbatida o'qituvchi doimiy ravishda talabalarga fikr-mulohaza (feedback) berish orqali talabalarni muvaffaqiyatga yetaklaydi.

Talabalar o'zlarining ilmiy tadqiqotlari bilan shug'ullanadilar, kichik jamoalarga bo'linib ularga berilgan muammoli vaziyatlarni tushunishga hamda mustaqil tarzda ularni hal qilishga harakat qilishadi. PBL loyihalari talabalarni gipoteza tuzish, savol berishga, sabab va natijalarini oldindan ko'ra bilishga undash bilan fanga chinakam qiziqish uyg'otadi. Izlanishli ta'limda yoki induktiv ta'limning har qanday modelida talabalar passiv qabul qiluvchi emas; aksincha, o'rganish jarayonining faol ishtirokchisiga bo'lishini talab qiladi. Talabalar ingliz tili darslarida guruh loyihalarida ishtirok etish orqali o'rganishlari bilan hamkorlikda izlanishlar olib borish orqali o'zlarining kognitiv qobiliyatlarini kutilmagan tarzda o'zgartira olishi kutiladi [4, 30-38].

Uchinchidan, xorijiy til darslarida o'rganilayotgan yangi bilim-ko'nikmalar talabalarining har birida oldindan mavjud bo'lgan bilimlari bilan uyg'unlikda yangi mulohazalarga ega bo'lishlari uchun imkoniyat yaratilib beradi. Natijada yangi o'rganilgan ma'lumotlar talabalarining oldingi ta'lim-tajribalarining har xilligini inobatga olgan holda turlicha, individual mulohazalarning paydo bo'lishiga olib keladi [5, 23-24].

To'rtinchidan, chet tillari darslarida PBL loyihalarini amalga oshirishni asosan talaba zimmasiga yuklash katta ahamiyatga ega. Sababi, til aslida gumatinar tushuncha



bo'lib, har qanday masalalarga bitta eng to'g'ri yechimni talab qilmaydi. Bu o'z navbatida, har bir talabaga o'z fikr-mulohazasini bayon etish imkoniyatini yaratishi bilan foydali hisoblanadi. Bunda o'qituvchi loyihani bajarish uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarni chegaralamaydi va qat'iy belgilamaydi, aksincha talabalarning mustaqil ravishda o'z yondashuvlarini tanlashlarini qo'llab-quvvatlaydilar. Umaman olganda, ushbu modelni bajarishda har bir talaba o'qituvchidan mustaqil tarzda, faqat tengdoshlari bilan birgalikda harakat qiladi. O'qituvchi faqat yo'naltiruvchi, yordam beruvchi, ruhlantiruvchi, baholovchi vazifalarini bajaradi [6, 31-34].

Beshinchidan, ushbu metodni filologik ta'lim yo'nalishdagi bilim darajasi B1, B2 hamda C1 darajadagi talabalarni o'qitishda foydalanish qiyinchilik tug'dirmaydi. Chunki ushbu darajalarni qo'lga kiritgan talabalar chet tilida barcha dunyoviy bilim olishga qodirdir. Tabiiyki, loyihalar o'quv rejasida qat'iy belgilanmagan, ijodiylikni cheklamasligi, balki talabalarga yo'naltirilgan, ularning qiziqishlarini inobatga olgan, yaratuvchanlikka undaydigan bo'lishi kerak. PBL loyihalarini bir o'quv yilida bir marta berish va yil davomida bir nechta bosqichlarga bo'lib ishlash, har bir bosqich natijalarini muayyan onlayn platformaga joylab borish, muhokama va munozalalar o'tkazish, tadbirlarni maqsadli tashkillashtirish, ularning natijalari va tajribalarini real hayotga bog'lash, mavjud muammolarga yechim topishni ta'minlashdir. Shunday qilib, talabalar tomonidan yaratilgan mahsulotlar, yechimlar va yangi ijodiy ishlar talabalar uchun katta ahamiyatga ega bo'ladi va samarali ta'lim uchun chinakam muhit yaratiladi [6, 31-34].

Tabiiyki, PBL o'quvchilarga murakkabroq, mulohaza qilishga undaydigan savollarga sho'ng'ish imkonini beradi, chunki muammolar, savollar real hayotga bog'langan bo'lib, talabani qiziqishlarini inobatga olgan holda tuziladi. Dunyo kashfiyot va demisifikatsiyaga tayyor bo'lgan tabiiy va texnologik hodisalarga boy bo'lib PBL talabalarga o'zlarining haqiqatlarini oldingi

tajribalari bilan bog'lashlari mumkin bo'lgan haqiqiy kontekstni taqdim etadi [6, 31-34].

Shu o'rinda PBL nega bizning ta'lim tizimimiz uchun zarur va muhim bo'lmoqda degan savol tug'iladi. Shubhasiz, ushbu metod O'zbekistondagi oliy ta'lim tizimining qiyofasini jadal suratda o'zgartirishga xizmat ko'rsatadi va ularni jahon mamlakatlari bilan bellasha olish imkoniyatini yaratadi. Bugungi kunda jahon tillarini o'rganuvchi talabalar uchun ma'umotlarga kirish deyarli cheksizdir va bu foydalanish imkoniyati o'zbek ta'lim tizimida hatto besh yil oldin ham tasavvur qilib bo'lmaydigan darajada orqada edi. Kompyuterlar va boshqa texnologik vositalar ta'lim jamiyatiga integratsiya qilindi va jadal suratda dars jarayonlarida foydalanib kelinmoqda. Har bir ilg'or narsa singari, texnologiyaning ham o'z tanqidchilari, noafzal tomonlari mavjuddir. Ayniqsa, katta avlod o'qituvchilari orasida texnologiya o'rganish hali-hanuz muammo bo'lib qolmoqda, texnologiya ta'limni osonlashtiradi, degan fikrga shubha bilan qarashadi. Sinfda texnologiyadan haqiqiy foydalanish bo'yicha munozaralar yillar davomida davom etib kelmoqda, chunki ular yuqori tayyorgarlik talab qiladi. Shunday ekan ushbu qiyinchiliklarni hal qiluvchi muayyan guruhlar ishga tushirilishi va o'qituvchilarga yaqindan yordam berishi muammoni bartaraf etishi shubhasizdir.

Xorijiy tillarni o'qitishda, ayniqsa, ommaviy axborot vositalari, axborot texnologiyalari katta rol o'ynaydi. Chunki, har bir talabaga qisqa vaqt ichida kattaroq (va muhimroq) bilimlar to'plamini o'zlashtirish imkoniga ega bo'ladi; sinf qanchalik katta va xilma-xil bo'lishidan qat'i nazar, "individuallashtirish"ni ta'minlash; irq, jins va sinf bilan bog'liq farqlar va kamchiliklarni yo'q qilish; o'quv rejasini o'zgartirish va shu bilan birga standartlashtirish; talabalarni baholashdan sub'yektivlikni olib tashlash; hisobot berish va ish yuritishni soddalashtirish; qaysar va befarq ota-onalarni talabalar faoliyatini kuzatishga jalb qilish; intizom muammolarini minimal darajaga qisqartirish; kasbiy ta'lim va nutqni rivojlantirish; va obro'sizlangan o'qituvchini ham muhim shaxsga aylantirish: markazli



ingliz tili darslarida pedagogik, tarbiyaviy madhiyalarni kuylash; konstruktivistikka erishish; doimiy ravishda talabalar tomonidan presentatsiya taqdimotlarini o'tkazish; hisobot berish va ish yuritishni soddalashtirish darsning markaziy qismiga aylanadi [7, 284-285].

Misol tariqasida, hozirgi kunda mamlakatizgagi xorijiy universitetlar filiellarida hamda nufuzli mahalliy oliy ta'lim muassasalarida o'quv dasturlari texnologiya tomonidan qo'llab-quvvatlanadigan loyihaviy o'qitishni tobora keng miqiyosida qo'llab boshlamoqda. Bunda o'z navbatida, har bir talabani o'z noutbuki bor va talabalar kurs ishlarini bajarish uchun ushbu vositadan turli imkoniyatlarda foydalanishlari kerak. Bundan tashqari, qo'shimcha o'quv dasturi professor-o'qituvchilar tomonidan ishlab chiqilgan maxsus loyihalarga qaratilgan va talabalarning muloqotni, tanqidiy fikrlashini, 21-asr uchun muhim, jahon standartlariga mos bo'lgan o'quv tizimini tashkil etmoqda. Ushbu turdagi o'quv muhitida PBL loyihalarini rivojlangan texnologiya vositalari yordamida tatbiq etish ko'zda tutiladi va kutilgan natijalarga erishish sistemali ravishda amalga oshiriladi.

Ushbu tavsifiy, amaliy ishning maqsadi to'rtta oliy ta'lim muassasalari talabalarining o'z oliygohlarining o'quv faoliyatining asosini tashkil etuvchi loyihaga asoslangan texnologiya o'quv dasturining funkcionalligi va maqsadga muvofiqligi haqidagi istiqbollarni o'rganishdir. Ushbu tadqiqot uchun ma'lumotlar, o'qituvchilar intervyular olish, dars faoliyatini kuzatish, darslarni videoga olish orqali to'plandi va keyin tanqidiy kinematik etnografik usullardan foydalangan holda tahlil qilindi.

O'rganib chiqish uchun asosiy tadqiqot mavzulari quyidagilardan iborat:

1. Ingliz tilini o'qitishda yuqori texnologiya bilan ta'minlangan oliy o'quv yurtida PBL madaniyatini shakllantirishda talabalarning qarashi.

2. Ingliz tilini o'qitishda yuqori texnologiya vositalari bilan taminlangan sinf xonalarda hamda darsdan tashqari holatlarda PBLni joriy etish uchun misollar va namunalar keltirish.

3. Ingliz tilini o'qitishda PBL-loyiha asosida o'rganishga talabalarning munosabati va talqini.

4. Talabalar PBLda jamoaviy bo'lib qatnashishi uchun kerak bo'ladigan texnologik vositalar, shart-sharoitlar va o'quv materiallari.

Tadqiqot uchun asosiy mavzular quyidagilardan iborat:

- Ingliz tilini o'qitishda PBLni joriy etilishi darslarni amaliy tajribalar asosida tashkil etilishiga qaratilgan bo'lib, ko'pincha boshqa fanlar va sohalar bilan hamkorlikda o'tkaziladigan tajribaga asoslangan, talabalarga aniq va lo'nda ko'rsatmalar va savollar ilova qilinadi.

- Shuningdek PBL muammoga asoslangan o'rganishni ham o'z ichiga olib, noto'g'ri deb topilgan masalalarga talabalar o'z yechimlarini topishlari kerak. Bu orqali ular nafaqat ingliz tilida ravon muloqot qilish, yozish, taqdimot qilish, o'qish, tinglash, balki fikrlashni o'rganadi.

PBL ingliz tili darslarida loyihalar orqali ta'lim olish, yuqori rivojlangan texnologiyalardan unumli foydalana olish an'anasini mamlakatimizning barcha oliy ta'lim muassasalariga tarqatish va bu madaniyatni mustahkamlashga qaratilgan tuzilmadir. Kommunikativ harakatlar til o'rganishni sevimli mashg'ulotga aylantiradi. Talabalar o'rtasidagi faol xorijiy til muloqoti faoliyatni rivojlantiradi, o'zaro umumiy va shaxsiy tushunishga yordam beradi. Tanqidiy kinematik etnografiya – bu talabalarga filmlar ko'rsatish loyihalari asosida ta'lim berish bo'lib, ob'yekt va hodisaning yaxlit vizual tasviri va tanqidiy tahlil ob'yektivi orqali tahlil qilinishi mumkin bo'lgan tadqiqot usulini yaratadi.



Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Beier.M.E., Kim M.H., Saterbak A., Leautaud V., Bishnoi S. and Gilberto J.M.: “Haqiqiy loyihaga asoslangan o‘rganishning STEMdagi munosabat va martaba intilishlariga ta’siri”. Fanni o‘qitishda tadqiqot jurnali, 2019.
2. Xolms V.L. va Hwang Y. “O‘rta matematika ta’limida loyihaga asoslangan ta’limning ta’sirini o‘rganish”. Ta’lim tadqiqotlari jurnali, 2016.
3. Xarris M.J. “O‘rta maktablarda loyihaga asoslangan ta’limni amalga oshirish muammolari” (Doktorlik dissertatsiyasi, Pitsburg universiteti) 2015.
4. Moursund, David G. “Axborot texnologiyalaridan foydalangan holda loyihaga asoslangan ta’lim”. Eugene O.R: Xalqaro ta’lim texnologiyalari jamiyati, 1999 yil.
5. Yanka R. Totseva, “Loyiha - Asoslangan ta’lim - Bolgariya maktablarida foydalanish uchun texnologiya va imkoniyatlar”. 2014.
6. Buk ta’lim instituti: <http://www.bie.org>

Холикова Л. Развитие у студентов исследовательских навыков посредством проектного обучения. В этой статье обсуждается роль PBL в повышении исследовательских навыков студентов при обучении английскому языку, преимущества PBL и основные проблемы при его реализации.

Holikova L. Developing Students Research Skills Through Project Based Learning. This article discusses the role of PBL in enhancing students’ research skills in teaching English, the advantages of PBL and the main challenges in its implementation.



ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРНИ ЯРАТИШ АСОСЛАРИ

Саттаров Уткир Уразалиевич,

СамДЧТИ тадқиқотчиси

Калит сўзлар: дарслик, ўқув адабиёт, таълим жараёни, ўқув воситаси, матн, материал, баҳолаш, лингвистика, принцип.

Замонавий педагогик таълим тизимини ташкил этишга доир энг муҳим масалалардан бири бу – юқори сифатли дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланишдир. Замонавий, тез ўзгарувчан дунёда, керакли билимларни тақдим этиш ва тарқатиш шароитида дарсликларнинг ўрни ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Дарслик - бу “ўқув жараёнида турли хил илмий ва касбий мазмундаги маълумотларни махсус форматланган дидактик восита ёрдамида фойдаланувчига етказадиган, ўқув жараёнининг мақсадларига, талабаларнинг психофизик етуқлигини оширадиган, таълим ёки унинг босқичлари, яъни ўқув дастурлари, ишчи дастурлари талабларига мос келадиган муяйян бир китоб”¹.

Оммавий таълим талабларига жавоб бўлиши билан дарсликлар асосий ўқув қўлланмасига айланди. Таълим соҳасидаги барча ўзгаришлардан ва ислохотлардан қатъи назар, дарсликлар ҳали ҳам ўқитиш жараёнида мажбурий билим манбаи бўлиб қолмоқда. Дарсликларнинг алмаштириб бўлмайдиганлиги, юқори сифатли дарсларни ташкил этиш мумкин эмас деган хулосага келинади.

XXI таълимини белгилайдиган катта қарама-қаршилирига тааллуқли бўлган замонавий ижтимоий таълим мунозаралари сўнгги дарсликларнинг аҳамияти ва функцияларига янги муъерларини кўрсатиб беради. Бу борадаги мунозараларнинг бири шундаки, бир томондан оммавий равишда “талабалар билимларини ошириш” бўлса, иккинчи томондан, билимларни

сингдириш ва қайта ишлаш учун инсон қобилиятига эътибор қаратилмоқда. Бунга қўшимча равишда, замонавий дарсликлар ишлаб чиқаришнинг асосий парадигмаларидан бири бу ўқитувчиларнинг курс директорлари, ташкилотчилар, координаторлар, профессионал инструкторлар, репетиторлар каби янги функцияларини ҳисобга олиш ҳам талаб қилинади². Бундан ташқари бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистон таълим тизимида ҳам масофавий таълим ривожланиб, уни таълим жараёнида қўллаш жадал равишда такомиллашиб бормоқда. Бу жараёнда анъанавий ўқув адабиётларга қўйиладиган талаблар электрон дарсликларнинг хусусиятлари жиҳатидан фарқ қилади. Шу жиҳатлар ҳам методист олимлар томонидан янги авлод дарсликларини яратиш борасида қарама-қарши фикрлилик ҳолатлари учраб турибди.

Умуман олганда, дарсликлар “мажбурий матнли ўқитиш воситалари” сифатида, уларни ишлаб чиқариш ва замонавий курсни моделлаштириш учун фойдаланиш тамойиллари ва усуллари доимий равишда қайта баҳоланиб турилиши шарт бўлган ўқув жараёнидаги асосий билим манбаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Агар дарсликлар билан бошқа барча ўқув адабиётларни ажратиб кўрсатиладиган бўлса, шартли равишда, дарсларни педагогик-таълим жараёнининг бошқа компонентларидан ажратишнинг асосий таркибий қисмларига мурожаат қилиш керак. Булар қуйидагилар:

¹ Potkonjak, N., Šimleša, P. (ur.), (1989), Pedagoškaenciklopedija2, Beograd, Zagreb, Sarajevo, Titograd, Novi Sad: Zavodzaudžbenikeinastavna sredstva

²Stevanović, M. (1998), Didaktika, Tuzla: R&S



- ўқув дастурлари асосида тузилганлигига;

- аниқ мақсадга йўналтирилганлигига ва муддатининг чекланганлигига;

- ўқитувчи томонидан бошқарилишига ва назорат қилинишига.

Одатда дарслик тузиш учун асосий педагогик талаблар бир вақтнинг ўзида белгиланади ва қуйида улар батафсил тушунтирилади:

1. Педагогик ва дидактик дискурс нуқтаи назаридан, дарслик дизайни масаласи курс дастурлари масаласи билан боғлиқ тузилади, чунки дарсликлар, қоида тариқасида, ўқитишнинг алоҳида соҳалари учун ўқув дастурига мувофиқ тузилади ва моделлаштирилади. Шунинг учун айтиш мумкинки, дарсликларнинг дизайни ва ишлаб чиқарилиши ҳар доим ўқув дастурларига асосланган. Дидактик маънода дарсликлар муайян курслар ва таълимнинг маълум даражалари учун ўқув дастурларининг барча хусусиятларини эътириши керак. Ушбу хусусиятларга қуйидагилар кирилади:

- ўқув дастурида назарда тутилган курс мазмунини тақсимлаш тури (чизиқли, консентрик, спирал ва курс таркибини комбинациялашган ҳолда);

- ўқув жараёнининг босқичлари бўйича дарс мазмунини тақсимлаш (ўқитиш соҳаси, ўқитиш мавзуси, ўқув бўлими);

- дарс мазмуни ҳажми ва интенсивлиги (ўқув қўлланманинг ўқувчиларнинг психофизик имкониятлари учун мўлжалланганлиги);

- бошқа курслар ва ўқитиш соҳалари мазмуни билан боғлиқлиги (таълим соҳалари, айрим турлари ва даражаларидаги барча дарсликлар ўртасидаги вертикал ва горизонтал боғлиқлик).

2. Дарсликлар ўқитиш жараёнида доимий билим манбаларидан бири эканлигини ҳисобга олиб, улар телеологик ўлчовни ҳам ўз ичига олиши керак, яъни улар тегишли курсда ўқитишнинг предмети ва мақсадларига жавоб берадиган тарзда яратилиши керак. Мақсадлар шартли равишда учта

гуруҳга бўлиниши мумкин: педагогик, ўқув ва функционал. Ўқитишнинг маълум бир соҳаси ёки курсида талабаларга тегишли бўлган педагогик-ўқув-функционал шароитларда эришилиши керак бўлган барча нарсалар дарсликларда акс эттирилиши керак. Слатинанинг фикрига кўра, “Дарсликнинг илмий, мантикий- методик, концептуал-семантик, дидактик-методик ва бошқа қийматларни ўз ичига олиши курснинг кўзланган мақсадлари билан боғлиқликда яратилиши лозим. Бирок, белгиланган қийматларнинг ўзи ҳеч қачон ўқув жараёнининг аниқ мақсадлари ва вазифаларини амалга оширилишнинг кафолати бўлмайди”³. Тегишли дарсликни ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги талабларга жавоб берадиган бўлса, мақсад ва натижаларга эришилади:

А) дарсликнинг тегишли дидактик форматланиши. Бу дарслик ишлаб чиқариш жараёнининг асосий талабидир, чунки дарсликнинг дидактик аппарати айнан мазкур дарсликни “талабанинг кундалик қизиқиши объекти”га айлантиради. Дарсликнинг дидактик дизайни қуйидагиларга асосланади:

- ўқитиш жараёнининг асосий тамойиллари (ўз-ўзини фаоллаштириш ва спонтанлик принципи, ўзаро таъсир ва алоқа принципи, долзарблик ва тўлиқлик принципи);

- дидактик қадриятлар ва принциплар (ёшга мослик принципи, тизимлаштириш ва босқичма-босқичлик принципи, далиллар принципи, рационаллик принципи, индивидуализм принципи);

- ривожланишнинг турли босқичларидаги ўқув жараёнлари (таҳлил ва синтез, абстракция ва умумлаштириш, индукция ва дедукция, тизимлаштириш ва таснифлаш);

- курсларда ўқитиш ва ўрганишнинг қадриятлари ва тамойиллари (ўрганиш ва ўқитишнинг мажбурий ўзаро боғлиқлиги, кузатиш, излаш ва кашф қилиш орқали ўрганиш, фаол ўрганиш тамойили);

³Slatina, M. (2005), *Odindividue do ličnosti- uvođenje u teorijukonfluentnogobrazovanja*, Zenica: Dom štampe. – P.137.



- дарснинг босқичлари (кириш, амалга ошириш, билимларни тасдиқлаш, машқ қилиш, такрорлаш ва баҳолаш).

Бундан ташқари, дарслик яратувчи бугунги замонавий ўқув жараёнидаги дарсликларга фақатгина ўқув таъминоти сифатида қарамаслиги ва шу билан бирга дарсликнинг дидактик форматлаши унинг бошқа барча ўқув воситалар билан дидактик-услубий жиҳатдан тўлдириш принципига амал қилишини ёдда тутиши керак. Слатинанинг фикрича, “фақатгина билимнинг турли хил манбалари ўртасидаги бир-бирини тўлдирувчи боғлиқликда дарслик ўзининг ҳақиқий педагогик-таълим функцияларини бажариши мумкин. Шунинг учун дарсликнинг қиймати фақат унинг дарслик эканлигида эмас”⁴. Замонавий ахборот жамиятида талабани бошқа билим манбаларига йўналтириш ва уни ўқишга фаол ёндашишга ундайдиган дарсликларнинг айнан шу хусусияти, шу билан мавжуд барча билим манбаларини бирлаштириш, ҳар қандай дарсликда бўлиши керак бўлган асосий хусусиятдир. Шу нуқтаи назардан, ўқувчиларни таълим муассасаларида электрон таълимга, шунингдек, масофавий ўқитишга тайёрлашга қаратилган дарсликларнинг алоҳида аҳамиятини ҳам таъкидлаш керак.

Б) дарсликнинг тегишли график дизайни ва техник формати. Дарсликнинг график дизайни ва техник форматлаши шуни англатадики, дарсликнинг ташқи қиёфаси шу дарсга жалб қилинган талабаларда қизиқиш, изланувчанлик ва ғайрат уйғотиши, шунингдек, унинг фойдали бўлиши ва талабалар ёшига мос бўлиши керак. Тўғри иллюстрация ўқувчиларнинг дарсликни қабул қилиши ёки рад этишининг асосий омилларидан биридир. Иллюстрациялар дарсликнинг матн қисмларини қўшимча равишда бойитиши керак. Бу ҳолатфақатгина бирон бир нарсани таъкидлаш учун ва қўшимча иллюстрация талаб этилган жойларда қўйилиши мумкин бўлади.

⁴ Slatina, M. (1998), *Nastavnimetod*, Sarajevo: Filozofski fakultet

Сифатсиз ижодий-техник дизайн ва ёшга мос бўлмаган графикалар дарсликнинг тегишли эстетик талабларга жавоб бермаслигига олиб келиши мумкин. Шу билан бир қаторда, дарслик бошидан охиригача матнли бўлмаслиги керак, чунки талабалар ва айниқса, кичик ўқувчилар уни жозибали деб билишади. Дарсликда матннинг маъносига боғлиқ бўлган расмлар, чизмалар, графиклар, жадваллар бўлиши керак. Иллюстрациялар қора ва оқ ёки рангли бўлиши мумкин. Сарлавҳалар ва кичик сарлавҳалар бир текис тақсимланиши ва чиройли форматланиши керак. Қоғоз сифати дарслик талабларига жавоб бериши керак, муқовалари ўқувчиларни жалб қилиш учун дид билан ишланган бўлиши талаб этилади. Ва ниҳоят, дарслик катта бўлмаслиги керак, чунки бу ўқувчиларни зериктириб қўйиши мумкин⁵. Дарсликнинг техник формати дарслик, трейнинг дарслик, тўплам деб номланишига боғлиқ. Интеграциялашган дарсликлар тегишли ўқув дастурида назарда тутилган барча таркибни ўз ичига олади, трейнинг дарсликлар турли хил машқлар китобларига тааллуқлидир, тўпламда бир нечта китоблар (ўқувчи, трейнинг китоблар, амалий ва ҳ.к) ўқув дастурини ўз ичига олади.

Ва ниҳоят, шуни таъкидлаш керакки, замонавий дарсликда унинг мазмунини бойитадиган дидактик-услубий, шунингдек, график-ижодий жиҳатидан турли хил қўшимча воситалар ҳам бўлиши керак. Бу, биринчи навбатда, асосий дарсликни миқдорий ва сифат жиҳатидан тўлдириш учун махсус ишлаб чиқилган CD ва DVD каби ёрдамчиларга тегишли (дарслик дизайни учун мультимедиа ёндашуви) бўлади. Дарсликдан фойдаланиш шу каби барча қўшимча воситалардан фаол (ижодий) фойдаланишни ҳам талаб қилади.

В) дарсликнинг тегишли лингвистик форматланиши. Дарсликлар билимларни тарқатиш учун муҳим воситалардан биридир. Шу сабабли, ўқув

⁵Vilotijević, M. (2001) *Didaktika3*, Sarajevo: BH most



қўлланмаларининг лингвистик формати энг нозик масалалардан бири бўлиб, муайян талабалик ёшига лингвистик жиҳатдан мослиги ва матнли ва расмли қисмларнинг таркиби энг муҳим ва энг мураккаб жиҳатлари ҳисобланади. “Дарсликда ишлатиладиган тилни танлаш аста-секин унинг информацион аҳамиятлилигининг энг муҳим мезонига айланиб бормоқда, чунки тил маълумот узатишда хизмат қилади, тил фойдаланувчига мулоқот воситаси ҳисобланади ва агар бу “мулоқот жамияти” ва унинг фойдаланувчиси мулоқотда хатоликка дуч келган бўлса, мулоқот самарали бўлмайди ва дарсликнинг билим манбаи сифатида мақсади баҳсли бўлиб қолади!”⁶. Демак, дарслик тузиш жараёнида тилшунос мутахассисларнинг ижодий иштироки нафақат дарслик матнни тузатиш нуқтаи назаридан, балки дарслик матнини танлашда (ўқувчиларнинг ёшига қараб, ўқув дастуридан келиб чиққан ҳолда) муаллифлар билан биргаликда ҳаракат қилиш керак. Бу жуда муҳимдир, чунки талабалар ўзларининг дарсликларидан ишлатилган маълумотлар асосида ихтисослаштирилган илмий ва бадиий регистрларнинг сўзларини ўрганади. Шунинг учун дарсликларнинг тўғри лингвистик форматлаши илмий принциплар ва ўқув жараёнида ўқувчилар ёшига мослиги ўртасида махсус боғлиқликни таъминлайди.

Г) дарсликнинг тегишли гигиеник форматлаш.

Дарсликлар ўқувчиларнинг кундалик ва доимий алоқада бўлишлари учун ўқув воситаси ҳисобланади, шунинг учун дарслик тайёрлаш жараёнида ўқувчиларнинг соғлиғига эътибор қаратиш керак. Вилотижевич, бу, айниқса, ўқувчиларнинг кўриш қобилиятига тааллуқли деган фикрни илгари суради, куйидагиларни таъкидлайди : Матн ёзувлар ўқувчилар уларни 20 см оралиғида

аниқ кўриши учун етарлича катта бўлиши керак. Чизиклар орасидаги масофа тенг ва асосли бўлиши керак. Сарлавҳалар ва кичик сарлавҳалар визуал равишда маълум бир мавзу ва унинг қисмларини таклиф қилиши керак”. Бундан ташқари, дарсликдан фойдаланадиган ўқувчилар соғлиғига зарар етказмаслик учун дарслик материаллари ва босиб чиқариш учун ишлатиладиган бўёқ турларини ҳам ҳисобга олиш керак. Ҳатто жуда ёш талабалар ҳам ҳар куни кўпайиб бораётган дарсликлар ва қўлланмалардан фойдаланишга ва олиб юришига мажбур бўлишларини ҳисобга олсак, дарсликнинг ҳажми ва вазнига ҳам эътибор қаратиш лозим.

3. Замонавий дарслик яратиш жараёнида юқоридаги мезонларга жавоб бериш ўз-ўзидан дарсликнинг барча функцияларини бажаришига олиб келмайди. Синфлар учун дарсликлардан фойдаланиш “ўқитувчининг ижодий саъй-ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқ”. Ўқитувчиларнинг ижодий саъй-ҳаракатлари ўқувчиларга замонавий мультимедиа муҳитида уларни бошқа манбалар билан интеграллашган ҳолда ўрганиш учун ўқув қўлланмаларидан қандай қилиб яхшироқ фойдаланишни кўрсатиб бериши керак.

Ўқитувчилар дарсларнинг яратувчиси ва етакчиси сифатида бирон бир асосий функцияларни дарсликларда катта эътибор қаратмаслиги лозим, яъни ўқитувчилар таълим жараёнининг барча босқичларини ҳисобга олишлари керак. Дарслик ўқув жараёнида белгиланган натижалар ва мақсадларни ҳисобга олган ҳолда барча босқичлардан узвий равишда ишлатилиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, дарсликлар ҳар доим ҳам асосий ўқув воситаларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади, шу сабабли уларни лойиҳалаш жараёнига алоҳида эътибор бериб келинган. Бугунги кунда бу жараён ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ. Замонавий дарсликларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш учун асосий педагогик мезон ва

⁶Potkonjak, N., Šimleša, P. (ur.), (1989), Pedagoška enciklopedija 2, Beograd, Zagreb, Sarajevo, Titograd, Novi Sad: Zavod za udžbenike i nastavna sredstva. – P.473.



белгиловчи омиллар доимий равишда қайта баҳолашни ва такомиллашувни талаб қилади. Дарсликларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг педагогик детерминантлари синфларнинг моҳиятига ва уларнинг педагогик-таълим жараёнининг барча жиҳатларини қамраб олинишига асосланади. Демак, дарсликларни ишлаб чиқариш ҳар доим таълим муассасаларининг муайян турлари ва даражалари учун ўқув дастурлари, дарсларнинг мақсади ва натижалари билан бевосита боғлиқ бўлиб, дарслик яратиш жараёнида тегишли дидактик, график

дизайн, лингвистик, гигиеник форматлаш; шунингдек, дарсликларни ўқитиш методларини танлашда ва дарсларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Дарсликларни яратиш ва дарсликка қўйиладиган мезонларни аниқлаш ҳар доим ва ҳар бир таълим тизими учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Таълим ва таълимни такомиллаштириш бўйича ҳар қандай ҳаракат ўқув жараёнининг барча босқичларида дарсликларни такомиллаштиришни ўз ичига олиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бим, И.Л. Основные принципы построения учебника иностранного языка. [Электронный ресурс]. – URL: <http://journal.pushkin.institute-/archive/archive/1975/1975-6.pdf>. (дата обращения: 19.05.2018).
2. Мазунова, Л.К. Принципы создания современного учебника по иностранному языку / Л.К. Мазунова, Р.Ф. Хасанова // Вестник Башкирского университета. – 2010. – Т.: 15, № 3. – С. 831-834.
3. Potkonjak, N., Šimleša, P. (ur.), (1989), Pedagoška enciklopedija 2, Beograd, Zagreb, Sarajevo, Titograd, Novi Sad: Zavod za udžbenike i nastavna sredstva. – P.473.
4. Slatina, M. (1998), Nastavnimetod, Sarajevo: Filozofskifakultet.
5. Slatina, M. (2005), Odindividue do ličnosti- uvođenje u teorijukonfluentnogobrazovanja, Zenica: Dom štampe. – P.137.
6. Stevanović, -M.: (1998), Didaktika, Tuzla: R&S.
7. Vilotijević, M. (2001) Didaktika3, Sarajevo: BH most.

Саттаров У. Основы создания современных учебных литератур В данной статье рассматривается значение и содержание учебника при создании современных учебных литератур, требования к его созданию, соответствующее дидактическое, графическое, лингвистическое, гигиеническое форматирование при создании учебников, а также необходимость сосредоточения внимания на методы обучения и организоваию уроков. При этом следует учитывать, что учебники в современном образовательном процессе следует рассматривать не только как учебные пособия, но и придерживаться принципа дидактического и методического обеспечения учебников.

Sattarov U. Basics of creating modern educational literatures This article mentions significance and content of manuals at the process of developing educational literatures, requirements for their creating, didactic, graphic design, linguistic, hygienic formatting, together with devoting attention to organizing the lesson and choosing the appropriate teaching method. Must be taken into consideration, that, manuals in modern educational process, should be regarded not only as instructional handbook, but also should include in itself principles of methodologically and didactic supply of manuals.



ИТЕРАТИВ ҲОДИСАЛАРНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ АСОСЛАРИ

*Джуроев Ботир Илхомович,
СамДЧТИ эркин тадқиқотчиси*

Калит сўзлар: *итеративлик, аспектваллик, семантика, такрорийлик, мультимпликатив.*

Грамматик тушунчалар тил бирликларининг хусусиятлари ва уларнинг кўлланилиши борасидаги маълумотларнинг умумлаштириши натижасида вужудга келади, шунингдек, лингвистик бирликлар орасидаги алоқалар ва муносабатлар бизни ўраб турган воқеликни акс эттиради [3, 45].

Бунда феъл билан ифодаланадиган предикат англатадиган маъно асосий планга кўчади. Чунки, предикат ёрдамида бериладиган маълумотлар инсон тафаккурига алоқадор саналади. Одатда, предикат ифодаладиган маълумотларни аслий ва миқдорий каби иккита катта турга ажратиб тадқиқ этиш кенг тус олган. Бу предикат маъносининг грамматик жиҳатдан концептуаллашишида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур гуруҳнинг иккинчиси, яъни миқдорий кўрсаткичлар итератив термини билан маълум.

Итеративлик доирасида предикат миқдорини аниқлаш маълум ментал операцияларни талаб қилади. Мисол учун *there is a knock on the door / there are some knocks on the door / Someone is knocking on the door* нутқ бирликлари мазмуни бир-бирига яқин маълумот саналса-да, мазкур маълумотларни қабул қилувчи онгида турли типдаги харакатлар миқдори борасида тасаввур юзага келади [13,114]. Воқеа-ходиса ичидаги такрорийлик предикатининг кўплиги, феълнинг чегараланган хусусиятига боғлиқ бўлиб, маълум вақт оралиғидаги вазиятни такрорлаш маъносини юзага келтиради. Ички такрорийлик лексик спецификациялашган концептуал материал асосида курилади. Вазиятларнинг такрорланиши эса чекланган вақт оралиғида такрорлашни ягона вазият сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Қолаверса, тилнинг энг муҳим хусусияти концептуал маълумотларни кодлаб, уни ифодалашда фойдаланадиган тил бирликларининг семантикасини белгиловчи тушунчадир [3, 123].

Бундан ташқари, такрорланадиган ҳар бир вазият бир-биридан мустақил равишда кўриб чиқилиши мумкин [13,114]. Р. Лэнгакернинг таъкидлашича, концептлар объект, вақт, макон, воқеа-ходиса каби синфларнинг барчасига хос схематик тавсифга эга. Грамматик категориянинг ифодаси умумий концептуал мазмунни белгиламайди, балки лексик воситалар билан уйғунлашуви натижасида юзага келадиган концептуал хусусият саналади [13,114]. Шунинг учун ҳам вақт оралиғида вазиятнинг такрорланишини тавсифловчи бирликлар фақатгина равишлар ва юкламалар билан мослашиб қолмасдан, лексик маъно таъсирида концептуал хусусият касб этади. Итеративлик кенг маъноларга эга эканлиги ва предикатлар кўплиги семантик зонаси билан боғлиқ барча маънолар тўпламини олганлиги сабаб, алоҳида концепт сифатида баҳолаш мумкин. Итеративлик концепти белгиланган вақт оралиғида такрорлаш маъносига эга бўлган барча лексик-семантик ҳамда грамматик воситаларни камраб олади. Итеративликнинг концептуаллашувига яна бир сабаб, унда ифодаланадиган ҳар қандай грамматик категория лексик воситалар билан боғлиқликда амал қилади ва алоҳида тушунча ёки маъно ҳосил қилади. Ушбу тушинча ёки маънонинг фарқланиши “когнитив операция” [14,165-205] сифатида қаралади. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз: *A week after the announcement the two sat on the same bench in the down-town park, while the*



fluttering leaves of the trees made a dim kinetoscopic picture of them in the moonlight. But Donovan had worn a look of abstracted gloom all day. He was so silent to-night that love's lips could not keep back any longer the questions that love's *heart propounded* [O'Henry, 187].

Ушбу мисолда вазият кўп марта такрорланади, аммо, умумий маънода бутун белгиланган вақт оралиғидаги маълум бир макро вазиятни тавсифлайди. Вазиятни такрорлаш маъноси одатий итеративлик маъносидан фарқ қилади. Хусусан, *the fluttering leaves, heart propounded* тузилмалари турли типдаги микдорийликни ифодалаган.

Вазиятнинг такрорланиши ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш жоизки, битта мультипликатив вазиятнинг чекланиши ҳатто ҳодиса ичида бўлса ҳам битта вазиятни кўп марта такрорлашини юзага келтиради. Мазкур вазият инглиз тилшуноси Б. Комри томонидан "(slow motion effect) секин ҳаракат эффекти" деб номланган [12, 35]. Бу таърифда итератив вазият кванти тасмада ёзилса ҳамда тасманинг секинлашган ҳаракатланиши намойиш қилинишини тасаввур қилсак, у ҳолда ҳаракатнинг ҳар бир битта квантни тавсифлаш учун мультипликатив феълдан фойдаланиш мумкин. Бошқа томондан, турли типдаги гаплар ҳам таърифлаган "секин ҳаракат эффекти"ни ифодаланишига мос келади. Бунда муайян вазиятни амалга ошириш учун талаб қилинган вақт содир этиладиган такрорланишни билдиради. Умуман олганда, маълум вазиятдаги ҳаракатларни ифодалашда иштирок этадиган тилдаги грамматик, лексик-семантик элементлар мажмуи маълум концептни белгилайди. Л. Талмининг таъкидлашича, грамматик жиҳатдан шаклга эга категориянинг турли тиллар тизимида мослашиши тилнинг когнитив сатҳининг концептуал шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади [14, 68]. Масалан: John wanted time to write or time to serve drink, he couldn't switch from one mode to another like lightning. Like Kate [Meave Binchy.7]; All down the street there were 'Oh's' and 'Ah's,'

and the reported fabulous sum paid for the sables was passed from lip to lip, increasing as it went. [O'Henry, 156].

Е. Падучева томонидан киритилган таксономик синфлар (объект, объект ва субстанция, ҳодиса, жараён, фаолият, ҳолат) [6, 34] томонидан онтологик категория атамаси билан юритилади. Мазкур метафоралар, концептлар бир объектнинг бошқасига метафорик ўзгартирилишига асосланган бўлади. Таксономия, таксономик синфлар тушунчаларининг киритилиши метафорани тушунишдаги, талқин этишдаги янгича кадам бўлди деса ҳам бўлади. Метафора –бу сўзга тегишли бўлган бош, категориал (таксономик) маъносининг ўзгартирилиши ҳисобланади. Таксономия метаномия учун ҳам муҳим ўрин тутади.

Феълларни тадқиқ қилиш ўз ичига феълларнинг лексик-семантик ва грамматик жиҳатларини ёритиш, асосан, феълнинг синтагматик хусусиятларини ўрганиш билан уйғунликда олиб борилади. Тилшуносликда тилнинг функционал томони унинг тузилиши ва ривожига таъсир кўрсатиши кўпгина томондан тан олинган, зеро, тил нутқда яшайди ва ривожланади [8, 19]. Демак, тилнинг ривожланиши унинг функционал томони билан ҳам боғлиқ. Тил функционалликда муҳим ўрин тутган феъл бошқа сўз туркумларига нисбатан полисемиялиги, шакл яшашдаги турлилиги, бойлиги, бирикмалар ҳосил қилиши ва улардаги маъноларни фарқлаши ҳамда маъно ўзгартира олиш хусусиятлари билан фарқ қилади. Феълларнинг маънолар мажмуаси, лексик-семантик ҳамда концептуал маъноларини аниқлаш учун уларни таснифлаш муҳим ўрин тутади.

Итератив вазиятда вақт қанча қисқа бўлса, такрорланиш маъноси предикат кўплигининг ҳодиса ичидаги турига, шунингдек, битта вазиятга боғлиқ бўлади. Кўриб чиқиладиган маънони ифодалашда баъзи лисоний воситалар иштироқи вазиятнинг такрорланиш даврини белгилаб қолмасдан, уларни алоҳида такрорланадиган вазият ёки бутунлай



битта ҳодиса сифатида ҳам талқин қилиниши мумкин. Масалан:

Ikey slunk along the bar and gazed, breath-quickened, at his idol. [O'Henry, 159];

The stationery shop was closed for business so the twins knocked at the door beside the shop [Meave Binchy 47].

Мазкур биринчи мисолда сифатдошли "breath-quickened" бирикмаси ички такрорланиш семантикасини ифодалаб келган бўлса-да, гап мазмунидан келиб чиққан ҳолда уни якка ҳодиса сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Кейинги мисолдаги "the twins knocked" вазият ичидаги ҳаракатлар кванти билан боғлиқ итератив вазиятни ифодалаб келган.

Умуман олганда, итеративлик маълум бир вақт ичида вазиятни такрорланиш маъноси, маълум воқеа-ҳодиса ичидаги ва предикат кўплик маъноси билан алоқадор ҳодисаларнинг таҳлилига қарамай, ушбу маъно контекст, прагматик таъсирга эга такрорланган вазиятни қайсидир маънода битта ҳодиса сифатида қабул қилиш назарда тутилади. Масалан, *Мен болалигимда ҳар куни футбол билан шуғулланардим* гапни таҳлил қиладиган бўлсак, қаҳрамон (маълумот берувчи шахс) маълум вақт оралиғида "доимий фаолият" билан шуғулланган. Гапдаги "ҳар куни" лисоний бирикмаси бир хил тартибдаги фаолиятни (воқеа-ҳодисани) такрорий қўллаганлигига ишора қилади. Умумий маънода эса мазкур воқеа-ҳодисалар алоҳида фаолият мақомига эга саналади. Шундай қилиб, маълум бир вақт оралиғида такрорлаш вазиятни якка ҳолда идрок этиш имкониятини вужудга келтиради ҳамда вазиятни шахсга хос хусусиятга айлантиради. Аммо, юқорида айтиб ўтганимиздек, "жараён маъноси" грамматик жиҳатдан фарқланишга мойил эмас, индивидуал одатий маънолар эса лингвистик жиҳатдан анча мустақил саналади.

Маъно жиҳатдан лавҳаларни умумлаштирувчи ҳодисалар шахсга хос хусусият сифатида баҳоланади. Бу муайян вазиятда мунтазам кузатиладиган иштирокчи хатти-ҳаракатларини ягона

шахсга тегишли ва шу билан бирга такрорланувчи воқеликни англатади. Чекланган вақт оралиғида такрорланиш маъносига эга бўлган контекст сингари, шахсга хос характеристиканинг контексти ҳам прогрессив шаклда итеративлик маъносини ифодалайди. Бунда прогрессив шаклининг "ўзига хос" ишлатилиши воқеа-ҳодиса ривожининг босқичларини тавсифлашда кузатилади. Қиёсланг:

His mother said he should be glad that someone in the family was looking to the practical side of things instead of singing raucous songs and laughing loud laughs [Meave Binchy 52];

Everything about him seemed to be moving, he never stood still, even now at the bar he was shifting, moving from foot to foot [Meave Binchy 8].

Ушбу мисолларда "was looking to the practical side of things", "was shifting, moving from foot to foot" прогрессив шакллари шахсга хос ҳаракатларнинг вақт кечимидаги такрорийлигини англатиб келган.

Камдан-кам содир этиладиган такрорийликдан фарқли ўлароқ, фреквентатив вазиятларнинг бошқа итератив маънолар билан бирлашиш имконига эга. Бу тўғридан-тўғри чекланган вақт оралиғидаги итератив қиймати билан боғлиқ. Агар маълум бир вазият такрорланадиган вақт оралиғи чекланган бўлса, унда бу вазиятнинг тез-тез такрорланиши кузатилади ҳамда вақт оралиғи қанча қисқа бўлса, такрорий квантлар шунча кўп бўлади. Шундай қилиб, тез-тез учрайдиган такрорийлик маъноси ва одатий тусга кирган ҳодисалар ўртасида "кўприк" бўлиб хизмат қилади [11,172]. Диахроник воқеликнинг ҳар бир босқич "итератив" вазиятларни ҳосил қилади. Синхрон вазиятдаги ҳаракатлар мультипликатив вазиятларни ифодалайди. Юқорида айтиб ўтилган инглиз тилидаги "прогрессив" шакли семантикаси бевосита контекстга боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Предикатнинг миқдорий кўрсаткичлари контекстда учрайдиган кўплик маъносига тил бирликлари орқали



амалга оширилади. Контекстдаги лисоний воситалар билдирадиган такрорланиш семантикаси баъзи ҳолларда эргаш гапдаги тил бирликларга ҳам боғлиқ бўлади. Бу, ўз навбатида, экспрессивликни ҳам юзага келтиради. Масалан: At any rate, Ikey toiled and snipped and basted and pressed and patched and sponged all day in the steamy fetor of a tailor-shop. But when work was done Ikey hitched his wagon to such stars as his firmament let shine. [O'Henry, 159]; "How? I've surrendered five times. Each time I surrender Denise and her guy up their demands." [Saul Bellow, 72]. Шундай қилиб, такрорланиш семантикаси билан лексик воситалар орасида "маълум частота" семантикаси ҳамда эргашган гап орқали "итератив" семантикаси аниқланди. Такрорий маъно бериш учун кўшимча лексик воситалардан фойдаланилганда вазиятларнинг такрорланиши юзага келади.

Ўзбек тилида предикатларнинг миқдорийлиги феълнинг лексик маъносидан ташқари морфологик кўшимчалар, кўмакчи феъл семантикасига ҳам боғлиқ. Бунда лексик маъно грамматик белги билан ўзаро муносабатга киришади. Агар морфологик жиҳатдан индивидуал даражадаги предикатларга мос келадиган лексемалар кўмакчи феъл таъсирида ҳеч қандай ўзгаришга учрамаса, улар барча аспектлар мазмун билан мослашади. Масалан: Бидонхон Фарғона яллаларини ажиб бир шўх овоз билан ижро этар, унга Эрматова жўр бўлиб, олқишларга кўмилиб кетарди (Саид Аҳмад, 148); Дала жимжит. Танга ёқадиган эрта баҳор шабадаси ғир-ғир эсиб, одам кўнглига аллақандай туйғулар солади [Саид Аҳмад, 267].

Майдонларни моделлаштириш инвариантлик / ўзгарувчанлик принципи билан боғлиқ инвариантлик ўрганилаётган тизим объектларининг хусусияти ёки хусусиятлари мажмуаси сифатида қаралади. У асл тизимнинг воқелик билан ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган барча ўзгаришларни лисоний таҳлил этиш имконига эга [4, 45–63]. Семантик инвариантларнинг икки тури мавжуд: 1)

маълум бир шаклнинг бутун воқелик ёки фаолият доирасини қамраб олишига таъсир қилувчи бирликларнинг ўзгармаслиги; 2) грамматик шаклдан фойдаланишда асосий жиҳатларни қамраб оладиган, аммо, амалий фойдаланишга таъсир қилмайдиган асосий маъноларнинг чекланган инвариантлиги. Мазкур инвариант турлари прогрессив шаклларига эга бўлган тилларда, хусусан, инглиз тилида кўзга ташланади. Масалан:

а) But I was only talking about the old days across there . . . and the kind of things we used to do . . . [Meave Binchy 77];

б) As an event planner she was used to handling awkward situations—and this certainly came under the heading of 'awkward'. [Liz Fielding, 11].

Эътибор қаратадиган бўлсак мазкур (а) мисолдаги was only talking феъл шакли маълум вазиятдаги давомийликни ёритиб келган бўлса, (б) мисолдаги was used to handling бирикмаси такрорий вазиятларнинг давомийлигини билдириб келган.

"Давомийлик" тушунчаси иккита хусусиятни ўз ичига олади: феълнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган ички давомийлик ва вазиятнинг вақтинчалик кечимини ифодаловчи ташқи давомийлик, иккинчиси предикатдан ташқаридаги лисоний кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда юзага келади [4, 98–101].

Итератив семантика вақт кечимида вазиятнинг ўзига хос ички такрорийлиги ҳамда вақт оралиғига жойлашишини ифодаладиган даврий такрорийлик кабиларда ҳосил бўлади [10, 128]. Итератив семантикани адвербиал бирликларнинг ноаниқ частотали семантикаси билан ифодаланиши вақтинчалик локализация ва локализация бўлмаган қийматлари билан боғлиқ [1, 480]. Тадқиқотда адвербиал бирлик маълум бир вазиятни билдиришда аҳамиятли вазифани бажарса, вазиятнинг вақти ва нутқ вақти ўртасидаги тўғридан-тўғри муносабатни ўрнатиш ҳамда вазиятни бошқа ўхшаш вазиятлар билан ўзаро боғлаш имкони пайдо бўлади. Бу



вазиятларни вақт кечимидан ажратмаган ҳолда тавсифлаш амалга оширилади. Масалан: Not only to his children and to her, but to the old farmer who would tell the same story twice a day. John could nod and polish a glass and hear it again and again. Kate sometimes got a lump in her throat as she watched his patience and his respect for people, for all kinds of people [Meave Binchy 34].

Ушбу мисолдаги “twice a day” бирлиги маълум бир вазиятнинг одатий такрорланишини англатса, вазиятни вақт кечимида локализацияланганлиги билан изоҳланади. Ифодаланаётган ҳар бир алоҳида маълумотнинг вақти нутқ пайти билан эмас, балки давр билан боғлиқ бўлиб, барча такрорланадиган маълумотларни ўз ичига олган. Такрорланиш вақти эса чекланмаган.

Ўзбек тилида феълнинг ҳозирги замон шакли ва келаси замон шакли вақтининг лексик кўрсаткичи билан фарқланади, яъни нутқ пайтдан бошлаб вазиятнинг келажакка тааллуқли даражаси ёки одатий такрорийлик ифодаланиши билдиради. Ўтган замондаги вақт муносабатлари эса нутқ вазиятига нисбатан яқинроқ ёки узоқ вақт алоҳида грамматик кўрсаткичлар ёрдамида ифодаланади. Масалан:

а) У (Эш полвон) белбоғи билан бўйни, юзидан қуйилаётган терни дам-бадам артади [Саид Аҳмад, 165];

б) Низомжон у ёқдан бу ёққа югуриб радиода эшитган гапларни айтар, уларни ўз қувончига шерик қилмоқчи бўлар эди [Саид Аҳмад, 252].

Келтирилган (а) мисолда вазият мулоқот вазиятига нисбатан яқинроқ ҳодиса, яъни мулоқот жараёнига алоқадор бўлган вазият ифодаланган. Бу яқин ўтган замон шакли ёрдамида ифодаланган. Иккинчи мисолдаги “бўлар эди” тўлиқсиз феълли бирикма нутқ вазиятига нисбатан узоқроқ вақт олдин содир этилган итератив вазиятларни англатиб келган.

Вақтинчалик вазиятда такрорийлик квантлари маълум лисоний бирликлар ёрдамида чекланган бўлади. Мазкур ҳолда итератив вазият вақт кечимида аниқ

жойлашувга эга бўлмайди. Масалан: Чол жиндек хавотир оларди. Кексалик кучини кўрсатиб чап оёғидан боди тез-тез кўзгаб, унча-мунча томири тортиб ҳам кўярди [С.Аҳмад, 56]; Чол эса шошилмай чой ичар, ора-сира: “Ия, ия, дуруст”, деб кўярди [С.Аҳмад, 44].

Такрорланадиган вазиятларнинг бир хилдаги кетма-кетлиги битта ҳодиса сифатида баҳоланади. Итеративликнинг мазкур ифодаланиш усули орқали таксисдан фарқ қилади. Таксис семантикасининг асосини вақт кечимидаги хилма-хил вазиятларнинг кетма-кетлиги [2, 288–294] ёки алоҳида кетма-кет вазиятларнинг бир-бирига боғлиқлиги ташкил қилади [9, 90]. Таксис ҳодисасидан фарқли ўларок, итератив ҳодисаларнинг ифодаланишида адвербиал бирликлар муҳим ўрин тутди. Гапнинг асосий қисмида ифодаланган такрорланувчи вазиятлар эргаш гап қисмидаги вазият билан бир хил вақтга тегишли бўлади. Таксис ҳодисасида эса эргашган кўшма гапларда бош гап билан ифодаланган ҳодиса эргаш гапда англашилган воқеа-ҳодисага нисбатан олдинроқ содир этилганлик маъноси мавжуд бўлади.

Итеративликда адвербиал бирликлар белгиланмаган частотали семантикани англатиб предикат, атрибут, детерминант вазифасини бажарди ҳамда вақт кечимидаги карралик маъносини англатади [5, 219–245].

Функционал семантик майдон ёндашувида итератив маънони амалга оширишда иштирок этадиган лингвистик воситаларнинг турли-туманлиги ушбу ҳодисани интеграл ўрганишни талаб қилади. Инглиз тилида аспектнинг грамматик категорияси йўқлиги сабаб, аспектүүлликнинг функционал-семантик категорияси грамматик ядрога эга саналмайди. Вазиятлар такрорланадиган маънони, хусусан, итеративлик семантикасини воқеланишида феълнинг лексик маъноси ҳамда синтактик бирликлар муҳим роль ўйнайди. Синтактик бирлик ҳаракат ёки ҳолат белгисини англатувчи ва предикатни, атрибутни белгилайдиган контекстнинг



семантик қисми сифатида қаралади. Итератив семантикани фаоллаштирувчи аргументнинг кўплик шакли аниқ ва ноаниқ частотали семантик хусусиятга эга бирликлар муҳим ўрин тутлади. Чегараланмаган хусусиятли феъллар "ноаниқ частота" доирасида кўшимча лисоний бирликлари билан ишлатилади. Чегараланган хусусиятли феълларда итератив семантиканинг ҳосил бўлишида кенгрок имкониятга эга.

Такрорий маънони актуаллаштириш кўшимча лексик, шунингдек, морфологик ва грамматик воситаларни тартибсиз ишлатиш орқали ҳам амалга оширилади. Ушбу воситалардан фойдаланиш частотаси ҳақидаги маълумотлар

такрорланишнинг функционал-семантик майдонининг моделини тақдим этишга имкон беради. Бунда, функционал-семантик категорияларни ўрганишда изчил ишлайдиган категорияларнинг ўзаро таъсири масаласи кўриб чиқилади. Такрорланишнинг функционал-семантик категориясининг бошқа функционал-семантик категориялар билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш жараёнида такрорланишнинг чекланганлилик, давомийлик, вақтинчалик локализация, модаллик, вақт кечими, таксис ва микдор билан алоқаси мавжуд бўлган барча воситаларнинг фаоллашуви натижаси кўзга ташланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Агапитова А.А. Временная локализованность высказывания в немецком языке: дис. ... канд. филол. наук. СПб., 2005. 149 с.; Бондарко А.В. Введение. Основание функциональной грамматики // Теория функциональной грамматики: Введение, аспектуальность, временная локализованность, таксис / отв. ред. А.В. Бондарко. -М.: Кн. дом «Либроком», 2013а. С. 5–39.
2. Акимова Т.Г., Козинцева Н.А. Аспектуально-таксисные ситуации, нелокализованные во времени (кратный таксис) // Теория функциональной грамматики: Введение, аспектуальность, временная локализованность, таксис / отв. ред. А.В. Бондарко. -М.: Кн. дом «Либроком», 2013. С. 288–294.
3. Болдырев Н.Н.Б 79 Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии. Тамбов: Изд-во Тамб. ун-та, 2001. Изд. 2-е, стер. 123 с.
4. Бондарко А.В. Лимитативность // Теория функциональной грамматики: Введение, аспектуальность, временная локализованность, таксис / отв. ред. А.В. Бондарко. М.: Кн. дом «Либроком», 2013. –С 45–63.
5. Долинина И.Б. Количественность в сфере предикатов (категория «глагольной множественности») // Теория функциональной грамматики: Качественность. Количественность / отв. ред. А.В. Бондарко. СПб.: Наука, 1996. С. 219–245.
6. Падучева Е.В. Динамические модели в семантике. - М.: 2004. –С 34.
7. Падучева Е.В. Семантические исследования: Семантика времени и вида в русском языке; Семантика нарратива. 2-е изд., испр. и доп. -М.: Языки славян. культуры, 2010. 480 с.
8. Плуноян В.А. Введение в грамматическую семантику. - М.: 2009. –С 19.
9. Полянский С.М. Основы функционально-семантического анализа категории таксиса. Новосибирск: Изд-во НГПИ, 1990. 90 с.
10. Смирнов И.Н. Неконкретность глагольного действия в семантике русского глагола // От значения к форме, от формы к значению: сб. статей к 80-летию члена-корреспондента РАН А.В. Бондарко. -М.: Языки славян. культур, 2012. С. 516–524.; Шишкова Л.В., Смирнова Т.Ю. Синтаксис современного немецкого языка. -М.: Изд. центр «Академия», 2003. 128 с.
11. Bybee, J. L., Perkins, R., Pagliuca, W. (2019) The Evolution of Grammar Tense, Aspect, and Modality in the Languages of the World.
12. Comree, Aspect: An introduction to the study of verbal aspect and related problems. Cambridge: Cambridge University Press, 1976. – 142 p.



13. Langacker R.W. Essentials of Cognitive Grammar. Oxford University Press. 2013. –P 114. (276p).

14. Talmy L. The relation of grammar to cognition. In topics in Cognitive Linguistics. Amsterdam John Benjamins. 1998. 1998. –P 165-205.

Джураев Б. Лингвокогнитивные основы итерационных явлений. В данной статье основное внимание уделяется повторяющимся явлениям с использованием взаимосвязи между функционально-семантической категорией повторения и другими функционально-семантическими категориями. В ходе своего исследования исследователь выявил активацию воспроизводимости, длительности, временной локализации, модальности, временного течения, таксиса и активацию всех производств, связанных с повторением.

Djurayev B. Linguocognitive basis of iterative issues. This article focuses on repetitive phenomena using the relationship between the functional-semantic category of repetition and other functional-semantic categories. In the course of his research, the researcher identified the activation of reproducibility, duration, temporal localization, modality, flow of time, taxis, and the activation of all type of related repetitions.



**ZOONIM KOMPONENTLI FRAZEOLOGIK BIRLIKLARDA INSON TASHQI
QIYOFASINING IFODALANISHI
(fransuz tili materialida)**

*Shukurova Ra'no Akmalovna,
SamDCHTI katta o'qituvchisi
Xayrullayeva Aziza Yigitali qizi,
SamDCHTI talabasi*

Kalit so'zlar: tashqi qiyofa, zoomorf, zoonimlar, zoonim komponentli frazeologik birliklar, zoomorfik kod.

Inson tashqi qiyofasi mohiyatan ijtimoiy xarakterga ega. Undagi barcha psixik xususiyatlar va ularga xos ijodiy faollikning rivojlanish manbalari, albatta, tevarakatdagi ijtimoiy muhitda, ya'ni jamiyatda o'z aksini topadi. Inson tashqi qiyofasi real borliq bilan aloqador tarzda uning ijtimoiy turmushi orqali ko'zga tashlanadi. Mana shu ma'noda inson tashqi qiyofasining ko'rinishi odamlar bilan o'zaro munosabatda yuzaga keladigan ijtimoiy tajribani egallash jarayonidan iboratdir. Buning natijasida insonning psixik xususiyatlari, axloqiy fazilatlarini, xarakteri, irodaviy sifatlari, qiziqishlari, e'tiqod va dunyoqarashi tarkib topadi.

Inson tashqi qiyofasini tasvirlash va uni tilda aks ettirish uchun esa frazeologik birliklarning hissasi ancha salmoqlikdir. Lisoniy ma'no shakllanishi o'ziga xos murakkab jarayondir. Ma'no shakllanishida voqelikdagi obyektning muhim xususiyat - belgilarining aks topishi oddiy jarayon emas, balki bu xususiyatlar inson ijtimoiy faoliyati, tajribasi nuqtayi nazaridan muhim bo'lmog'i lozim. Yanada aniqroq qilib aytganda, bunday ahamiyatga moliklik ijtimoiy tajriba asosida yuzaga keladi. Psixologlar ma'noni «inson faoliyatining qiyofasi o'zgargan shakli» deb ta'riflab, xato qilishmagan, chunki idrok etilayotgan obyektning xususiyatlari insonning ijtimoiy faoliyati jarayonida ko'zga tashlanadi va farqlanadi [Sh. Safarov :175.].

Shu o'rinda, fransuz tilining zoomorfik kodi fransuz tili va madaniyati sohiblari dunyoqarashining o'ziga xos xususiyatlarini ochib beruvchi qiziqarli hodisa

ekanligini ta'kidlash maqsadga muvofiq. Ushbu kod universal bo'lishiga qaramasdan milliy o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. Xususan, hayvonlar ramziy ma'no kasb etgan holda bu tilda so'zlashuvchilarning tajribasini aks ettiruvchi ma'lum bir insoniy fazilatlarining mos lisoniy belgilaridan biri hisoblanadi.

Hozirgi zamon tilshunosligida zoonimlarning leksik-semantik xususiyatlarini o'rganish turli yo'nalishlarda olib borilmoqda. Bunda, asosan, hayvon nomlarining semantik tuzilishiga alohida e'tibor beriladi. Fransuz tilidagi zoonimik madaniy kodning o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash uchun hayvon tarkibiy qismiga ega bo'lgan frazeologik birliklar alohida qiziqish uyg'otadi. Olimlar o'z ishlarida hayvon komponentlarini frazeologik birliklar tarkibiga kiritish uchun turli atamalardan foydalanadilar. Masalan, L.N. Gishkayeva frazeologik birlikning *zoonimik komponenti* atamasini qo'llasa [L. Gishkaeva: 20.], A.O. Kubasova *zooleksema* tushunchasi asosida ish ko'radi [A.Kubasova: 24.], S.A. Androsova hayvon nomlari komponentlarini *zoonimlar* deb ataydi [A. Androsova: 220].

Tilda frazeologik birliklar o'zlarining tuzilishiga ko'ra nihoyatda rang-barang olamni o'zida namoyon eta oladi. Ayniqsa, ularning tarkibiy elementlari o'rtasidagi semantik bog'lanishlar turlicha munosabatlarni ifodalashi orqali ajralib turadi. Bunday birliklar tarkibiga kiruvchi so'zlar o'zlarining ma'no mustaqilligini ma'lum darajada, ya'ni kuchli yoki kuchsiz darajada saqlab qoladi. [Suvonova N.N., Doliyeva L.B.: 69]. Zoonim komponentli fransuzcha



frazeologik birliklarning aksariyati inson xarakterini ifoda etadi. Zoonim komponentli frazeologik birliklar (*keyinchalik ZKFB*) turli struktur modellar bilan ifodalanadi. Masalan, hayvon, qush, baliq, hasharot va sudralib yuruvchilar nomlarining tarkibiy qismini o'z ichiga oladi va insonlarga xos xususiyatlarni aks ettirish uchun xizmat qiladi.

ZKFBlar inson shaxsiyatining ijtimoiy va psixologik xususiyatlari bilan bog'liq bo'lgan ko'p qirrali hodisadir. Bunday birliklar turli darajadagi uyg'unlik va semantik yaxlitlikka ega bo'lgan birikmalar bo'lib, hayvonning xatti-harakati, odatlarini kuzatish tajribasiga asoslanib, inson tomonidan berilgan sifat va xususiyatlarning boy to'plamini tasvirlashga qodir reaksiyalar, tashqi ko'rinish va boshqalarni anglatadi [F.Guketlova: 8].

Frazeologik birliklarning majoziy xususiyati uning so'zma-so'z ma'nosini o'zaro bog'lash orqali ochiladi. Bu hodisa so'zlovchilarning frazeologik birlik asosidagi tasavvurini ularning intellektual va umumiy ta'lim darajasiga, shuningdek, individual xususiyatlariga qarab turlicha idrok etishini ko'rsatadi [YU.G.Sinelnikov, S.A. Androsova: 50]. Til belgilari tizimini o'rganishda milliy madaniyatning stereotiplari va me'yorlarini aniqlash, dunyoni idrok etishning o'ziga xos xususiyatlarini anglash dunyoni tushunish uchun muhimdir. Chunki,

"uning o'ziga xos xususiyatlarini "g'ayriinsoniy" xususiyatlar bilan taqqoslash "inson xususiyatlarining me'yorlari" sifatida qabul qilinadi"[V. N. Teliya: 241].

Aksariyat ZKFBlar qiyosiy iboralardir. Bunday frazeologizmlarning a'zolari *tel, aussi... que, autant... que, plus... que, moins... que, comme* bog'lovchilari orqali o'zaro bog'lanadi: "*poilu comme un singe*" (juda tukli); "*gros comme une vache*" (sigirdek ulkan, juda semiz). Ushbu tadqiqotda frazeologik birliklar tahliliga alohida e'tibor qaratilgan, chunki ular potensial obrazlilik xususiyatiga ega. Ushbu turdagi FBlarda frazeologik birliklarning majoziy "yadrosini" tashkil etuvchi alohida elementlarning ma'nosiga e'tibor qaratish lozim. Insonning tashqi ko'rinishi deganda, uning tashqi ko'rinishi haqida taassurot qoldiradigan o'ziga xos xususiyatlarning yig'indisi tushuniladi. Ba'zi olimlar faqat anatomik xususiyatlarni ajratib ko'rsatishadi, masalan, *to'liqlik, kuch* va *balandlik* kabi [J.X.Gergokova: 18]. Shuningdek, uning funksional (*ovoz, mimika, yurish*) va ijtimoiy (*kiyim, taqinchoq*) xususiyatlari ham mavjud [M. M. Robertus: 16].

ZKFBlarni shu nuqtayi nazardan tahlil qilish davomida ma'lum bo'ldiki, ular shaxs tashqi ko'rinishining quyidagi jihatlarini ochib berishga xizmat qiladi:

Tashqi ko'rinish jihatlarini	Fransuzcha frazeologik birliklar	O'zbekcha ma'nosi
Gavda holati	<i>gros comme une baleine</i>	kitdek semiz
Yuz xususiyatlari	<i>avoir les yeux de chèvre morte</i>	o'lik echkingning ko'ziga ega bo'lmoq, xijolat tortgan ko'rinishga ega bo'lmoq
Kiyim-kechakni tasvirlash	<i>être propre comme un lapin</i>	juda ozoda bo'lmoq
Yurish	<i>être comme un éléphant dans un magasin de porcelaine(s)</i>	juda qo'pol bo'lmoq, chayqalmoq, lapanglab yurmoq
Jozibadorlik darajasi	<i>être moche (yoki laid) comme un pou</i>	bitga o'xshab xunuk bo'lmoq

Gavda holati. Shaxsning to'liqligini, ya'ni semizligini ifodalash uchun "*kit*", "*sigir*", "*cho'chqa*" va "*bedana*" kabi hayvon nomlaridan foydalaniladi: "*gros comme une*

baleine" ("kit kabi semiz") "*gras comme un cochon*" ("cho'chqadek semiz") – "juda semiz". Ozg'inlikni tasvirlash uchun "*mushuk*" va "*it*" zoonimlaridan keng



foydalaniladi: "*maigre comme un chat de gouttière*-(uy mushugidek ozg'in), "*maigre comme un chien fou* ("jinni itdek ozg'in") - "juda ozg'in, cho'pdek oriq". Past bo'yli shaxsga xos xususiyatlarni bildirish uchun fransuz frazeologik birliklarida *tique* (kana) so'zi qo'llaniladi: "*ne pas être plus grand qu'un tique*". Masalan, badiiy matnlarda ham ular shu tarzda ma'no kasb etadi:

"*Mais, sur mon honneur, le voilà devenu aussi gras qu'un cochon*" (De Las Cases E. Mémorial de Sainte-Hélène. 1963. p. 321). / *Rostini aytsam, u cho'chqadek semiz.* (Mualliflar tarjimasini)

Yuz xususiyatlari. Tahlil natijalari orqali quyidagi zoonimlar inson tashqi qiyofasini tasvirlash vositalari ekanligi aniqlandi:

- *Le rat* (kalamush) va *le crabe* (qisqichbaqa) kabi hayvon nomlari xunuk yuz timsollaridir: "*avoir la face de rat*" (kalamush yuzli xunuk bo'lmoq).

- "*Kalamush*" va "*echki*" komponentlari inson nigohining salbiy xususiyatini ifodalash uchun ishlatiladi: "*avalier un rat*" (noroz ko'rinishda bo'lmoq), "*avoir les yeux de chèvre morte*" ("o'lik echkining ko'zlariga o'xshamoq") – "hijolatli ko'rinishga ega bo'lmoq".

- "*Baqa*" komponentli frazeologik birliklar insonning nigohiga ijobiy baho beradi: "*faire un œil de crapaud mort d'amour*" (so'zma-so'z tarjimasini: "sevgidan o'layotgan qurbaqa ko'zi bilan qaramoq") - mehr to'la ko'zlar bilan qaramoq".

- *Cochon* (cho'chqa) esa ko'zning kichik va mayda hajmini anglatadi: "*avoir l'œil de cochon*" – "kichik va chuqur botgan ko'zlariga ega bo'lmoq".

Kiyim-kechakni tasvirlash. Shuni ta'kidlash kerakki, *le lapin* (quyon) so'zi inson kiygan kiyimning toza ko'rinishini anglatadi: "*être propre comme un lapin*" (juda ozoda bo'lmoq). Tahlillar shuni ko'rsatdiki, "*maymun*", "*ayiq*", "*bit*", "*cho'chqa*", "*qarg'a*" va "*o'rdak*" kabi hayvonlar beparvolik bilan tanlangan kiyimni, tartibsizlik va didsizlikni ifodalash uchun ishlatiladi. Masalan :

"*avoir l'air d'un singe botté*" (badbashara bo'lmoq/maymunga o'xshamoq);

"*être sale comme un pou* (bitlab ketgan istliqi bo'lmoq) ;

"*aller comme un pardessus à un canard*" (usti-boshi rosa kir-chir bo'lib yurmoq).

Badiiy matnlarda ham bunday frazeologizmlar tez-tez uchrab turadi: "*J'en viens à toi, Moulu. Tu es un nid à poux, ça ne peut pas durer ... tu es sale comme un cochon!*" (Sartre J.-P. La Mort dans l'âme. Livre de poche, 1962. r. 64]. / *Men seni deb keldim, Moulu. Sen bit uyasidan, bu shunday davom etishi mumkin emas... cho'chqadek iflossan.* (Mualliflar tarjimasini)

Yurish. Frazeologik birlik tarkibiga kiruvchi *le zèbre* (zebra) so'zi tashqi ko'rinishni tasvirlashda har doim tez yuradigan, go'yo qayergadir shoshib ketayotgan odamni ifodalaydi: "*courir comme un zèbre*" (shoshib yugurib kelmoq). Qo'pol yurishni tavsiflash uchun "*fil*", "*qurbaqa*", "*qarg'a*", "*cho'chqa*" va "*o'rdak*" kabi hayvon nomlaridan foydalaniladi :

- "*être comme un éléphant dans un magasin de porcelaine(s)*" – beso'naqay bo'lmoq;

- "*se dandiner comme un canard*" - o'rdakka o'xshab lapanglamoq ;

La tortue (toshbaqa) komponentli frazeologik birliklar insonning sekin yurishini anglatadi: "*aller comme une tortue*" - toshbaqadek yurmoq.

Sudralib yurishni ifodalash uchun *le serpent* (ilon) so'zi qo'llaniladi:

- "*(se) glisser comme un serpent (yoki une couleuvre)*" - (ilondek sudralib yurmoq).

Le crabe (qisqichbaqa) komponentli frazeologik birliklar inson yurishini tasvirlash maqsadida ishlatilib, chayqaladigan yurishni anglatadi:

- "*marcher en crabe*" - gandarab yurmoq.

Ushbu iboralarning badiiy matnlarda qo'llanishiga shunday misollar keltirish mumkin:

1. "*Ils se deratent, ils se decassent! C'est du sobre, des gens qui boiront de l'eau... Ils courent comme des zèbres*» [Céline L.-F. Mort à crédit. Gallimard, 1985. p. 336]. / *Ular g'azablanmoqda, tarqashmoqda! Bu hushyorlikdir, suvga talpingan odamlar...*



ular zebralardek shoshib yugurib kelmoqda" (mualliflar tarjimasini).

2. "Il pensa à la métaphore de l'éléphant qu'on lâche dans un magasin de porcelaine et il voyait de précieuses porcelaines écrasées sous des pattes énormes". (Curtis J. L. La quarantaine. Rocher Eds Du, 1989. p.66). "U chinni do'koniga kirgan fil metaforasini esladi va uning ko'z o'ngida bahaybat oyoqlar bilan maydalangan qimmatbaho chinni parchalari turardi" (mualliflar tarjimasini).

3. Artus. - *Le diable! Il se glisse comme une couleuvre. Je ne sais jamais où le prendre*" (Cocteau J. Les chevaliers de la

table ronde. Gallimard, 1937. p. 24). / "Artus. – U haqiqiy shayton! Baribir sirg'alib ketyapti. Men hech ham uni tutishni bilmayapman" (mualliflar tarjimasini).

Jozibadorlik darajasi. Fransuz tilida jozibador shaxsning xususiyatlarini ifodalash uchun "it" zoonimli frazeologik birliklardan foydalaniladi: "avoir du chien" - jozibali bo'lish.

Tahlil natijalariga ko'ra zoonimlarning tashqi qiyofani tasvirlash borasidagi qo'llanilish chastotasi quyidagicha ekanligi aniqlandi:

№	Zoonimlar	Inson qiyofasining tashqi ko'rinish shakllari:				
		Fizik holati	Husn-tarovat	Kiyim-kechak ozodalik	Xulq-atvor	tashqi joziba-dorlik
1.	ayiq			+		
2.	bedana	+				
3.	bit			+		+
4.	echki		+			+
5.	cho'chqa	+	+	+	+	
6.	fil				+	
7.	ilon				+	
8.	it	+				+
9.	kalamush		+			
10.	kana	+				
11.	kit	+				
12.	maymun			+		+
13.	mushuk	+				
14.	o'rdak			+	+	
15.	qarg'a			+	+	
16.	qisqichbaqa		+			
17.	qurbaqa				+	+
18.	quyon			+		
19.	sigir	+				
20.	toshbaqa				+	
21.	zebra				+	

Shuningdek, o'tkazilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, zoonim komponentli ko'p sonli fransuz frazeologik birliklari inson tashqi ko'rinishining turli tomonlariga ta'sir qiladi va ular umuman olganda universaldir. "Kit", "sigir", "cho'chqa", "bedana",

"mushuk", "it", "kana" kabi zoonim komponentli frazeologizmlar shaxs fizikasiga xos xususiyatlarni bildirish uchun ishlatiladi. "Kalamush", "qisqichbaqa", "echki", "cho'chqa" komponentlari odamning turli xil yuz xususiyatlarining ramzi sifatida ishlaydi.



“Kiyim-kechak va tozalik” xususiyati kishilarning tashqi qiyofasidagi ozodalik yoki ifloslik nuqtayi nazaridan olib qaraladi. Bu holatda “quyon”, “maymun”, “ayiq”, “bit”, “cho’chqa”, “qarg’a”, “o’rdak” kabi zoonimlar xarakterlanadi. Xulq-atvorni tavsiflashda “qurt” ishlatiladi. “Zebra”, “fil”, “qurbaqa”, “qarg’a”, “cho’chqa”, “o’rdak”, “toshbaqa”, “ilon” zoonimlari yurishning turli turlarini ifodalaydi. “It”, “maymun”, “echki”, “qurbaqa”, “bit” komponentli fransuz frazeologik birliklari insonning turli darajadagi jozibadorligini tavsiflaydi. Shuni

ta’kidlash kerakki, fransuzcha ko’p sonli zoonim komponentli frazeologik birliklar salbiy baholash xususiyatiga ega. “Echki”, “cho’chqa”, “it”, “kalamush”, “qisqichbaqa”, “qurbaqa”, “bit”, “qarg’a”, “o’rdak” va “maymun” kabi hayvon turlari bir qator xususiyatlarning timsoli bo’lishi mumkin. Shubhasiz, frazeologik birliklar tarkibidagi ma’lum bir zoomorfik komponentning tanlanishida so’zlashuvchilarning lingvistik ongidagi har bir hayvonga xos tasavvurlar muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

- 1.Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
- 2.Кубасова А. О. Образная характеристика человека в румынском языке через сравнения с животными и зоометафоры (лексико-семантический анализ): автореф. дисс. ... к. филол. н. СПб., 2008. 8 с.
- 3.Гишкаева Л. Н. Фраzeологизмы с компонентами-зоонимами и фитонимами в современном пиренейском и мексиканском национальных вариантах испанского языка: автореф. дисс. ... к. филол. н. М., 2012. 20 с.
- 4.Андросова С. А. Объективация характеристики человека во французской арготической фразеологии: дисс. ... к. филол. н. Белгород, 2011. 220 с
- 5.Гукетлова Ф. Н. Зооморфный код культуры в языковой картине мира (на материале французского, кабардиночеркесского и русского языков): дисс. ... д. филол. н. / Ин-т языкознан. РАН. М., 2009. 8 с.
6. Сувонова Н.Н., Долиева Л.Б. Французча ономотопик феъллар иштирокидаги ибораларда инсон рухияти тасвири // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 2 (31). — Б. 65–79.
7. Синельников Ю. Г., Андросова С. А. Образная основа характерологических фемининных фразеологизмов французского аргю (на материале фразео-тематической группы «Внешний облик человека») // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Лингвистика. 2009. № 4. С. 50.
- 8.Телия В. Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. -М.: Школа «Языки русской культуры», 1996.
- 9.Гергокова Ж. Х. Фразеологическая концептуализация понятия «человек»: (на материале карачаево-балкарского, английского и русского языков): автореф. дисс. ... к. филол. н. Нальчик, 2004.
- 10.Робертус М. М. Характеристика лица в современном немецком языке: дисс. ... к. филол. н. М., 2005.
- 11.De Las Cases E. Mémorial de Sainte-Hélène. 1963. p. -321.
- 12.Sartre J.-P. La Mort dans l'âme. Livre de poche, 1962. п. -64.
- 13.Céline L.-F. Mort à crédit. Gallimard, 1985. p. -336.
14. Curtis J. L. La quarantaine. Rocher Eds Du, 1989. p.-66.
- 15.Cocteau J. Les chevaliers de la table ronde. Gallimard, 1937. p. -24.



Shukurova R., Xayrullayeva A. Expression of human appearance in phraseological units with a zoonym component. In this article, analysis has been made of French phraseological units with a zoonymic component to describe a person's appearance from different angles. Phraseologisms with a zoonym component have been analyzed as one of the most expressive means of expressing physical characteristics of a person, facial features, cleanliness of a person's appearance and attractiveness. It has also been found that such phraseologies are verbalized mainly through universal zoonyms that have a negative connotation.

Шукурова Р., Хайруллаева А. Выражение внешности человека в зоонимических компонентных фразеологизмах. В данной статье проводится исследование по описанию внешности человека с разных сторон зоонимических компонентов фразеологизмов. Проанализированы фразеологизмы с зоонимическим компонентом как одно из наиболее выразительных средств выражения физических характеристик человека, черт лица, чистоты внешности человека и привлекательности. Выявлено также, что такие фразеологии вербализуются в основном через универсальные зоонимы, имеющие отрицательную коннотацию.



МУОМАЛА МАДАНИЯТИДА НУТҚИЙ МУЛОҚОТ ОДОБИНИ ИФОДАЛОВЧИ МАҚОЛЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

(Ўзбек ва корейс тиллари мисолида)

Баёнханова Ирода Фуркатовна,

СамДЧТИ катта ўқитувчиси

Калит сўзлар: мулоқот, мақол, муомала маданияти, хулқ-атвор, одоб-ахлоқ, нутқий фаолият, қалбга йўл, ўзаро тушуниш, сўз кўрки, тарбия асоси, 한국어속담, 중의적표현, 직접접표현, 동음어, 다의어, 단어의. 의사소통, 치료문화, 매너, 품위, 연설활동, 영혼의길, 상호이해, 단어비전, 교육의기초

Ҳикмат арбобларининг айтишларича, кишининг вужуд гули одоб ранги ва ҳидидан холи бўлса, у киши одамлар назарида тикандек хору беқадр бўлади, халқ кўнгли у билан суҳбатлашишдан қолади ҳамда бегона-ошинолар ундан юз ўгирадидилар. Унинг аҳволи саҳифасига нафрат қалами билан узоқлик ва бегоналик белгисини қўядилар. Шунинг учун бешарм ва одобсиз кишилар давроннинг даққиси ва танбиҳидан ўзларининг озодлик қанотларини синган ҳолда кўрадидилар ва уларнинг меҳру муҳаббати ҳеч кимнинг дилига ҳеч қачон ўтирмайди.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Мулоқотнинг асосини инсонлар ташкил этади. Уларнинг ташқи кўриниши, тили, дини, фикри, орзу, мақсад, армонлари, муаммою- муносабатлари барчасини сўз билан ифодалаймиз.

Ҳар бир инсон ўз мулоқот фаолиятида “қовун туширмасликка” қанчалик уринмасин хатолардан холи бўлиши даргумон. Шу боисдан таълим-тарбия (ўз- ўзини тарбиялаш ҳам) вазибалари зиммасида ана шу хатолардан сақланиб туради ва бунга ҳар бир инсон интилади. Нутқий мулоқот фаолиятида мақолнинг ўрни бекиёс.

Мулоқот стратегиясини тўғри танлашда ички ишонч ҳамда малака, дунёқараш, кўникмаларни шакллантириш бош мезон ҳисобланади. Бу, айниқса, расмий ва ишбилармонлар учрашувларида, хизматчилик муносабатларида, тадбир ва маросимларда алоҳида аҳамиятга эга.

Самимий мулоқот жараёнида мақолларни ўз ўрнида қўллаш сўз сеҳри санъатининг ёрқин намунасидир.

Инсоният одобининг ва одамийлик асосининг улуғ қасри устунларидан бири ўринли сўзлаш ва нутқининг гавҳари мулойимлик ва одоб пардасида бўлишини таъминлашдир. Ахлоқ аркининг

юқорисида турувчиларнинг айтишича, инсоннинг камолоти ва билимнинг баланд мартабаларидан бири чиройли сўзлаш бўлиб, бу боғнинг гули ақл баҳористонининг насими билан очилади ва саодатнинг ёрқин жавоҳир дастурхонини ақл савдогаригина ёза олади. Ёқимли ва қимматбаҳо сўзларни донолик ва иқбол арбобининг тожи бўлган юнон ҳакимларининг айтишларича, тил ҳар бир ақл соҳиби фазилати ҳазинасининг калитидир ва ҳар кимсанинг билими даражаси унинг сўзлари орқали маълум бўлади [Усмонов Р., Саодатнома, 1995, 276]

Ҳар киши гапирмай тургани замон,

Айб ила ҳунари бўлади ниҳон!

Бархурдор ибн Маҳмуд [Машрикзамин ҳикматлар бўстони, 1997, 256 бет].

Халқимизда шундай мақол бор. “Тил борки бол келтиради, тил борки бало келтиради”. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир сўзни ўз жойида қўллаш инсондан катта маҳорат талаб этади. Худди шундай мақол корейс халқларида ҳам мавжуд:
혀가있으면끝을가져오고혀가있으면채앙
을가져온다



Сўзловчи киши бадхулқ бўлса-да, баъзан унинг сўзларига диққат қил, гоҳо ёмон оғиздан ҳам яхши сўз чиқиб қолади.

Сўз лаззатини одами нодон билмас,

Нечунки асал лаззатини ҳайвон билмас.

Толибий. [Машриқ замин ҳикматлар бўстони, 1997, 250 бет].

Бир ҳакимнинг шундай деганини эшитдим: “Оғиз ичидаги тил қин ичига яширилган қиличдир”.

입속의 혀는 질속에 숨겨진 칼이다

Оқил кишилар ақлни амирга, фаросатни вазирга ва нутқни сипоҳга ўхшатадилар. Чунки (аслиҳа) ҳар нимаики ақл хотирасига келса фаросат уни тасдиқ қилади. Агар сўздек хабарчи бўлмаганда, дилхаста ошиқларнинг юрагидаги розини маъшук қулоғига нима етказган бўлар эди.

Ўзингни ёмон кишилар мулоқотидан узоқ тут, чунки ёмон кишилар суҳбати жаҳаннам ўтидан ҳам ёмонроқдир. Ҳар бир мулоқот (суҳбат)нинг таъсири бўлади. Чунончи, яхши кишилар суҳбати фазилатни оширса, ёмон кишилар суҳбати заҳматни кўпайтиради.

“Қозонга яқин юрсанг қораси юқар” – деб бежизга айтмаганлар [Ўзбек халқ мақоллари., 2012., 746].
냄비에 가까이 가면 검은 색이 올라옵니다.

“Яқинлар суҳбатини изла фисқи фужур аҳлидан қоч, сабр қил, шошқалоқликни одат қилма, сирингни ҳар кимга айтма, молингни ўйлаб харж қил”. “Махзам ал-улум” [Ҳолидий Ҳ. Кўхна шарқ дарғалари, 1999, 24-27 б].

Шу маънода корейс халқларида ҳам шундай фикрлар мавжуд:
친척의 대화를 구하고, 인내하고,
서두르지 말고,
모든 사람에게 비밀을 말하지 말고,
돈을 현명하게 쓰십시오.

Ҳикмат: Сахий ва олижаноб кишилар билан ўзаро мулоқотда бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилдиради. Ёмон феъллик ва фасод табиатлик кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабиҳ иллатларга

етақлайди. Ёмонлар билан яхшилар суҳбати орасидаги фарқ шамол таъсири қиёсида кўринади. “Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбуй хидларни олиб келади. Агар ширин хидли жойлардан ўтиб қолса муаттар исларни олиб келади”.

БАЙТ: Ҳар кимнинг бор экан танида жони ким билан сўзлашса, таъсири урар ёмонлик бўлмаса кимнинг аҳволи, доим яхши билан хуш суҳбат қураб. Мажидиддин Хавофӣ. [Саодатнома, 1995, 142 б].

Халқимизда шундай мақол бор. **“Ақл ёшда эмас, бошда”.** Ёшлардан маслаҳат олишдан ор қилмаслик керак. Зеро, **“Қари билганни пари билмайди дегани”.** Ҳам шундай ўзаро боғланган мақоллар ҳисобланади. Шу маънода корейс халқларида ҳам шундай фикрлар мавжуд: 정신은 나이가 아니라 머리에 있다

Шарқ алломалари мулоқотда ишлатиладиган сўзларга кишида доимо эҳтиёж бўлмоғи, ҳар бир гапни ўйлаб, сўнг гапирмоғи лозим. Киши қаерда бўлмасин ва қачон бўлмасин, тилини ёмон сўздан асраса, ўйлаб мулоҳаза билан гапирса, доимо фойда топади. “Аввал ўйла – кейин сўйла”, “Айтилган сўз – отилган ўқ,” уни қайтариб бўлмайди.

말하기 전에 생각하고 단어를 말하십시오.

Яхши инсон кўркем фазилатлар чашмасидир. Одамлар унинг меҳр булоғидан мудом баҳра оладилар. Хулқи зебо, маданиятли инсон мулоқотда одамларга руҳий озуқа бахш этади ва бундан ўзи ҳам бир завқ олади. Хушмуомала бўлиш сандан ортиқча бир нарсани талаб этмайди. Бежизга айтилмайди: “Гўзал хулқ – гўзал қалб ифодаси”, деган ўзбекнинг мақоли бор. Корейс халқлари ҳам шундай мақолни кўп ишлатади:
좋은 행동은 아름다운 마음의 표현입니다.

Агар инсоннинг виждони бир кўркем қаср бўлса, бу қасрнинг зеболиги яхши хулқи ва юксак маданиятида зоҳир бўлади. Мабодо одамлар сандан узоқроқ юришга интилсалар, ўз хулқ-атворингга разм сол. Ҳатто асалари ҳам хушбўй гулга интилади, бадбўйидан қочади.



Р.Усмоновнинг “Саодатнома” номли асарини кўлимга олиб мутолаа қилганимда инсондаги гўзаллик туйғуси бамисоли ғунча бўлса, унинг мумтоз хулқи, одоби бу ғунчанинг хусн тимсолидир. Бу фазилатлар, бир-бирларини безайдилар ва бойитадилар.

Арасту шундай ёзади: “Иззат тиласанг, ифбатли бўл, улуғлик тиласанг, мулойим бўл, зафар тиласанг, адолат йўлини тут, кадр тиласанг, ростгўй бўл, нажот тиласанг, сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг, жидду жаҳд қил” [Ҳикматлар бўстони, 1997, 796]. Шу маънода корейс халқларида ҳам шундай фикрлар мавжуд: 영광을구하면순결,
위대함을구하면은유, 승리를구하면
면정의의길, 명예를구하면정직,
구원을구하면인내, 과학을배우고싶다,
열심히노력하다

Шу аснода бир мақолни келтирмоқчиман “Бешиқдан қабргача илм изла”.

Ҳурмат инсонларга энг муҳим зиёда, шараф, баланд даража бергувчи ахлоқий тарбиядур. Абдулла Авлонийнинг “Тулистон ёки ахлоқ” асари инсоният тарбиясининг гултожи ҳурматдир, деб ёзади: **Халқ ичинда мўътабар бирнарс** **йўқ ҳурмат каби.** [Авлоний А., Тулистон ёки ахлоқ, 1967, 32 б.].

Ҳурмат-этиборга, халқ назарига тушиш осон эмас, бунинг учун инсондан катта меҳнат машаққат талаб этилади. Ҳурматга сазовор бўлиш учун аввало шахс оилада мукамал тарбия олиши керак. “Қуш уясида кўрганини қилади”- 새는집에서본대로한다, “Онасини кўриб кизини ол”, деган ўзбек халқ мақоллари замирида катта маъно мужассам. [Ўзбек халқ мақоллари, 2012, 325 б.].

Аслини олганда, ахлоқ-маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Ўтмишда яшаган инсонларнинг ҳурматини бажо этар эканмиз, бугунги кунда яшаб, мустақиллигимиз учун, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун курашиб келаётган

фидойи инсонларимизни унутмаслигимиз керак.

“Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”. [Каримов И. “Тарихсиз хотирасиз келажак йўқ”]. Ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан насл-насаб обрўсини мустаҳкамлаш, одамларнинг, ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

“Хафа бўлганни ҳақоратламоқ ўлганнинг устига тепмоқ” демакдир. Махмуд аз-Замахшарий “Навбоғ ал-Калим” (Нозик иборалар) асарида шундай ёзади: “Ахлоқ киши бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек ҳикмат лаззатини билмайди”. [Маънавият юлдузлари, 2003, 916.]. Шу маънода корейс халқларида ҳам шундай фикрлар мавжуд:-

어리석은자는지혜의쾌락을꽃냄새를맡아
보지못함과같이알지못한다

Огоҳ бўлингизки, саховатли ва ҳурматли, вафодор одамларни йўқотиш эр кишига ўлимдан кўра ҳам оғирроқдир. [Авлоний А. “Тулистон ёки ахлоқ”, 1967, 42 б.]. Агар ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси билан заҳарланасан. Яхшиси унинг душманлари жумласидан бўл, шунда унинг оғуси-ю, захмати-ю, ҳурматидан кутуласан. Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам ҳайбатлироқдир. Ва бу инсон аввало эл ардоғида бўлиб, ҳурматга сазовор бўлади. Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат ва ёмонлик қиладиган киши эса нотинчлику ҳалокатга гирифтор.

“Саёк юрсанг таёқ ейсан” мақоли шундай ҳолатда ишлатилади.

Киши гапга, нафсга, мактанчоқликка қанча зўр берса, унинг эл олдидаги ҳурмати шунча камаяди.

Мавлоно Жалолиддин Румий таъкидлайди: [Машриқзамин ҳикматлар бўстони, 1997, 93 б.].

Яхшиларнинг суҳбатин кўнглингга сол,



**Хеч ёмоннинг суҳбатинг қилма хаёл!
Кўр, қизил гул боғ ичин хандон қилур
Мард киши номардни ҳам инсон
қилур**

**Гарчи сен бўлсанг агар мрамар каби,
Яхши бирла бўлғай сен гавҳар каби.**

Шу маънода корейс халқларида ҳам шундай байтлар битилган:-

선한사람의 대화에 주의를 기울이고,

말도 안되는 소리 하지마!

눈먼 붉은 꽃은 정원을 웃게 한다

남자가 바보를 남자로 만든다

대리석 같아도 당신은 진주와 같습니다

Yusupova M. Adabiy matnda kognitiv ssenariyning zamon va makon kategoriyalari. *Kognitiv ssenariy yoki script kognitiv tilshunoslikning asosiy tushunchalaridan biridir. Ssenariy statik tushunchadan farqli o'laroq, dinamik tabiatga ega va u kundalik stereotipik jarayonlarni an'anaviy ravishda aks ettira oladi. Kognitiv ssenariy va uning kategoriyalarining badiiy matn maydonida amalga oshirilishi o'ziga xos xususiyatlarga ega. Bir tomondan, muallif kognitiv ssenariyning bosqichlarini amalga oshirish ketma-ketligiga rioya qilishi kerak, ikkinchi tomondan, ssenariy, adabiy asarning har qanday elementi kabi, badiiy maqsadni amalga oshirish vazifasiga amal qilishi kerak. Maqolada A.Dyumaning "Les trois mousquetaires" romani asosida badiiy matn*



makonida "BAL" kognitiv ssenariysining zamon va makon kategoriyalarini amalga oshish xususiyatlari tahlil qilingan. Tadqiqot shuni ko'rsatadiki, kognitiv ssenariy amalga oshadigan zamon badiiy maqsadga bo'ysunadi - u muallif oldida turgan badiiy vazifalarga qarab qisqaradi yoki kengayadi. Shu bilan birga, muallif kognitiv ssenariyni amalga oshirish bosqichlarini taqdim etish ketma-ketligiga e'tibor beradi, chunki aks holda bu ssenariyni aniqlashda xatolikka yoki uni tushunishda dissonansga olib kelishi mumkin.

Yusupova M. Categories of space and time of a cognitive script in a fiction text. *Cognitive script is one of the key concepts in cognitive linguistics. Unlike the static concept, the script has a dynamic nature and traditionally reflects stereotypical everyday processes. The implementation of a cognitive script and its categories in the space of a fiction text has its own characteristics. On the one hand, the author needs to observe the sequence of the implementation of the stages of the cognitive script, on the other hand, the script, like any element of a fiction text, should be subordinated to the task of realizing the artistic intention. The article analyzes the peculiarities of the implementation of space and time categories within the cognitive script of a BALL in the space of a literary text taken from the novel "Les trois mousquetaires" by A. Dumas. The study reveals that the temporal space, within which the cognitive script is being realized, is subordinated to the artistic intent - it can be compressed or extended depending on the artistic tasks of the author. At the same time, the author adheres to the sequence of presentation of the stages of the realization of a cognitive script, because otherwise it may lead to an error in identifying the script or dissonance in its interpretation.*



КАУЗАТИВ МАЪНОЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАДҚИҚИ ХУСУСИДА

Мусаев Абиш Абилказиевич,

Қорақалпоқ давлат университети ассистент ўқитувчиси

Калит сўзлар: лингвистик концепт, каузатив эмоционаллик, семантик маъно, интенционаллик семантика, орттирма нисбат.

Инсон онгида ҳосил бўладиган ҳар қандай лингвистик қурилма биринчи навбатда идрок этилаётган воқеликнинг онгдаги инъикоси, яъни юзага келиши ва унинг тафаккурдаги ҳажмининг таҳлил қилиниши натижасида ҳосил бўладиган концептнинг пайдо бўлиши ҳисобланади. Кейинги йўналишда воқеланиш босқичи бўлиб, турли хил амаллардан иборатдир. Мазкур амаллар тил тизими амаллари хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда кечади. Келтирилган амаллар когнитив фаолиятнинг ифодаланиш жараёни бўлиб, когнитив тилшуносликнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Бунда тадқиқ этилиши кўзда тутилган лингвистик концепт юзага келади. Мазкур амаллар натижасида юзага келган концепт маълум соҳага тегишли тил бирликларининг умумлаштирилган кўриниши деса ҳам бўлади. Умумлаштириш жараёни кечаётган ҳодисалар, предметлар, воқеликлар, сифат хусусиятлари ҳақидаги маълумотни мужассамлаштирган ҳолда концептуал ҳодисалар юзага келади. Юзага келган концептлар инсоннинг идрок этиш когнитив фаолиятининг самарасидир.

Бевосита тилдаги ҳаракатнинг концептуал турлари ва уларнинг макон муносабати тадқиқотларига тўхталадиган бўлсак, улар когнитив тилшуносликка оид дастурларга мос келиши кузатилади. Жумладан, Лакофф [Lakoff, G. (1990). 'The invariance hypothesis: Is abstract reason based on image-schemas?' *Cognitive Linguistics*, 1, 1, 39-74.] ўзининг образ схемаси (image-schema) да тил воситаларининг гуруҳларини ажратади. Талми [Talmy L. Force Dynamics in Language and Cognition [text] / L.Talmy // *Cognitive Science*. – 1988. – Vol. 12. – N. 1. – P. 1-44.] эса, образ шакллари ҳосил

қиладиган конфигуратив тузилмаларни таҳлил қилади. Бу ишларда грамматик мантикий тушунчавий категориялардан микдор, давомийлик, чегараланганлик, маконнинг тақсимланиши ва бошқа шу каби турлар тўғрисида сўз боради. Фейл семантикаси тадқиқотларига янгича ёндашув орқали ундаги маъно махсус когнитив операция, концептуализациялаш ёрдамида аниқланади. Бунда бир фрагментдаги концептнинг ҳақиқатда турли-турли эканлиги кўзга ташланади. Аспектуал семантикасини аниқлаш илгари синтактик сатҳ доирада олиб борилган, яъни маълум бир бирикмалар доирасида тадқиқ этилган бўлса, ҳозирда концептуаллашувини таъминловчи вазиятлар доирасида амалга оширилмоқда. Ҳар хил шакллар, турли конструкциялар бир хил вазиятларни ифодалаш мумкин, аммо, маънолар турлича бўлади.

Нутқда концептуал хусусиятларнинг амалга оширилиши маълум грамматик шаклларнинг (тус-замон шакллари, императив, пассив ва рефлексив- ҳаракат феъллари учун вақт кўрсаткичлар) қўлланилиши орқали таъминланади. Шунингдек, феълларнинг ўтимли қўлланиши (ҳаракат феълларига нисбатан), ўтимсиз қўлланилиши (процессуал, статив ва хусусият феъллари учун), синтактик конструкциялар, феълнинг шахсиз шакллари ёрдамидаги конструкциялар, объектив валентлик каби гап таркибидаги хусусиятлар билан ифодаланади. Ушбу хусусиятлар керак бўлган маънони шакллантириш механизми, маълум концептуал белгиларни амалга оширишдаги тил воситалари сифатида



фойдаланилади.⁷ Ушбу тил воситаларини концептуал турларини матнда кўлланилишига кўра функционал категоризациялаш талаб этилади. Функционал категоризациялаш эса кўп қамровли жараён бўлиб, унда лексик ва грамматик категоризациялаш билан бир қаторда семантика ва синтаксиснинг ўзаро боғлиқлигида амалга оширилади. Амалга оширилган боғлиқлик гап доирасидаги маъноларни аниқлашга хизмат қилади. “Гап маъноларини (ҳар хил синтактик структураларда) аниқлашда маънолар (ҳар бир типдаги сўзни) ўрнини белгилаш ва умумий схемасини тасвирлаш улкан ишни талаб этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда сўз турлари ва синтактик шаклларнинг чекланган қисмида эскиз кўринишидаги маънолар тадқиқига амал қилишга мажбурмиз”⁸.

Инсон онгида ҳосил бўладиган ҳар қандай лингвистик қурилма биринчи навбатда идрок этилаётган воқеликнинг ондаги инъикоси, яъни юзага келиши ва унинг тафаккурдаги ҳажмининг таҳлил қилиниши натижасида ҳосил бўладиган концептнинг пайдо бўлиши ҳисобланади. Кейинги йўналишда воқеланиш босқичи бўлиб, турли хил амаллардан иборатдир. Мазкур амаллар тил тизими амаллари хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда кечади. Келтирилган амаллар когнитив фаолиятнинг ифодаланиш жараёни бўлиб, когнитив тилшуносликнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Бунда тадқиқ этилиши кўзда тутилган лингвистик концепт юзага келади. Мазкур амаллар натижасида юзага келган концепт маълум соҳага тегишли тил бирликларининг умумлаштирилган кўриниши деса ҳам бўлади. Умумлаштириш жараёни кечаётган ҳодисалар, предметлар, воқеликлар, сифат хусусиятлари ҳақидаги маълумотни мужассамлаштирган ҳолда концептуал ҳодисалар юзага келади. Юзага келган концептлар инсоннинг идрок

этиш когнитив фаолиятининг самарасидир. Инсон когнитив фаолияти турли воқеа-ҳодисалар таҳлили, муносабати ҳамда нутқдаги ифодасида ҳам ўз аксини топади. Инсон фаолияти кўп эмоционал-экспрессив жараёнлар билан боғлиқ. Ушбу эмоционаллик, экспрессивлик, таъсир қабилар асосан каузативлик билан узвий боғлиқликка эга. Мазкур когнитив сатҳда каузатив эмоционаллик муҳим ўрин тутди. Каузатив эмоционаллик эса шахснинг адресатни мажбурий эмоционал ҳолатга келишидаги ҳаракати деб баҳолаш мумкин. Таҳлилимиз объекти бўлиб келтирилган эмоционал белгилардан каузатив эмоционаллик ўрин эгаллаган. Каузатив эмоционаллик одатда субъектнинг объектга таъсири сифатида қаралади. Каузатив эмоционаллик ҳам таъкидланган салбий ва ижобий ифодаланишга эга. Салбий каузатив эмоционаллик шахсга ёқимсиз бўлган (кўрқиш, жаҳл чиқиш ва бошқалар) ҳолатни вужудга келтиради. Синтактик жиҳатдан қаралганда каузативлик “эмоциянинг ифодаланишида экспериенсер синтактик нуктаи назардан объект сифатида қатнашади” [7, 201–218].

Инглиз тилида бир қанча каузатив эмоционалликни англатадиган *to cheer up*, *to shame*, *to move* каби феъллар мавжуд бўлиб, улар интенционал ва шу билан бирга адресатда эмоцияни (ҳам салбий ҳам ижобий) ҳосил қилувчи ҳаракатни билдиришади. Шунингдек, интенционал мақсад маъносига эга бўлмаган эмоционал каузатив *to disgust*, *to sadden*, *to anger*, *to irritate* каби феъллар гуруҳига киритиш мумкин. Масалан:

1) *Coburn's words had cheered him a little (J. Krantz, 193);*

2) *Even normal weakness was loathsome to him, although his frustrated child's love for his mother made him conceal his sense of horror (J. Krantz, 40).*

Хусусан, инглиз тилида салбий каузатив эмоционаллик маълум гуруҳ феълларнинг ўтимлилик хусусияти асосида ифодаланади. Ушбу гуруҳ феълларига *to frighten*, *to tease*, *to dread*, *to horrify*, *to shame*, *to scare* ва бошқаларни

⁷ Болдырев Н.Н. Б 79 Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии. Тамбов: Изд-во Тамб. ун-та, 2001. Изд. 2-е, стер. 123 с.

⁸ Грайс Г.П. Философия языка/ Значение говорящего, значение предложения и значение слова. Ред.-сост. Дж. Р. Сёрл: Пер. с англ. Изд 2-е. М.: УРСС, 2010. -208 с (75-99)



киритиш мумкин. Каузатив эмоционал муносабат феъллари семантик жиҳатдан микромайдонни ҳосил қилади ва субъектнинг адресатга нисбатан салбий ҳамда ижобий муносабатини англатади:

3) *Stash would not permit Francesca to set the pace, but brought her with infinite skill to an orgasm so stabbing, so victorious that it frightened her* (J. Krantz, 25);

4) *I think we shall stay well under that – I do not want to frighten Boris* (J. Krantz, 37);

5) *“No, Tatiana, darling, don’t be silly I was teasing him and the little one got angry”* (J. Krantz, 45);

6) *To have done so would have insulted the Prince* (J. Krantz, 32).

Келтирилган мисолларда субъект бирор ҳиссиётни объектга (объект сифатида шахс назарда тутилган) таъсир ўтказиш ва шунингдек, маълум бир ташқи таъсир натижасида психоэмоционал ҳолатни кечирган объект каузацияга учраган шахс ҳисобланади. Каузатор ва каузацияланувчи ўртасидаги каузатив семантик маъно мазкур феълларнинг лексик-семантик маънолари ёрдамида амалга ошади. Мисолларда ифодаланган салбий эмоционал муносабатдаги каузативлик маълум нутқ жараёнида юзага келган интенсия сифатида баҳоланади. Каузатив эмоционал муносабат феъллари структураси мотив, мақсад, объект, процесс компонентларига эга.

Қорақалпоқ тилида каузатив эмоционал муносабат феъллари (хусусан, каузативлик) ўзларининг морфологик шаклий хусусиятининг мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, қорақалпоқ тилидаги -т, -ит, -йт, -дир, -дыр каби қўшимчалар каузатив эмоционал семантик маънони ифодалаш хусусиятига эга. Эмоционал муносабат феъллари синфига тегишли феъллар субъектнинг хис-туйғуларини объектга бўлган муносабатидан ташқари объектга баҳо бериш, объектга нисбатан турли муносабатлар билдириш каби семантик маъноларда ҳам келади. Масалан:

а) *Тосыннан шыққан сес Жумагүлди қуъантты. Ери қыдырып кетсе қурыганда бир майдан сауа табады зой*⁹.

б) *Бул көз ушында көринген шаң агаши басындағы келиншекти қорқытайын деду*¹⁰.

в) *Ол жүдә тәсиршең еди. Қай жерде кеўли толгандай жағдайга дуўшарласса келемен дегенше билген қосықларын ыңылдар, ҳәзил-дәлкек гәпи менен мени де күлдирип отырап еди*¹¹.

г) *Дөгәрек даштағы жүз берип атырған бул жағдайлар жасыл қорықшыларды қатты тынышсызландырды*¹².

Келтирилган инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги таҳлилларга асослана- диган бўлсак, каузатив эмоционал феъллар бевосита каузацияланувчи объект олишади. Каузатив эмоционал феъл лексемаларининг семантик хусусиятлари синтактик бошқарув билан боғлиқ ҳисобланади. Демак кўп ҳолларда эмоционал каузативликнинг ифодаланишида сўз ёки бирикманинг структурасига таъсир этади. Эмоционал каузативлик фақатгина *феъл + каузацияланувчи объект* структураси билан чекланиб қолмайди. Инглиз тилида мазкур ифодага эга бўлган *do smb harm, make smb sad, treat smb badly* ва бошқа шу каби морфосинтактик структуралар мавжуд бўлиб, каузатив феъллар эмоционалликни англатувчи сифат ёки равишлар билан бирикиб ўзига хос эмоционал каузатив конструкцияларни ҳосил қилади. Ушбу конструкциялар ҳам салбий, ҳам ижобий каузатив эмоцияларни англатиш учун қўлланила олади. Эмоциянинг салбий ёки ижобийлиги эмоционалликни ифодаловчи сифат, равишнинг лексик-семантикасига боғлиқ. Феъл эса каузатив ҳаракатни бажаради:

⁹ Т. Кайлбергенов шығармалары 5 томлык, 4-том, «Қарақалпақ қызы» романы, Қарақалпақстан баспасы, Нөкис, 1980, 94-бет.

¹⁰ М. Дарибаев, Мыңлардың бири, Қарақалпақстан баспасы, Нөкис 1974, 24-бет.

¹¹ Муратбай Нызанов «Таңламалы шығармалары, VIII, Роман, гүрринлер, драбблер» Нөкис, «Билим» 2018, 24-бет.

¹² К. Алламбергенов, «Қуслар қайтқан кун» повесть хэм гүрринлер, Нөкис, Қарақалпақстан, 1995, 20-бет.



a) *When she was really determined – she decided **to make** her **happy*** (J. Krantz, 229);

б) *The thought that Emily would have to manage on her own **made** him **angry*** (J. Krantz, 266);

в) *I knew we shouldn't have come to Europe. It **makes** people **crazy!*** (J. Krantz, 28);

г) *The very word **filled** him **with horror*** (J. Krantz, 35).

Келтирилган мисолларда (а), (б) субъектнинг объектга нисбатан интенционал ҳаракати, яъни объект вазифасидаги шахсда салбий ёки ижобий эмоциянинг юзага келтиришга қаратилган бўлса, (в), (г) мисолларда маълум вазият, ҳаракат шахсни эмоционал ҳолатга олиб келган. Каузация феъл семантикаси ёрдамида ифодаланган.

Каузатив эмоционаллик қорақалпоқ тилида ҳам ўзига хос конструкция ва бирикмалар ёрдамида ифодалана олиш имкониятига эга. Мазкур бирикмаларда эмоционалликни англатувчи от ва сифатнинг феъл бирикмаси билан юзага келадиган мураккаб феъл аналитик шакли ва каузацияланувчи объект қатнашади. Мазкур ҳолларда эмоционаллик мураккаб феъл бирикмасидаги от орқали ифодаланади. Масалан:

а) *Неге анамның қайтыс болғанын кеўлим сезбеди?! Неге түсуме енбеди? Дурыс, енбеўи! Ақыры, мен оны **қапа қылып кеттим!*** (М.Нызанов, 2018, 132-бет)

б) *Бул сапары Маманды **хайран қалдырған** жағдай болажақ патшаның келбети болды: Маңлайы шуқыр, шекелери исикке усас, еринлери түрик, бир қараста жаңа туўылған балаға мегзейди, көзлерин ақ басып кеткендей, қарашығы биздей өткир екен*¹³.

в) — *Елге бахыт қараган жылы келиппен, алла, өзиң **бахытлы қыл.*** (Т. Қайпбергенов, Маманбий эпсанасы. 2018. 178 б.)

Каузативлик фақатгина субъект ва адресат ўртасида эмас, балки воқеа-ҳодисанинг таъсири натижасида адресатнинг эмоционал ҳолатга тушишига олиб келиши мумкин (а), (б), (в). Шунингдек, воқеа-ҳодисалардаги маълумотнинг салбий ёки ижобийлиги адресатда салбий ёки ижобий эмоционал ҳолатнинг юзага келишига сабаб бўлади. Каузатив эмоционаллик субъектнинг адресатни мажбурий, қутилмаган ҳолларда эмоционал ҳолатга туширишини англатадиган ҳаракат сифатида баҳоланади. Таҳлил жараёнида каузатив эмоционаллик ҳаракати бевосита субъект (шахс, ҳодиса, маълумот, нутқ бирлиги) адресат ёки объект (шахс) ва каузатив семантикага эга бўлган феъл, феълли бирикмалардан иборат бўлади. Умумий планда инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги каузатив эмоционалликнинг ифодаланиш структурасини қуйидаги схемада кўришимиз мумкин:

Инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги каузатив эмоционаллик таҳлили шуни кўрсатадики, ижобий каузатив эмоционаллик маълум маънода интенционаллик семантикасига эга. Шунингдек, субъектнинг адресатга нисбатан таъсир этиш мақсадидаги каузативлик ҳам интенционал каузатив эмоционалликни ифодалайди. Мазкур тилларда ифодаланадиган каузатив эмоционаллик структуравий, морфологик нуқтаи назардан фарқланади. Инглиз тилида каузатив эмоционаллик махсус бирикмалар билан маркерланган бўлса, қорақалпоқ тилида каузатив эмоционалликни билдирадиган махсус морфологик кўрсаткичларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Ҳар бир тилда феъл семантикаси гап таркибидаги барча лингвистик воситалар билан синтактик ва семантик жиҳатдан муносабатга киришади. Феъл билан муносабатга киришадиган лисоний бирликлар, гапдаги синтактик воситалар мазкур бирликнинг маъно ва мазмунини очиб беришга хизмат қилади. Бирор лексик бирликнинг синтактик сатҳда муносабатга киришиши категориал

¹³ Т. Қайпбергенов, Қарақалпоқ дэстаны, Маманбий эпсанасы. Нөкис. «Билим», 2018. 189 б.



маънолари ўзгаришига, семантик маънонинг ўзгаришига олиб келади. Гапларнинг нутқдаги синтагматик ва дифференциал белгилари фарқланади. Ҳар бир тилдаги мазкур дифференциал белгиларнинг, семантик-синтактик маъноларнинг ўзгариши ўша тилдаги феълларнинг бошқа бирликлар билан муносабатга кириши, морфологик хусусиятларига боғлиқ тарзда ўзгаради. Бу когнитив жараённинг маҳсули бўлиб, ҳар бир тил соҳибларининг она тил имкониятларидан самарали фойдаланишда кўзга ташланади. Маълумки, феъл семантикаси бошқа тил бирликларига қараганда, гапда, нутқда синтагматик боғланиши жиҳатдан бойроқ, самаралироқ

бўлиши билан бирга, маънолар мазмунининг ўзгаришида ҳам фарқланади. Феълларнинг семантик майдони турли синтактик бирикмалар, тузилмаларни ҳосил қилиш имконияти билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам феъллар ифодалайдиган маъно ва мазмунига кўра маълум лексик-семантик гуруҳларга ажратилади. Шунингдек, бошқа тил бирликлари билан муносабатга киришиш орқали юзага келадиган маънолар ҳам алоҳида таснифий категорияларни ташкил қилади. Мазкур таснифда аҳамиятли ўринга эга бўлган категория каузативлик саналади.

Инглиз тили	Қорақалпоқ тили
Causative verb + object	Объект + феъл + каузатив қўшимча -т, -ыт, -ит, -дыр, -дир ва бошқалар
Causative verb + object + emotional adjective or adverb	Объект + сифат (равиш) + феъл

Каузативлик категорияси феълнинг лексик маъноси ва объектга таъсирни англатувчи ҳамда шу таъсир натижасида объект ҳолати ўзгаришига учрайдиган лисоний ҳодисага нисбатан қўлланилади (В.П. Недеяков, 1969). Каузатив маънонинг юзага келишида сўзларнинг семантик таркибига кирувчи маъноли компонентлар, каузацияга учрайдиган объект ҳамда грамматик шакллар кириши мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур маънони ифодаловчи бирликлар бир неча тематик синфга тегишли бўлади. Улар жисмоний ва эмоционал таъсир этишни англатувчи, эмоционал-каузатив синфга оид ёки объект, субъект муносабатини ифодаловчи, маълум грамматик кўрсаткичларга эга феъллар фаоллашувида амалга ошади. Шундай қилиб, феълларни турли сатҳларда таснифлаш, динамиклик, статиклик белгиларини эътиборга олиш, акционал семантика ва грамматик шакл мутаносиблиги орқали уларнинг ички семантикасини очиб бериш, таҳлил этиш имкони кенглиги кўзга ташланади. Лексик-семантик тизимга луғавий ва фразеологик бирликларнинг маъно-мазмун

муносабатлари, улар ташкил қиладиган гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзаро алоқадорлик характери (лексик-парадигматик) ва тилнинг бошқа қуйи тизимлари билан боғлиқ томонлари, тил бирликларининг семантик ўзгаришидаги вариантлик каби ҳодисалар ҳам каузатив маъноларни ҳосил қилиши мумкин. Мазкур муносабатлар феълларнинг семантик гуруҳларини тилнинг турли сатҳларида таснифлаш имкони кенг эканлигини англатади. Бу борада каузатив маънога эга феъллар гуруҳи муҳим аҳамият касб этади. Каузатив феъллар ўзига хос лексик маънога эга бўлиш билан бирга, объект ва субъект муносабатига эга, маълум грамматик маркерлар воситасида муносабатга киришади, шунингдек, объект муносабатида резултатив семантиканинг ҳосил бўлишига таъсир этади. Натижада, каузатив тузилма ҳосил бўлади. Мазкур тузилмалар баъзи тилшунослар томонидан алоҳида фрейм тарзида ўрганилган (M.Rapaport Hovav, B.Levin; 2001, 766-797. W.Croft; 2012, 448. B.Heine; 1997, 359).



Шунинг учун ҳам каузатив конструкциялар доирасида юзага келадиган маънолар таҳлилида контекст билан бир қаторда каузатив ифоданинг прагматик жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш зарур саналади. Каузатив маъноларни ҳосил қиладиган тил бирликларига бағишланган тадқиқотларга эътибор қаратадиган бўлсак, уларда алоҳида йўналишлар, турлича ёндашувлар доирасида амалга оширилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Карриер ва Рандалл (2010) ушбу тузилмаларни диахроник нуқтаи назардан тадқиқ этган бўлса, В. Крофт (2012) Америка инглиз тили оғзаки нутқи доирасида тадқиқотлар олиб борган. О. Далл ва Е. Хединлар (2000) эса каузатив конструкциялар тадқиқига квалитатив жиҳатдан ёндашган ҳамда маъно нуқтаи назаридан тўртта турини ажратишган. Мазкур тилшунослар ва тадқиқотчилар каузатив конструкцияларнинг синтактик шаклланишларига ҳам эътиборларини қаратишган. Улар каузатив тузилмаларнинг семантик фаркланишига эътибор қаратмаган. Баъзи тадқиқотлар инглиз тилидаги битта, баъзан эса бир нечта каузатив тузилмалар таҳлиliga бағишланган. Ушбу тузилмаларнинг когнитив жиҳатлари борасида ҳам кўплаб қарашлар мавжуд (R.W.Langacker, 1999; Т.Белошапкина, 2008). Мазкур тадқиқотларда когнитив ёндашувнинг каузативликни тадқиқ этишда қўл келадиган асосга эгаллиги таклиф этилади. Чунки, каузативлик лисоний онгнинг фундаментал категорияларига мос келадиган ҳодиса сифатида баҳоланади. Мазкур тадқиқотчилар каузативликни “тафаккурнинг тажрибага асосланиши” (transcendental notion) сифатида талқин қилишади.

Туркий тилларда каузативликнинг таркибланиши, унинг категориал масалалари борасида қарама-қарши фикрлар мавжуд (Гузев 1990, 89). Бунга сабаб, баъзи тилшунослар каузатив маънога эга бўлган лексик маънолар, грамматик шакллар, синтактик бирикмалар таҳлилида ўхшаш бўлган европа

тилларидаги лисоний тадқиқот ва таҳлилларга таянишади. Аммо, таъкидлаш жоизки, европа тилларида (хусусан, инглиз, рус ва ҳоказо) каузатив маъноларни англлатувчи аниқ морфологик кўрсаткичлар йўқ. Туркий тилларда эса, таъкидланган маънони билдирувчи махсус қўшимчалар мавжуд. Ўзбек тилида мазкур маъно феълнинг орттирма нисбати сифатида маълум. Феълнинг орттирма нисбати –*дир, -газ, газ, -гиз, -ир, -ар, -ат* каби қўшимчалар қўшиш орқали ясаилиши таъкидланади¹⁴. Қорақалпоқ тилида ҳам ўхшаш ҳодисани кузатишимиз мумкин. Қорақалпоқ тилида феълнинг орттирма нисбат (қорақалпоқ тилида: феълдин өзгелик даражеси) қўшимчалари –*дир, -дыр, -гыз, -гиз, -ир, -ар, -т, -тир, -тыр*¹⁵ ва ҳоказо. Феъллар мазкур қўшимчалар қўшиш орқали тўлдирувчи вазифасида келган объектнинг ҳолатини ўзгаришига олиб келиши ёки бирор шахсга бошқа шахсни мажбурий тарзда маълум хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундаш каби маъноларни ифодаланишига нисбатан қўлланилади.

Масалан: *Сонлықтан гедейлер ҳүкиметин қулатып, есигинде сени тезек тергизип, маған от жаққтыражақ.* (К. Султанов, 9);

Мен күнделик дэптериме алган баҳамды қойдырып атырғанда: - Эне усылайынша ҳамме ўақытларда оқып жүриў керек. Оқысаң биледи екенсең гой, - деп мугаллим арқамнан қагып-қагып қойды. (Алламбергенов, 38)

Мазкур мисолларда эга вазифасидаги субъект каузатив воқеа-ҳодисани амалга оширувчи шахс бўлса, каузацияланувчи объект сифатида каузатор таъсирида ўзгаришга учраган ва ҳаракатнинг натижага эришган воқеа-ҳодисанинг юзага келишида муҳим ўрин тутди.

Маслан: ... *Ал, биразы тунлерде есик-тэрезеси ўңирейген қарабахананы*

¹⁴ Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М., Т., Ҳозирги узбек адабий тили. Тошкент - 2009. 184 б.

¹⁵ Даулетов М., Дауенов Е., Бекбергенов А., Ҳозирги қарақалпоқ эдебий тилининг грамматикасы. Нөкис: «Билим» - 1994. 206 б.



маканлаган байыўлылардың ет түршиктирип шықылықлаган даўыслары менен жолаўшыны **шорыштып** көп жыллар бой тиклеп турған. (Алламбергенов, 41)

Кузатив ҳодиса турли контекстда маъно нуктаи назаридан фарқланувчи натижаларни англатиши мумкин. Мазкур ҳодиса каузативликнинг мақсадли кўлланилиши ва унинг натижаси билан боғлиқ.

Масалан: *Сөйтип бул мылтықты ҳәр қашанда адамларды **қырылыстырып** жүрген қурал екенин ойлаган болар.* (Алламбергенов, 4).

Ушбу мисолда каузативлик воситасиз тўлдирувчи функциясидаги субъектга психологик таъсир маъноси юзага келган. Каузативлик маъноси ҳам лексик (**қырылыс**), ҳам морфологик (**-тыр-ып**) ҳамоҳанглигида ҳосил бўлган. Кўринадики, тил бирликларининг лексик маъноси ва грамматик шаклланишига боғлиқ тарзда маънолар ўзгаришига сабаб бўлади.

Маълум ҳолларда каузатив маъно бевосита феълнинг лексик маъноси ёки грамматик шакл орқали ифодаланганлигини белгилашда уларнинг қайси бирининг устунлигини аниқлаш мушкуллик туғдиради. Мазкур ҳолларда объектнинг иштирок этиши муҳим саналади. Психологик ёки механик каузация биргина феъл эмас, балки *феъл + каузацияга учраган объект* жуфтлигида юзага келади.

Масалан: *Дөгerek даштагы жүз берип атырган бул жағдайлар жасыл қорықшыларды қатты **тынышсызландырды**.* (Алламбергенов, 20).

Мазкур мисолда **тынышсызландыр** лексик бирлиги категориал кўшимчаси каузатив ифодани англатган бўлса, **-ды** кўшимчаси воқеа-ҳодисанинг натижасини ифодаловчи воқеликни акс эттирган.

Баъзи ҳолларда каузатив маъно феълнинг лексик маъноси бўлган мажбурлаш маъносини англатиб келади. Бунда объектнинг иштирок этиши муҳим саналади. Психологик ёки механик

каузативлик *феъл + каузативликка учраган объект* жуфтлигида юзага келади.

Масалан: ... *Аўылда қалган балалар, саўылмаган сыйыр, алыс жол **асыгыўга мәжбүрледу**.* (Каримов, 27); *Қарықтың жийегинен муштай-муштай кесеклер домалап түсип, ултандагы аз гана суўды **сылдырлатып жиберди**.* (Алламбергенов, 52).

Келтирилган биринчи мисолдаги **асыгыўга мәжбүрледу** физик каузативликни ифодалаб келган. Бунда субъектнинг ҳаракати натижасида объект сифатий ҳолатининг ўзгарганлигига (синганлиги) гувоҳ бўламиз. Объектнинг янги кўриниш олганлиги каузативлик объект ҳолатининг ўзгариши сифатида баҳоланади. Кейинги мисолдаги **сылдырлатып жиберди** бирикмасида психологик каузатив маъно ифодаланган. Психологик таъсир кечаётган воқеа-ҳодиса жараёнида субъектнинг сифатий ўзгариши маъносини англатган.

Таҳлиллар далолати кўрсатадики, каузативлик кенг маънода сабаб, мақсад, шартлилик, оқибат каби мураккаб муносабатларда юзага келадиган субъект + объект, субъект + субъект ўртасидаги боғлиқлик тушунилса, тор маънода каузативлик натижасида ҳосил бўладиган психологик, механик ҳодисалар, объект ва субъектдаги сифатий ўзгаришлар боғлиқлигининг ифодаланиши сифатида талқин этилади. Каузативлик категорияси жисмоний, психологик таъсир, мақсадли хатти-ҳаракатлар боғлиқлигида ҳосил бўладиган мунозарали семантикага эга саналади.

Қорақалпоқ тили феъл системасининг орттирма категориясига кирувчи морфологик кўшимчалар ҳамда феълларнинг кўпчилигида каузативлик маъноси мавжудлигини кузатиш мумкин.

Каузативлик семантикаси таркиби нафақат феъл, балки от билан ифодаланадиган маънонинг воқеланиши билан ҳам боғлиқ саналади. Мазкур ҳодиса Л. Талми томонидан каузал таркиб (causal structure) ёки динамик-кучга эга таркиб (force-dynamic structure) атамалари билан юритилади (Talmy 1988).



Каузативликни ифодаловчи феъллар иштирок этадиган гаплар кўпгина ҳолларда бир неча маъноларни англатиши мумкин. Мазкур маъноларни фарқлашда каузативлик ва эксперименталлик мезонларини ҳамда гапда иштирок этадиган тил бирликларининг семантик имкониятларини эътиборга олган ҳолда, гапнинг контекстига мурожаат қилиш орқали фарқлаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, қорақалпоқ тилида каузативлик феълнинг лексик маъноси, маълум морфологик шакллар ва контекст таъсирида юзага келади. Бунда

каузативлик асосий предикат билан биргаликда мураккаб кесим вазифасини бажаради. Субъект ҳаракати объектга таъсир этувчи сифатида субъектнинг психологик ҳолати ўзгариши билан боғлиқ. Контекстуал таҳлилда каузативлик прагматик хусусият (амалга оширилган ҳаракатнинг ишончлилиги) касб этади ва субъект томонидан амалга оширилаётган ҳара- катларда бирининг натижага эришилганлиги бошқасининг бажарилишига ундайди. Кейинги ишларимизда мазкур жиҳатларга эътибор қаратамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Болдырев Н.Н. Б 79 Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии. Тамбов: Изд-во Тамб. ун-та, 2001. Изд. 2-е, стер. 123 с.
2. Грайс Г.П. Философия языка/ Значение говорящего, значение предложения и значение слова. Ред.-сост. Дж. Р. Сёрл: Пер. с англ. Изд 2-е. М.: УРСС, 2010. -208 с (75-99)
3. Кайпбергенов Т. Шығармалары 5 томлық, 4-том, «Қарақалпақ қызы» романы, Қарақалпақстан баспасы, Нөкис, 1980, 94 б.
4. Дарибаев М., Мыңлардың бири, Қарақалпақстан баспасы, Нөкис 1974, 24б.
5. Нызанов М. «Таңламалы шығармалары, VIII, Роман, гүрриңлер, драбллар» Нөкис, «Билим» 2018, 24 б.
6. Алламбергенов К., «Қуслар қайтқан кун» повесть хәм гүрриңлер, Нөкис, Қарақалпақстан, 1995, 20 б.
7. Кайпбергенов Т., Қарақалпақ дәстаны, Маманбий эпсанасы. Нөкис. «Билим», 2018. 189 б.
8. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Курбонова М., Юнусова З., Абузалова М., Т., Ҳозирги узбек адабий тили. Тошкент - 2009. 184 б.
9. Даулетов М., Дәуенов Е., Бекбергенов А., Ҳәзирги қарақалпақ әдебий тилинин грамматикасы. Нөкис: «Билим» - 1994. 206 б.
10. Lakoff, G. (1990). 'The invariance hypothesis: Is abstract reason based on image-schemas?' *Cognitive Linguistics*, 1, 1, 39-74.
11. Talmy, L. Force Dynamics in Language and Cognition [text] / L. Talmy // *Cognitive Science*. – 1988. – Vol. 12. – N. 1. – P. 1–44.

Musayev A. On the conceptual study of causative meanings. The article deals with the incidents of causative constructions in the English and Karakalpak languages. The views of linguists such as Lakoff and Talmy on the linguistic concept to be studied are emphasized. Moreover, it has been shown that human activity is associated with many emotional-expressive processes, and this emotionality, expressive effect is mainly inextricably connected with causality. The object of our analysis was causative emotionality. In English, verbs such as to frighten, to tease, to dread, to horrify, to shame, to scare, to cheer up, to shame, to move, which signify a number of causative emotions, are intense and at the same time generate emotion (both negative and positive) in the addressee while in the Karakalpak language, causative emotional verbs (especially causativeness) are expressed by morphological suffixes such as -t, -it, -dir, -dir, which express causative emotional semantic meaning.



Мусаев А. Концептуальное исследование каузативных значений. В статье рассматриваются случаи возникновения каузативных конструкций в английском и каракалпакском языках. Подчеркиваются взгляды таких лингвистов, как Лакофф и Тальми, на изучаемую языковую концепцию. Более того, показано, что человеческая деятельность связана со многими эмоционально-экспрессивными процессами, и эта эмоциональность, экспрессивное воздействие в основном связаны с каузативностью. Объектом нашего анализа была каузативная эмоциональность. В английском языке такие глаголы, как пугать, дразнить, бояться, ужасать, стыдить, ободрять, двигаться обозначающие ряд каузативных эмоций, являются интенсивными и в то же время порождают эмоцию (как отрицательную, так и положительную) у адресата, в то время как в каракалпакском языке каузативно-эмоциональные глаголы (особенно каузативность) выражаются морфологическими суффиксами такие как -т, -ит, -ыт, -дир, -дыр которые выражают каузативно-эмоциональные семантические значение.



ТЕМПОРАЛЛИК ВА ЗАМОННИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ

*Бердиева Гўзал Низомжон қизи,
СамДЧТИ ўқитувчиси*

Калит сўзлар: *темпорал категория, замон тушунчаси, темпорал муносабат, темпорал фразалар, дейктик функция, темпорал адвербал.*

Темпорал бирликларнинг структурасини ядровий ва семантик хусусиятлар ташкил этади. Темпоралликнинг лексик-семантик майдонини кўпгина ҳолларда темпорал отлар, сифатлар, равишлар, юкламалар ва бошқа гап бўлаклари ташкил этиши мумкин. Мазкур темпорал дейктик кўрсаткичлар фақатгина замон кўрсаткичи бўлиб қолмасдан аспектual семантикани англатиб ҳам келади.

Замон деб номланувчи грамматик категориялар вақтнинг дейктик хусусиятлари ва аспектual билан бириккан ҳолда ифода планига кўчади. Лекин, улардан қайси бири муҳимроқ ўрин тутиши аниқлаш қийинлик туғдиради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тилда бир қанча соф темпорал аниқловчилар мавжуд бўлиб, улар тиллардаги аспектual белгиларнинг темпорал хусусиятларига мос тушади [4,18]. Бу кўпгина ҳолларда дискурда намоён бўлади. Дискурсининг референсия қисми берилган коднинг нуқтаси ёки ходисанинг дейктик хусусиятини аниқлагандагина аспектual нуқтаи назардан таҳлил этиш имконияти юзага келади [7, 119]. Аспектual мазмун таҳлили функционал-семантик майдонда амалга оширилади.

Функционал-семантик майдон “ўзаро таъсир қилувчи тил воситалари” [1,19] (морфологик, синтактик, сўз ясовчи, лексик-грамматик, лексик ва уларнинг турли бирикмалари), шунингдек, аспектual муносабатларнинг турли соҳаларига мансуб бўлган умумий семантик функциялари билан боғлиқдир. Феълларнинг темпорал бирликлар билан мослашиш жиҳатларини таҳлил этган Р. Деклерк замон назариясининг тўртта турли

параметрларини келтиради: 1. вақт ифодаси; 2. вазият вақти; 3. референция вақти; 4. Ориентация (йўналиш) вақти. Шулардан биринчиси фақатгина лаҳзалик маънони кўрсатса, қолганлари эса мулоқот вазиятидаги ҳаракат ва шунингдек, дуратив маъноларга нисбатан кўлланилади [5, 64].

Темпорал категорияларни замон тушунчасига асосланган бир тизим компоненти сифатида талқин этиш машҳур рус аспектолог Ю.С. Масловнинг ишларида кўзга ташланади. Хусусан, рус тилида матннинг темпорал таркиби замон, таксис ва вид категориялари эксплицит ва аниқ шаклларга асосланган ҳолда курилади. Дейктик кўрсаткичлар нутқ вазияти билан боғлиқ замон тушунчасини фарқлайди. Шунинг учун ҳам темпорал муносабатларда дейктик функция кўзга ташланади [2,5-9]. Умуман олганда, матндаги воқеа-ходисаларнинг мазмуний боғланиши феъл семантикасига бориб тақалади. Феълнинг асосий доменалари сифатида аспектual, темпорал-таксис, модал, коммуникатив-нисбат ва йўналиш-макон билан боғлиқ маънолар назарда тутилади. “Домен” атамаси Э. Далл томонидан киритилган бўлиб, [7–214р.37] унда кўрсатилишича «conceptual domains» ва «cross-linguistic gram-types» фарқланади. Биринчиси, феъл маъноларининг хилма-хил кўринишида концепт тушунчасига асосий эътибор қаратилса, иккинчиси, семантик зоналарга, яъни рус тилшуноси А.В. Бондарко [1–208] нинг («функционал-семантик майдон» назариясига ўхшаб кетади) ишларида учрайди.

Темпорал семантик майдон турли динамик вазиятларни (феъл



лексемасининг “ички вақт кўрсатгичи”) тасвирлаш усули сифатида талкин этилади. Темпораллик воқеа-ҳодиса, вазият ва ҳаракатнинг бажарилишида предикатнинг семантик (аспектуал) турини белгиловчи воситалар сифатида иштирок этувчи ҳодиса ҳисобланади.

Е. Падучева рус ва инглиз тилидаги аспектун предикатларни давомли вазиятларини типологик тарифлаш ва когнитив нуқтаи назардан таҳлил этиш жараёнида уларни икки катта турга ажратади; ТАШҚИ “периода наблюдения” (кузатиш даври) тушунчаси ва ИЧКИ “линейная структура ситуации” (вазиятнинг тизимли таркиби) [3-21-28.]. Ўз навбатида, муаллиф вазиятни тизимли таркибининг асосий кўрсаткичлари сифатида проспектив, прогрессив, резултатив, комплетив, пунктив, лимитатив каби турларни келтиради. Перфект “кучсизланган” резултатив ҳисобланиб, унинг асосий семантик эволюциясини иммедиамент, экспериенциал ва эвидиенциал перфектлар ташкил этади. Муаллиф, шунингдек, аспектни чегараланмаган процесс асосида “бирламчи” ва “иккиламчи” [3- 21-28.] каби турларга ажратади. Бирламчи турни ички фазани англатадиган дуративлик ва прогрессивлик ташкил этса, иккиламчи аспект хабитуалис, мультипликативлик процессларидан иборат.

Замон ва аспектнинг формал семантикаси жуда мураккаб бўлиб, вақт спецификаси фақатгина феъл ва феълли фразаларни қамраб олмасдан, бошқа турдаги ибораларни, шунингдек, отли фразаларни (*ex-mayor, husband-to-be, etc.*), сифатли фразаларни (*former, future, most recent, etc.*), ва энг муҳим жиҳати темпорал равишлар ёрдамида юзага келади. Темпорал равишларнинг формал семантикаси ички кечим, ташқи ифода, интенсив ҳаракатни ифодаловчи бўлишига қарамадан улар ёрдамида ясаладиган ибораларнинг семантик интерпретацияни ўрганиш майдон назарияси билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Улар замон, аспект ва темпорал кўрсаткичлар билан муҳим

алоқадорликка эга бўлиб, темпорал равишларнинг тадқиқоти замон ва аспектдан ажралмас бўлагига айланди. Албатта, вазиятни вақт кўрсатгичи, замонни ифодаловчи равишларнинг тадқиқи бевосита феъл семантикаси тадқиқини белгилайди. Шу давргача кўпгина тиллар доирасида темпорал равишларнинг алоҳида тадқиқотлари ҳамда уларнинг замон билан алоқадорлик хусусиятлар тадқиқотлари олиб борилган. Равишларнинг замонга ва аспектунликка хос ифода турлари фақатгина темпорал хусусиятга эга бўлмасдан локатив мазмуни ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам феълнинг замон ва аспектунликсини очиб беришда муҳим ўринга эга. Шу нуқтаи назардан, темпорал равишлар лексик ва синтактик кўринишга эгадир. Темпорал хусусиятга эга лексик равишларга қуйидагилар тегишли ҳисобланади: *already, always, earlier, eventually, forever, formerly, frequently, henceforth, hereafter, heretofore, immediately, lately, later, Mondays, mornings, never, now, nowadays, occasionally, often, once, presently, recently, sometimes, soon, then, thenceforth, thereafter, thereupon, today, tomorrow, yesterday, yet, . . .*

Мазкур равишлардан ташқари инглиз тилида темпорал семантикани ифодаловчи лексик бўлмаган, яъни фразали темпорал иборалар ҳам мавжуд:

after the party; after all the guests had left; all next week; at night; at noon; at 8:00a.m. on June 11, 1945; at 12:00 p.m. today; before now; every day; every once in a while; for a day; from now on; from time to time; in an hour; in June; last Tuesday; never on Sunday; next week; now and forever; now and then; once in a great while; since Tuesday; twice last week; until we meet again; within the twinkling of an eye; . . .

Темпорал семантикани кўрсатувчи сўзлар шунингдек от ёки отли бирикмалар ёрдамида ҳам ифодаланиши мумкин:

June, Monday, today, yesterday, . . .

Бундан ташқари умумий маънода қуйидаги отли фразалар ҳам темпорал маънога эга: *last week, next year, the day*



before yesterday, this coming Tuesday, tomorrow morning, every day, some time ago, . . .

Бу каби отли фразалар равишларнинг ички синтаксисига эга бўлиб, воқеа, ҳодисаларнинг содир бўлиш вақтини кўрсатувчи темпорал бирлик ёки ибораларни ҳосил қилишади: *he did it regularly, just now, today, every day, often he skips lunch, Mondays, every day, only today he skipped lunch, I'll do it soon, right now, some time in the near future, I did it quite recently, some time ago, some time during 1985.*

Ички синтаксис атамасида отли темпорал фразалар, лексик бўлмаган равишлар куйидаги учта гуруҳни ташкил этишади:

1. адвербиал фразаларнинг асосий бўлагини ташкил этувчи равишлар: *a few minutes later, all too soon, just now, long ago, not long after that, not often, not too soon, not very quickly, often enough, only now, quite often, very quickly, very soon, . . . or with temporal noun phrases as cores: just this moment, nearly noon, not next week, only today, . . . or with other adverbials as cores: not just now, not until June, not while I'm in charge here, only so long as you are quiet, . . .;*

2. предлогли фразалар: *after June, after the party, after the sofa (move the table after the sofa), after the termination of our contract, after your medicine (you'll feel better after your medicine), before now, before Tuesday, during most of 1848, since last June, until tomorrow afternoon, up to now, . . .;*

3. адвербиал эргашган гаплар: *after our contract terminated, after our contract terminates, as Tom was leaving, before you can say anything, since you went away, until we meet again, while the band played on, so long as we both shall live, for good, for once and for all, from now on, hour after hour, now and forever, right away, right off, right off the bat.*

Бундан ташқари, вақтни ифодаловчи адвербиаллар турли гап бўлаклари билан бириккан ҳолда ибораларни ҳосил қилишади ва мураккаброк жараён,

ҳодисаларнинг вақтини аниқлаш учун хизмат қилишади: *as often as you like but for no more than an hour, evenings at eight, every Monday morning at 11:00 a.m., for a few minutes before dinner this evening, not more than three times per month in the winter and four times a month otherwise, sometimes, when the wind comes from the north.*

Вақтни ифодаловчи адвербиаллар ўзларининг синтактик позициясига кўра ва бошқа адвербиаллар билан бирикиши орқали иккита хусусиятга эга бўлишади. Уларнинг биричиси берилган гап доирасида бўлса-да, берилган бир бўлак маъноли фразадан ташқарида ўз аксини топади. Улар одатда вергул ёки бошқа пунктуация билан, шунингдек, интонация билан ажратилади: *At present we live in London; By next weekend I'll be sick of exams; Day by day we are getting nearer to death; Five minutes later the rescue party was leaving; For generations, Nepal has produced the world's greatest soldiers; In those days, we were getting up at 7 o'clock; Next year we're going to have a holiday; One day I shall die; Suddenly I remembered the letter; This time last year I was travelling around the world; Twenty years later, Dick Whittington would be the richest man in London; When the spring comes, the swallows return; When we arrived she made some fresh coffee.*

Иккинчи тур равишлар гапнинг предикатли (фёълли фраза) фразаси доираси ичида фёълдан олдин ва шунингдек, кўмакчи ва етакчи фёъл ўртасида келади:

He rarely lets us know what he's doing; I always said he would end up in jail; I sometimes buy shirts at Harrods; I still haven't seen him; War no longer solves any problems; I've always walked to work; I was recently reading about an invention; They're still eating their dinner; This strange individual was later to be defendant in one of the most notorious murder trials of all time; Or they can come at the end of the verb phrase; Brahms completed his first symphony in 1876; You will feel better after this medicine.



Назарий жиҳатдан адвербиаллар гап структурасининг турли позицияларида келиши мумкин. Аммо, инглиз тилида бу ҳол ғайри оддий туюлади. *He will leave work soon for an unpaid holiday* гапидаги *soon* адвербиалининг келтирилган ушбу гапдагига нисбатан куйидаги перефразаларда қўлланилиши мақсадга мувофиқроқдир: *Soon he will leave work for an unpaid holiday; He will leave work for an unpaid holiday soon; He soon will leave work for an unpaid holiday; He will soon leave work for an unpaid holiday; Юқорида келтирилган гапдаги for an unpaid holiday* фразасининг қўлланилиши *soon* адвербиалининг позицион жиҳатдан ногўри бўлишига сабаб бўлган. Шунингдек, ушбу гапнинг объект билан боғлиқ бошқа позицияларида қўлланилиши ҳам гап структурасининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин: *he will leave soon work for an unpaid holiday; he will leave work for soon an unpaid holiday.*

Д.Доути инглиз тили вақт адвербиалларини синтактик жиҳатдан бошқача нуқтаи назардан талқин қилади. Муаллиф гапдан гапга ясаладиган адвербиаллар *today in today I saw a finch* ва феълли фразали адвербиал категорияларга ажратади *an hour in John slept for an hour.*[6- 547-619]. Мазкур категоризация *do so* прономиниализацияси орқали синтактик вазифани бажариши, яъни берилган гапнинг семантик, темпорал маъносини сақлаши мумкин:

John ran for twenty minutes but Susan did so for an hour.

John ran for twenty minutes and Susan did so I too.

Умумий планда адвербиаллар ва феъл фразалари битта синтактик синфни ташкил этадими?, деган савол Д. Доути томонидан қўйилади. Келтирилган икки гуруҳнинг ички синтактик алоқалари ўртасида турли синтактик категориялар билан таққослаганда фарқ йўқлигини таъкидлайди. [6-547-619]. Хусусан, инглиз тилидаги бир неча адвербиаллар *after, before, since* ва *'during, while', 'since'* турли категорияларга тегишли эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Улар гап доирасида

боғловчи, предлог вазифаларини бажаришади. Шунинг учун ҳам улар ички ва ташқи синтаксис сатҳида ўрганилади. Мазкур адвербиаллар ташқи синтаксисда темпораллик семантикасига эга бўлишса, ички синтаксисда темпоралликнинг диектик маркери вазифасини бажаради. Ички синтаксис кўпгина ҳолларда синтактик категорияларга боғлиқ ҳолда юзага келади. Мазкур мисолларга эътибор қаратамиз: *she had given up hope* гапи маълум бир маънода *she had given up hope by now* гапидан фарқланади. Иккинчи гапдаги *by now* бирикмаси иккита синтактик категориядан *by now* ташкил топган бўлса-да, бир хил семантик вазифани бажаради. Адвербиаллар гап доирасида бир нечта бўлиши мумкин. Аммо, уларнинг гапдаги синтактик ва семантик вазифалари турлича бўлиши мумкин: *in her youth she jumped rope over and over again for twenty minutes* гапида *in her youth* кенгроқ маънода темпорал кўрсаткичи сифатида қўлланилган бўлса, *over and over again* ва *for twenty minutes* адвербиаллари кўшимча фактатив маъно ифодалаш учун қўлланилган. Синтактик жойлашувига кўра мазкур адвербиаллар ушбу гапда эркинроқ қўлланилиши мумкин: *in her youth she jumped rope, over and over again for twenty minutes, in her youth she jumped rope, over and over again, for twenty minutes, for twenty she jumped rope, minutes over and over again, in her youth she jumped rope, over and over again for twenty minutes, in her youth she jumped rope, over and over again, for twenty minutes, over and she jumped rope, over and over again for twenty minutes, in her youth etc..*

Келтирилган бирикмалар адвербиал таҳлили синтактик, семантик, прагматик шароитларга боғлиқ. Улар ҳар хил синтактик ўрамда ва қўлланилиш позициясига кўра турли вазифаларни ва семантик маъноларни ифодалаб келишади. Мазкур темпорал равишлар замон кўрсаткичлари вазифасида ҳозирги, келаси, ўтган замонни кўрсаткичи, дейксиси вазифасини ўтайди. Масалан: *As I speak to you, I am lunching with my boss;*



Yesterday I lunched with my boss; Tomorrow I shall lunch with my boss.

Келтирилган мисолларда темпорал адвербиаллар вақт билан табиий боғлиқликка эга бўлиб, морфологик ва шунингдек, синтактик-семантик мослашган. Аммо, ҳар бир равишнинг маълум вазиятларда ўз қўлланилиш имконияти чекланади ва улар синтактик мослашса-да, маъно жиҳатдан мазмунга тўғри келмайди. Масалан: *As I speak to you, I was lunching with my boss; Yesterday I shall lunch with my boss; Tomorrow I lunched with my boss.*

Лекин, ҳамма темпорал адвербиаллар ҳам мазкур вазиятлардагидек қўлланилиш чегарага эга эмас. Улар барча, ҳозирги, келаси, ўтган замон шаклларида қўллана олиш имкониятига эга: *Monday I am lunching with my boss; Monday I lunched with my boss; Monday I shall lunch with my boss; I often lunch with my boss; I often lunched with my boss; I shall often lunch with my boss.*

Кўринадик мазкур ҳолларда темпорал равишларнинг қўлланилиши контекстга боғлиқ бўлади. Темпорал равишларнинг қўлланилиши ўз навбатида аспектга (аспектуаллик) ҳам боғлиқ. Улар феъл билан ифодаланган ҳаракатнинг давомийлиги, тугалланганлигини англатишади: *John is leaving now; John has just left; So meantime, I'm tying up the sail.*

Келаси замон адвербиаллари эркин қўлланишга эга бўлиб, яъни ҳозирги замон шакли билан ҳам муносабатга кириш имкониятига эга. Улар баъзи адабиётларда *futurate present*, яъни келаси-ҳозирги атамаси билан қўлланилади:

This following year Sue turns 40; Tuesday next we leave for Rome; Next year we're vacationing in France.

Юқоридаги мисолда келтирилган *This following year, Tuesday next* темпорал адвербиаллари феъл ифодалаган замон шаклидан мустақил ҳисобланса-да дейктик ибора сифатида маълум вақт жараёнидаги ҳаракатнинг давомийлигини кўрсатган. Бу каби индексикал ёки дейктик адвербиаллар вақт ҳамда нутқ

моменти билан ва вақт жараёнида ҳаракатнинг ривожланишини англатишади. Дейктик темпорал равишлар гуруҳини куйидагилар ташкил этиши мумкин: *just now, last week, next Monday, now, nowadays, this morning, at this moment, today, tomorrow, the day before yesterday, at present.*

Равишларнинг баъзилари аниқ вақтга ишора қилмасдан, ноаниқ хусусиятга эга бўлишлари, маълум вақт жараёнини қамраб олишлари ҳам мумкин. Бу туркум адвербиалларига куйидагиларни киритишимиз мумкин:

all day long, an hour a day, for an hour, frequently, often, sometimes, thereupon,

Баъзи ушбу анафорик кўрсаткичлар вақт рефренсияси билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади. Жумладан, *thereupon* кўрсаткичи 'right after that time', яъни ўша пайтдан сўнг маъносини англатади. Аммо *all daylong* *vasometimes* каби темпорал иборалар контекст доирасида тушунтирилади. Ушбу *you can eat celery all daylong and not gain an ounce*, мисолида аниқ вақт рефренсиясига эга эмас, лекин, *the day after her husband left her, Susan felt ill all day long*, мисолида эса "турмуш ўртоғининг кетганлиги" куннинг аниқ интервал вақти назарда тутилганлигини кузатиш мумкин. Албатта, кўпгина ҳолларда равишларнинг таҳлили уларнинг синтактик категорияси ва рефренциал семантикасига, воқеа-ҳодисаларнинг жойлашувига боғлиқ. Равишлар прагматик дискурда фарқланади ва бу ҳол маълум даражада уларнинг ички аспектual маъноларига тегишли бўлади. Стассен Леон [9-812 p.] таснифига кўра кўплаб темпорал равишлар дискурда куйидаги уч гуруҳдан бирига тегишли бўлишади:

1. *The frame adverbial* содир бўлган ҳаракат вақти орасидаги интервал тасвирланади. Улар асосан вақт интервалини ифодалаб келишади. Уларга тегишли индексикалларга *last week, next month, the day before yesterday, this morning, three days ago, today, yesterday* тегишли бўлса, индексикал бўлмаган



ибораларга *in 1848* ваон *June 7, 1848* каби ибораларни киритиш мумкин. Темпорал равишлар фреймлар аниқ вақтга мувофиқ (ишора) қилишлари ҳам мумкин: *now; precisely at noon on June 7, 1848.*

Темпорал равиш фреймлар махсус кичик категорияларни ташкил қилиб, вақтнинг бошланиш, тугалланиш қисмларини кўрсатиш учун хизмат қилади. Жумлада—*since last Tuesday, before Tuesday next*—ёки эҳтимол вақтнинг бошқа бир вақтини ифодалашади: *since the preceding Tuesday, before the following Tuesday.*

2. Сон (*number* ва *frequency*) ва фреквентатив темпорал равишлар ҳам маълум гуруҳни ташкил этиб, воқеа-ходиса, ҳаракатларнинг итерацияларини, такрорийлигини —*at least once, on a few occasions, several times, twice, two times*— ёки фреквентативликни кўрсатиш учун хизмат қилади: *annually, hourly, once a month, several times a year, twice a year.* Мазкур кўрсаткичлар воқеа-ходисаларнинг вақт оралиғида содир бўлиш жараёнини ифодалашади. Шунингдек, *every hour* каби иборалар соатлар оралиғида содир бўладиган ҳаракатларни такрорланишини ифодалаш учун қўлланилади. Такрорий аспектuali семантикани англатадиган *at regular intervals, regularly, repeatedly* каби темпорал адвербиаллар маълум вақт оралиғидаги ҳаракатларнинг итеративлигини англатиш учун хизмат қилади. Инглиз тилида шу каби маъноларни ифодалайдиган бир қанча мустақил иборалар мавжуд: *every once in a while, every so often, from time to time, hardly ever, on occasion, now and then, scarcely ever, very often, . . .*

Шунингдек, ҳаракатларнинг микдорини билдирадиган мазкур типга тегишли адвербиаллар ҳам бор: *biannually, every other hour, hourly, twice every three years.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бондарко А. В. Теоретические проблемы русской грамматики. СПб.: Изд-во СПбГУ, 2004. – 208 с., 19
2. Маслов Ю.С. К основаниям сопоставительной аспектологии // Вопросы сопоставительной аспектологии. 1978 –С 5-9. , 5-9

Фреквентатив равишлар ва микдорий адвербиаллар фрейм равишларидан дискурс функциясида фарқланишади.

3. *Durative* адвербиал фразалар тасвирланган воқеа-ҳодисанинг маълум белгиланган вақт оралиғидаги дуративлигини ифодалаш учун қўлланилади. Мазкур гуруҳга *for*, яъни *for an hour* каби предлоғли фразалар мисол бўла олади. Ушбу синфга оид бўлган фразали темпорал равишларга (*with*)*in or inside of, like (with)in an hour* тегишли бўлиб, улар илмий адабиётларда *containers* (контейнер), яъни қамраб олувчи маъносини англатади. Ушбу темпорал равишлар чегараланган жараённинг дуративлигини кўрсатиш учун ишлатилади. Келтирилган *for an hour* темпорал равишлари чегараланмаган процессларнинг дуративлигини ифодалайди (*she swam for an hour*).

Темпорал бирликлар темпорал равишлар кўрсаткич сифатида экспланатор, резултатив, нарратив, каузатив, эксплицит вақт давомийлиги, конъюнктивлик алоқадорликка эга.

Темпоралликнинг лексик-семантик майдонини кўпгина ҳолларда темпорал отлар, сифатлар, равишлар, юктамалар ва бошқа гап бўлаклари ташкил этиши мумкин. Мазкур бирликлар аспектuali вазиятдаги динамик/статив фрагментларнинг семантикасини аниқлашда темпорал- анафорик вазифани бажаради. Темпораллик ўз навбатида темпорал контекст семантикасини ташкил этади. Темпорал контекстнинг семантикаси деб, замон шакллариининг контекстдаги грамматик семантикаси тушунилади. У кўриляётган феъл шакллариининг ҳам функционал, ҳам узул хусусиятлари билан мувофиқлашади.



3. Падучева Е.В. Отпредикатные имена в лексикографическом аспекте. // *НТИ*, сер. 2, 1991, № 5, -С 21-28
4. Bhat D.N.S. The prominence of tense, aspect and mood. Philadelphia. 1999, -198 p.,18
5. Declerck R (1991) Tense in English: its Structure and Use in Discourse. London 1991 –P 64-305., 64-305
6. Dowty D. R. Thematic Proto-Roles and Argument Selection // *L*,
7. Dahl O. Tense and aspect systems.–Great Britain: The Bath Press, 1985. – 214p.37language,№ 67, 1991.–P. 547-619
8. Lyons J. Semantics, vol.1and – Cambridge: CambridgeUniversity Press, 1977. -897 p, 119.
9. Stassen Leon. Predicative Possession. OXFORD UNIVERSITY PRESS. 2009. 812 p.

Бердиева Г. Темпоральность и интерпретация времени. Данная статья посвящена теоретической трактовке темпоральности и категории времени в лингвистике, где изучаются ядерные и семантические особенности построения темпоральных единиц. В ходе исследования было определено, что лексико-семантическое поле темпоральности чаще всего выражается посредством временных существительных, прилагательных, предлогов и других частей речи.

Berdiyeva G. Temporality and interpretation of time. This article is devoted to the theoretical interpretation of temporality and time in linguistics, in which the core and semantic features of the structure of temporal units are studied. In the course of her research, the researcher determined that the lexic-semantic field of temporality is often the production of temporal nouns, adjectives, forms, prepositions, and other parts of speech.



ГЕНДЕР ТИЛШУНОСЛИГИ РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

*Ҳақбердиева Гулрух Толибовна,
СамДЧТИ ўқитувчиси*

Калит сўзлар: лисоний фаолият, гендер хусусияти, феминистик тилшунослик, парадигмалар, коммуникатив тилшунослик, социолингвистика, прагматика, феминистик қарашлар, гендерлик, концептлар таҳлили, тиллараро чоғиштириш.

Тил ва жинс муносабати масаласи узоқ пайт давомида тилшунослик доирасида ўрганилмасдан қолиб кетди. Аммо, XVII асрга келиб дунёнинг турли ҳудудларида сақланиб қолган “эгзотик” тиллар ҳақида маълумотлар пайдо бўла бошлади. Ушбу тилларда сўзлар қўлланиши ва талаффузининг эркаклар ва аёлларга хос алоҳида турлари мавжудлиги қайд этилди. Лекин, мазкур “кашфиёт”лар тилшуносларга тегишли бўлмасдан, балки шу ҳудудларда бўлишган сайёҳларнинг қайдлари эди. Бу соҳадаги кузатувлар асосида эркаклар тилининг етакчилиги эътироф этилиши ва аёллар нутқининг ундан чекиниш эканлиги ҳақидаги ақида турар эди. Натижада, асосий эътибор аёллар тилини тавсифлашга қаратилди. Бунда жинс, маълумот, маданият каби ҳодисаларнинг лисоний фаолият билан боғлиқ жиҳатлари эътиборсиз қолиб, тадқиқотчилар кузатилаётган фарқларни биологик жинс билан боғлайдилар. Нутқий фаолиятдаги фарқларни хотин–қизларнинг интеллектуал қобилиятдаги етишмовчиликлар билан изоҳлаш ҳақиқатан ҳам кулгили хулосадан бошқа нарса эмас. Афсуски, бундай кулгили асосиз хулосалар айрим машҳур ёзувчилар томонидан ҳам билдирилганининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, инглиз адиби Жонатан Свифт 1712 йилда эълон қилган “Proposals for Correcting the English Tongue” номли ишида инглиз тили товушлари талаффузида учрайдиган нуқсонларнинг барчасига аёлларни айбдор деб топади [17].

XX асрга келиб тил ва нутқий фаолиятнинг гендер хусусиятларига бўлган қизиқиш кучайди. Бунга, албатта,

жаҳоннинг етакчи тилшунос олимлари ушбу муаммога эътибор бера бошлаганлари бўлди. Бундан ташқари, шу даврдан бошлаб тилшунослик фанида тил ҳодисасини жамият ва унинг аъзоси бўлган инсонлар билан боғлиқ ҳолда тавсифлаш анъанаси вужудга келди. Шунингдек, турли “ибтидоий” тиллар мисолида эркак ва аёлларга хос вариантларни ўрганиш борасида тўпланган тажриба қатор тиллар тадқиқига татбиқ қилина бошлади.

Машҳурлардан бўлган Э.Сепир нутққа ва коасати тилларининг ижтимоий белгиларига эътибор бераётиб, жинс ва ижтимоий статус меъёрдан чекинувчи лисоний шакллар воситасида белгиланишини қайд этди. Ягона бир морфема талаффузида учрайдиган фарқларни кузатган омил бундай фарқ сўзловчининг жинси билан боғлиқлигини таъкидлайди. Демак, жинс кўплаб турлар морфологиясида ўз аксини топади [15].

Даниялик тилшунос олим Отто Есперсеннинг 1992 йилда нашрдан чиққан “Language: Its Nature, Development and Origin” номли иши гендер тадқиқотларида янги давр бошланишига тўртки берди, десак хато қилмасак керак. Мазкур китобнинг “The Women” деб номланган қисми хотин–қизлар тилининг эркакларникидан фарқли жиҳатларини ёритишга бағишланган [8]. Қариб архипелагида яшовчи қизил танлилар тилларини ўрганишган тадқиқотчиларнинг кузатувчиларига асосланган О.Есперсеннинг қайдича, эркаклар нутқида фақат уларга хос бўлган иборалар учрайди, аёллар бу ибораларни тушунишса-да, лекин, уларни ҳеч қачон талаффуз қилмайдилар. Худди шунингдек, аёллар тилида мавжуд бўлган ибора ва



сўзлар эркаклар нутқи учрамайди. Шу аснода, “аёллар эркакларникидан бошқа тил эгасидек кўринади” [8, 225]. Масалан, Боливияда яшайдиган чикато қабиласи вакиллари тилида суффиксларнинг кўлланиши ўзига хос хусусиятга эга, яъни эркак киши бошқа бир эркак ҳақида гапираётганида – *tii* суффиксидан фойдаланади, аёллар эса бу суффиксни кўллашмайди ва олмошларни родлар бўйича фарқламайди. Калифорниядаги яна шеvasида худди шундай ҳолатда–(n) а суффикси фаоллашади ва аёллар кўллайдиган сўз шакллари эркакларникидан қисқа бўлиши қоидага айланган [8, 228].

Олим, шунингдек, аёллар ва эркаклар нутқининг алоҳида хусусиятларига эътибор қаратади. Инглиз тилидаги “He is so charming”, “It was so kind of you to think of it”, “That’s so like you!”, “I am so glad you’ve come!”, “The bonnet is so lovely!” каби ундов гаплари таркибидаги *so* равиши интенсификатор сифатида тўлиғича аёллар нутқига тегишли. О. Есперсеннинг ушбу кўлланишга бераётган изоҳи бироз ғайритабиий кўринади. Унинг қайдича, аёллар ўз фикрларини тўлиғича шакллантирмасдан туриб гапира бошлайдилар ва оқибатда уларнинг нутқий ҳаракати охирига етмасдан қолади. Жумладан, “I’m so glad you’ve come” аслида *that* воситасида қўшиладиган эргаш гап билан тўлдирилиши керак эмиш: “I am so glad that I really must kiss you”) [8, 237].

Гап тузилишидаги фарқлар борасидаги кузатувларини давом эттирган О.Есперсен, бундан ташқари, аёллар уюшиқ гапларни, турли координатив боғламларни ёқтиришини, эркаклар нутқи эга гипотаксис тузилмалари ёки эргашган кўшма гапларга кўпроқ мурожаат қилишини қайд этади. Лекин, олим айни пайтда бу турдаги фарқлар мутлақ қонуният бўлмасдан, балки афзал кўриш характерида эга эканлигини эслатишни ҳам унутмайди.

Дарҳақиқат, О.Есперсен жинс омилининг лисоний фаолиятга таъсири ҳақида муҳим маълумотларни келтиради ва бу маълумотлар ўша давр учун

гендерология ривожининг кейинги босқичларида назарий тилшунослик соҳасига катта ҳисса қўшган олимнинг қарашлари тадқиқотчиларни етарли даражада қониқтирмаслиги маълум бўлди. Чунки унинг хулосалари мунтазам ва тизимли таҳлилга асосланмасдан, балки кўпинча шахсий мулоҳаза ва кузатувчилар натижаси эди [8].

Хуллас, тилда гендер омилига оид тадқиқотлар дастлабки пайтларда тилшуносликнинг сарҳадларидан жой олиб, онда–сонда олиб борилган кузатувлар ва улар ҳақида чиқарилган хулосалардан иборат бўлиб қолаверади. Аёллар ва эркаклар лисоний қобилияти тўғрисидаги хулосалар асосан тил меъёрлардан чекиниш нуқтаи назаридан белгиланди. Шунинг билан биргаликда муаммога бўлган қизиқиш тобора ошиб борди ва гендер тилшунослиги аста–секин шаклланиб, унинг мустақил тадқиқот соҳасига айланишига замин яратилди.

Ўтган асрнинг 60-70-йиллари гендер тадқиқотлари ривожда янги босқич бўлди. Шу йилларга келиб, ғарб мамлакатларида феминистик ҳаракатларнинг “иккинчи тўлкини” авж олиб, аёллар тенг ҳуқуқлиги йўлидаги кураш янада кучайди. Натижада, янги фан соҳаси феминистик тилшунослик юзага келди.

Ушбу соҳанинг пойдеворида, бундан ташқари, гуманитар фанларда, шу жумладан, тилшуносликда янги парадигмалар, тадқиқот йўналишларининг илдиз отиши туради. Структурализм ўрнига коммуникатив тилшунослик, социолингвистика, прагматика каби йўналишларнинг ривож топиши лисоний ҳодисаларни тил соҳибларининг руҳий, ижтимоий–маданий хусусиятларини инобатга олмасдан туриб етук даражада таҳлил ва хулосалар чиқариш мумкин эмаслиги исботлаб берди. Гендер ва тил муносабати антропоцентриқ ёндашувни талаб қилувчи муаммолардан бири эканлиги равшанлашди.

Америкалик олима Р.Лакоффнинг “Language and Woman’s Place” номли асарининг нашр қилиниши тилшунослик



фани учун ўзига хос воқелик бўлди [11]. Тадқиқотчилар томонидан “тилшуносларнинг диққатини турли жинслар вакиллари нутқидаги фарқларни сиёсат билан боғлаган биринчи китоб” [6, 35] баҳосига сазовор бўлган ушбу асарда аёллар ижтимоий мақомининг тилда акс топиши масаласининг умумий жиҳатлари ёритилган. Робин Лакоффнинг хулосасича, европа тилларида аёллар салбий жиҳатдан тасвирланган. Мазкур тилларда аёл асосан субъект вазифасида эмас, балки объект сифатида воқеланади, уларнинг нутқий хатти–ҳаракатида ўзига ишонч эркакларникига нисбатан кам бўлса-да, лекин, ҳурмат тамойилига амал қилиниши билан ажралиб туради [11, 83]. Муаллифнинг фикрига кўра, бунинг сабаби Европада аёлларга нисбатан бериладиган баҳо стереотиплар билан боғлиқ. Зотан, аёллик “юмшоқлик”, “бўйсунмаслик”, “итоаткорлик” каби сифатлар билан тенглаштирилади. Аёлларнинг нутқида қабъиятсизлик акс топишини уларнинг “That’all be all right, won’t it?” туридаги тасдиққа муҳтож сўроқ шакллари мурожаат қилишида, шунингдек, *very* каби равишлар ҳамда *a bit, not exactly* каби тахминни ифодаловчи иборалардан фойдаланишида кўринади. Бундай нутқий ҳаракатларда ҳеч нарса тўғридан–тўғри таъкидламасдан, воқеликка баҳо берилади, холос.

Робин Лакофф ҳар қандай ҳолатда ҳам феминист бўлиб қолаверади ва нутқий фаолиятнинг фарқли жиҳатларини ижтимоий–сиёсий нуқтаи назардан талқин қилиш измида бўлади. Бинобарин, аёлларнинг тасдиқни талаб қилувчи савол тузилмаларнинг кўллаши уларнинг билвосита ёки ошқора фикр ифодаси эркакларни хафа қилиши мумкинлигидан хавфсираши билан боғлайди. Аммо, олиманинг ушбу изоҳи исботсиз бўлиб, стереотипларга ишонишдан бошқа нарса эмас [6, 34]. Боз устига мутахассислар ўтказишган тажриба–синов натижалари кўрсатишича, юқорида эслатилган турдаги савол гаплари аёлларникидан кўра кўпроқ эркаклар нутқида учраган [7; 6, 34].

Феминистик тилшунослик вакиллари, албатта, инсонга оид барча фанларда (антропология, социология, психология, этнография каби) эришилган натижаларга мурожаат қилиши орқали тил сиёсатига таъсир ўтказишни режалаштирдилар [2]. Гендер тилшунослигининг ушбу йўналишида таъкидланишича, оламнинг лисоний манзараси барча тилларда эркаклар идрокига асосланиб, аёлларга эса иккиламчи роль ажратилади. Тил тизимидан ўрин олган стереотиплар, ўз навбатида, эркак ва аёллар нутқий хатти–ҳаракатларининг танлов доирасида белгилаб беради.

Феминистик қарашлар тарғиботчилари аёл киши жамиятда руҳий, ижтимоий, биологик ўрнини топиши учун, энг аввало, тил тизимида ўз ўрнига эга бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Шу боис, тилда турли жинс вакиллари тилдаги мувозанатсизлиги муаммосининг муҳокамаси, бир томондан, фалсафий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, сиёсат учун ҳам муҳимдир.

Шу аснода, аёллар тилини алоҳида ёки мустақил тил тизими сифатида талқин қилиш нақадар ҳақиқатга яқинлиги тўғрисидаги савол янада долзарблашади. Феминистик ёндашувни жон–жаҳди билан ҳимоя қилган Дейл Спендер хотин–қизлар тили эркакларникидан батамом фарқ қилишини исботлашга кўп уринди. Унинг фикрича, хотин–қизлар тилини эркак ва аёлнинг жамиятдаги мавқесига асосланадиган алоҳида “гендерлик” (*genderlect*) сифатида қабул қилиш керак. Зеро, аёллар нутқи эркакларникига нисбатан суст, иккиланишларга бой, мантиқсизроқ эмиш [16]. Феминистик тилшунослик соҳасидаги тадқиқотларнинг кўпчилигида эркаклар тилининг хусусиятлари, қонун–қоидалари ҳақида аниқ маълумотларни топиш қийин, бусиз аёллар қайси қоидаларни бузаётгани борасида хулоса чиқариш янада мураккаблашади. Ҳарҳолда, улар умумий тилшуносликнинг назария ғояларига таянишга мажбурдирлар. Улар ўзлари кузатаётган ҳолатлар аёллар эркакларнинг



давомчиси, изидан борувчи шахслар эканлигини исботлашини истайдилар. Д.Камерон айтганидек, “жинсга оид фарқлар борасидаги тадқиқотларнинг кўпчилиги аёл зотининг тобе ўринда туришини тасдиқлаш йўсинда боради” [6, 50]. Мазкур тадқиқотчиларнинг хулосалари уларнинг олдиндан шаклланган фикрларига бўйсунди ҳамда эркаклар нутқидаги иккиланишлар, ноокилона танловларни инкор этади. Оқибатда, эркаклар нутқи ижобий баҳога сазовор бўлса, аёлларники эса салбий тавсифни олади. Бироқ, эркаклар нутқида ҳам консерватизм ҳолатлари учраб туриши кузатилганида, бу ҳолат ижобий баҳоланади. Чунки, “бевосита нутқий мулоқотдан фойдаланаётган аёллар анъанадан чекинаётган” бўлса, “тўғри сўзлаш қобилиятига фақат эркаклар кодир”, деб ҳисобланади [10, 141-142].

Равшанки, феминистик адабиётларнинг баъзиларида гендер фарқлари турли фаразлар негизида изоҳланади. Шунингдек, аёлларнинг қоидаларга бўйсунувчанлиги ва улардан камдан–кам ҳолатларда чекинишларига берилаётган изоҳлар мурожаат қилинаётган назарий қарашлар ва таҳлил амалларининг тури билан ҳам боғлиқлиги аён.

Юқорида эслатилганидек, айрим тилшунослар эркак ва аёллар нутқидаги номуаносибликларнинг сабабини аёлларнинг жамиятдаги мавқеси билан изоҳлашга одатланишган. Бундай изоҳидан қониқмаган Р.Лакофф хотин–қизлар нутқини уларнинг лисоний хавфли ҳолати (linguistic insecurity) билан боғлайди. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ижтимоий мавқеси пастлиги билан изоҳланади [11]. Масалан, унли товушларнинг аёллар томонидан ўзига хос равишда талаффуз қилинишини биологик ва ижтимоий жиҳатдан изоҳлаш мушкул вазифа. Ушбу вазифани бажаришга ҳатто фонолабораторияларда олиб борилган тажрибалар ҳам унчалик кўмакдош бўлолмайди. Аммо, ушбу муаммо аёл ва эркаклар талаффуз меъёрларини, уларнинг гендер кўрсаткичларини аниқлаш учун

долзарб бўла олармикан?! Д. Камероннинг қайдича, бундай изланишлар балки мавжуд фарқларнинг сабабини топиш учун муҳимдир, бироқ бу фарқ аёлларга тил воситасида қандайдир зулм ўтказилаётганидан дарак бермайди. Бу ерда асосий нарса фарқнинг қандай қабул қилиниши ва унинг қандай оқибатларга олиб келишидир [6, 53].

Қарийб шундай ҳолат хотин–қизлар ижодига тегишли бадиий асарлар услубияти таҳлилида ҳам кузатилади. Романларини таҳлил қилган С.Леонарди гувоҳлик беришича, эркаклар нутқидаги гаплар поғонали кўринишга эга бўлиб, “эргаш гаплар тўпламидан иборат тузилмалар нима муҳим ёки муҳим эмаслиги ҳақида бир қарорга келиш учун имкон беради” [12, 151]. Бошқа бир тилшуноснинг кузатишича, В.Вульф, аксинча, эргаш гаплар ўрнига уюшган гапларни кўпроқ қўллайди [18]. Ҳақиқатан ҳам хотин–қиз адиблар яратган матнларда кўплаб эргашган гапларни учратиш мумкин ва бу гаплар турли вазифаларни бажарадилар. Демак, эркак ва аёллар усуллари алоҳида стереотип шакллarga эга эканлиги ҳақида ҳукм чиқариш мушкул вазифадир [14, 65].

Айтиш жоизки, феминистик тилшунослик назарияси атрофидаги мунозаралар давом этмоқда. Ушбу йўналиш, қатор камчиликлар, ноҳўя талқинлар мавжудлигидан қаъти назар, амалий тилшунослик тараққиётига катта улуш қўшди [4], [4].

Гендер тилшунослиги ривожидан давомида эркаклар тилига хос бўлган жиҳатларни ўрганишга бўлган эътибор кучайиб борди [13]. Тил тизимидаги маскулинлик ҳолатлари таҳлили, айниқса, ўтган аср саксонинчи йилларида авж олди. Ушбу ҳодисани ўрганган тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, эркаклик билан боғлиқ стереотиплар орасида “етақчи эркаклик” (hegemonic masculinity) тилда акс топади. Москва гендершунослик лабораториясининг бошлиғи А.В.Кирилинанинг таъкидича, “эркаклик тушунчаси, бир томондан, маданиятларaro фарқга эга бўлса, бошқа



томондан, эркаклик ва аёллик ҳаракатчан, турли даврларда ўзгариб турадиган концептдир” [3, 37].

Ушбу концептлар таҳлили жараёнида кўпчилик лисоний маданиятларда эркак зотининг умуман инсон сифатида идрок этилиши маълум бўлди [5]. Масалан, инглиз тилидаги Man, француз тилидаги homme, немис тилидаги Mann сўзлари шу мазмунга эга. Шунингдек, “эркак” ва “аёл” концептларининг лисоний воқеланиш имкониятлари ва воситалари турли тилларда тубдан фарқ қилади. Эркакликка ишора қилувчи тил бирликлари аёлларга

нисбатан қўлланиши оммалашган, аммо, эркак жинсидагиларга нисбатан аёллик белгисига эга номинатив бирлик қўлланганида кинояли мазмун юзага келиб, салбий образ тасаввур қилинади.

Аёл ва эркаларнинг нутқий хатти-ҳаракатлари маълум маданият доирасида шаклланган одоб-ахлоқ қоидалари мажмуасига мос келиши шарт. Мазкур қоидаларнинг аниқланиши маданий концептларни ажратиш ва тиллараро қоғиштиришга замин яратади [1].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вежбицкая А. Понимание культур через посредство ключевых слов. Язык. Культура. Познание. – М.: 1996.
2. Кирилина А.В. Гендер: лингвистические аспекты. – М.: Высшая школа, 1999. – 224 с.
3. Кирилина А.В. Гендерные компоненты этнических представлений (по результатам пилотажного эксперимента) // Гендерный фактор в языке и коммуникации. – Иванова: 1999. – С. 46-53.
4. Кирилина А.В. Развитие гендерных исследований в лингвистике // Филологические науки, 2003. № 5. – С. 51-56. Потапов В.В. Современное состояние гендерных исследований в англоязычных странах // Гендер как интрига познания. – М.: 2000. № 1. – С. 94-95.
5. Морозова А.А. Лингвокогнитивные содержание гендерных стереотипов женственности и мужественности (на материале испанского языка). Дисс... канд.филол.наук. – Самарканд: 2011. – 177 с.
6. Cameron D. Feminism and Linguistic Theory. – Macmillan, 1985. – 195 p.
7. Dubois B., Crouch I. The Questions of Tag-Questions in Women’s Speech: They don’t really use more of them, do they? // Language in Society, 1976. vol. 4.
8. Humm M. The Dictionary of Feminist Theory. Hemel Hempstead: Harvester Weatsheaf, 1989.
8. Jespersen O. Language: Its Nature, Development and Origin. – L.: Allen and Unwin, 1922.
9. Jespersen O. The Women // The Feminist Critique of Language. L.: Routledge, 1998. – P. 225-241.
10. Keenan E. Norm Makers, Norm Breakers; Uses of Speech by Women in Malagasy Community // Explorations in the Ethnography of Speaking. – Cambridge: CUP, 1974. – P. 142.
11. Lakoff R. Language and Woman’s Place. – New York: Harper and Row, 1975. – 372 p.
12. Leonardi S. Bare places and ancient blemishes: Virginia Woolf’s search for new language in Night and Day // Novel, 1986. – P. 150-164.
13. Martyna W. The psychology of the generic masculine // language, gender and Society. – Rowley: Newburg House, 1983. – P. 25-37.
14. Mills S. (ed). Language and Gender: Interdisciplinary Perspectives. – Harlow: Longman, 1995.
15. Sapir E. Selected Writings in Culture, Language, and Personality. – Berkeley: University of California Press, 1970.
16. Spender D. Man – Mode language. – L.: Routledge and Kegan Paul, 1980.
17. Swift Jonathan. Proposal for Correcting the English Tongue // Prose Works of Jonathan Swift. Vol. IV. – L.: Blacwell, 1957.



18. Tallintire D. Confirming intuition about style using coordances // The Computer in Literary and Linguistic Studies. – Cardiff, 1986.

Хакбердиева Г. Основные этапы развития гендерной лингвистики. Лингвистические способности женщин и мужчин, вербальное поведение женщин и мужчин. Этические правила в рамках той или иной культуры В результате концептуального подхода, помимо взаимодействия языка и культуры, гендерно-специфических явлений в разных языках, а также гендерных стереотипов, значение языкового сознания в определенных лингвокультурах. Представители гендерной лингвистики ввели категорию «Грамматический стержень». Факторы, влияющие на речевую активность мужчин и женщин, а также феномен пола в контексте лексической, фонологической, грамматической, методологической гендерной лингвистики языка и речевых систем.

Khakberdiyeva G. The main stages of development of gender linguistics. Linguistic ability of women and men, verbal behavior of women and men. Ethical rules within a particular culture. As a result of the conceptual approach, in addition to the interaction of language and culture, gender-specific events in different languages, as well as gender stereotypes, the importance of linguistic consciousness in certain linguistic cultures. Representatives of gender linguistics introduced the Grammatical rod category. Factors influencing the speech activity of men and women, as well as the phenomenon of gender in the context of lexical, phonological, grammatical, methodological gender linguistics of language and speech systems.



Х АСР ТОЖИК ШЕЪРИЯТИДА ҚИТЪА ЖАНРИНИНГ БАДИИЯТИ

*Ахмедова Дилором Исмаиловна,
СамДУ катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)*

Калит сўзлар: қитъа жанри, X аср тожик адабиёти, бадиий санъатлар, Рудакий, шоирлар ижоди, поэтика, бадиият.

Жаҳон адабиётшунослигида Шарқ адабиёти, адабий жанрлар, хусусан, лирик жанрларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда, энг аввало, мумтоз адабиётни олий бадиий мезонлар ҳамда дунёвий меъёрлар асосида ўрганишга кенг имконият очилди. Бу мезон ва меъёрлар негизида мумтоз шеърий жанрлар ва шакллардан мазмунан бойлиги, бетакрор жанрий хусусиятлари, шунингдек, воқеий ҳаёт ҳодисаларини ўзида мукамал акс эттириши билан ажралиб турадиган энг қадимги шеърий жанр – қитъани ўрганиш учун замин яратилди. Ана шу жиҳатдан мазкур мавзу аҳамиятли масалалардан бири сифатида ўзининг долзарблигини белгилаб беради.

Қитъани жанр сифатида англаш тожик адабиётшунослари Р.Ҳодизода, М.Муллоаҳмад, С.Саъдиевларнинг ушбу жанрга доир илмий мақолаларида кўзга ташланади[2, 3, 4, 5, 6, 7]. Шунга қарамай, қитъанинг барча жанрий ўзига хосликлари ҳали ёритилганича йўқ. Умуман, тожик адабиётшунослигида мумтоз шеърнинг бой мазмунга эга ва ниҳоятда жозибали жанри ҳисобланган қитъа жуда кам ўрганилган, унинг ўрганилиш даражаси муайян илмий мақолалар билан чегараланиб қолган. Қитъани нисбатан тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш, унинг бадииятини аниқлаш мазкур мақоланинг асосий мақсади ҳисобланади.

Шеър ижодида шоир тахайюли, нуқорида айтганимиздек, горизонтал томонга ҳам сайр этиб, унинг алоҳида байтларида ёки барча байтларида ҳам бадиият яратади. Аммо, қитъа асарларида бадииятнинг ушбу тури барча шеър байтларининг бирлиги ва ўзаро муносабатида эмас, балки унинг алоҳида

байтларида вужудга келади. У бунда жузъий бадиият ҳисобланади ва шеър поэтикасида иккинчи даражали мақомга молик. Биз фақат қитъа асарларини назарда тутган ҳолда, муносабат билдирмоқдамиз, ғазал ва қасида жанрлари юзасидан эмас, чунки уларда горизонтал шаклдаги бадиият асосий мақомга эга.

Қитъаларнинг “горизонтал бадиияти” “вертикал бадиият” билан биргаликда зоҳир бўлади, унга нисбатан кўмаклашувчи роль ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, шоирнинг бадиий ҳаёли горизонтал сайридан ҳосил бўладиган сўз санъатлари шеърнинг вертикал бадииятига хизмат қилади. Демак, сўз санъатлари қитъалар поэтикасида ҳам ўз роли ва мақомига эга. Улар X аср шоирлари қитъаларида ҳам тез-тез учрайди. Ушбу давр қитъаларида ҳатто бадиий қурилиши сўз санъатларига асосланган шеърлар ҳам кам эмас. Бундан ташқари, айтиш мумкинки, бундай қитъаларнинг айримларида шеърнинг умумий бадиияти сўз санъатларига асосланган. Буни Ҳанзала Бодғисийнинг қуйидаги қитъаси мисолида кўрамиз:

Ёрам сипанд агарчи бар оташ
хамефиканд

Аз баҳри чашм, то нарасад мар варо
газанд.

Ўро сипанду оташ н-ояд хаме ба кор
Бо рўи ҳамчу оташу бо холи чун
сипанд[1, 20].

Мазмуни: *Менинг ёрим кўз тегмаслиги учун оловга исуриқ ташларди, токи унга азоб етмасин. Ўт каби юз ва исуриқ каби холи билан унга исуриқ ва ўт фойда қилмайди.*

Ушбу қитъанинг икки байти бир-бирига композицион жиҳатдан боғиқлик



хосил қилиш орқали шеърнинг умумий бадииятини вужудга келтирган. Уларнинг боғлиқлиги икки ташбих юз – олов ва хол – исирик асосида амалга оширилган. Икки ташбих иккинчи байтда келтирилган бўлса-да, уларнинг сабаби биринчи байтда зикр этилган, яъни иккита ташбих шеърнинг икки байтига ёйилиб унинг бадиият асосини белгилаган.

Қитъаларнинг сўз санъатларига асосланган бадиий тасвирларининг муҳим бир афзаллиги уларнинг **янгилиги ва ноанъанавий** бўлганлигидадир. Қитъаларнинг бадиий тасвирлари янгилиги, албатта, бу жанрга хос бўлмай, ўша давр шеърнинг умумий бир имтиёзидир. Мумтоз форс-дарий шеърининг бошланиш ва такомил даврида унинг бадиий тасвирлари деярли янги бўлиб, ҳануз анъанавийлик ва такрорланиш тус олмаган эди. Ташбих, истиора ва бошқаларнинг айримлари ушбу давр назмининг бадиий санъатлари анъанаси каби кўринса ҳам, лекин, бу анъанавий хусусиятлар асосан кейинги давр шеърятига тегишли. Улар Х аср шеърида ҳануз анъана ҳукмига кирмаган эди. Ҳар ҳолда ушбу давр қитъаларида анъанавий тасвирлар жуда кам – жами бир-икки ҳолатда кўринади, холос. Жумладан, Истиғнойнинг куйидаги қитъасида маҳбуби Моҳ, Зухра ва Қуёш каби анъанавий ташбихлар билан васф қилинган:

Ба моҳ мондӣ, агар нестиш зулф сиёҳ,

Ба Зўхра мондӣ, агар нестиш мушкин хол.

Рухон-шро ба яқин гуфтаме, ки хуршед аст,

Агар набудӣ хуршедро кусуфу завол [1, 356].

Мазмуни: *Ойга ўхшарди, агар зулфи қоронғи бўлмаса, Зўхрага ўхшарди, агар хушрўй холи бўлмаганда. Агар қуёшнинг тутилиши ва заволи бўлмаганида, унинг юзини ишонч билан қуёш дердим.*

Аммо, бошқа барча ҳолатларда манзаралар тасвири ва васфу таърифларга ижод қилинган ташбихлар анъанавий хусусиятга эга эмас. Ҳатто тасвир ёки васф

керакли маълум ташбихларни қўллашни талаб этадиган ҳолатларда шоир шундай тайёр тасвир воситаларни эътибордан четда қолдириб, бошқа янги ташбих яратган. Масалан, ошиқ кўнгли хусусида шоирлар кўп тасвирлар, ўхшатишлар яратганки, уларнинг бир қисми Х аср шеърятига маълум эди. Лекин Абул Ҳасан Оғожий уларнинг бирортасини қўлламай, ошиқ кўнглини ўз маъшуқаси учун қалъа деб ҳисоблаган. Хусравий ёр васфида “хуррамлик маъдани” истиорасини ихтиро қилган ва ҳоказо. Ташбихни ижод қилиниши анъанавий тайёр тасвирлар такрори ўрнига шеър поэтикаси йўналишида мазкур аср сўз санъати усталарининг ижодкорлик ва яратувчанлик маҳоратидан гувоҳлик беради.

Ўша даврнинг барча шеърлари бадиий сўзларни излаш ва топиш, тасвирнинг янги-янги воситаларини ижод қилиш орқали яратилган. Ушбу давр шеъри ҳозиргача образларнинг анъанавий босқичига кирмаган эди. Шунинг учун образлар ва тасвирларнинг янгилиги қитъа асарларида ҳам намоён бўлади. Умуман, ушбу жанрнинг бадиий тасвири йўналишида анъана роли аҳамиятсиз, лекин, новаторлик мақоми қимматли кўринади.

Сўз санъатлари қитъаларда камроқ мавқе тутган бўлса ҳам, унинг ишқий, манзаравий ва мадҳий асарларида кўпроқ кузатилади. Сабаби маълум: қитъанинг ушбу уч тури ёки мавзуи қасиданинг шу мавзулари билан ягона бўлиб, улар таъсирида қитъа асарларида мақом топган. Маҳбуба васфи, табиат манзаралари ва қасида мадҳида бўлса, сўз санъатлари асосий ўрин тутди. Лекин, ҳикмат, ваъз мавзулари ёки турли фикрлар баёнига айтилган қитъаларда бадиий санъатлар жуда кам қўлланилган.

Ушбу давр шоирлари қитъаларида сўз санъатларининг бошқа афзаллиги кўпроқ уларнинг тафсилий шаклда қўлланилишидадир. Санъатларнинг тафсилий шаклини унинг бадиий тасвирининг вертикал хусусияти вужудга келтирган: улар аксар пайтда қитъанинг



икки байтида, шеърнинг барча матнида ёйилиб, бадий тасвир манзарасини кенгайтирган. Буни Хусравийнинг бир китъаси мисолида шарҳлаймиз:

Мурда-ст замй, абр бар ў дасти
Масеҳо,

Бемор-чаҳон, доди сабо-доруи бемор.

То абр Масеҳо шуду булбул ҳама
Инчил,

Бархонад бар кўҳ, падида ояд зуннор.

*Мазмуни: Ер ўлган, булут унга
Масеҳонинг қўлидир. Жаҳон бемор,
сабонинг адолати бемор дорисидир. Токи
абр Масеҳо бўлиб, булбул Инжилга
айланди. Тогга куйласа, зуннор кўринади.*

Шоир табиат (ер, олам)нинг уйғониши ёки тирилишининг бадий тасвирини гўё баҳор кунларида беморнинг тузалиш жараёнига ёки Исо (а) пайғамбарни ўликни тирилтиришига таққослайди. Бунда ерни ўлик, жаҳонни бемор, сабо шамолини бемор дориси, ёмғир ёғдирувчи булутни Масеҳо қўлидек тасаввур қилади ва шу билан беморнинг тўлиқ соғайиш манзарасини кўз олдида келтиради. Ушбу табобат манзараси марказида Масеҳо образи турадики, ўзининг мўъжизавий қўллари билан беморга шифо, ўликка жон бағишлайди. Унинг мўъжизавий даволаш фаолияти тасвири китъанинг биринчи байтидан ташқари, баҳорнинг ёмғир ёғдирувчи булутларига жон бағишловчи Масеҳо образида намоён бўлган иккинчи байтда давом топади. Бу байтда Инжил ўқувчи булбул образи ва унинг сеҳрли куйи билан Масеҳонинг табобат иши жараёни боғлиқ бўлмаса ҳам, лекин диний муносабатда умумийлик бор. Шу тариқа, баҳорги табиат ҳодисаларининг Масеҳонинг пайғамбарлик мўъжизасига қиёсланиши мазкур китъани тўлиқ қамраб олган. Бу бир муфассал ташбихдирки, шоир тахайюлининг вертикал сайри китъани икки байт ҳажмида яратган, лекин воқеалар манзарасини, иложи борича, кенгрок кўламда акс эттирган.

Хусравийнинг ушбу ошиқона китъаси ҳам тафсилий ташбихга асосланган:

Ба шигифтам аз он ду каждуми тез,

Ки чаро лоларо ба чуфт гирифт.
Бо ду каждум накард зифтй ҳеч,
Бо дили ман чаро-ш бинам зифт[1,
374].

*Мазмуни: Ўша икки чаёндан
хайратда қоламанки, нега лолани
жуфтликка олди. Икки чаён билан ҳеч
дағаллик қилмади, нега менинг кўнглим
билан тундлик қилади?*

Кўриниб турибдики, ушбу китъанинг икки байтида ҳам ёрнинг икки зулфи – икки чаёндан сўзланади. Зулфнинг ташбихи – чаёндан пайдо бўлган. Шу киноя санъати маҳбуба зулфининг бадий тасвири асосини шеърнинг икки байти ташкил этган.

Маълум бўладики, китъаларда ташбих ва баъзи бошқа сўз санъатлари кўпроқ ўзининг тафсилий шаклида қўлланилган.

Бизнингча, бу тасодиф ҳолат эмас. Шоирларнинг сўз санъатлари тафсилий шаклидан фойдаланишдан мақсади китъанинг композицион қурилишини вужудга келтириш ва унинг умумий (вертикал) бадииятига ноил бўлишидир. Дарҳақиқат, ташбихнинг кенг тафсилий шакли ва бошқа санъатлари деярли барча китъаларнинг биринчи байтини уларнинг кейинги байти билан узвий боғлайди ва шеърни яхлит қилади. Сўз санъатлари ушбу ҳолатларнинг барчасида шеър композициясининг яхлитлигини ташкил этувчи сифатида кўриниб, горизонтал бадий кўринишдан вертикал бадий тасвир унсурига айланган

Аммо кўринадики, сўз санъатлари ўзининг мўъжаз шаклида китъанинг вертикал бадииятини вужудга келтириш учун роль ўйнамаган. Бу фикрни Шаҳиднинг боғ манзараси ва абр ҳамда чакмоққа бағишлаган қуйидаги китъаси таҳлили орқали шарҳлаймиз:

Чун чалипои Рум аз он шуд боғ,
К-обрезест боғро зи ҳалй.

Абр чун чашми Ҳинд бинт Атба-ст,
Барқ монанди зулфиқори Алй[1, 720].

*Мазмуни: Боғ Рум салиби каби
бўлишига шу сабаб бўлдики, боғни ҳалидан
қудуғи бор. Булут Ҳинд бинт Атбанинг*



кўзи кабидир, чақмоқ эса Али зулфиқорига ўхшайди.

Биринчи байтда боғнинг бир ташбиҳи – салиб келган ва кўриб турганимиздек, иккинчи байтда давом топмайди ва мазмунан кенгаймайди. Иккинчи байтда бўлса, ёғувчи абр (булут) ошиқнинг йиғлаётган кўзига ва чақмоқ Али (р)нинг зулфиқори (қиличи)га таққосланган. Бу икки ташбиҳ ҳам байтнинг алоҳида ҳар бир мисрасида қисқа шаклда қўлланилиб, биринчи байтдаги боғ ташбиҳи – салиб билан боғлиқ эмас. Қитъада тасвирга сабаб бўлувчи нарсалар – боғ, абр, чақмоқ бир-бири билан яқин, яъни маъно ва мантиқ жиҳатдан алоқада бўлса-да, лекин уларнинг учта ташбиҳ қилувчиси бир-бири билан боғлиқ эмасдек гўё. Шунинг учун улар мустақил ташбиҳ ҳисобланадики, учаласи ҳам алоҳида қисқа шаклга келтирилиб, қитъанинг композициясини ташкил этмайди. Агар мазкур қитъанинг биринчи ва иккинчи байтлари орасида бирор композицион боғлиқлик мавжуд бўлса, у фақат тасвир предметлари билан амалга оширилган. Бундай ҳолатни Валволийжийнинг куйидаги қитъасида ҳам кўрамиз:

Чаъд дар симин пешониш гўй, ки магар

Лашкари Занг ҳаме ғорати Бағдод кунад.

В-он сияҳ зулф бар он ораз гўй, ки ҳаме

Ба пари зоғ касе оташро бод кунад[1, 406].

Мазмуни: *Зулф сим каби манглайида, Занг лашкари Бағдодни ғорат қилгандек гўё. Ва ўша қора зулф юзида кимдир қарга пати билан оловни елпигандек кўринади.*

Бу қитъада оқ манглайига зулф ва маҳбуба юзига қора зулф тушганида ижод

қилинган ҳар иккала ташбиҳ унинг юзида иккита ўхшаш лавҳани акс эттиради. Лекин улардан ҳар бир ўз ташбиҳ қилувчисига бошқа-бошқа воқеий манзараларни – Занг лашкарининг Бағдодни истило ва ғорат қилиши ва кимдир оловни қарга пати билан елпиганини кўз олдига келтиришади. Шунингдек, икки ташбиҳ биров тафсилий кўринса ҳам, уларнинг кенгайиши бир байт ҳудудидан чиқмайди ва шунинг учун улар аслида ихчам ташбиҳлар турига киради. Демак, бу қитъада ҳам сўз санъати фақат горизонтал бадииятни бир байт доирасида вужудга келтирган, холос.

Лекин бу тарзда ихчам шаклда ва мазмуннинг бадиий зийнати учун сўз санъатларининг бир байт ҳажмида қўлланилиши назарда тутилган даврнинг қитъанавислик тажрибасида камроқ учрайди. Ушбу даврнинг аксар қитъаларида бадиий сўз санъатлари (ташбиҳлар) кенг шаклда қўлланилиб, шеърнинг икки байтини қамраб, унинг вертикал бадииятини вужудга келтирган.

Сўзнинг хулосаси шуки, Бу кенг тасвирларнинг деярли барчаси тафсилий ташбиҳ санъатига оид бўлиб, айримлари бир байтда ва бир нечтаси қитъанинг ҳар икки байтида жойлаштирилган. Қитъаларда бадиий тасвирлар аксариятининг ташбиҳ санъатига тегишли экани, умуман, давр назмида ушбу санъатнинг асосий мақомининг кўринишидир. Лекин қитъаларда унинг кўпинча кенг шаклда қўлланилиши ушбу жанр поэтикасининг ўзига хос хусусиятини ташкил қилган. Қитъанинг жанр структурасидаги эркинлиги ҳам бадиий санъатларнинг кенг кўламли шаклларининг юзага келишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ашъори ҳамасрони Рўдакӣ. Таҳияи матн ва луғату тавзеҳот аз Худой Шарифов ва Абдушакур Абдусатторов. – Душанбе: Адиб, 2007.
2. Ёрмуҳамедов Ш.Р. Жанр кита в творчество Анвари Абебарди. АКД.-Душанбе, 2011.
3. Ёрмуҳамедов Ш. Жанри қитъа дар эҷодиёти Анварӣ.-Душанбе, 2011.
4. Имронов С. Ибни Ямини Фарюмадӣ. Ҳаёт ва мероси адабӣ.-Душанбе: Ирфон, 1966.



5. Муллоаҳмад М. Қитъа дар осори Рӯдакӣ \ Донишномаи Рӯдакӣ, ҷилди 3. - Душанбе; 2018.

6. Саъдиев С. Жанри қитъа ба мавқеи он дар шеъри асрҳои X-XII \ масъалаҳои филологияи тоҷик. Маҷмӯаи мақолаҳои илмии муаллимони кафедраи забон ва адабиёти тоҷик ДДС.-Самарқанд, 2008.

7. Ҳодизода Р., Шукуров М., Абдужабборов Т. Фарҳанги истилоҳоти адабиётшиносӣ.- Душанбе: Ирфон, 1966.

Аҳмедова Д. Использование художественных средств в жанре китъа таджикской поэзии X века. Тот факт, что оды (китъа) X века часто состоят из метафор, свидетельствует о том, что это художественное средство занимает основное место в поэзии этого периода. В данной статье показано место художественных средств, в том числе метафоры, в творчестве поэтов X века, а также их художественное мастерство.

Akhmedova D. Use of artistic means in the genre of kit'a of Tajik poetry of the 10 Th centuries. The fact that the odes of the 10th century often consist of metaphors indicates that metaphor has a major status in the poetry of this period. This article shows the place of literary arts, including metaphors in the works of poets of the 10th century, as well as their artistic skill.

“XORIJIY FILOLOGIYA” ILMIY-USLUBIY JURNALIGA MAQOLALARNI TAQDIM ETISH TARTIBI

Nashrga original, ilgari nashr qilinmagan maqolalar va jurnal mavzusiga mos keladigan materiallar qabul qilinadi. Original maqolaning hajmi 10-12 betdan oshmasligi kerak. Maqola Microsoft Word dasturi, «Times New Roman» shrifti, 14 kegl, sahifa maydoni barcha tomondan 2 sm va 1,5 intervalda rasmiylashtirilishi kerak.

O‘lyozmaning nomi:

Maqola va boshqa materiallar sarlavhasi yetarlicha qisqa, mazmunga muvofiq va 13 so‘zdan oshmasligi kerak.

Mualliflar:

Mualliflarning nomlari quyidagi tartibda to‘liq qayd etilishi kerak: familiyasi, ismi, keyin uning otasining ismi, ikki yoki undan ortiq mualliflar uchun vergul bilan ajralib turiladi. Oxirgi muallif qolgan muallifdan «va» so‘zi bilan ajratilishi kerak.

Muallif (lar) ning ish joyi:

Ushbu ma‘lumot quyidagi tartibda taqdim etilishi kerak: institut, shahar va mamlakat. Muallif o‘zining pochta manzili, telefon raqami, faks raqami (agar mavjud bo‘lsa), elektron pochta manzilini keltirib o‘tishi kerak.

Annotatsiya va kalit so‘zlar:

Agar maqola o‘zbek tilida yozilgan bo‘lsa, annotatsiya rus va ingliz tillarida; maqola rus tilida yozilgan bo‘lsa, annotatsiya o‘zbek va ingliz tillarida, xorijiy mualliflar uchun esa annotatsiya rus va o‘zbek tillarida qisqa va aniq bo‘lishi kerak. Annotatsiya “Adabiyotlar” dan keyin, 8-10 ta *kalit so‘z va iboralar* maqolaning boshida muallif nomidan keyin ko‘rsatilishi kerak.

Maqolaning mazmuni

Maqolaning *asosiy qismida* tadqiqot jarayoni va erishilgan natijalarning batafsil bayoni beriladi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

Adabiyotlar ro‘yxati GOST R 7.0.5.-2008 talablariga javob berishi kerak. (Sistema standartov po informatsii, biblioteknomu i izdatelskomu delu).

Matn ichidagi adabiyotlarga havolalar kvadrat qavs ichida muallifning familiyasi, nashr yili va sahifasi tartibida beriladi. [Bo‘ronov 2002: 3]. Agar havolada bir nechta adabiyotdan foydalanilganligi ko‘rsatilsa ular nuqtali vergul bilan ajratiladi [Safarov 2018: 30; Hakimov 2013: 76].

Maqolada *foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati* matn oxirida, alfavit tartibida “Adabiyotlar” sarlavhasi ostida beriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxatida oxirgi 10 yilda chop etilgan ishlar berilishi maqsadga muvofiqdir. Ilmiy maqoladagi adabiyotlar ro‘yxati 10 tadan, adabiyotlar sharhi esa 20 tadan oshmasligi kerak.

Adabiyotlar ro‘yxatini rasmiylashtirish bo‘yicha namunalar:

Monografiya

Bushuy T., Safarov Sh. Til qurilishi: tahlil metodlari va metodologiyasi. –Toshkent: Fan, 2007. – 234 b.

Roget P.M. Roget’s Thesaurus of English Words and Phrases. London: Penguin books, 2000. 810 p.

Jurnaldan maqolalar

Tregubov, A.N. O vozmojnostyax ispolz ya metoda binarnogo semanticheskogo analiza leksiki //Vestnik VEGU. - 2009. - №3(41). - S. 97-103.

Cornish F. Relations de coherence et anaphores en contexte inter-phrastique: une symbiose parfaite // Langages, 2006, 40e annee, n°163. P. 37–55.

To‘plamlardan maqolalar

Madjaeva S.I. Termin kak kognitivnaya edinitsa nauchnogo teksta / Термины в коммуникативном пространстве. Astraxan: Izd. Astraxanskogo gos. med. univ., 2017. S. 237–240.

Dissertatsiya

Gureeva E.I. Sportivnaya terminologiya v lingvokognitivnom aspekte: dis. ... kand. filol. nauk. Chelyabinsk, 2007. 175 s.

Internet-manbalar:

Kipling R. The Ballad of East and West [Elektronnyy resurs] // Kipling Society: [sayt]. URL: http://www.kiplingsociety.co.uk/poems_eastwest.htm (data obraçeniya: 24.01.2017).

Jadval va rasmlar

Maqolada jadval, formula, rasm va grafiklar bayon qilinadigan jarayonni matn shaklida berish imkoniyati bo‘lmagan holda berilishi maqsadga muvofiq. Barcha obyektlar oq-qora shaklda rangsiz bo‘lishi kerak. Barcha formulalar Microsoft Equation komponentidan foydalangan holda yoki aniq rasmlar shaklida rasmiylashtirilishi kerak.

Qisqartmalar va belgilar

Faqat standart qisqartmalardan foydalaning. Maqolaning sarlavhasida va annotatsiyalarida qisqartmalardan foydalanmang. Qisqartma matnda birinchi marta ishlatilishdan oldin (standart o‘lchov birligidan tashqari) bo‘lishi kerak.

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

Ilmiy-uslubiy jurnal

Samarqand

FOREIGN PHILOLOGY

language • literature • education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Muharrir	–	S. Karimova
Texnik muharrir	–	Sh.Abduraximov
Sahifalovchilar	–	Z.Usmanova

Samarqand davlat chet tillar instituti nashr-matbaa markazi:

Samarqand sh., Bo'stonsaroy ko'chasi, 93.

Bosishga ruxsat etilgan 04.07.2022.

Adadi 200 nusxa. Qog'oz bichimi A4.

Buyurtma №78. Times garniturası.

